

65-261.4

11-22.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси

Тоҳир Маликов

Солиқлар ва солиққа
тортишнинг долзарб
масалалари



“Академия” нашриёти

Тошкент
2002

БИБЛИОТЕКА
ТГПИ

338433

Такризчилар: Э.Ф.Гадов, Ўзбекистон
Республикасида хизмат
курсатган иқтисодчи, иқтисод
фанлари номзоди, доцент.

Э.Э.Эгамов, иқтисод фанлари
номзоди, профессор.

*Давлат ва жамият қурилиши академияси Илмий кенгаши
томонидан нашрга тавсия этилган.*

Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг
долзарб масалалари. - Тошкент, "Академия", - 204 бет.

Монографияда солиқлар, солиқ тизими ва солиқ сиёсатига
тегишли бўлган ҳозирги реал вазият таҳлил қилинган, солиқ-
лар, солиққа тортишнинг долзарб назарий ва амалий масала-
лари ўз аксини топган, солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик
боғлиқлик оммабоп тарзда очиб берилган ҳамда солиқ тизими-
ни ривожлантиришнинг замонавий концепциялари акс этти-
рилган.

Китобга солиқ атамалари изоҳли луғати илова қилинган

Китоб раҳбар ходимлар, солиқ, молия, банк ва божхона
tizимида фаолият кўрсатаётган мутахассислар, иқтисодий
йўналишдаги олий ўқув юрглари ва коллежаларининг илм то-
либлари ҳамда барча китобхонларга мўлжалланган.

ББК 65.261.4

Азиз китобхон!

Қўлингиздаги китоб Она-Ватанимиз мустақиллигининг меваларидан биридир. Буни чуқур ифтихор ва ғурур билан айтгим келади. Чунки неча-неча йиллар давомида Сиз ва биз молия, солиқ, пул муомаласи, кредит масалалари бўйича чиройли, бой ва ўзига хос тарзда ширали бўлган ўз она тилимизда - ўзбек тилида китоблар ўқишдан маҳрум бўлдик. Бундай мавзулар бўйича маърузалар ҳам аудиторияларни соф ўзбек йигит-қизлари тўлдириб турган бўлишига қарамасдан ўзга тилда ўқилди. Юртимизнинг турли чекка ўлкаларидан келиб, не-не машаққатлар билан талабалар сафидан ўрин олганлар иқтисод илмининг энг нозик ва энг нафис соҳаси ҳисобланган, дунёнинг ривожланган мамлакатларида муъжизакор санъат даражасига кўтарилган молия илмида ўзга тилда фикрлашга мажбур бўлдилар.

Мустақиллик шарофати ила буларнинг барчасига чек қўйилди. Бирин-кетин молия илмида ҳам ўзбек тилида ёзилган китоблар пайдо бўлаяпти. Қўлингиздаги китоб ҳам ана шулардан биридир. У юқори савияда ёзилгани билан ажралиб туради. Унда кутарилган масалалар ва билдирилган фикрлар, шак-шубҳасиз, Сизнинг иқтисодий билимингизни чуқурлаштиради ҳамда республикаимиз Президенти ва ҳукуматининг молиявий (солиқ) сиёсатини объектив идрок этишингизга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазири
М.Б. Нурмуродов

Муқаддима

Кейинги йилларда фаол равишда ва турли-туман доираларда кенг муҳокама этилаётган масалалардан бири солиқлар, солиқ тизими ва солиқ сиёсатидир. Масалага қизиқиш шу даражага бориб етдики, ўзини солиқ тўловчи деб ҳисоблаган ва ҳисобламаган ҳар бир шахс (унинг жисмоний ёки юридик шахс эканлиги принципиал аҳамиятга эга эмас) унга бефарқ қарай олмайдиган бўлиб қолди. Албатта, бунинг бир неча асосли сабаблари бор. Дастлаб, ана шу сабабларни қисқача тарзда бирма-бир қайд этиб ўтишга ҳаракат қилайлик.

Биринчидан, солиқлар, солиқ тизими ва солиқ сиёсати доимий равишда жамият аъзоларининг манфаатларига бевосита ёки билвосита ўз таъсирини кўрсатади. Бундай шароитда жамият аъзолари томонидан ўзига хос тарздаги «реакция»нинг бўлиши, табиийдир;

Иккинчидан, бозор иқтисодиётига хос бўлган муносабатларнинг ривожланиши солиқлар, солиқ тизими ва солиқ сиёсатида кескин ўзгаришлар бўлишини тақозо этади. Ўз навбатида, амалга оширилган ўзгаришлар тегишли шахслар томонидан ўзига хос тарзда идрок этилишини кун тартибига қўндаланг қилиб қўяди;

Учинчидан, масалага бефарқ қарай олмасликнинг сабабларидан бири солиқлар, солиқ тизими ва солиқ сиёсатининг маълум маънода мажбурийлик характерига эга эканлигидир. Шунга мос равишда мажбурийлик ҳолати «акс таъсир»нинг бўлишини келтириб чиқаради;

Тўртинчидан, солиқлар, солиқ тизими ва солиқ сиёсати иқтисодий муносабатларнинг шундай бир нозик соҳаларини ўзида акс эттирадики, уларни ҳис қилиш ёки идрок этиш жамият аъзоларидан маълум даражада «махсус» тайёргарлик қўришни тақозо этади;

Бешинчидан, муҳокамалар жараёнида ёки муносабатлар билдирилаётган пайтда солиқлар, солиқ тизими ва солиқ сиёсатига тегишли бўлган саволларга етарли даражада кучли ёки ишончли жавоб берилмаяпти. Қандайдир бир саволларнинг жавоблари ҳамон «очик», ноаниқ бўлиб ту-

рибди. Бу, ўз навбатида, уларни бошқа бир жойда, бошқа бир доирада ва бошқа бир даражада (савияда) муҳокама қилишни кун тартибига қўймоқда ва ҳ.к.

Бу ва шунга ўхшаган бир неча сабаб ҳамда омилларни инобатга олган ҳолда солиқлар, солиқ тизими ва солиқ сиёсатига тегишли бўлган мамлакатимиздаги реал вазият қўлингиздаги монографиянинг биринчи бобида таҳлил қилинган. Ана шу реал вазиятга хос бўлган бир неча «Нима учун?», «Нега?» шаклидаги ҳаётий саволларга жавоб бериш учун мамлакатимиздаги вазиятни таҳлил остига олиш билан биргаликда биз хорижий мамлакатлар тажрибасига муурожаат қилдик. Лекин илғор, диққатга сазовор ва эътиборга лойиқ жойлари жуда кўп бўлишига қарамадан солиқлар, солиқ тизими ва солиқ сиёсатини янада самаралироқ бўлишини таъминлашда, уларни давр талабларига мос равишда такомиллаштиришда улардан ҳамма вақт ҳам фойдаланишнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатдик. Ушбу бобда таҳлил остига олинган муаммоларнинг ёки жавоби изланган саволларнинг баъзи бирлари «Муаммони кун тартибига қўйиш» шаклида баён қилингани учун китобнинг кейинги қисмларида уларнинг айримларини кенгрок ёритишга ҳаракат қилдик.

Монографиянинг навбатдаги иккинчи боби солиқлар, солиққа тортишнинг долзарб назарий ва амалий масалаларини тадқиқ этишга бағишланган. Унда солиққа тортиш назариясининг энг долзарб муаммоси, солиқларнинг иқтисодий тартибга солиш инструменти эканлиги, солиқлар ва хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этиш масалалари, солиқлар жорий этилиб солиқ тизимига асос солинаётган ва солиқ сиёсати ишлаб чиқилаётган пайтда, аксиома сифатида инобатга олиниши лозим бўлган ҳамда уларнинг тўғрилиги аллақачон тасдиқланган, бизнинг шароитимизда кўпчилиكنинг назаридан четда қолаётган тамойилларга эътибор қаратдик.

Китобнинг «Солиқ ва имтиёз диалектикаси» деб номланган боби ўзига хос тарзда ёзилган. Унинг бир қисми, асосан, оддий солиқ тўловчиларга мўлжаллангандир. Унда биз оммабоп тарзда, оддий тилда, илмий атама ва иборалардан онгли равишда қочиб солиқ ва имтиёз ўртасидаги

диалектик боғлиқликнинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилдик. Унда билдирилган айрим фикр ва мулоҳазаларда бизнинг ҳис-ҳаяжонга, эҳтиросга берилганимиз очик-ойдин кўриниб туради. Айрим ўринларда аччиқ, қочириқли сўзлар ҳам ишлатилган. Муаммоларни ёки масалаларни ҳис-ҳаяжонга берилиб баён этиш, одатда, мақбул бўлмаган вариант саналса-да, лекин бу ўринда бундай ёндашув масаланинг моҳиятини очиб беришда энг қулай йўл сифатида танланган. Бу тарзда иш тутиш муаммонинг асл моҳиятини билишга қизиқишни анча юқори поғонага кўтарди ва бу ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Шу бобнинг иккинчи қисми оддий солиқ тўловчиларга нисбатан иқтисодий билимлилик даражаси анча юқори бўлган иқтисодчиларга ва айрим иқтисодчи олимларга қарата ёзилгандир. Бизнинг фикримизча, Американи кашф этмасдан, янгидан велосипедни ихтиро қилмасдан, доноликни даъво қилмасдан бу ерда билдирилган фикрлар алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, улар аллақачон эсдан чиқиб кетган, эътибордан четда қолган, риоя қилинмасдан келинаётган нарсаларни эсга туширади, эътиборга олинмишни ва риоя қилинишни тақозо этади ва ниҳоят, етарли даражада асосланмаган «тайёр рецепт»ларнинг сонини кескин камайтириши мумкин.

Китобда солиқлар, солиқ тизими ва солиқ сиёсатига тегишли бўлган давлатнинг ёндашуви масаласига алоҳида ўрин берилган. Бу масалалар, энг аввало, давлат раҳбари бўлган Президент нутқларида, фармонларида ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида оператив равишда ўз аксини топганлиги учун биз ўз диққат-эътиборимизни шу масалаларга нисбатан давлат раҳбарининг фикрларини таҳлил қилишга қаратдик. Таҳлил натижасида икки асосий хулосага келинган:

1. Солиқлар, солиқ тизими ва солиқ сиёсатининг Ўзбекистонга хос бўлган назарий асослари (масалалари) Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов томонидан яратилган.

2. Солиқ тўловчилар томонидан «Солиқлар, солиқ тизими ва солиқ сиёсатига тегишли бўлган пастдаги реал вазиятдан юқоридагиларнинг хабари йўқ!», -қабилда билдириляётган фикрлар асоссиз эканлиги исботланган. Чика-

рилган ҳар икки хулоса фуқароларнинг иқтисодий билим-лилик даражасини белгилашда принципиал аҳамиятга эгадир.

Китобнинг сўнги бобларидан бири солиқ тизимининг замонавий концепцияларини таҳлил қилишга бағишланган. Унда биз фақатгина Ўзбекистонда эълон қилинган материаллар ёки ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан турли доира ва давраларда билдирилган фикрларни таҳлил қилиш билан чекланиб қолмасдан, балки бу жараёнга ўтиш даврини ўз бошидан ўтказаётган барча мамлакатлардаги материаллар ва фикрларнинг аксариятини жалб этдик. Хуллас, китобнинг бешинчи боби бозор иқтисодиётига ўтиш даври бўлган мамлакатлар тажрибасининг (амалиётининг) таҳлили маҳсулидир.

Монографиянинг ниҳоясида солиқ атама ва ибораларининг изоҳли луғатига тегишли бўлган материаллар ўз аксини топган. Уни тузишда биз фақат Ўзбекистонга тегишли бўлган маълумотлар билан чекланмасдан, балки шу соҳага тегишли бўлган илгор хориж тажрибасига ҳам таянганмиз. Масалага бу тарзда ёндашиш дунё ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси сифатида ўзбекистонлик солиқчилар ва солиқ тўловчиларнинг хорижлик ҳамкорлари билан бир тилда гапириш, бир тилда фикр юритиш ва бир хил тарзда тушуниш имконини беради.

Солиқлар, солиқ тизими ва солиқ сиёсати бўйича илмий изланишлар олиб боришни ёки ўзларининг иқтисодий (молиявий) билимлилик даражаларини мустақил равишда оширишни (яхшилашни) ният қилганлар учун китобнинг сўнги бетларида келтирилган ҳамда шу масалага бевосита алоқадор бўлган адабиётлар рўйхати ҳам фойдадан холи эмас.

Монографиянинг иккинчи боб, учинчи параграфи иқтисод фанлари номзоди, доцент Н.Ҳайдаров билан ҳамкорликда ёзилган. Шунингдек, бу муаллиф тўртинчи бобнинг материалларини нашрга тайёрлашда ҳам иштирок этган.

Т.С.Маликов,
иқтисод фанлари доктори,
профессор.

I-БОБ. Солиқлар, солиқ тизими ва солиқ сиёсати: вазиятга бир назар

Кейинги бир неча йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси буюк иқтисодий экспериментни ўз бошидан кечираяптики, унга қўра халқ ҳужалигини режали усулда бошқаришдан иқтисодий тараққиётнинг бозор механизмларидан фойдаланишга ўтилаяпти. Янги иқтисодий инструментлар аввалги иқтисодий тизимнинг қолдиқ элементлари ва иқтисодий муносабатлар субъектларнинг онгида мустақкам илдиз отган анъаналар билан биргаликда яшамоқда. Бу жараён ўтиш даври иқтисодиётига эга бўлган мамлакат бир вақтнинг ўзида ҳуқуқ, сиёсат ва иқтисодиёт соҳаларида тегишли ўзгаришларни параллел равишда амалга ошириш зарур бўлганлиги учун янада мураккаблашаётир. Иқтисодиётни қайта қуриш ишлаб чиқаришнинг қисқаришига, инфляциянинг ўсишига, ишсизликнинг вужудга келишига, давлат секторининг кескин қисқаришига олиб келди. Бу салбий ҳодисаларга барҳам беришимиз керак. Солиқ сиёсати ва мамлакатимиздаги солиқ органлари тизимининг самарали ислоҳ қилиниши иқтисодиётимизни бозор изига кўчиришда муваффақиятга эришишнинг асосий омилларидан бири эканлигини ҳозирги пайтда деярли ҳамма тан олаяпти.

Солиқлар муаммоси бизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар амалиётидаги энг мураккаб муаммолардан биридир. Бугунги кунда жуда кескин танқидга учраётган, жуда қайноқ мунозараларга сабаб бўлаётган, ислоҳ қилиш бўйича таҳлил объекти ва қарама-қарши ғояларга эга бўлаётган солиқлардан бўлак ислохотларнинг бошқа бир йўналиши йўқдир. Бошқа бир томондан эса, солиқ тизими бозор муносабатларининг энг муҳим элементларидан бўлиб, мамлакатдаги иқтисодий ўзгаришларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан унга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда яратилган солиқ тизимини кескин (тубдан) қайта ўзгартириш туғрисидаги таклифларга жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш

зарур. Бундай ҳолларда фақат бир дақиқалик самарани (қайтим-ни) ҳисобга олмасдан, балки бу таклифларнинг мамлакат иқтисодиёти ва молиясининг барча томонларига қай даражада таъсир этиши, албатта, инобатга олинмоғи лозим.

Табиийки, идеал (бенуқсон) солиқ тизимини жамиятдаги иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, ундаги яратилган илмий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ҳисобга олувчи муҳим назарий асос ёрдамидагина яратиш мумкин.

Солиқ тизими хўжаликлардаги бозор муносабатларини ривожланишига таъсир қилиши, тadbиркорликнинг тараққий этишига ёрдам бериши ва бир вақтнинг ўзида аҳолининг кам таъминланган қатлами турмуш тарзининг пасайиб кетишига тўсқинлик қилиши керак.

Ана шундай шароитда бозор иқтисодиётида солиқ тизимини ташкил қилишнинг асосий тамойиллари тариқасида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадлари, уларнинг мулквий аҳолини ҳисобга олиш имконини берувчи солиқ тизими, уларнинг турлари, тўғри (бевосита) ҳамда эгри (билвосита) солиқлар нисбатининг бозор иқтисодиётининг ривожланишига мос тарзда ривожланиши;

- мулкчилик шаклига ва унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларига боғлиқ бўлмаган ҳолда хўжалик юритишнинг самарадорлиги учун барча солиқ туловчиларга нисбатан ягона талабларни ўрнатиш мақсадида солиққа тортиш услубларини универсаллаштириш;

- даромад олишнинг манбаи, хўжалик юритиш соҳаси ва иқтисодиётнинг тармоғига боғлиқ бўлмаган ҳолда солиқ миқдорини ҳисоблашда бир хил ёндашиш;

- солиққа тортишнинг бир маргалилик тамойилини таъминлаш ва икки маргалик солиққа тортишга йўл қўймаслик;

- солиқ туловчига корхона ва ташкилотнинг соғлом ривожланишини таъминлайдиган, ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш имконини берувчи солиққа тортишнинг ҳиссасини (қисмини) ҳамда солиқ ставкасини белгилашнинг (ўрнатишнинг, аниқлашнинг) илмий жиҳатдан асосланганлиги;

- даромад даражаси ёки мол-мулкнинг қийматига ва

бир вақтнинг ўзида ҳужалик юритишнинг бозор асосларини соғлом ривожланишига шароит яратиб беришига қараб солиқ ставкаларини табақалаштириш (дифференциациялаштириш);

- узоқ вақт давомида солиқ ставкаларининг барқарорлигини, уларни ҳисоблашнинг оддийлигини таъминлаш;

- тадбиркорлик фаолиятига маблағларни инвестициялаштириш жараёнини реал рағбатлантирадиган ва бир вақтнинг ўзида ижтимоий адолат тамойилларига жавоб берадиган, фуқароларга кун (ҳаёт) кечириш минимумини кафолатлайдиган солиқ имтиёзлари тизимини ўрнатиш;

- солиқ туловчиларнинг барча тоифаларига нисбатан солиқ имтиёзларининг ягоналиги;

- кучли, аниқ ишлайдиган, техник жиҳатдан яхши жиҳозланган солиқ хизматини яратиш;

- давлат бошқарув даражаси бўйича солиқларнинг аниқ тақсимланиши.

Бироқ мамлакатимизда амал қилиб келаётган солиқ тизими юқорида қайд этиб ўтилган тамойилларнинг барчасига ҳам тўлиқ жавоб бераётгани йўқ. Бошқа бир томондан амалдаги солиқ тизими солиқ туловчиларнинг ҳам (солиқ юқининг оғирлиги, тадбиркорлар ҳуқуқини чекланганлиги, қонуний ва меъёрий ҳужжатларни (актларни) талқин қилишнинг мураккаблиги, чигаллиги, бир хил эмаслиги, қонунларга ва тегишли меъёрий ҳужжатларга тез-тез ўзгартиришларнинг киритиб турилганлиги ва бошқалар), солиқ хизматининг ҳам (солиқ тўлашдан қочиш имкониятларининг кўплиги, турли хилдаги имтиёзларнинг мавжудлиги солиқ туловчилар ўртасида нотенгликни вужудга келтираётганлиги ва мамлакат иқтисодиётига зарар етказётганлиги, иқтисодиётда қисқа муддатларда фаолият кўрсатаётган фирмаларнинг мавжудлиги, солиқ хизмати ҳуқуқининг чекланганлиги, солиқ инспектори ишининг хавфлилиги, оғирлиги, кам маошлиги ва бошқалар) манфаатларига тўлиқ даражада жавоб бермаяпти.

Умумий жиҳатдан олиб қараганда мамлакатимиз солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг бир неча йўллари мавжуд, улар қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Муваффақиятли равишда фаолият кўрсатаётган ва

Ўзбекистон шароитига яқин бўлган Ғарб мамлакатларидан бирининг солиқ тизимидан нусха олиш;

2. Ўтиш даври иқтисодиётига мослаштирилган солиқ тизимларининг биридан фойдаланиш;

3. Иқтисодий тараққиёт йулидан мувафакқиятли равишда илгари бораётган ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатлар ва ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда бутунлай янги солиқ тизимини ишлаб чиқиш (яратиш).

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда амал қилиб келаётган солиқ тизимини тезда ва тубдан ўзгартиришга қаратилган ҳар қандай тадбир, мамлакат иқтисодиётига тузатиб бўлмайдиган зарар етказиши мумкинлиги, шубҳасиздир. Бу ерда солиқлар ва солиққа тортишнинг ривожланиши тарихи, иқтисодий ривожланиш даражаси жиҳатидан турлича бўлган мамлакатлардаги солиқ тизимларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда олинган билимларни Ўзбекистон шароитига мувофиқлаштириш (мослаштириш) асосида пухта ўйлаб, ҳисоб-китоб қилиб ёндашиш мақсадга мувофиқдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг дастлабки босқичларида социалистик иқтисодиётда ҳукм сурган солиқ тизими амалиёти ва унинг таркибий тузилиши Ўзбекистонга ҳам «мерос» бўлиб ўтди. Ундан кейинги даврларда бўлган ўзгаришларнинг суръатлари ва йўналишларини белгилашда қуйидагилар ўзининг асосий таъсирини кўрсатди: давлатнинг иқтисодиётга аралашуви ва ялпи ички маҳсулотда давлат сектори салмоғининг юқори даражадалиги; «келишувли солиқлар» нинг мавжудлиги (бир хил вазиятдаги икки солиқ тўловчи бир-бирининг қанча солиқ тўлаётганлигини билмаслиги); солиқларнинг мавжуд эканлигини аҳолидан яшириш ва солиқ интизомига ихтиёрий равишда риоя қилиш анъаналарининг йўқлиги; солиқ органларининг ривожланмаганлиги ва аҳолининг давлат институтларига нисбатан ишончсизлиги ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасида амалдаги солиқ тизимининг қандай шароитларда вужудга келганлигини (пайдо бўлганлигини) ҳам эсдан чиқармаслик керак. Бозор тоифасидаги иқтисодиётда солиқлар ва солиқ тизими бозорнинг энг асо-

сий инструментларидан ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат бошқарувининг барча даражаларида олинадиган солиқлар бюджет жами даромадларининг 90-95 фоизини шакллантиради. Ана шу муносабат билан солиқ тизимини шакллантириш, солиқларни тушлаш ва улардан фойдаланиш механизмини яратиш алоҳида (биринчи даражали) аҳамият касб этади.

1987-1990 йилларда жорий этилган иқтисодий норматив ва лимитлар тизими, ресурс туловлари, уларнинг марказий ҳукумат томонидан юқоридан тақсимланиши зарурий (қўзланган) натижаларга олиб келмади. Улар бошқарувнинг режали услубларидан бўлиб, оқибат натижада, молиявий боқимандаликни туғдирди. Солиқ тизимининг асосий мақсади режа топширикларини бажаришдан иборат бўлган корхоналарнинг фаолият манфаатларига бўйсундирилган эди.

Собиқ СССР иқтисодиётида солиққа тортишнинг таркибий тузилишини ўзининг ҳажми (ўлчами) бўйича бир-бирига тенг бўлмаган бюджетга бориб тушувчи йкки гуруҳдаги солиқлар ташкил этган. Биринчи гуруҳга корхоналар фойдасидан ажратмалар: фонд ҳақи туловлари, қатъий рента туловлари, кейинроқ фойда солиғи билан алмаштирилган бюджетга олинадиган фойданинг озод қолдиғи кабилар кирган. Оборот солиғи ва бюджетга социал (ижтимоий) сўғурта бадаллари ҳам шу гуруҳга киритилган. Ана шулардан таркиб топган биринчи гуруҳ ёрдамида бюджет даромадларининг 70 фоизгача бўлган қисми шаклланган.

Иккинчи гуруҳга аҳолидан олинадиган даромад солиғи, бўйдоқ ва кам оилалилардан олинадиган солиқ ҳамда кишлок хўжалиги солиғи киритилган бўлиб, улар ёрдамида бюджет даромадларининг 7 фоизигача даромадлари ташкил топган.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида амалдаги солиқ тизими бозор иқтисодиётининг фаоллик билан фаолият кўрсатишига тўсқинлик қила бошлади ва янги солиқ тизимига асос солиш зарурияти пайдо бўлди.

Мамлакат иқтисодиётида вужудга келган реал вазиятни (инфляцион жараёнларнинг кучайиши, товарлар бозоридаги номуносивлик, ишлаб чиқаришнинг қисқариши, бюд-

жет харажатларини молиялаштиришнинг эмиссия хисобидан амалга оширилиши ва бошқалар) инобатга олган ҳолда жуда кескин чораларни куриш тақозо этилди ва шунга мос равишда амалиётда қўлланилиб келинаётган солиқ тизими жуда қисқа муддатда (3 ой ичида) ишлаб чиқилди ва мамлакатимиз иқтисодиётига жорий этилди. Дунёда бундай қисқа муддатда янги солиқ тизимини қўллаш амалиёти бўлмаган. 1992 йилдаёқ давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги асосий оғирликни анча мураккаб бўлган қўшилган қиймат солиғи ўз зиммасига олди.

Амалдаги янги солиқ тизими тузилиш (қурилиш) таъминлари ва таркибий қисмларига кўра бутун жаҳон амалиётида кенг тарқалган солиқ тизимини ҳам акс эттирган. Ҳозирги замондаги барча солиқ тизимлари худди шунга ўхшаш турли хилдаги солиқлардан иборат. Бизнинг солиқ тизимимиз учун қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, қимматли қўғозлар операцияси солиғи кабилар янгилик бўлиб ҳисобланади.

Янгидан жорий этилган қўшилган қиймат солиғи ва акцизлар бекор қилинган оборот солиғи ва сотувдан олинган солиқ сингарии эгри (билвосита) солиқлар ҳисобланиб, улар ўзларининг моҳиятига кўра истеъмолга солинадиган солиқлардир. Чунки бу солиқлар билан истеъмолчилар томон юз тутган маҳсулотлар ва хизматлар солиққа тортилади. Охирги истеъмолчи бу ерда фақат шахс сифатида майдонга чиқмасдан, балки бу солиқларни тўловчилар бўлиб ноишлаб чиқариш соҳасидаги истеъмолчилар ҳам ҳисобланади.

Қўшилган қиймат солиғи ва акцизлар бозор иқтисодиётига эга бўлган жуда кўп мамлакатларда ўзларини фақатгина бюджетнинг самарали фискал инструментлари сифатида намоён этиб қолмасдан, балки барча тадбиркорлар учун хўжалик юритишда тенг шароитлар яратиб берадиган восита сифатида ҳам яққол кўринди.

Қўшилган қиймат солиғи оборот солиғидан солиқ тўловчилар контингенти, фаолият кўрсатиш соҳаси, бюджетга олиш услуби, ставкалари сони ва ҳисобланишнинг оддийлиги билан фарқ қилади.

Оборот солиғи учун катъий баҳоларнинг қаттиқ регла-

ментация қилинганлиги, солиқ ставкалари кенг тупламининг мавжудлиги ва солиқнинг фақат тайёр буюмлар буйича олинishi характерлидир. Бу солиқ, асосан, халқ истеъмол буюмлари буйича олиниб, қурилиш, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги, савдо, таъминот, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа тармоқларга деярли таъсир кўрсатмаган эди.

Қўшилган қиймат солиғи энг умумий солиқ бўлиб, ишлаб чиқариш ва техникавий мақсадларга мўлжалланган, халқ истеъмол товарлари, бажарилган ишлар ва туловли (ҳақли) хизматлар, ишлаб чиқариладиган ва реализация қилинадиган моддий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини ўз ичига қамраб олади.

Сотувдан олинadиган солиқ эса бюджетга маблағ олишнинг қўшимча канали ҳисобланиб, унинг афзаллиги бу солиқ олинishiининг қўшилган қиймат солиғи тамойиллари асосида қурилганлигидир. Бу эса, ўз навбатида, молия ва солиқ органларига ҳамда корхоналарга (ўз иқтисодиёти-мизнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда) қўшилган қиймат солиғидан кенг масштабда фойдаланишга ўтишда тўлиқроқ тайёргарлик кўриш имконини беради.

Қўшилган қиймат солиғи-товарлар, ишлар ва хизматларни ишлаб чиқариш жараёнларининг барча босқичларида яратиладиган қиймат ўсишининг бир қисмини бюджетга олиш шакли бўлиб, у уларнинг реализация қилинишига қараб бюджетга олинади (ўтказилади).

Қўшилган қиймат солиғининг моҳиятини тўлиқ идрок этиш учун таркибига хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия, асосий ва қўшимча иш ҳақи (ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар билан биргаликда), асосий фондларнинг амортизацияси ва бошқа харажатларнинг қиймати кирувчи ишлаб чиқариш харажатларининг элементларига мурожаат қилмоқ зарур. Кўрсатилган моддий харажатлардан буюмлашган меҳнатни ўзида гавдалантирганларнинг барча элементлари бошқа корхоналарда ишлаб чиқарилгандир. Асосий ва қўшимча иш ҳақи (ижтимоий эҳтиёжларга ҳисоблашлар билан биргаликда) эса жонли меҳнат билан шу корхонанинг ўзида яратилади ва улар қўшилган (ўстирилган) қиймат ҳисобланади. Табиийки, маҳсулотлар ва товарлар, ишлар ва хизматлар ишлаб чиқариш харажатлари-

ни қоплайдиган ва корхонанинг фойда олишига имкон берувчи баҳоларда реализация қилинади ва у ҳам шу корхона ишчиларининг меҳнати билан яратилади ҳамда қўшилган (ўстирилган) қийматга тегишли бўлади. Бу ерда қўшилган ёки ўстирилган қиймат ўзида қайта ишлаш харажатларини ва энг аввало, меҳнат ҳақи харажатларини гавдалантириши маълум бўлади. Қўшилган қийматнинг таркибига юқоридагилардан ташқари, амортизация ва ишлаб чиқариш цикли билан бевосита боғлиқ бўлган харажатларнинг бошқа элементлари ҳам киради.

Қўшилган қиймат солиғининг устуворлик роли унинг умумийлиги билан белгиланади. Мулкчилик шакли ва у қайси юқори ташкилотга итоат этишидан қатъиназар деярли барча корхоналар бу солиқнинг туловчиси ҳисобланади (шу жумладан, хорижий инвестицияли корхоналар ҳам).

Оборот солиғи ва соғувдан олинадиган солиқ бекор қилиниши муносабати билан уларнинг ўрнига жорий этилган қўшилган қиймат солиғи барча ҳолларда ҳам «тушиб қолаётган» бюджет даромадларининг ҳаммасини тўлдириши мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам дастлабки пайтларда бу вазифани бажариш масъулияти акцизлар зиммасига юклатилди.

Акциз ставкаларининг даражаси сотилиш баҳосига (қўшилган қиймат солиғи чегирилган) нисбатан фоизларда ўрнатилган бўлиб, улар бутун мамлакат ҳудуди учун ягона ҳисобланган. Бироқ бизнинг амалиётимизда акцизлар ставкасининг фоизларда ўрнатиш натижасида жаҳон амалиётидан биров четга чиқилди. Чунки бу ерда акцизлар товарларнинг натурал бирлигига нисбатан қатъий ставкаларда ўрнатилади. Масалан, Францияда вино учун акцизнинг ставкаси 1 литр винога 22 сантим, 1 литр шампан виносига 55 сантим ва 1 литр пивога 19,5 сантим даражасида белгилангандир.

Молиявий ва иқтисодий вазиятнинг нобарқарорлиги, инфляция суръатларининг юқорилиги шароитида акциз ставкаларининг маҳсулот натурал бирлигига нисбатан қатъий ставкаларда ўрнатилиши бюджет учун доимий равишда жуда катта миқдордаги даромадларнинг олинмаслигини аниқлаётгани учун акциз ставкаларини товарни сотиш баҳосига нис-

батан фоизларда ўрнатиш заруриятини келтириб чиқарди.

Бозорни товарлар билан тўлдирилиши, талаб ва таклифнинг мувозанатлашуви, иқтисодиётнинг барқарорлашуви ва мамлакатда инфляцион жараёнлар даражасининг минималлашуви пировардида акциз ставкаларини умумқабул қилинган услубда, яъни маҳсулот бирлигига нисбатан қатъий равишда сўм ва тийинларда ўрнатиш имконини беради.

Амалиётда қўлланилган солиқлар махсус равишда инфляция даражасининг юқори эканлигини ҳисобга олган ҳолда қўлланилди. Ой давомида баҳоларнинг 25-30 фоизга ўсиши содир бўлган бир пайтда фақат тўғри солиқларнинг қўлланилиши даромадларга нисбатан харажатларнинг юқори суръатларда ўсиши ҳисобидан бюджет даромадларининг 35-40 фоиз йўқотилишига олиб келди. Шунинг учун ҳам қўшилган қиймат солиғининг жорий этилиши бундай «самара»ни икки баробарга камайтирди ва эгри солиқларнинг ҳар декадада олинисига ўтилиши билан юқоридаги салбий оқибатларга барҳам берилди.

Шундай бўлишига қарамасдан инфляцион иқтисодиёт учун амалдаги солиқ тизими етарли даражада мослаштирилган эди. Қўшилган қиймат солиғи автоматик равишда товар баҳосининг таркибига қўшилар ва истеъмолчиларга ўтказилар эди. Жисмоний шахслар даромади, мол-мулк ва ерга солинган солиқлар, минимал фойдадан олинадиган солиқлар эса юқори даражада бўлган. Лекин барибир ўша давр учун солиқларнинг юқори даражадалиги, солиқ ставкаларининг ўсиб бориши, янгидан-янги солиқларнинг жорий этилиши характерли бўлса-да, шундай бўлишига қарамасдан, давлат бюджетининг даромадларини шакллантираётган солиқларнинг ялпи миллий маҳсулотдаги салмоғи пасайиб борган ва айрим ойларда 8-9 фоизга тенг бўлган. Буларнинг ҳаммаси амалдаги солиқ тизимини ислоҳ қилиш йўлларини қидириб топишни зарур қилиб қўйди.

Ўтиш даврида солиқ ислохотларини амалга ошириш мақсадида бозор иқтисодиёти шароитидаги хорижий мамлакатларнинг солиқ тизимидан андоза олиш тарзида ёндашишни шартли равишда «катта сакраш» деб аташ мумкин.

Бироқ хорижий мамлакатлар солиқ тизимларидан


нусха олишнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатувчи бир неча сабаблар мавжуддир.

Хорижий мамлакатлардаги солиқ тизимларининг ҳаммасини ҳам такомиллашган ва ҳозирги куннинг талабларига тўлиқ жавоб беради деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу мамлакатларнинг солиқ тизимларини систематик равишда ислоҳ қилиб турилиши бежиз эмас. Албатта, ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатлар ривожланган ғарб мамлакатларининг солиқ тизимларидан автоматик равишда нусха олмасдан, уларнинг хатоларидан тегишли сабоқ олишлари керак. Ривожланган мамлакатларнинг солиққа тортиш амалиёти ва уларнинг тажрибасини тадқиқ қилиш бир неча хулосаларга олиб келдики, улар бизнинг мамлакатимиз учун маълум даражада амалий аҳамиятга эгадир.

Кўп йиллар давомида капиталистик жамият деб аталиб келинган ҳозирги ривожланган жамият, аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ўртасидаги мураккаб муносабатлар тизимини ўзида намоён этади. Бу жамият капитал ва бозор муносабатлари, хусусий мулкчилик, рақобат ҳукмрон бўлган ва фойда иқтисодий фаолиятнинг рағбатлантирувчисига айланганлиги билан характерланадиган жамиятдир. Аммо XIX аср ва XX асрнинг биринчи ярмидагидан фарқли ўлароқ капиталистик иқтисодий базис, яъни унинг ишлаб чиқариш муносабатлари сиёсат, маданият, ҳуқуқ ва шу кабиларга нисбатан ҳал қилувчилик ролини ўйнашдан тўхтади.

Ҳозирги пайтда капиталистик ишлаб чиқариш усулининг таркибий қисмларига маълум даражадаги мустақиллик ва ихтиёрийлик хосдир. Давлат сиёсий усткурма сифатида, биринчи навбатда, турли ижтимоий манфаатларни мувофиқлаштирувчи орган сифатида майдонга чиқади. Демократлаштиришга, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишга асосланган капитализмнинг инсонпарварлиги ана шунда намоён бўлади.

Дунёдаги етакчи давлатлар иқтисодиётининг инсонпарварлиги ижтимоий ресурсларни маориф ва интеллектуал эҳтиёжларни қондириш фойдасига қайта тақсимлашга йўналтирилганлиги билан характерланади. Илғор мамлакатлар иқтисодиётидаги бундай тўнғариш ишлаб чиқариш жараё-



нининг ўзидаги содир бўлаётган ўзгаришлар ва ижтимоий муносабатларни тартибга солиш бўйича давлатнинг тадбирлари билан таъминланади. Ҳар бир конкрет шароитда иқтисодий сиёсатни амалга оширишда жамиятдаги туб ўзгаришларга қодир бўлган барча омиллар ҳисобга олинади ва иқтисодий, технологик, ижтимоий, экологик ва сиёсий оқибатларнинг характери ҳам назардан четда қолмайди. Бир вақтнинг ўзида улар иқтисодий даражаларида тафовутлар бўлишига қарамасдан ҳужаликни интернационализациялашуви шароитида мамлакатларнинг таркибий қайта қурилиши бир-бири билан узвий боғлангандир.

Юқори даражада ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган мамлакатлар, айниқса, уларнинг интеграциялашганлари, фақатгина дунёнинг бошқа қисмига (жумладан, бизнинг мамлакатимизга ҳам) таъсир кўрсатиб қолмасдан, балки уларнинг ўзлари фаолиятларини ташқи омилларни ҳисобга олган ҳолда ўзгартираяптилар. Мамлакат ичқарисидаги ва ундан ташқаридаги иқтисодий жараёнларга давлатнинг таъсири - турли молиявий, кредит, пул услублари ёрдамида амалга оширилади. Молиявий услублар орасида муҳим ўринни солиқлар эгаллайди.

Солиқлар иқтисодий категория сифатида миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида вужудга келганлиги ва фаолият кўрсатганлиги учун ишлаб чиқариш муносабатларининг бир қисмидир. Уларнинг моддий мазмуни шундан иборатки, улар давлатнинг ўз функцияларини бажариши учун давлат томонидан миллий даромад бир қисмининг давлат ихтиёрига мобилизация (жалб) қилинишидир.

Солиқларнинг ижтимоий мазмуни сиёсий ҳокимиятнинг иқтисодий муносабатларга аралашувига имконият яратиб беради. Масалан, ҳозирги дунё мамлакатларининг кўпчилигида солиқлар давлат бюджетининг асосий (70-90 фоиз) даромадини ташкил этади. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги солиқ сиёсати бу вазиятни тубдан ўзгартира олмади. Объектив ва субъектив ҳолатларнинг таъсири остида давлат фаолиятининг кескин кенгайиши натижасида солиққа тортиш юқори даражага етди ва у солиқларнинг ялпи миллий маҳсулот ёки миллий даромадга нисбати билан характерланапти. Ҳозирги замон давлати инсониятга

катта хавф туғдираётган экология, урбанизация, моддий қашшоқлашув ва бошқа шу каби муаммоларни ечишни ўз зиммасига олаётти. Бу, албатта, катта харажатларни талаб қилади. Бундан ташқари, инсон ишлаб чиқаришнинг асосий омилига айланиб бораётганлиги учун ижтимоий-маданий харажатлар ҳам усиб бораётти. Асосий ривожланган мамлакатларда солиқ тушумларининг энг чуққиси 70-йилларнинг иккинчи ярмига туғри келиб, бу пайтда солиқларнинг ялпи миллий маҳсулотдаги салмоғи 30-45 фоиз ва ундан кўпроқни ташкил этган. Солиқ тушумларининг ортиши Иккинчи жаҳон урушидан кейин хорижий мамлакатлар солиқ тизимларига киритилган «янгиликлар» билан изоҳланади. Уларнинг таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- туғри (бевосита) ва эгри (билвосита) солиққа тортиш объектларининг кескин кенгайтирилиши;

- солиққа тортиш услубларининг ўзгартирилиши;

- амалдаги солиқ ставкаларининг оширилиши;

- туғри (бевосита) солиқлар бўйича тўлов муддатларини жорий йилга ўтказилиши ва эгри (билвосита) солиқлар бўйича тўлов муддатларининг анча тезлаштирилиши;

- қаттиқ қонунларнинг жорий этилиши (киритилиши) ва электрон техникадан фойдаланиш ёрдамида солиқ тўловчилар устидан давлат органлари назоратининг кучайтирилиши.

Ғарб мамлакатларида солиққа тортишнинг юқори даражадалиги бу мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатган:

- капитал қуюлмаларнинг манбаларида чекланишларнинг мавжудлиги муносабати билан хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш имкониятлари ёмонлашди ва истеъмолдаги нисбат бузилди;

- даромадлар ошган қисмининг солиққа тортилиши муносабати билан меҳнатнинг рағбатлантирилиши пасайиши натижасида аҳолининг иқтисодий ташаббускорлиги сусайди;

- солиқ тўлашдан бўйин товлаш масштаби кенгайиши

натижасида яширин иқтисодиёт ривожланди. Солиқ тулашдан бўйин товлаганлар каторига фақат ўз даромадларини солиққа тортишдан яширганлар кириб қолмасдан, балки кунунни бузмасдан ўз фаолият шаклини ўзгартирадиган ва бу фаолиятни солиққа тортиш учун қийинлаштирувчилар ҳам киради;

- ишлаб чиқарувчилар товар ва хизматлар баҳосининг таркибига эгри солиқлар ва социал суғурта бадаллари ҳамда бир неча тўғри солиқларни киритишлари сабабли инфляция жароёнлар чуқурлашди;

- солиқ аппарати кенгайди, солиққа тортиш субъектлари ва объектларининг ўсиши муносабати билан солиқларни ундириш бўйича харажатлар ортди;

- ижтимоий низолар вужудга келди, гоҳо улар ёлланма ишчилар иш ҳақининг оширилиши билан якунланди ва бу, ўз навбатида, ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши ҳамда товарлар реализацияси жароённи мураккаблаштирди.

Юқори даражада солиққа тортишнинг юқорида қайд этилган салбий оқибатлари бирданига қўзга ташланмасдан, балки секин-асталик билан туллана боради ва маълум шароитларда ишлаб чиқариш суръатларининг пасайишига олиб келиши ҳамда циклик таназзулга яқинлаштириб қўйиши мумкин. XX асрнинг 70-йиллари ўрталарида шундай бўлди ҳам.

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий тушкунлигига барҳам бериш учун хорижий мамлакатларнинг ҳукуматлари ўзларининг солиқ сиёсатларини қайта қўриб чиқаяптилар. Бу жароён учун асос «таклифлар иқтисодиёти» деб номланган назария қилиб олинаётирки, унга қўра ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун солиққа тортишни анча пасайтириш тақозо этилади. Шу муносабат билан XX асрнинг 80-йилларида куп мамлакатларда, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри солиққа тортишни пасайтиришга қаратилган солиқ талбирлари амалга оширилди.

Ривожланган мамлакатлар учун ривожланган солиқ тизими характерлидир. Масалан, Германияда 50 дан ортик турли солиқлар мавжуддир. Амалда нима сотилаётган бўлса, ўшандан маълум бир фоиз давлат ихтиёрига ўтказилади.

Хориждаги солиқларни ранг-баранглиги давлат органларига ҳар бир солиқ тўловчи (юридик ва жисмоний шахс) устидан ва демак, ишлаб чиқариш, муомала, тақсимлаш ва истеъмол устидан назорат қилиш имконини беради .

Сўнги йилларда солиқ тизимларида содир бўлган ўзгаришлар қуйидагилардан иборатдир:

1. Жуда кўп мамлакатларда даромад солиғи энг муҳим солиқ ҳисобланиб, у кенг аҳоли қатлами орасида оммавий солиққа айлангандир. Кўпгина мамлакатларда амал қилиб келган шедуляр солиқ ундириш қулай ва тежамли бўлган глобал солиқ билан алмаштирилди. Йил давомида солиқнинг олинishi даромадни тўлайдиган корхона бухгалтерияси томонидан индивидуал шахснинг даромади ёнида (бутун оиланинг эмас) амалга оширилади. Йил охирида солиқ декларациясининг тақдим қилиниши бўйича солиқ имтиёзлари ва чегирмалар ҳисобга олиниб, солиқлар суммаси қайта ҳисобланади.

2. Ўз аҳамиятига кўра социал (ижтимоий) суғурта бадаллари давлатнинг иккинчи муҳим солиқ даромади ҳисобланади. Бу мақсадли солиқ бўлиб, ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришга мўлжаллангандир. Социал (ижтимоий) суғурта бадаллари жисмоний шахслардан солиқ чегирмалари инобатга олинмаган ҳолда уларнинг даромадларидан пропорционал ставкаларида олинса, юридик шахслардан эса иш ҳақи фондига нисбатан фоизда олинади. Бир вақтнинг ўзида ставка қўлланиладиган максимал бадал ёки максимал даромад ҳам белгиланади. Кўпгина мамлакатларда социал (ижтимоий) суғурта бадалларининг тушиб туриш суръатлари бошқа солиқларга тегишли бўлган шу кўрсаткичлардан юқорирокдир.

3. Юридик шахслардан олинadиган муҳим солиқ сифатида ҳамон корпорацияларнинг фойдасидан олинadиган солиқ қолаётир. Бу солиқ фойдадан имтиёзлар чегирилганидан сўнг жорий йилдаги солиққа тортиладиган фойдадан олинади. Солиқнинг ставкаси пропорционал бўлиб, охириги йилларда тадбиркорлик фаолиятининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда бирмунча пасайтирилди. Умумий кўринишда юридик шахслар фойдасини солиққа тортиш даромадларни солиққа тортишга нисбатан анча пастдир.

Юқори даражада ривожланган мамлакатларнинг қонунчилиги инвестицияларни солиққа тортишда қулай шароитлар яратишни кўзда тутган. Бу мамлакатларда инвестицион солиқ кредитига амал қилиниб, тезлаштирилган амортизация қўлланиб, бу нарса хусусий капитал қўюлмаларининг ўсишини таъминлайпти. Компанияларнинг акционерлик шаклида ташкил қилишнинг кенгайиши икки марта солиққа тортиш (компания даражасида ва акционерлар даражасида) муаммосининг вужудга келиши муносабати билан фойдани солиққа тортиш таркибини қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Бир қатор мамлакатларда (Германия, Япония, Австрия, Норвегия ва бошқаларда) корпорациялар фойдасидан олинadиган солиқнинг турли ставкалари амал қилиб келаяпти: юқорироқ ставкалар - тақсимланмаган фойда учун ва пастроқ ставкалар - тақсимланган фойда учун. Бельгия, Буюк Британия, Дания, Канада, Франция ва яна бир неча мамлакатларнинг қонунчилиги акционерлар дивидендларини даромад солиғига тортишда солиқ кредитларини кўзда тутди. АҚШ ва Италияда эса фойдани солиққа тортишдаги икки марталикни пасайтиришга қаратилган солиқ имтиёзлари мавжуд эмас.

Бюджетларнинг солиқ даромадлари таркибида корпорациялар фойдасидан олинadиган солиқ хиссасининг пасайиб бориши кузатилмоқда. Бу солиқнинг салмоғи ривожланган мамлакатларда жами солиқ тушумларининг 1/10 қисмига тўғри келаяпти.

4. Ундирилишининг енгилиги ва оддийлиги учун хорижий мамлакатларда эгри (билвосита) солиқлар кенг тарқалгандир. Энг кенг тарқалган эгри (билвосита) солиқ универсал акциз (оборот солиғи) бўлиб, бу солиқ жуда кўп истеъмол товарлари ва хизматларни қамраб олганлиги учун бюджетга жуда катта тушумларнинг келишини таъминлайди.

Ҳозирги пайтда универсал акциз жуда кўп мамлакатларда қўшилган қиймат солиғи шаклини олиб, солиқ тизимини унификациялаштиришни бошлаб берди. Бу солиқнинг кенгайишига унинг баъзи бир афзалликлари (солиққа тортишнинг оддийлиги, юқори даромадлиги, иқтисодиётни тартибга солишдаги самарадорлиги, ишлаб чиқариш устидан назоратнинг мавжудлиги) сабаб бўлди. Тўғри (бе-

восита) солиқларнинг қисқариши билан бир вақтнинг ўзида индивидуал акцизларнинг ставкаси оширилди.

Ўзларининг қиймат асосига ўтказилган бўлишига қарамасдан бож тўловларининг фискал аҳамияти пасайиб бораётир. Ҳозирги дунёнинг характерли белгиларидан бири божли тартибга келтириш бўлиб, у минтақавий бирлашиш доирасида ёки ташқи савдони кенгайтириш мақсадидаги халқаро солиқ битимларида кўзда тутилаяпти.

Етакчи хорижий мамлакатлардаги солиққа тортишнинг асосий тенденциялари таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Иккинчи жаҳон урушидан кейинги биринчи уч ўн йилликда, биринчи навбатда ҳарбий мақсадлар учун харажатларнинг кескин ошиши муносабати билан солиқли даромадларнинг тез ўсиши кузатилди;

- 80-йилларнинг бошларига келиб, солиқлар ўзининг юқори нуктасига етди, яъни тўғри солиқларнинг (энг аввало, даромад ва корпорация солиқларининг) ошиши фақатгина давлат бюджети даромадларининг ошишига олиб келмасдан, балки оғир ижтимоий-иқтисодий оқибатларга ҳам олиб келди;

- Бундай шароитларда ғарб давлатлари харажатларни қисқартириш буйича чора-тадбирлар кўраяпти ва, айниқса, ўзгарган иқтисодий шароитларга солиқ тизимини мослаштиришга ҳаракат қилиниб, у такомиллаштирилмоқда.

- 80-йилларда кўпчилик ривожланган мамлакатларда солиқ ставкаларини пасайтириш, солиққа тортиш тартибини осонлаштириш, турли-туман солиқ имтиёзларини қисқартириш орқали даромад ва корпорация солиқларини камайтиришга йўналтирилган солиқ ислохотлари амалга оширилди.

Ғарб мамлакатларида солиқ тизимларининг такомиллаштирилиши солиққа тортишдаги бир неча таркибий ўзгаришларга олиб келди. Тўғри (бевосита) солиқларнинг ҳиссаси (салмоғи) камайиб, эгри (билвосита) солиқларнинг ва социал (ижтимоий) суғурта бадалларининг ҳиссаси (салмоғи) ортиб борганлиги кузатилди. Умуман олганда, бу мамлакатларда Иккинчи жаҳон урушига қадар солиққа тортиш солиқларнинг каттагина қисмини тўлаган юридик

шахслардан жисмоний шахслар гарданияга ўтказилган эди.

Урушдан кейинги йилларда солиқларнинг миқдорий кўпайиши (ортиши) уларни соф фискал инструментдан давлатнинг ишлаб чиқариш жараёнига самаралироқ аралашувига имкон берадиган иқтисодий инструментга айлантирди. Фойда ва даромадни солиққа тортишдаги ўзгаришлар капитал ҳаракатнинг тезлигига, маҳсулот сифатига, жамғарма ва инвестицияларга сезиларли таъсир кўрсатди.

Саноати ривожланган мамлакатларда давлат, умуммиллий манфаатлар нуқтаи-назаридан, моддий бойликларни тақсимлаш жараёнида фаол аралашади. Солиқ ставкалари, объектлари, имтиёзлари, ундириш услубларидан фойдаланган ҳолда ҳокимият ишлаб чиқариш ва айирбошлашнинг турли ўлчамларига ҳамда аҳолининг талабига ўз таъсирини кўрсатади. Бунинг натижасида эса, иқтисодий ривожланишнинг нисбатан ўзгарувчанлиги, асосий ижтимоий ва иқтисодий таркибий тузилмаларнинг юқори даражадаги мосланувчанлиги таъминланади.

Ривожланган мамлакатларда солиқлар ёрдамида тартибга солиш бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш жараёнининг қарама-қаршиликларидан келиб чикувчи қарама-қаршилик билан характерланади. Ишлаб чиқариш циклик тарзда ривожланади, фақат таназзулгина талаб ва таклиф ўртасида вақтинчалик мувозанатни ўрнатади. Жамиятдаги солиқлар ёрдамида тартибга солиш ана шу қарама-қаршиликларнинг салбий оқибатларини пасайтиришга йўналтирилган бўлиб, у аёвсиз таназзул жараёнларининг содир бўлишини фақат бироз кечиктириши мумкин. Бирор бир қийинчиликларни еча бориб, солиқ тадбирлари уларнинг янгиларини (экологик, энергетик ва бошқалар) вужудга келишига олиб келади, келажакдаги иқтисодий вазиятни ёмонлаштиради, мураккаблаштиради.

Солиқлар ёрдамида тартибга солишнинг қарама-қаршиликлари (зиддиятлари) қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Тартибга солиш мақсадларининг қарама-қаршиликлари (зиддиятлилиги). Давлат солиқ тадбирларини амалга ошира бориб, турли, айрим ҳолларда бир-бири билан мутлақо тўғри келмайдиган мақсадларни кўзлайди. Масалан, АҚШ маъмурияти 1981-1986 йиллар давомида солиқ исло-

хотини амалга ошириш ёрдамида федерал бюджет камомадига барҳам бериш ва инфляция жараёнларини сусайтиришни кўзда тутган эди. Ислоҳот инфляцион жараёнларга ижобий таъсир кўрсатиб, бюджет тақчиллигини қисқартириш томон бироз қадам ташлаган бўлишига қарамасдан барибир бюджетнинг баланслигини таъминлашнинг иложи бўлмади.

2. Солиқ тадбирларининг эълон қилинадиган демократик тамойиллари ва уларнинг реал намоён бўлишлари ўртасидаги қарама-қаршилик (зиддият). Солиқ қонунлари яратилаётган пайтда бу қонунларнинг одатда тенглик, оддийлик ва оммавийлик каби мақсадларнинг кўзлаши расмий равишда эълон қилинади. Бироқ амалиётда ижроия ҳокимияти партия, қасаба уюшмалари каби сиёсий кучга эга бўлган жамоатчилик ташкилотларига, бирлашган гуруҳларга таянади. Шунинг учун ҳам аҳолининг бу қатлами кўпроқ солиқ афзалликларига эга бўлган бир пайтда, жамоатчилик ташкилотларига бирлашмаган аҳоли қатлами ўзларининг тегишли муаммоларини ечиш имконига эга бўлмайдилар.

3. Иқтисодий жараёнларга таъсир этишдаги қарама-қаршилик (зиддият). Солиқлар ёрдамида тартибга солишдан фойдаланган ҳолда давлат умуммиллий мақсадларни ҳисобга олиб айрим тармоқларда, иқтисодиётнинг соҳаларида ва мамлакатнинг айрим минтақаларида капиталнинг жамғарилишини рағбатлантиради. Бир вақтнинг ўзиде у ҳужаликдаги вужудга келиши мумкин бўлган номутаносибликни сусайтиришга ҳаракат қилади. Тадбиркорларнинг бир гуруҳи учун қулай солиқ муҳитини яратиб бериб, уларнинг иккинчи бир гуруҳига зарар етказди ва уларнинг норозиликларига сабаб бўлади. Худди ана шундай ҳолат АҚШда бутун саноат учун солиққа тортишни тенглаштириш мақсадида саноатнинг қазиб чиқарувчи тармоқлари учун қазилма бойликларига нисбатан устаманинг кескин қисқартирилиши натижасида содир бўлди. Тадбиркорликни умумий манфаатларига жавоб берадиган бу тадбир олдин худди шу имтиёздан фойдаланиб келганларнинг, айниқса, нефть компанияларининг норозиликларига сабаб бўлди.

4. Натижаларнинг қарама-қаршилиги (зиддиятчилиги).- Солиқ сиёсатини амалга ошира бориб, ҳукумат ҳамма

учун тенг имкониятларнинг мавжуд эканлиги тўғрисида баёнот беради. Бироқ имкониятларнинг тенглиги улардан ҳамманинг ҳам фойдалана олиши мумкинлигидан далолат бермайди. Ягона иқтисодий манфаатлар мавжуд бўлмаганлиги учун ҳозирги жамият ниҳоятда ранг-барангдир. Ҳозиргача мамлакатларда, ҳатто юқори даражада ривожланган мамлакатларда ҳам тенгсизлик мавжуддир. Солиқ сиёсати ташқи томондан қанчалик демократик бўлишига қарамасдан жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжлари уртасида фарқ бўлганлиги учун ҳаммани бир хил тарзда қаноатлантира олмайди. Бу сиёсат, энг аввало, капитал эгаларига, купрок таъминланган гуруҳларга қулайликлар туғдиради ва улар қўшимча афзалликларга эга бўладилар.

Умумий тарзда солиқлар ёрдамида тартибга солиш мулкӣ аҳволни (ҳолатни) тенглаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйса-да, ҳозиргача бирор бир мамлакатда бу нарсага эришилмаган ва хусусий мулкчилик ҳукмронлиги шароитида бунга эришиш гумондир. Солиқ тадбирларининг натижасида айрим йилларда кучаядиган ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги нотенглик (тенгсизлик) вақти-вақти билан конфликтли (мунозарали) вазиятларни келтириб чиқаради. Масалан, 1990 йилда Буюк Британияда маҳаллий бюджетларнинг даромадларини қўпайтириш мақсадида қабул қилинган «Жон солиғи тўғрисида»ги қонун жамоатчилик томонидан қаттиқ танқид остига олинди ва солиқ юки ошгани учун аҳоли кенг қатламнинг очикдан-очик норозилигига олиб келди. Бир вақтнинг ўзида ҳаммани ва ҳар бир кишини бир хил тарзда қондира оладиган солиқ тизимларига тегишли бўлган чорани ҳозиргача иқтисодиёт фани тақдим эта олгани йўқ.

Солиқлар ёрдамида тартибга солиш чеклангандир. Солиқларнинг иқтисодиётга таъсири маълум бир чегара доирасида амалга оширилади. Бунинг объектив сабаблари бор. Уларнинг орасида энг асосийлари куйидагилардир:

- тадбиркорликнинг ихтиёрида катта миқдордаги ортиқча капиталнинг мавжудлиги. Бу нарса унга солиқ тадбирларига боғлиқ бўлмаган ҳолда маблағлар билан манёвр қилиш имконини беради;

- турли ҳолдаги солиқ имтиёзларининг амал қилиши

натижасида даромадларни қамраб олиш ва фойдани солиққа тортишнинг тўлиқ эмаслиги, солиқ имтиёзларининг давлатни тартибга солувчанлик фаолиятига халақит бериши;

- солиқларни тулашдан бўйин товлаш улчамининг кенглиги. Бу нарса ҳам иқтисодиётни тартибга солиш бўйича ҳукуматнинг имкониятларини пасайтиради;

- замонавий ривожланган мамлакатларда туғридан-туғри солиққа тортишнинг «пасайиб бориш» тенденциясининг мавжудлиги;

- товарлар оқими, илмий-техникавий тадқиқотлар ҳамда ишлаб чиқариш кооперациясини қамраб олган ҳолда ҳужаликларнинг интернационализациялашуви ва халқаро алоқаларнинг ўсиши. Бунинг оқибатида ҳужалик юритувчи субъектларнинг хорижий филиаллари ва бўлимлари давлатнинг миллий назорати остидан четга чиқади. Аҳамияти тобора ўсиб бораётган жаҳон бозори алоҳида олинган бир мамлакатнинг солиқ қонунчилигига бўйсунмайди. Бундай ўзига хос бўлган хусусиятлар халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида ҳам солиқлар ёрдамида тартибга солиш механизмини яратиш зарурлигини тақозо этади. Дастлаб бундай тартибга солиш икки томонламалик асосида амалга оширилган бўлса, секин-асталик билан кўп томонламалик шаклини олди. Шундай бўлишига қарамасдан, солиқлар ёрдамида тартибга солишнинг халқаро шакли кенг ривожлана олмади. Чунки у маълум даражада суверенитет масалаларига бориб тақалади.

- солиқ тадбирларининг вақт жиҳатдан чекланганлиги. Чунки бу тадбирлар солиққа тортишдаги ўзгаришларнинг дастлабки босқичларида амал қилади, сўнг вақт ўтиши билан унинг таъсирчанлиги пасая боради ва ниҳоят, йўққа чиқади;

- тадбиркорлик ва савдо фаолияти миллий тўсиқларни билмайдиган ҳамда давлат таъсиридан маълум мустақилликни (озодликни) тақозо этадиган трансмиллий компанияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши. Дунёнинг жуда кўп мамлакатларида филиаллари бўлган ва валюталарда кўп миллиардли активларга эга бўлган бу халқаро гигантлар ҳеч қандай тўсиқларсиз манёвр қилиш ва давлат орган-

ларининг чекловчи-тақиқловчи характерга эга бўлган солиқ чораларидан осонгина қочиб қутилиш имкониятига эгадир. Бу трансмиллий компаниялар солиққа тортиш масалалари бўйича турли давлатлар билан тез-тез низоли вазиятларга тушиб қолади. Лекин у ёки бу давлат ҳамма вақт ҳам бу курашда ғолиб келавермайди.

Ривожланган мамлакатларнинг солиқ тизимлари бир-бирларидан фарқ қилса-да, лекин улар учун умумий тенденциялар ҳам характерлидир. Ана шундай умумий тенденциялардан бири маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда солиқлар ролининг ошишидир.

Ҳозирги пайтда мамлакатлар бюджетининг катта ҳиссаси (Японияда 30%, АҚШ да 65%) маҳаллий солиқларга тўғри келаяпти.

Кўпгина мамлакатлар учун маҳаллий солиқларнинг хилма-хиллиги (мамлакат доирасида уларнинг 100 га яқин кўринишлари мавжуд) характерлидир. Бунга истисно тариқасида Буюк Британияни кўрсатиш мумкин. Бу ерда фақат ягона маҳаллий солиқ - мулкый солиқ мавжуддир. Лекин шу ягона маҳаллий солиқ маҳаллий бюджетларнинг 40% даромадини шакллантиради.

Ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг куйидаги кўринишлари мавжуд: аҳолидан олинадиган даромад солиғи, мулкый солиқ, хунармандчилик солиғи, ер солиғи, мерос солиғи, экология солиғи, сотувдан олинадиган солиқ, оборот солиғи, электр энергиядан фойдаланганлиги учун солиқ, томоша солиғи, ов ва балиқ ови учун йиғим, ит учун йиғим, транспорт воситаларига эгалик қилганлик учун солиқ, автомобиль техник паспортини қайддан ўтказганлик учун йиғим, бошқа солиқ ва йиғимлар.

АҚШ шаҳарлари бюджети даромад қисмининг асосий манбаи мол-мулк солиғи бўлиб, бу солиқ кўпгина шаҳарларда бюджет даромадларининг 35-70 фоизини шакллантирмоқда. Бир вақтнинг ўзида бу жараёнда ишбилармон фаоллиги учун олинадиган солиқ ҳам муҳим роль ўйнайди. Голландияда икки маҳаллий солиқ - кўчмас мулк ва туристлар солиғи - Гаага шаҳри бюджет даромадининг 75 фоиздан кўпроғини ташкил қилмоқда. Хельсинки шаҳри

бюджетида маҳаллий солиқлар ва йиғимлар пойтахт бюджетининг 2/3 қисмини таъминламоқда. Токиода маҳаллий солиқларнинг салмоғига 70 фоиздан ортиқ кўрсаткич тўғри келмоқда. Япония маҳаллий солиқларининг таркибий тузилишида юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (52 фоиз), юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи (30 фоиз) ва сотувдан олинадиган солиқ (16 фоиз) ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) маҳаллий солиқларнинг олинishi (ундирилиши) барча мамлакатлар учун умумий бўлган ҳолдир (Буюк Британия бундан мустаснодир, чунки бу ерда эгри (билвосита) солиқлар амал қилмайди).

Маҳаллий солиқлар орасида энг муҳими мол-мулк солиғидир. Бу солиқ бўйича солиққа тортиш объекти бўлиб ер, саноат ва уй-жой қурилишлари, кўчмас мулкнинг бошқа шакллари хизмат қилади. Ставкаларнинг даражаси ҳудудлар бўйича табақалаштирилган, ҳукумат томонидан бу ставкаларнинг чегаралари ўрнатилган. Мол-мулкнинг баҳолаш қиймати солиққа тортишнинг асосидир. Бирок мол-мулклар кам (10-20 йилда бир марта) қайта баҳоланганлиги учун бу солиқнинг самарадорлик даражаси кўзда тутилганидан анча паст ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатлардаги солиққа тортиш тажрибасидан Ўзбекистон учун фойдаланиш масаласи ҳал этилаётган пайтда биз, энг аввало, Ғарбдаги иқтисодий тизим учун нисбатан барқарор баҳолар ва барқарор бандлик даражаси характерли эканлигини, шунинг учун ҳам солиқ тизимларининг элементлари бизнинг мамлакатимиз шароитида бутунлай бошқача ишлаши мумкинлигини сира назардан четда қолдирмаслигимиз керак. Ва ниҳоят, ғарб мамлакатларининг давлат структураси (тузилиши) учун мураккаб қонунчилик тизими ва ҳисобот қоидалари тегишли бўлиб, улар ўтиш даври иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларнинг (жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам) ўзига хос бўлган анъаналаридан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам солиққа тортишнинг у ёки бу ғарб тизимини қабул қилиш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши амалиётда уни жорий қилиш билан боғлиқ бўлган қарама-қаршиликларга,

тўсиқларга дуч келиши шубҳасиздир. Шу билан бирга миллий иқтисодиётнинг ўзига хос шароитлари, аҳолининг меҳнат анъаналари ва шунга ўхшаш бошқа омилларни ҳам ҳисобдан чиқариб ташламаслик керакки, бунинг натижасида ҳатто Ғарб мамлакатларида ҳам бир-бирига ўхшаш бўлган икки солиқ тизими ёки ҳамма томонидан эътироф этилган муваффақиятли ёки қулай солиқ тизимининг ўзи ҳам йўқдир.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бозор иқтисодиётига эга бўлган кўпгина мамлакатларда солиқ органларини туб ислоҳ қилишга 80-йиллардан бошлаб астойдил киришилган эди. Бу ислохотлар ставкаларни тенглаштириш ва солиққа тортиш базасини кенгайтириш йўли билан даромад солиқларининг таркибий тузилишини оддийлаштириш, кенг базасига эга бўлган қўшилган қиймат солиғини кўпгина товарлар ва хизматларнинг истеъмолига жорий этиш, акцизлар ставкасини оширишга йўналтирилган эди. Солиқ сиёсати иқтисодиётдаги «узилиш»ларга солиқларнинг таъсирини юмшатиш, ҳужалик юритувчи субъектларнинг фаолият кўрсатиш шароитларини тенглаштириш ва солиқ тизимини соддалаштириш мақсадини кўзда тутган эди. Таъкидлаш жоизки, хорижий мамлакатларнинг ҳаммаси ҳам бу мақсадларга эришишнинг уддасидан чиқа олмади. Ғарб модели мисолида ўтиш даври иқтисодиётига эга бўлган мамлакат келажакда нимага интилиши зарурлиги ва нимадан эҳтиёт бўлиши кераклигини тушуниб олиш мумкин. Кенг маънода, келажакда солиқ ислоҳоти ўтиш даврида қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- жисмоний шахслар даромадига нисбатан соддалаштирилган тузилишга эга бўлган кенг масштабли даромад солиғини жорий этиш;
- эътиборни корхоналар фойда солиғидан фуқароларнинг даромад солиғига қаратиш;
- корхоналар фойда солиғи ва фуқароларнинг даромад солиғини ягона солиққа интеграциялаштириш;
- кенг базали қўшилган қиймат солиғини ва товарларнинг алоҳида турларига акцизларни қўллаш;
- анъанавий акцизларни саклаб қолиш ва уларни бирмунча ошириш;

- нефть ва бошқа табиий ресурсларни қазиб олишни солиққа тортишдан, уларни реализация қилишдан олинган фойдани солиққа тортишга ўтиш;

- экспорт тарифларидан воз кечиш ва меъёрий протекционизмни таъминлаш учун тор интервалдаги ставкалар билан фақат паст импорт тарифини сақлаб қолиш.

Ана шу тавсияларни жуда кўп хорижлик экспертлар маъқуллашади. Лекин шундай бўлишига қарамасдан, юқоридаги тавсияларнинг ҳаммасидан ҳам ҳозирги пайтда тўлиқ равишда, Ўзбекистоннинг конкрет шароитида фойдаланишнинг иложи йўқдир. Бироқ улардан тўлиқ фойдаланиш ғояси кўпгина иқтисодчилар ва иқтисодчи-олимлар томонидан илгари сурилмоқда. Шу боисдан таъкидлашимиз жоизки, булар назарий жиҳатдан жуда яхши, лекин бизнинг иқтисодий ҳаётимиз амалиётидан анча узоқ бўлган қарорлардир.

Ривожланаётган мамлакатлардаги ўтказилаётган ислохотлар тажрибасини таҳлил қилиш ҳам бу мамлакатлар билан Ўзбекистон ўртасида бир неча ўхшаш шароитлар мавжуд бўлганлиги учун мамлакатимизда солиқ соҳасида ўзгаришларни амалга оширишда бир неча фойдали сабоқларни бериши мумкин. Бу мамлакатлар билан Ўзбекистон ўртасида мавжуд бўлган ўхшашликларга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: бозор ва солиқ органларини етарли даражада ривожланмаганлиги; солиқ интизомига ихтиёрий равишда риоя қилиш анъаналарининг йўқлиги; зарурий харажатларни қоплаш учун бюджет даромадларининг етарли эмаслиги; қисқа муддатли режада солиқ тушумларининг тушиб туришини таъминлашнинг устуворлиги. Умумий кўринишда ривожланаётган мамлакатлардаги солиқ ислохотларининг конкрет тажрибаси ўтиш даври иқтисодиётига эга бўлган мамлакатлар учун қуйидаги йўналишларда (аспектларда) фойдалидир:

1. Эгри (билвосита) солиқларни қонунчиликда осон расмийлаштириш ва осон йиғиш мумкин. Шунинг учун ҳам эгри (билвосита) солиқлар ўтиш даврида даромад тушумларининг манбалари орасида келажакка нисбатан катта урин эгаллайди;

2. Мулкӣй солиқлар ва уларни ундириш тизимини йирик бюджет тушумларининг самарали манбаи сифатида ташкил этиш мураккабдир. Шу боисдан уларни яқин келажакда бюджет тушумларининг муҳим манбаи сифатида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ эмас;

3. Кенг масштабда солиққа тортишнинг презумптив услубининг ва альтернативли минимал солиқларнинг қўлланилиши яхши натижа берди. Бу тажрибани ўтиш даври иқтисодиётига бевосита қўчириш мумкин;

4. Анъанавий акцизлар яхши тушумларнинг берилишини таъминлайди ва осон ундирилади. Ривожланаётган мамлакатлардаги акцизлардан фойдаланишнинг ижобий тажрибасини ўтиш даври иқтисодиёти тизимига ўтказиш мумкин;

5. Капиталдан олинадиган даромаднинг ҳажмига (миқдорига) инфляциянинг таъсирини ҳисобга олиш керак;

6. Солиқ органларининг бир неча функцияларини банк тизимига юклаш лозим.

Ўтиш даври учун махсус солиқ тизимини яратиш эволюцион ёки босқичма-босқич ислоҳ қилишни, идеал таркибий тузилиш сари интилишни тақозо этади. Бир вақтнинг ўзида бу нарса оралиқ босқичда мавжуд бўлган маъмурий ва институционал чекланишларни ҳисобга олиши, тез ислохотлар туфайли шубҳасиз вужудга келадиган бюджет камомадининг макроиқтисодий оқибатларига катта эътибор бериши лозим. Ўтиш даврида, фақат соф иқтисодий ва ҳўжалик муаммоларининггина эмас, балки ижтимоий муаммоларнинг ҳам алоҳида аҳамият касб этишини доимо эсда тутиш керак. Шу боисдан солиқ тизимининг уларга таъсирини ҳам инобатга олмоқ лозим.

Ўзбекистонда солиқ тизимини ислоҳ қилиш учун икки хил йўлни таклиф қилиш мумкин эди:

1. Ягона янги ҳужжат - Солиқ кодексини қабул қилиш орқали солиқ тизимини тубдан ўзгартириш;

2. Амал қилиб турган меъёрий ҳужжатлар ва қонунчилик актларини бир неча йиллар давомида секин-асталик билан ўзгартириш.

Сиртдан қаралганда иккинчи йўл оқилонадек туюлади. Чунки бу йўл орқали солиқ тизими ислоҳ қилинганда, қисман ўзгаришларни осонлик билан амалга ошириш мум-

кин, амалиётни тубдан узгартириш зарур эмас, мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлаш учун вақт етарлидир. Лекин келажакда ушбу йўл бу соҳадаги ишларни боши берк кўчага олиб кириши шубҳасиздир. Бу ўша даврда амал қилган меъерий ҳужжатларнинг ҳаддан зиёд кўплиги, бу ҳужжатларнинг айрим ҳолларда бир-бирига зид келиши, амалиётда қўлланилаётган тушунчаларнинг эскирганлиги, қонунларнинг кўп марта ўзгартирилганлиги билан изоҳланади. Бундай шароитда қонунлар ва бошқа меъерий ҳужжатларнинг маълум даражада трансформацияланишини кутиб туриш ножоиздир.

Бизнинг мамлакатимиз учун солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг ягона реал варианты сифатида Солиқ кодексини қабул қилиш деб тан олинди ва МДҲ мамлакатлари орасида биринчилар қаторида бу муҳим ҳужжат қабул қилинди.

Солиқ кодекси қабул қилинганидан сўнг солиқ органларининг иш амалиёти шунини кўрсатдики, мамлакатда вужудга келган иқтисодий вазиятда солиқларнинг ундирилиш даражасини ошириш учун давлат томонидан раҳбарлик қилишни қаттиқ марказлаштиришни таъминлаган ҳолда унинг шакл ва услубларини такомиллаштириш йўли орқали, солиқ органлари назорат-иқтисодий ишларининг сифати ва сонини кескин ошириш, вазифаларни аниқ тақсимлаш, солиқларни бошқаришнинг ягона автоматлаштирилган ташкилий тузилмасини яратиш, назорат-иқтисодий вазифаларни бажариш билан банд бўлган ходимларни бошқа ишларга жалб қилмаслик, солиқ қонунчилигини тарғиб қилиш, товарнинг (ишнинг, хизматнинг) бозор баҳосини аниқлаш, солиқ органларига солиқ тўловчи туғрисида келиб тушадиган маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш зарур.

Ҳозирги пайтда солиқ тўловчиларни солиқларни тўлашга жалб қилиш (ундаш) мақсадида солиқ органлари томонидан солиқ қонунчилигини тарғиб қилиш борасида маълум ишлар амалга оширилаяпти. Радио, телевидение ва матбуотда чиқишлар ташкил қилинаяпти, эслатмалар жўнатилаяпти, фуқаролар кўплаб тўпланадиган жойларда (омонат кассаларида, алоқа идораларида, ва бошқаларда) тегишли эълонлар берилаяпти. Албатта, бундай ишларнинг

амалга оширилиши давлат солиқ инспекцияси ходимларининг ўз асосий бурчларини бажаришларига халақит беради ва улар учун бу нарсалар қўшимча юкламадир.

Ҳозирги босқичда турли тоифадаги солиқ тўловчилар ва солиқ органларининг ҳуқуқлари, бурчлари ва мажбуриятлари ҳамда қабул қилинган қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларни, солиқ қонунчилигини ўз ичига олган алоҳида рисоалари ва амалий дастурий маҳсулотлари шаклида нашр этиб, уларнинг моҳиятини тушунтириб берадиган, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ Кумитасининг ягона услубий раҳбарлиги остида ишлайдиган, юқори касбий даражада ташкил қилинган ҳамда давлат томонидан мақсадли йўналтирилган иш зарур. Бир вақтнинг ўзиде минтақавий солиқ органларининг матбуот хизматини тузиш ва уларнинг зиммасига солиқ қонунчилигининг шу минтақага хос бўлган хусусиятларини кўрсатувчи рисоалар нашр этиш вазифасини юклаш керак.

Амалдаги солиққа тортиш тизимининг яна бир муҳим муаммоларидан бири мулкчилик ҳуқуқи асосида солиқ тўловчига тегишли бўлган мулкнинг ва даромаднинг қийматини (бозор баҳосини) аниқлашдир. Амалиётда қўлланилаётган қонунчилик ва меъёрий актларга кўра юқорида таъкидланган солиққа тортиш объектларининг бозор баҳосини аниқлаш механизми белгиланмаган. Шунинг учун ҳам бу нарса амалиётда солиқ инспекторининг зиммасига юкланганки, унга кўра у бозор конъюнктурасини аниқлаши, мулкнинг (даромаднинг) баҳоси тўғрисидаги барча ҳулосаларни тўплаши, уларни таҳлил қилиши ва солиққа тортиладиган суммани аниқлаши керак. Бундан ташқари, бозор баҳосини аниқлаш механизмнинг йўқ эканлиги солиққа тортиш мақсадлари учун объектларни баҳоловчи органлар томонидан сиёсий мотивлардан фойдаланган ҳолда (аҳолини уй-жой фондиде хусусийлаштиришга жалб қилиш, кўчмас мулк иккиламчи бозорини кенгайтириш ва бошқалар) солиқ қонунчилигини рад қилиб (инкор этиб) объектнинг қиймати билан манипуляция («уйнаш»га) қилишга олиб келди.

Шундай қилиб, солиққа тортиш мақсадлари учун товарнинг (иш ёки хизматнинг) бозор баҳосини аниқлаш-

нинг илмий жиҳатдан асосланган услуби бўлмаганлиги учун солиққа тортилувчи бир объект икки, уч ва ундан ортиқ қийматланган баҳоларга эга бўлиб қолаёпти. Табиийки, бундай баҳолаш объектив бўлиши мумкин эмас ва бу нарса амалиётда солиқ туловчи томонидан суд тартибидаги шикоятларга сабаб бўлаяпти. Юқорида баён этилганларни ҳисобга олиб солиққа тортиш объектларининг реал бозор қийматини аниқлаш ва шунга мос равишда солиқлардан йўқотмаларни қисқартириш мақсадида ҳамда хориждаги шу ишларга тегишли бўлган тажрибаларни инобатга олган ҳолда жуда қисқа муддатларда солиқ органларининг таркибида солиққа тортиш мақсадлари учун товар (хизмат, иш) ларнинг бозор баҳосини аниқлаш бўйича мутахассис-баҳоловчиларнинг институтини ташкил қилиш туғрисидаги масалани ҳал қилиш зарур.

Эксперт-баҳоловчининг малакали ҳулосаси солиқларни ҳисоблаш ва солиқ мажбуриятларини ундиришда асос бўлиб хизмат қилиши ҳамда солиқ органлари ва солиқ туловчиларнинг даъволари бўйича судга тақдим этилиши лозим.

Энди солиқ ислоҳотининг асослари ва янги солиқ тизимига нисбатан қўйиладиган талабларга тўхталиб ўтайлик.

Ўзбекистон ҳам кўпгина хориж мамлакатлари сингари давлатнинг солиқли даромадларини ошириш йўллари кидириб топишга ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистонда бозор муносабатлари ривожланиб бораётган бир шароитда, солиқларнинг ундирилиши оғир бўлган ва бюджет камомати мавжуд бўлган бир пайтда, энг аввало, ҳозирги босқичда мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг узоқ муддатли Дастурини қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу дастурнинг таркибий қисми сифатида солиқ тизимини ривожлантириш концепцияси ҳисобланиши керак.

Ўзбекистоннинг солиқ тизимини ривожлантириш концепцияси асосида, энг аввало, бир неча ривожланган хориж мамлакатларида асос сифатида олинган ва ўзининг самардорлигини амалда кўрсатган тамойиллар қўйилиши керак. Бундай тамойиллар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Солиқларнинг марказий (давлат) бюджетга тушувчи

ва маҳаллий солиқларга қатъий бўлиниши, икки марталик солиққа тортишни рад этадиган ва айрим ҳолларда солиқ тўловчига солиқнинг конкрет тури ёки солиқ ставкасини танлаш ҳуқуқини бериш орқали солиқларнинг ўзаро боғланганлиги, давлат томонидан солиқларни бошқаришнинг қаттиқ марказлаштирилиш асосида солиқ тизимини яхлитлиги билан таъминланган тизимлилик;

2. Давлат бюджети масалалари бўйича овоз беришда ҳар йили қабул қилинадиган давлат қонунлари асосида сиёсий ва иқтисодий конъюнктурадаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда солиқ сиёсатини амалга ошириш ва солиқлар ставкасини ҳар йили аниқлаштириш имконияти билан таъминланган солиқ тизимининг мосланувчанлиги;

3. Ривожланиш суръатлари, иқтисодиёт тармоқларининг молиявий аҳволи, инфляция ва ишсизлик даражаси, минтақалар иқтисодий ривожланишини тенглаштириш омилларини ҳисобга олган ҳолда мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган солиқ тизимининг ижтимоий йўналишдалиги.

Солиқ тизимини тузиш (қуриш)нинг юқорида келтирилган тамойилларининг бузилиши ва бунинг оқибатида солиқ қонунчилиги, солиқлар билан бошқаришнинг ташкилий тузилмаси, назоратнинг шакл ва услубларини такомиллашмаганлиги, солиқлар билан бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимининг йўқлиги, солиқ органлари томонидан уларга хос бўлмаган вазифаларнинг бажарилиши - солиқларнинг ундиришдан олинадиган бюджет даромадларининг кескин қисқаришига олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, юқорида санаб ўтилган сабабларга кўра амалга оширилаётган назорат - иқтисодий ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида солиқ органлари қонунчилик соҳасида тажрибага қўл уришга, амалдаги солиқ қонунларини тарғибот қилишга, замонавий талабларга жавоб берадиган назорат - иқтисодий ишларнинг шакллари ва услублари ҳамда уларнинг янги ташкилий тузилмаларини яратишга мажбур бўлдилар. Хуллас, улар ўзларининг зиммаларига қонунчилик ва ижроия ҳокимият органларининг функцияларини ҳам олгандирлар.

Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларда солиқлар-

нинг қуйидаги асосий турлари таркиб топган: жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи; юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи; оборот солиғи; қўшилган қиймат солиғи; социал (ижтимоий) суғурта фондига бадаллар; истеъмол солиғи; мулкый солиқ; мерос солиғи ва бошқалар.

Алоҳида олинган мамлакатлар иқтисодиётининг турли қўринишдаги даромадлардан олинадиган солиқлар билан боғлиқлиги бир хил эмас ва унинг ўзгарувчанлиги тушунарлидир. Бироқ охириги йилларда ривожланган мамлакатларнинг барчасида бюджет таркибида даромад солиғи ва социал (ижтимоий) суғурта бадаллари салмоғининг ошганлиги кузатилаяпти. Бу тенденция солиқ тизимини ислох қилишга бағишланган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида бизнинг мамлакатимизда ҳам кейинги йилларда содир бўлаяпти. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда солиқ тизимини ривожлантириш концепциясида солиқларнинг устувор қўринишлари ва уларнинг якуний шакллари, масалан, фақат аҳоли даромадларини ёппасига шахсан солиққа тортиш ёки истеъмол харажатларни ҳисобга олган ҳолда оила даромадларини ёппасига солиққа тортиш масалалари аниқланиши керак.

Баъзи хорижий мамлакатларда солиқ органлари фаолиятининг самарадорлиги бир неча кўрсаткичлар билан тавсифланиб, уларнинг орасида энг асосийси солиқ рентабеллигидир. Ўзбекистонда солиқ тизимининг шаклланиш босқичида солиқ тизими тузилиши (қурилиши) нинг юқорида келтирилган тамойиллари талабларини амалга оширишни таъминлаш фақат мамлакат ривожланишини характерлайдиган тегишли кўрсаткичлар тизими ва солиққа тортиш тизимидаги содир бўлаётган жараёнларни таҳлил қилиш орқалигина мумкиндир. Бунга эса иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғи ва солиқ органлари фаолиятининг йўналишлари учун аналитик ва ўзига хос бўлган ҳисобот яратилгандагина эришилади. Солиққа тортиш соҳасидаги бундай ҳисоботни таҳлил қилишнинг натижаси солиқ қонунчилиги, назоратнинг шакл ва услубларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ҳамда солиққа тортиш жараёнлари устидан оператив бошқариш функциясини таъминлашдир. У ёки бу турдаги солиқларни ундириш бўйича солиқ органи

фаолиятини чуқур таҳлил қилишни амалга ошириш бошқарувнинг таркибий тузилиши тармоқ тамойили бўйича эмас, балки функционал тамойил асосида ташкил қилингандагина мумкин. Ҳозирги вақтда амалиётда қўлланиб келинаётган ҳисобот эса ўзида фақат статистик миқдорий маълумотларни акс эттириб, иқтисодиётда ва солиқ органларининг фаолиятида ҳамда солиқларнинг ҳар бир тури бўйича содир бўлаётган жараёнлар ва уларга таъсир кўрсатиш мумкин бўлган омилларни таҳлил қилишга имкон бермайди.

Бюджетга бориб тушувчи соф даромадни кўрсатувчи ва солиқ органлари фаолиятини характерловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланган солиқ рентабеллиги (реал солиқ суммаси ва уни ундириш бўйича солиқ органларининг харажатлари ўртасидаги нисбат) кўрсаткичининг йўқ эканлиги ҳам солиқ органларини самарали ва оқилона бўлишига таъсир кўрсатмади, автоматик режимда солиққа тортиш жараёнларини бошқаришда юқори моддий харажатлар талаб қилувчи кўп йиллик ва паст самарали изланишларга олиб келди.

Солиқ ислоҳотини муваффақиятли амалга ошириш учун мантикий жиҳатдан тўғри ҳаракат қилмоқ лозим. Бунинг учун, энг аввало, бюджет харажатларининг оқилона эканлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш керак. Чунки ҳозирги пайтда солиқларни кескин қисқартирмасдан туриб, солиқ тўловчиларнинг аҳволини кескин яхшилашнинг иложи йўқ. Умумий тарзда ҳозирги пайтда ҳужалик юритувчи субъектлар ўзлари томонидан яратилган ялпи маҳсулотнинг қарийб ярмини бюджет ихтиёрига ўтказишмоқда. Бюджет харажатларини оқилонлаштириш ва қисқартириш натижасида солиқ ставкаларини бирмунча пасайтириш ва бунинг оқибатида эса ялпи ижтимоий маҳсулотдаги солиқларнинг салмоғини 32-33 фоизга тушириш мумкин. Шунинг учун ҳам бундай шароитда нореал бюджет харажатларини қисқартириш ва бунинг уддасидан чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Солиқ ислоҳотини амалга ошириш режалаштирилаётган пайтда қуйидагиларга алоҳида эътибор бермоқ лозим:

- қонунчилик ва меъёрий актлар бутун массивини ягона ҳужжатга интеграциялаштириш;

- ягона тушунчалар аппаратининг қўлланилиши, солиқ қонунчилиги қоидаларини бир хил тартибда тушуниш;

- мамлакатдаги солиқларнинг умумий сонини кескин қисқартириш, солиқ қонунчилигида курсатилмаган солиқлар ва йиғимларни жорий этилишини тақиқлаб қўйиш;

- ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми асос бўлиб ҳисобланувчи барча солиқ ва йиғимларни бекор қилиш;

- меҳнат ҳақиға йўналтирилаётган маблағларни солиққа тортишни ислоҳ қилиш;

- фойдадан олинадиган солиқнинг базасини ҳисоблашда бутун дунёда қабул қилинган андозадан фойдаланиш, «таннарх» тушунчасидан амалда воз кечиш, янги амортизация сиёсатини юргизиш;

- кўпсонли имтиёزلардан воз кечиш.

Бир неча солиқ қонунларини модификациялаш асосида ягона солиқ қонунининг қабул қилиниши амалда самаралидир. Чунки ҳозирги вақтда ҳатто мутахассислар ҳам йўриқномалардаги жорий ўзгаришларни кузатишга, алоҳида олинган қонунларнинг ўзаро кўп сонли номутаносибликларини таҳлил қилиб боришга улгурмаяптилар.

Солиқ қонунчилигида ягона атамалар, турли ҳужжатларда қўлланилган тушунчаларни бир хил тарзда талқин этиш зарурки, булар оқибат натижада, мамлакатимиз ва хорижий компанияларни солиққа тортишда бир хил тарзда ёндашишга, солиқ қонунидаги камчиликларни барҳам топишига, солиқларни тулашдан бўйин товламасликка олиб келади.

Солиқ тизимини такомиллаштиришда қуйидагиларга ҳам алоҳида эътибор бериш лозим:

- молиявий йил давомида солиқлар тизимининг ва бошқа мажбурий туловларнинг ўзгармаслигини, қарамақарши (зиддиятли) бўлмаслигини, уларнинг бирлигини таъминловчи барқарор солиқ тизимини яратиш;

- йирик тушумларни беролмайдиган мақсадли солиқларни бекор қилиш ва солиқларни йириклаштириш ҳисобида уларнинг умумий сонини қисқартириш;

- маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчилар зиммасидаги солиқ юқини енгиллаштириш;

- солиққа тортиш умумий режимидаги имтиёзлар ва истисноларни қисқартириш.

Бу вазифалар Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши учун қулай шарт-шароитларни яратиб беришига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишларидан бири унинг ташкилий тузилишини такомиллаштиришдир. Бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида республикамиз солиқ тизимининг шаклланиш босқичида солиқларнинг турлари бўйича ихтисослашган ҳолда, дастлаб, солиқ органларининг марказлаштирилган иерархик тизими шаклланди.

Солиқ тизимини шакллантиришнинг дастлабки босқичида солиқларни ҳисоблаш ва ундириш методологияси ҳамда солиқ ҳужжатларининг шакллари маълумотларни аъъанавий равишда қўлда ишлашга тўлиқ мўлжалланган эди. Маълум даражада солиқ методологияси ривожланишининг ана шундай тенденцияси ҳозирги вақтда ҳам сақланиб қолаяптики, бу нарса маълумотларни электрон тарзда қайта ишлашни ташкил қилишдаги муҳим муаммолардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг ривожланиш ва такомиллашиш жараёни давом этаётган бўлишига қарамадан унинг дастлабки ташкилий тузилмаси ва солиқ органлари ишининг таркиб топган тизими ўзларининг жуда кўп ўлчамларига кўра тегишли ишнинг самарадорлигини ошириш салоҳиятини тугатган.

Ғарб (хориж) андозаларига кўра солиқ органлари тизими икки элементдан таркиб топган: солиқ администрацияси тизими; солиқ органларини ташкил қилиш тизими.

“Солиқ администрацияси” атамаси солиқ хизмати тизимида кенг тарқалмаганлиги учун унга шу ўринда таъриф бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Солиқ администрацияси солиқ органлари ишини ташкил этиш бўлиб, у солиқ органларида қонун томонидан кўзда тутилган функцияларни бажаришни таъминлайди.

“Солиқ администрацияси” тушунчаси ўз таркибига қуйидагиларни олади: солиқ органи функциясининг таркибини аниқлаш; солиқ органи ҳар бир функциясини амалга ошириш учун иш процедураларининг таркибини

аниқлаш; солиқ органининг бўлинмаларига ўз функцияларини бириктириш. Бир вақтнинг ўзида солиқ администрацияси тизими ва солиқ органларини ташкил этиш ўзаро боғлиқ бўлганлиги учун бу категорияларни ҳар доим комплекс ҳолда олиб қарамоқ лозим.

Ҳозирги пайтда солиқ органларини модернизация қилишнинг зарурлиги қуйидаги объектив омиллар билан белгиланади:

- солиқ тизимининг муттасил равишда мураккаблашиб бораётганлиги;
- ҳудудий солиқ органлари инспекторларига тўғри келувчи юклама ҳажмининг ошиб бораётганлиги;
- солиқ органларини молиялаштириш ҳажмининг чекланганлиги.

Ҳудудий солиқ органлари учун модернизация қилишнинг мажбурий компонентлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- типли ташкилий тузилишга ўтиш;
- типли солиқ администрация тизимини яратиш;
- самарали солиқ технологияларини жорий этиш;
- информатизация даражасини ошириш;
- информацион ресурсларнинг хавфсизлигини таъминлаш;
- мутахассислар ва солиқ тўловчиларни ўқитиш.

Солиқ хизматини модернизация қилишнинг муҳим компоненти мутахассислар ва солиқ тўловчиларни ўқитишдир. Мутахассисларни ўқитиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мумкин:

- солиқ инспекцияси раҳбарлари ва мутахассисларини солиқ органлари ишини ташкил қилишнинг типли тизимига ўтишини таъминлаш учун ўқитиш;
- маълумотларни электрон қайта ишлаш янги тизимини эксплуатация қилиш учун ўқитиш.

Солиқ тўловчилар учун эса ўқитишни ташкил қилиш лойиҳа ресурсларининг чекланганлиги сабабли экспериментал ва чекланган характерга эгадир.

Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти ҳамда солиқ информацион тизимлари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш назарий ва амалий жиҳатдан тайёргарликни тақозо

этади. Солиққа тортиш соҳасидаги малакали мутахассис назарий жиҳатдан солиқ тизимининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихини билиши; турли типдаги иктисодиёт ва ривожланиш даражасига эга бўлган мамлакатлар солиқ тизимларидаги фарқлар ва уларнинг таркибий тузилиши туғрисида тасаввурга эга бўлиши; ҳар бир солиқни ҳисоблаш услубини билиши, солиққа тортиладиган базани таҳлил қила олиши; тадқиқотнинг замонавий статистик услубларидан фойдаланган ҳолда солиқ тушумларининг истиқболини белгилай олиши; компьютер саводхонлигига эга бўлиши ва солиққа тортиш соҳасида автоматлаштирилган тизимлар ҳамда замонавий инфор­мацион технологиялардан оқилона фойдалана олиш қобилиятига эга бўлиш керак ва ҳ.к.

Албатта, ана шу билимларни эгаллашга тегишли олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, коллежларда, малака ошириш курсларида ва бошқаларда кенг эътибор берилади. Бир вақтнинг ўзида, солиққа тортиш соҳасидаги малакали мутахассис солиқ тўловчилар томонидан бериладиган барча саволларга малакали тарзда ва ҳар томонлама жавоб бера олиш қобилиятига эга бўлиши керак. Бунинг учун унинг ўзи, энг аввало, ҳаётга татбиқ этилаётган солиқ сиёсатининг асл моҳиятини туғри идрок этиши, солиқ тизими ва солиққа тортишнинг асосий тамойиллари мазмунини туғри тушуниши, солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқликни кура билиши, солиққа тортишни такомиллаштиришнинг асосий кўринишлари нималардан иборат эканлигини белгилай олиши керак.

Китобимизнинг навбатдаги бобларини ана шу масалаларни оммабоп тарзда ёритишга бағишлаймиз.

2-БОБ. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб назарий ҳамда амалий масалалари

2.1. Солиққа тортиш назариясининг энг долзарб муаммоси

Солиққа тортиш назарияси тарихида энг долзарб муаммо сифатида қуйидаги саволнинг жавобини излаб топиш саналади: Бюджет даромадларини шакллантиришда соф фискаль услублардан фойдаланиш мақсадга мувофикми ёки солиқларни пасайтириш орқали тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва солиққа тортиш базасини кенгайтириш керакми? Буларнинг қайси бири афзал? Қайси бири мақсадга мувофик?

Албатта, бизнинг шароитимизда ҳамма ҳам (ҳатто шу соҳанинг мутахассислари ҳам) бу саволга қатъий қилиб бир хил тарзда жавоб беролмайди. Лекин сиртдан қаралганда бу саволнинг жавоби унча мураккаб кўринмайди. Чунки саволнинг узида унинг жавоби мавжуд. Фақат унинг мураккаблиги шундаки, саволнинг икки хил жавоби берилган. Биринчи жавобга кўра бюджет даромадларини шакллантиришда фақат соф фискаль услублардан фойдаланиш мақсадга мувофикдир. Иккинчи жавобга кўра эса, бюджет даромадларини шакллантиришда солиқларни пасайтириш орқали тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва солиққа тортиш базасини кенгайтириш афзалдир. Шундай бўлишга қарамасдан ҳар икки жавобнинг қай бири танланишидан қатъиназар, ундан сўнг «Нима учун айнан шу вариантни танладингиз?», - деган навбатдаги саволнинг кун тартибига қўйилиши, табиийдир. Бу саволга жавоб бериш эса анча мураккабдир.

Қуйида келтирилган фикрлар муаммонинг асл моҳиятини тўғри идрок этишга ва тўғри жавобни танлашга ўзининг хиссасини қўшади деб ўйлаймиз:

1. Солиқ юкини реал пасайтириш ҳукмдорнинг хоҳиш-истагига эмас, балки мустаҳкам иктисодий асосга таянади.

Акс ҳолда бу нарса бутунлай тескари натижаларга олиб келиши мумкин.

2. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Германиянинг давлат арбоби профессор Л.Эрхарднинг фикрича, барча фуқаролар ва ҳужалик юритувчи тоифаларнинг солиқ юқини пасайтиришга йўналтирилган истақларини адолатли¹ деб тан олмақ лозим. Бир вақтнинг узида у, мақсадга эришишнинг воситаларини ҳам кўрсатиб беради: харажатларнинг талаб қилинган барқарорлигига ва унумдорликнинг ривожланишини белгиланган суръатларда амалга оширилишига эришилса, солиқларни қандай пасайтириш имкониятини ҳисоблаб топиш ва тасаввур қилиш мумкин. Фақат шу йўл билангина бизнинг ҳаммамизни эзиб келаётган солиқ муаммосини ҳаққоний ва реалистик тарзда ечишга эришишимиз мумкин.²

Таъкидлаш жоизки, Л.Эрхарднинг Германия ҳужалик вазири, сўнгра эса канцлери бўлган даврларида унинг ташаббуси ёрдамида қабул қилинган тадбирлар орасида унинг солиқ сиёсати урушдан сўнгги Германия иқтисодиётини кўтаришда ҳал қилувчи ролни ўйнади.

3. XX асрнинг 70-80-йилларида Ғарб мамлакатларида америка иқтисодчиси А. Лэффернинг бюджет концепцияси тан олинди. Унинг фикрича, солиқ тушумлари икки асосий омилнинг маҳсулидир: 1. Солиқ ставкаси. 2. Солиқ базаси.


Солиқ юқининг оғирлашуви (ўсиши) фақат маълум бир чегарага етгунга қадар давлат даромадларининг кўпайишига (ошишига) олиб келиши мумкин. Бу чегара миллий ишлаб чиқариш солиққа тортиладиган қисмининг қисқариши билан бошланади. Агар ана шу чегарадан босиб ўтилса, солиқ ставкасининг ўсиши бюджет даромадларининг ўсишига эмас балки, аксинча, қисқаришига олиб келади. Бу нарсани график усулда қуйидагича кўрсатиш мумкин. (навбатдаги бетга қаралсин).

Графикдаги вазиятдан кўриниб турибдики, А.Лэффер эгри чизиги давлат бюджети даромадларининг солиқ ставкаси даражасига (ўлчамига) боғлиқлигини кўрсатади. Ундан

¹ Эрхард Л. Благосостояние для всех. М., Начала-Пресс, 1991. стр 18.

² Ўша манба

солиқ ставкаларининг ўсиши маълум бир критик (максимал) нуқтага (0; м) етгунга қадар давлат бюджети даромадларининг ўсишига (ортишига) олиб келиши (М нуқтаси) мумкинлигини аниқлаш қийин эмас. Ана шу критик (максимал) нуқтадан сўнг солиқ ставкаларининг яна оширилиши (кўтарилиши) тескари натижаларга олиб келади: корхоналар олинган фойдани қандай қилиб бўлса ҳам солиқдан «қочириш», уни яшириб қолиш йўлларини қидира бошладилар (афсуски, бу «йўллар»ни қидириб топадилар ҳам), ишлаб чиқариш ва инвестициялар ҳажми қисқаради. А.Лэффернинг фикрича, солиқ ставкалари максимал даражасининг (критик нуқтасидагисининг) пасайтирилиши (камайтирилиши) тадбиркорликни (жумладан, хусусий тадбиркорликни ҳам) ривожланиши учун яхши, қулай вазиятни вужудга келтиради. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқаришнинг ривожланишига, инвестицияларнинг ўсишига, бандликка эришишига, даромадларнинг кўпайишига ва ниҳоят давлат бюджетида солиқ тушумларининг ортишига олиб келади. Бу пировардида бюджет тақчиллигининг қисқариши ва инфляциян жараёнларнинг сусайиши демакдир.



1- график.Лэффер эгри чизиги

Шундай экан, тадбиркорлик фаолиятини жонлантириш вазифасини солиқ «зулми»ни енгиллатиш орқали ҳал қилиш лозим. Солиққа тортиш ставкасининг пасайтирилиши ишлаб чиқаришнинг ўсишига ва бу эса, ўз навбатида,

келажакда солиқ тушумларининг вақтинчалик камайиши-ни компенсация қилинишига (қайта тикланишига) олиб келади. Инфляциясиз ишлаб чиқаришнинг ўсишига, энг аввало, солиқ ставкалари, солиқ имтиёзлари ва солиққа тортишнинг прогрессивлигини оқилона манипуляция қилиш ҳисобига эришилади.

XX аср 80-йилларнинг иккинчи ярми ва 90-йилларнинг бошларида дунёнинг АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Швеция ва бошқа бир қатор етакчи мамлакатлари капитал жамғарилишини тезлаштиришга ва ишбилармонлик фаоллигини рағбатлантиришга йўналтирилган солиқ ислохотларини амалга оширдилар. Ана шу мақсадлар учун корпорациялар фойдасидан олинadиган солиқнинг ставкаси бирмунча пасайтирилди. Масалан, АҚШда корпорацион солиқнинг ставкаси 46 фоиздан 34 фоизгача пасайтирилди; Буюк Британияда - 45 фоиздан 35 фоизгача, сўнг эса 33 фоизгача, Францияда - 1986 йилда 50 фоиздан 45 фоизгача, 1991 йилда 42 фоизгача, сўнг эса 34 фоизгача; Японияда - 1989 йилда 42 фоиздан 40 фоизгача (префектура ва маҳаллий солиқларни ҳисобга олган ҳолда). 1994 йилда Данияда солиқ ислохотини секин-асталик билан амалга ошириш бошланди. Параллел равишда бу мамлакатларда жисмоний шахслар шахсий даромадларини солиққа тортишнинг юқори даражаси пасайтирилди ва солиққа тортилмайдиган даромаднинг интерваллари кенгайтирилди.

Туғри солиқларнинг камайтирилиши қўшилган қиймат солиғи ва сотувдан олинadиган солиқ сингари эгри солиқларнинг оширилишни тақозо этганлигини қайд этиб ўтишимиз керак. Масалан, 90-йилларнинг урталарида Германияда қўшилган қиймат солиғининг умумий ставкаси 14% дан 15% га, Японияда эса сотувдан олинadиган солиқнинг ставкаси 3% дан 5% га кўтарилди. Швейцарияда ҳам қўшилган қиймат солиғи жорий этилди. Баъзи бир мамлакатларда ер солиғининг ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Солиқ соҳасида иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилишида тартиббузар юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан солиқ қонунчилигига риоя қилиш устидан назоратнинг кучайтирилаётганлиги ва иқтисодий ҳамда маъмурий жазоларнинг оғирлашаётганлиги ҳам характерлидир.

2.2. Солиқ тизимининг асосий таможиллари

Монографиямизнинг иккинчи бобидаги иккинчи параграф доирасида биз солиқ тизимининг асосий таможиллари туғрисида тўхталиб ўтишни лозим топдик. Фикримизча, бу масаланинг кун тартибига қўйилиши, энг аввало, ҳаётга татбиқ этилаётган солиқ сиёсатининг асл моҳиятини туғри тушунишга ёрдам беради. Шу билан бирга алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимиз солиқ тизимига асос солинаётган пайтда бу таможилларга маълум даражада риоя қилинган бўлса-да, айрим сабабларга кўра шу таможилларнинг асл моҳияти ханузгача солиқ тўловчиларга тулиқ етиб бормаган. Бунинг натижасида солиқ тўловчиларимиз солиқларга нисбатан ўз муносабатларини билдираётган пайтда маълум ноаниқликка, нообъективликка йўл қўяётгирлар. Солиқ тизими таможилларининг туб моҳиятини туғри идрок этмасдан туриб, солиқ кодексининг асл мазмунини ҳам тўлақонли тарзда тушуниш мумкин эмас. Негаки, бу ҳолатлар принципиал аҳамиятга молик бўлган масала бўлиб, ундан ҳар бир солиқ тўловчи ўз вақтида огоҳ бўлмоғи лозим.

Солиқ тизими асосий таможилларининг биринчиси солиқларнинг ҳаддан зиёд оғир бўлмаслигидир.

Биз бу ўринда солиқ тўловчиларимизнинг «Солиқлар ҳаддан зиёд оғир бўлмаслиги керак» деган ҳар бир сўзга ва сўзлар бирикмасига, уларнинг маъносига алоҳида-алоҳида эътибор беришларини истардик. Ана шунда бу ерда солиқларнинг солиқ тўловчилар учун оғир бўлишини тан олинаётганлигини кўришимиз, ўрни келганда солиқларнинг «зиёд оғир» бўлиши ҳам тақозо этилаётгир ва бу нарса табиий нарсасдек қаралмоғи лозимдир. Солиқ тўловчиларимиз, энг аввало, бундан огоҳ бўлмоқлари ва бунга кўнишлари керак бўлади.

Албатта, шу ўринда «Тўланадиган солиқларнинг суммаси нечага тенг бўлганда солиқлар ҳаддан зиёд оғир бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин?», - деган саволнинг туғилиши табиийдир. Бу саволга рақамлар билан жавоб бериш

маъно билдирмаслигини бирданига айтиб кўя қолайлик. Чунки гап аслида, солиқ, фаолиятнинг у ёки бу турини рағбатлантириши ёки рағбатлантирмаслиги тўғрисида кетаётир. Агар солиқ оғир бўлиб, фаолиятнинг у ёки бу турининг ривожланишига кескин тўсқинлик қилса, у ҳолда бундай солиқни ҳаддан зиёд оғир деб қабул қилиш мумкин ва аксинча. Лекин шу билан бирга ажабланарли томони шундаки, бизнинг солиқ тўловчиларимизда ҳар қандай солиқ суммаси фаолиятнинг у ёки бу турининг ривожланишига доим тўсқинлик қилади, деган фикр мустаҳкам ўрнашиб қолган. Назаримизда, бундай фикр юритишларга барҳам бериш вақти етиб келди ва солиқ тўловчилар ҳам бу масалага нисбатан оқилона муносабатда бўлмоқлари даркор.

Мазкур муаммони иккинчи томони ҳам борлигини қайд этиб ўтмоқ лозим. Гап шундаки, солиқларни ҳаддан зиёд оғирлик даражасини фақат солиқ тўловчиларгина эмас, балки бу нарсани мамлакатимиз доирасида солиқ сиёсатини ишлаб чиқарувчилар ва ҳаётга татбиқ этувчилар ҳам аниқ идрок этмоқлари керак. Чунки солиқларнинг ҳаддан зиёд оғир эканлиги муваффақиятли солиқ сиёсати юргизилаётганлигидан далолат бермайди ва бундай солиқ сиёсатини юргизиш билан қўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди. Бунинг тўғри эканлигини жаҳон тажрибаси яққол тасдиқлаб турибди.

Солиқларнинг солиқ тўловчиларга тушунарли бўлиши мазкур тизимда асос сифатида олинishi лозим бўлган иккинчи тамойилдир.

Бошқача айтганда, ҳар бир солиқ тўловчи у ёки бу солиқ турини нима учун тўлаётганлигини аниқ билиши керак. Солиқ тўловчи солиқни тўласа-ю, лекин нима учун айнан шу солиқни тўлаганлигининг сабабини билмаса ёки унинг моҳиятини тушунмаса, буни аянчли ҳол деб баҳолаш мумкин, холос. Чунки бундай вазиятда солиқнинг тўланиши, бир томондан, солиқ тўловчиларнинг билимлилик даражаси пастлиги билан изоҳланса, иккинчи томондан, солиқ сиёсатини юргизувчилар ва уни ҳаётга татбиқ этувчиларнинг ўз вазифаларини сидқидилдан бажармаётганликларини кўрсатади.

Солиқларнинг солиқ тўловчиларга тушунарли бўлмоғи лозим экан, ҳуш, бу тамойилга риоя қилиш нималарга боғлиқ? Фикримизча, бу тамойилнинг бажарилиши, энг аввало, солиқ тўловчиларнинг ўзларига бевосита боғлиқ. Чунки ҳар бир солиқ тўловчи ўзи тўлайдиган солиқларга ва уларнинг суммаларига бефарқ қарамаслиги керак. Бозор иқтисодиётининг тегишли қонун-қоидалари худди шу нарсани такозо этади. Солиқ тўловчилар солиқлар нима учун тўланаётганлигини аниқ билганлари тақдиридагина солиқларга нисбатан ҳолисона муносабатда бўлишлари мумкин. Акс ҳолда асоссиз норозиликларнинг чеки бўлмайди. Бир вақтнинг ўзида солиқларнинг солиқ тўловчиларга тушунарли бўлиши, кўп жиҳатдан, солиқ тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг хатти-ҳаракатларига ҳам боғлиқ. Бу ерда гап ходимларнинг солиқ тўловчиларга солиқларнинг тушунарли бўлиши борасида олиб бораётган ёки олиб бориши лозим бўлган ишлари тўғрисида кетаётир. Афсуски, бу борадаги бизнинг амалиётимизда олиб борилаётган ишларни етарли даражада деб бўлмайди. Бу масалалар вақтли матбуот саҳифаларида оммабоп, оддий солиқ тўловчилар тушунадиган тилда етарли даражада ёритилмаётир. «Солиқлар ҳақида сабоқлар» рукни остида берилаётган телекўрсатувда эса улар кўпинча назардан четда қолаётир. Яна шуниси ачинарлики, айрим ҳолларда солиқларнинг солиқ тўловчиларга тушунарли бўлишини тарғиб қилаётган баъзи бир «мутахассис» ларнинг ўзлари ҳам ниҳоятда саёз билимга эга эканликлари вақтли матбуот органлари, телевидение ва радио орқали «чиқиш»ларда сезилиб қолмоқда.

Солиқ тизимининг олдига қўйилган учинчи тамойилга кўра ҳар бир солиқ тўловчи неча сўм, қачон ва нима учун солиқ тўлаши лозимлигини билмоғи керак.

Назаримизда, солиқ тўловчиларнинг бу нарсалардан огоҳ бўлишлари ҳам кўп жиҳатдан солиқ сиёсатини ишлаб чиқарувчилар ва уни ҳаётга татбиқ этувчиларнинг фаолиятлари билан бевосита боғлиқ. Чунки улар томонидан тайёрланган тегишли қонун ва йўриқномаларда юқорида қайд этилган ҳолатлар аниқ ва содда равишда ўз ифодасини топмоғи лозим. Аммо, минг афсуски, айрим ҳолларда

тегишли меъерий ҳужжатларда шундай иборалар учрайдики, уларни ўқиган ҳар бир солиқ тўловчида уларга нисбатан бир неча ўнлаб саволлар туғилади ва аниқ жавоб топиш амри маҳолдир. Айни пайтда, ўша ҳужжатга изоҳ беришни сўраб солиқ тизими мутахассисларига мурожаат қилган томоннинг (одатда солиқ тўловчиларнинг) талаби қондирилмаётир ёки ўша ҳужжатнинг тегишли моддаси турли мутахассислар томонидан бир неча вариантда талқин қилинаётир.

Яна бир нарсага алоҳида тўхталмоқчимиз. Гап шундаки, ҳукумат томонидан амалга оширилаётган солиқ сиёсатини ҳаётга татбиқ этувчилар - солиқ нозирлиги ходимлари, фикримизча, бу борада маълум даражада сусткашликка йўл қўймоқдалар. Гарчи кейинги йилларда улар томонидан шу соҳада анча-мунча ишлар қилинган бўлса-да, уларни ҳали етарли даражада деб бўлмайди. Тўғри, шу мавзуга бағишлаб турли семинарлар ўтказилаётир, радио ва телевидениеларда чиқишлар қилинаётир ва ҳоказо. Лекин ҳанузгача биз бирор-бир солиқ ходимининг меҳнат жамоасига бориб, ҳар бир солиқ тўловчи неча сўм, қачон ва нима учун солиқ тўлаши лозимлиги тўғрисида куйиб-пишиб гапираётгани ёки тушунтираётганлигига гувоҳ бўлганимиз йўқ.

Шу ўринда яна бир савол туғилади: қандай иш тугилса, кўзланган мақсадга иложи бориша тўлиқроқ ва тезроқ эришилади? Назорат қилингандами ёки тегишли тушунтириш ишлари олиб борилгандами? Бу саволларга жавоб бериш жараёнида бюджет даромадларини шакллантиришнинг ҳозирги аҳволини инобатга олсак, у ҳолда биринчи вариантни қўллаш орқали кўзланган мақсадга эришиш анча оғир кечаётганлигига шохид бўламиз. Балки тегишли тушунтириш ишларини олдиндан олиб бориш кўзда тутилган мақсадларга эришишни биров осонлаштиради. Агар масалага вақт нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, иккинчи вариант анчагина афзалликларга эгадир. Чунки шароитлар тенг бўлган тақдирда бу вариантлар даромадларнинг бюджетга ўз вақтида тушиб туришини таъминлайди, ҳамда солиқларга нисбатан асоссиз норозилик кайфияти вужудга келишининг олди олинади.

Айрим оммавий ахборот воситаларининг ходимлари ҳар бир солиқ тўловчи неча сўм, қачон ва нима учун солиқ тўлаши лозимлиги масаласини солиқ тўловчиларга тушунтириб бериш ниятида турли иқтисодчиларга, тегишли соҳанинг мутахассисларига мурожаат этиб, репортажлар, мунозаралар ва мулоҳазалар эълон қилаётирлар ва ҳоказо. Ачинарли жойи шундаки, уларнинг бу хайрли ишларида иштирок этаётган иқтисодчилар ва тегишли мутахассислар кўзда тутилаётган вазифани кўнгилдагидек бажаришни уйдасидан чиқа олмаётирлар, масалани айрим ҳолларда нотўғри талқин ҳам этаётирлар.

Солиқларнинг адолатли бўлиши ва тенг шароитларда турли солиқ тўловчилар бир хил солиқларни тўлаши лозимлиги солиқ тизимининг олдига қўйилган тўртинчи тамойилдир.

Бу тамойилнинг асл моҳиятини тўғри идрок этмоқ учун, энг аввало, «адолатли бўлиш», «тенг шароитлар» ва «бир хил солиқларни тўлаш» каби ибораларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида эътибор бермоқ лозим. Айни пайтда, бир вақтнинг ўзида бу иборалар ўртасида узвий боғлиқликнинг борлигини ҳам кўра билмоқ керак. Ана шундагина бу тамойилнинг асл моҳияти тўғри талқин этилиши мумкин.

Солиқларнинг адолатли бўлиши - мазкур тизимнинг олдига қўйилган бу тамойилга кўра турли солиқ тўловчилар тенг шароитларда бир хил солиқларни тўлашлари кераклиги орқали амалга оширилаётир. Шунинг учун ҳам солиқларни адолатли бўлиши устида гап кетар экан, бунга нисбатан фикр билдирувчилар тенг шароитларда бир хил солиқ тўланиши лозимлигини тан олишлари керак.

Шу уринда яна бир аниқлик киритиш лозим. Гап шундаки, тенг шароитларда бир хил солиқларнинг тўланиши бир хил суммадаги солиқ тўланишини англатмайди. Тенг шароитларда нисбатан самарали фаолият кўрсатиб, нисбатан кўп даромадга ёки фойдага эга бўлган, ҳам ўзини ва ҳам кўпроқ суммадаги солиқларни тўлаб ўз давлатини бойитган солиқ тўловчилар солиқларнинг адолатсизлигидан норози бўлмасликлари керак. Агар шу маънода норозилик билдириладиган бўлса, уни нообъектив ёки асосга эга бўлмаган норозилик деб қабул қилиш даркор. Яна бир бор

такрорламоқчимиз: тенг шароитларда тенг фаолият кўрсатган солиқ тўловчиларгина тенг микдордаги солиқ суммаларини бюджетга тўлашлари мумкин.

Ва ниҳоят, солиқ тизимининг олдига қўйилган охириги - бешинчи тамойилга кўра давлат кўп маблағ сарф этмасдан солиқ ундиришни (йиғишни) удаламоғи керак.

Фуқароларимиз кўпгина ҳолларда ҳаётда содир бўлаётган воқеликларга - даромадларни яшириб қолиш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш, баҳоларни ўз билганларича ўрнатиш ва ҳоказоларга - ўз муносабатларини билдира туриб, «Солиқ нозирликлари вакилларининг кўзи қаёқда? Наҳотки, улар шу нарсаларни кўрмаётган бўлсалар?» қабилидаги фикрларни билдирадилар. Гуё солиқ нозирликларининг ходимлари анча хушёр бўлишса, юқоридаги салбий ҳолатлар ўз-ўзидан тезда йўқ бўлиб кетадигандек. Тўғри, муаммоларнинг ҳал этилиши бу ходимларнинг хушёрлигига ҳам бевосита боғлиқ. Лекин шу билан бирга бундай фикрларга борувчилар даромадларни яшириб қолиш, солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш, нарх-навои тартибга солиш мақсадида ҳар бир тижоратчининг олдига алоҳида-алоҳида солиқ нозирлари бириктириб қўйилганда ҳам бу муаммо тўлиқ ҳал этилмаслигини билишлари керак. Бир вақтнинг ўзида шу тарзда ишнинг тутилиши солиқ нозирлиги ходимлари сонининг кескин кўпайишига олиб келади-ки, бунинг оқибати нима бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Бундай йўл солиқ тизимининг олдига қўйилган бешинчи тамойилга зид бўлиши аниқ кўриниб турибди.

Бу масаланинг бошқа томони ҳам бор. Гап шундаки, солиқ нозирлиги ходимларининг сонини кўпайтиришни ва ҳар бир тижоратчининг «тепасида» солиқ нозирини «қоровул» қилиб қўйишни истаганлар, бунинг натижасида солиқ юкининг янада оғирлашишини, бунақанги «ажойиб тадбир» нинг амалга оширилиши солиқ тўловчиларнинг ўзларига қимматга тушишини ҳам унутмасликлари лозим.

Яна бир нарса устида алоҳида тўхталмоқчимиз. Давлатнинг кўп маблағ сарф этмасдан солиқ ундиришни удалай олиши ёки олмаслиги аслида солиқ тўловчиларнинг хатти-

ҳаракатларига бевосита боғлиқ бўлади. Бир тасаввур қилиб кўринг: ҳар бир солиқ тўловчи тегишли солиқ суммаларини ўз вақтида ва белгиланган миқдорда бюджетга тўлаб турса, солиқларни ундириш учун давлат томонидан маблағларнинг сарф этилишига ҳожат қолармикан? Йўқ, албатта. Тўғри, бизнинг бу фикрларимизни фақат назарий жиҳатдангина тасаввур қилиб кўриш мумкин. Лекин шундай бўлишига қарамасдан, давлатнинг кўп маблағ сарф этмасдан солиқ ундиришни уддалаш даражаси солиқ тўловчиларнинг ўзларига боғлиқ эканлиги шубҳасиздир. Шу боис яна бир марта такрорламоқчимиз: ўз зиммасига оғир солиқ юқини кўтариб юришни истамаган (истамаслиги шубҳасиз) ҳар бир солиқ тўловчи тегишли солиқ суммаларини бюджетга вақтида тўлаб қўймоғи лозим. Бундай масъулият ҳисси давлатнинг кўп маблағ сарф этмасдан солиқ ундиришни уддалай олишига ёрдам беради ва бир вақтнинг ўзида солиқ юқини ҳам бирмунча енгиллаштириш учун реал шароитни вужудга келтиради.

2.3. Солиқлар - иқтисодий тартибга солиш инструменти сифатида

Соф фискаль функциядан ташқари солиқлар ва йиғимлар тизими ижтимоий ишлаб чиқаришга, унинг таркибий тузилишига ва динамикасига, жойлашишига, илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришга иқтисодий таъсир кўрсатувчи механизм бўлиб ҳам хизмат қилади. Солиқлар ёрдамида тадбиркорлар фаоллигини рағбатлантириш ёки аксинча, чеклаб қўйиш ва демак, тадбиркорлик фаолиятининг у ёки бу тармоғи ривожланишига таъсир кўрсатиш мумкин. Солиқлар корхоналарда ишлаб чиқариш ва муомала харажатларини қисқартириш, жаҳон бозорида миллий корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш учун шарт-шароитлар яратиб беради. Солиқлар орқали протекционистик иқтисодий сиёсатни юргизиш ёки товарлар бозорининг эркинлигини таъминлаш мумкин. Солиқлар давлат ва маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий қисмини ташкил этиб, бюджетнинг харажатлар қисми орқали иқтисодий таъсир кўрсатиш имконини беради.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнига давлатнинг молия-бюджет механизми таъсирининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборатдир:

- бюджетдан субсидиялаштириш, масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ортиқчасини сотиб олишга, чакана баҳоларни бир хил даражада ушлаб туришга ва ҳ.к.;
- иқтисодиётга давлат инвестициялари;
- дотация ёки қайтарилувчан ссуда қўринишида корхоналарни тўғридан-тўғри субсидиялаштириш, кредит сиёсати. Давлат кредитларининг олинishi рискдан қутулишга ва компания маблағларининг озод бўлишига олиб келади;
- зарурият туғилган ҳолларда пул-кредит чекланишларини жорий этиш. Булар қаторига баҳоларни тартибга солиш, истеъмол кредитининг шартлари, кредитни чеклаш, валюта назорати кабилар киради;
- лицензиялаштириш;
- хусусий савдо тўғрисидаги қонунчилик: маҳсулотларни стандартизациялаштириш, давлат арбитражи, трестларга қарши қонунчилик;
- илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини молиялаштириш;
- солиқ сиёсати.

Юқоридагилардан ташқари, ортиқча ишлаб чиқариш таназули шароитида давлат рестрикционистик сиёсат юргизадик, унинг моҳияти товарлар ишлаб чиқаришни чеклашдан иборатдир. Бир вақтнинг ўзида давлат бундай шароитда ижтимоий ишларни амалга оширишни, субсидиялар ва арзон кредитлар беришни, сотиб олишни қўпайтиришни ўз зиммасига олади.

Иқтисодиётни бошқаришда иқтисодий дастурлаштиришдан фойдаланиш хўжалик вазифаларини кун тартибига қўйишни ва уларни ечиш бўйича тадбирлар тизимини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бунинг асосий мақсади давлат тадбирларини: инвестицияларни тартибга солиш; кредитларни тақсимлаш; бюджетнинг йўналишини аниқлаш; фойз ставкасини ва кредитлаштириш тартиби (қоида)ни ўзгартириш орқали пул бозорини бошқариш; иш ҳақи ва ижтимоий эҳтиёжлар соҳасидаги сиёсат ва бошқаларни мувофиқлаштиришдир. Миллий иқтисодиётни топширилган

йўналишдан бирор бир тарзда ўзгартириш давлатнинг инвестицион сиёсатга аралашувисиз содир бўлмайди. Молиявий имтиёзларнинг шартлари давлат томонидан белгилангани учун бу нарса унга алоҳида тармоқларнинг ривожланишини ёки биринчи даражали вазифаларни ҳал этишга йўналтириш имконини беради.

Иқтисодиётни тартибга солишга маҳаллий бошқарув органлари ҳам фаол жалб қилинмоқда. 80-йилларда АҚШдаги 326 йирик шаҳарларнинг ҳокимлари сўровномада иштирок этиб, уларнинг 90 фоизга яқини энг муҳим муаммолар орасида иқтисодий ривожланиш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашни алоҳида кўрсатганлар. Бир вақтнинг ўзида ҳар тўртинчи ҳоким ўзининг аҳамияти ва муҳимлиги жиҳатидан аҳоли бандлик даражасини оширишни 1-ўринга қўйишган бўлса, уларнинг 70 фоизи бу масалани биринчи даражали уч вазифанинг бири сифатида қайд этган.

Ана шу сўров натижаларини инобатга оладиган бўлсак, у ҳолда устувор йўналишлар қуйидаги кўринишни олади:

- шаҳарлар даромад базасининг ўсиши (солиқ базасининг мустаҳкамланиши назарда тутилаяпти);
- амалдаги корхоналар ва бор бўлган иш жойларини сақлаб қолиш;
- иқтисодиётни мутаносибли сифат ўсишига эришиш;
- саноат ва тижорат базасининг ривожланиши;
- хароба ва вайроналарни йўқ қилиш;
- қолок (камбағал) туманларга ёрдам бериш.

Маҳаллий бошқарув органлари ўзларининг ҳудудларига хусусий капитални жалб этишдан манфаатдор бўлиб, улар инвесторларга билвосита ёрдам беришга ҳар доим тайёрдирлар. Булар ер майдонлари ва бинолар сотиб ёки ижарага олинаётганда сотув баҳоси ёки ижара ҳақиға нисбатан чегирмаларнинг берилишида, заёмлар билан таъминлашда кафолатли фондларда иштирок этишда, саноат зоналарини яратишда намоён бўлади. Саноат зоналарида ҳудудлар ва бинолар корхоналарга қулай молиявий шароитларда тақдим этилади. Айрим ҳолларда маҳаллий ҳокимият органлари ҳисобидан махсус равишда хўжалик юритишнинг янги турларини ривожлантиришга имкон берадиган ишлаб чи-

қариш иншоотларини қуриш амалга оширилади. Ва, албатта, рағбатлантирувчи чораларга уларнинг доимий равишда ёки вақтинчалик маҳаллий солиқлардан озод этилиши ҳам киради.

Давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан иқтисодий инфраструктурага капитал қўйилмалар фойда олишга мўлжалланмаган бўлса-да, улар пировард натижада хусусий капитал фойдасининг ошишига олиб келади. Энг аввало, бу транспорт коммуникацияси, алоқа линиялари, саноат, сув таъминоти, тозалаш иншоотлари, ер майдонларини саноат қурилишига тайёрлаш тизимларини қуриш ва уларни сақлаш харажатларидан иборатдир.

Бир неча мамлакатларда алоҳида минтақалардаги ҳудудларда инвестицияларнинг жойлаштирилиши ўзига хос тарзда рағбатлантирилиб келинмоқда. Масалан, шаҳар четидаги туманларда инвестициялар жойлаштирилишининг рағбатлантирилиши бунга мисол бўла олади. Иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган туманларда эса ишлаб чиқаришни қайта қуриш ва модернизация қилишга мўлжалланган инвестицияларнинг рағбатлантирилиши мақсадга мувофиқдир. Жумладан, бюджетдан капитал қўйилмаларга тўғридан-тўғри субсидиялар ажратилиши мумкин. Бундай тартиб, масалан, Германияда кенг қўлланилмоқда.

XX аср 80-йилларининг иккинчи ярмидан бошлаб жуда кўп мамлакатларда янги, юқори технологияли ишлаб чиқаришни яратишни рағбатлантириш услубларидан фойдаланилмоқда. Эски саноат туманлари кўпчилик ҳолларда хужаликнинг эскирган индустриал таркибий тузилишига эгадир. Албатта, олдинги йилларда бу туманлар юқори даражада ривожланган ёки тараққий этган туманлар қаторига кирган бўлса-да, кейинчалик илмий-техника революциясининг таъсири остида бошқа туманлардан ортда қолган ва улар ўз минтақаларининг иқтисодий ўсишини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмай қолдилар.

Масалан, Буюк Британияда бундай минтақалар қаторига Уэльс, Шотландия, Англиянинг Шимолий райони, Шимолий Ирландия, Корнуэлл, Мерсисайдларни киритиш мумкин. Бельгияда - бу тошқўмир ва металлургия саноат районлари бўлса, АҚШда эса тўқимачилик саноати

кучли ривожланган мамлакат шимоли-шаркидаги Янги Англиянинг бир неча штатларини кўрсатса бўлади. XX асрнинг иккинчи ярмида бу районлар олдида саноатни, янги илғор ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, инфраструктурани модернизация қилишга ва ишчи кучини қайта тайёрлашга йўналтирилган тарзда қайтадан ўзгартириш вазифаси кўндаланг бўлиб қолади. Ушбу вазифани бу жараёнларга фақатгина давлатнинг фаол иштирок этиши, у томонидан турли солиқ имтиёзлари ва таъсир этишнинг бошқа молиявий услубларини қўллаш эвазига бажариш мумкин эди.

Шунинг учун ҳам Буюк Британия, Франция, Италия, Нидерландия, Норвегия каби мамлакатларнинг ривожланиши лозим бўлган районларида давлат инвестицияларидан, субсидия ва мақсадли заёмлардан фойдаланилди, ўша районларда миллийлаштирилган тармоқларнинг корхоналари жойлаштирилди, кенг мақсадларга мўлжалланган ишлаб чиқариш бинолари қурилдики, улар оқибат натижада тадбиркорларга ижарага берилди ёки уларга қулай молиявий шартлар ва мулк солиғидан вақтинчалик озод қилинган ҳолда сотилди.

Ҳозирги пайтда Германияда шарқий ерларда капитални инвестиция қилаётган фирмалар йирик солиқ имтиёзларини олаётти. Пулат қуйиш саноати жойлашган Рур вилояти ҳам солиқ имтиёзлари билан қўллаб-қувватланиб турибди. Қишлоқ жойларида саноатнинг замонавий тармоқларини ривожлантириш рағбатлантирилмоқда. Любек шаҳрининг қадимий кварталлари таъмирлаш ишлари билан шуғулланувчи фирмаларнинг йирик солиқ имтиёзларини олиш эвазига сақлаб қолинди.

Грецияда Фракия вилояти, материкнинг чегара вилоятлари ва оролларидаги инвестициялар солиқ имтиёзлари билан рағбатлантирилмоқда.

Иқтисодий фаолиятни жонлантириш учун молиявий таъсир кўрсатишнинг саноатда капитал қўйилмаларни субсидиялаштириш, алоҳида туманлар учун сув ва электроэнергия ҳақининг имтиёзли тарифлари, кредитлаштиришнинг имтиёзли шартлари (паст фоизли заёмлар, узок муддатли заёмлар, кредитлар бўйича дотациялар) каби шаклларида фойдаланилмоқда.

Баъзи бир мамлакатларда, масалан, Германия ва Францияда айрим муниципалитетлар ҳудудида ҳар бир янгидан яратилган иш жойи учун солиқ имтиёзлари билан биргалликда махсус бюджет устамалари жорий этилган. Маҳаллий бошқарув органлари ҳўжаликнинг янги тармоқлари учун ишчи кучини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг каттагина қисмини ўз зиммасига олаяпти. Бундан ташқари ишчи, хизматчи ва мутахассисларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлашни ташкил этишни мустақил равишда ўз зиммасига олган корхоналар солиқ имтиёзларига эгадирлар.

Иқтисодиётнинг ривожланиш даражасига молиявий таъсир кўрсатиш фақат рағбатлантирувчи ҳаратерга эга бўлмасдан, балки тўхтатиб турувчи ёки тақиқловчи ҳаратерга ҳам эгадир. Бундай зарурият, энг аввало, ишлаб чиқариш ва аҳоли концентрацияси юқори бўлган районларнинг ривожланишини тартибга солиш учун вужудга келади. Аҳоли ва ҳўжалик фаоллигининг ҳаддан зиёд концентрациялашуви атроф-муҳит, аҳолишунослик, ресурслар билан таъминлаш ва бошқаларда мавжуд муаммоларнинг янада кескинлашувига олиб келади. Таъкидлаш жоизки, чеклаб ёки тақиқлаб қўйиш вазифаси, энг аввало, Буюк Британия ва Францияда пайдо бўлди. Бу ерда моноцентрик таркибий тузилиш ўз таъсирини кўрсатди, шаҳарлар ва агломерациялар иерархиясида ягона шаҳар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Япониянинг Токайдо районида аҳоли жуда қўп жойлашган бўлиб, у ерда учта энг йирик муниципалитет - Токио, Нагоя, Осака жойлашган.

Давлат ва маҳаллий бошқарув органлари томонидан тўхтатиб турувчи, тақиқловчи ёки тўсқинлик қилувчи чораларнинг асосида тадбиркорлик фаолиятини қўшимча равишда солиққа тортиш ва лицензиялаштириш ётади. Ана шу мақсадлар учун қўшимча равишда солиққа тортиш амалиёти Нидерландия ва Японияда қўлланилмоқда. Барқарорлаштирувчи (стабилицион) солиқлар Германияда ҳам мавжуддир.

Буюк Британия, Франция ва Италияда лицензиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу ўринда лицензиялаштиришни ҳам қўшимча маҳаллий солиқ - лицензия йиғими сифатида қарамоқ керак. Японияда бу муаммо,

асосан, ер солиғи ставкасини манипуляция қилиш эвазига ҳал қилинади.

У ёки бу шаклда солиқларни ошириш “қайноқ” конъюнктурани ушлаб туришнинг (тўхтатиб туришнинг) энг самарали ва ишончли воситасидир. Бундай усуллардан яна бири солиқ имтиёзларини бекор қилишдир.

Айрим ҳолларда янги солиқларнинг жорий этилиши соф тартибга солиш мақсадларини кўзда тутлади. Бунинг классик мисолларидан бири асримизнинг бошида Германияда жорий этилган ва ҳозирги пайтга қадар ўзгармасдан ҳамон сақланиб келинаётган сирка кислотаси солиғидир. Бу солиқни жорий этишга сунъий сирка кислотасини яратиш ва шу мақсадда винони сарфлашга барҳам бериш зарурияти сабаб бўлди. Бу солиқдан келадиган пул тушумлари солиқни ундириш харажатларини зўрға-зўрға қопласа-да, техник вазифа ҳал қилинган ва тартибга солувчи иктисодий мақсадга эришилган эди. Бу солиқ ҳозирги кунда Германия бюджетига бор-йўғи бир неча миллион марка келтирса-да, ҳамон тарихий реликвия шаклида сақланиб келмоқда.

Солиқларни ошириш эвазига фақат иктисодий вазифаларни эмас, балки ижтимоий вазифаларни ҳам ҳал этиш мумкинлиги тўғрисида яна ўша Германия амалиётидан замонавий яна бир мисол келтирайлик. Бу мамлакатда чекишнинг зарарли эканлиги тўғрисида узок вақт давомида амалга оширилган тарғибот-ташвиқот ишларининг натижасига кўра тамакига қўйилган акцизнинг оширилиши натижасида чекувчиларнинг сони бир неча марта камайган.

Солиқлар ёрдамида Ғарб мамлакатларида экология муаммолари ҳам ҳал этилмоқда. Ўз вақтида Германия саноати автомобилларни катализаторлар билан қуроолантириш тўғрисидаги қарорга қаршилик кўрсатган эди. Ўшанда катализатор билан қуроолланган автомобиллар учун солиқ кескин пасайтирилди. Катализаторли автомашиналарда фойдаланиладиган бензинларнинг турлари бўйича акциз йиғимлари ҳам пасайтирилди. Бир вақтнинг ўзида эски двигателларда фойдаланиладиган ва таркибида кўрғошин ҳамда бошқа қўшилмалар бўлган бензиннинг турлари бўйича акцизлар миқдори оширилди. Ана шу тарзда катализаторлар учун қўшимча харажатлар тикланди ва қопланди.

Бугунги кунда ҳам Германияда автомобиллар учун солиқ икки омилга боғлиқдир: 1) цилиндрнинг ҳажми, яъни двигателнинг қувватига; 2) катализаторнинг мавжудлиги (йўқлиги)га.

АҚШда ХХ асрнинг 70-йиллариданоқ двигателнинг экологик тозалигини ҳисобга олувчи автотранспорт учун табакалаштирилган солиқлар қўлланилиб келаяпти.

Давлат иқтисодиётнинг ривожланишига баҳоларни шакллантириш орқали ҳам молиявий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, ҳозирги пайтда Европа Иттифоқи мамлакатларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш баҳоси фақат бозор услублари ёрдамида ўрнатилиб қолинмасдан, балки кўп ҳолларда Брюсселда жойлашган Европа Иттифоқи раҳбар органлари томонидан директив тарзда ўрнатилаяпти. Бунда баҳоларни маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳақиқий таннархидан анча юқорироқ тарзда белгилаш ва уни шу даражада ушлаб туришга ҳаракат қилинаяпти. Бунинг эвазига эса икки мақсадга эришилмоқда. Биринчиси - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи фермерлар қўллаб-қувватланмоқда. Иккинчиси - истеъмол маҳсулотларидан самарали фойдаланишга эришилмоқда. Сунъий равишда юқори баҳолар ушлаб турилгани учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тежаб-тергаб сарфланмоқда, талаб реал эҳтиёждан ошмаяпти ва бу нарса бироз ортиқча маҳсулотларнинг пайдо бўлишига, ҳеч бўлмаганда эса маҳсулот тақчиллигининг бўлмаслигига имкон бераяпти.

Жуда кўп мамлакатларда маҳаллий бошқарув органлари ижтимоий фойдаланишга мўлжалланилган тармоқлар маҳсулотларининг (хизматларининг) баҳоларини ҳам тартибга солиб туради. Бозор эркинлиги шароитида баҳоларни тартибга солиб туриш зарурияти маълум бир маҳсулот турига меъёрий тарифлар бўйича ижтимоий ишлаб чиқариш эҳтиёжларининг мавжудлиги билан белгиланади. Бу жараёндаги тартибга солишнинг асосий тамойили ижтимоий фойдаланишга мўлжалланилган тармоқ корхоналари фойда нормасининг асосий капиталга нисбатан 5-7% даражада чеклаб туришдир. АҚШда, масалан, штатлар комиссияси агар компаниялар фойда нормаси белгиланган даражадан ортиб кетадиган бўлса, сув, электроэнергия ва бошқа шунга

ухшаш маҳсулотлар учун янги тарифларни жорий этиши мумкин. Шунингдек, Германия ва Японияда ҳам шундай тартиб мавжуд бўлиб, бу мамлакатларда маҳаллий бошқарув органлари алоҳида минтақалар бўйича коммунал хизматларнинг юқори четарадаги миқдорини белгилаб, баҳоларни тартибга солиб туради.

Бу ерда бир ҳолат устида алоҳида тухталиб ўтмоқ лозим. Гап шундаки, ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти тadbиркорлик фаолиятининг эркинлигига асослангандир. Рақобат - бозор механизми ресурсларининг тақсимланишини тартибга солади ва товарлар ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда ўртacha фойда нормасини ҳисобга олган ҳолдаги даражани ўзида акс эттирадиган мувозанат баҳонинг ўрнатилишини таъминлайди. Рақобат шароитида бозорда компаниялар ўзлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ихтиёрий равишда баҳо ўрната олмайдилар. Улар ўзлариникига ўхшаш маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи фирма ва корхоналар томонидан белгиланган баҳоларни ҳисобга олишлари керак. Рақобат бозори истеъмолчига танлов имкониятини берадики, бу унинг ўзига хос бўлган энг асосий хусусиятидир. Кураш жараёнида сотиб олувчи учун баҳолар пасаяди ва ишлаб чиқариш харажатлари даражасига яқинлаша боради.

Бироқ монополиялар вужудга келганда бозор механизми яхши ишламайди ва бу нарса ресурсларнинг самарасиз тақсимланишига ва фойдаланилишига ҳамда баҳонинг ўсишига олиб келади. Масалан, II Жаҳон уруши тугагунига қадар Германия йирик картеллар мамлакати бўлиб, улар жуда катта иқтисодий ва сиёсий қувватга эга эди.

Монополиялар фаолияти салбий оқибатларини чеклаш бир неча йўналишларда амалга оширилиши мумкин. Уларнинг орасида фирмалар даромадини прогрессив солиққа тортиш ва устама фойда солиғи алоҳида ўрин тутади. Барча ривожланган мамлакатларда трестларга қарши қонунчилик амал қилади. Масалан, Германия қонунларида рақобат қондаси белгилаб берилган ва уларда эркин рақобатнинг ривожланиши учун қулай шароитлар яратилган. Жумладан, тadbиркорлар ўртасида баҳо тўғрисида келишув қонун йўли билан тақиқланган.

Трестларга қарши қаттиқ қонунчилик АҚШ ва Япо-

нияда ҳам амал қилиб келинмоқда. Лекин бу қонунлар инфраструктура тармоқларига - транспорт, банк иши, коммунал хизматларга тегишли эмасдир. Айрим ҳолларда бу қонунлар саноатнинг қазиб чиқарувчи тармоқларига, маълум даражада қишлоқ хўжалигига ҳам хос эмасдир. Бу тармоқларда давлат махсулот ишлаб чиқариш ҳажмини, баҳоларни ва бозорни эгаллашни тартибга солиб туради. Рақобат бу ерда тармоқлар олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга ёрдам беролмайди, деб ҳисобланган. Бу тармоқларда давлат корхоналарининг салмоғи катта бўлиб, уларнинг асосий мақсади фойда олиш эмас, балки жамиятнинг эҳтиёжини қондиришдир.

2.4. Солиқлар ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалалари

Мустақил республикамизнинг жаҳон иқтисодий ҳужалиги интеграциялашувига интилиши хорижий капиталнинг бизнинг мамлакатимизда ҳам эркин ҳаракатланишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам ҳозирги вазиятда хорижий капитални ўз мамлакатимизга жалб этиш муаммоси ўта долзарб бўлиб турибди. Ватанимиз саноатининг бир неча тармоқлари инвестицион «очлик»ни ҳис этмақдаки, уларга ўзимизнинг ҳам ва айниқса, хорижий капиталнинг ҳам оқиб келиши бу тармоқларнинг таназзулдан тезроқ чиқиб кетишига кучли тўртки бериб, ички бозорда ишбилармонлик фаолиятининг фаоллашувини рағбатлантирар ҳамда жаҳон бозорида эса Ўзбекистон товарларининг рақобатдошлигини оширар эди.

Хорижий тадбиркорлар Ўзбекистон иқтисодиётига катта қизиқиш билан қараяптилар. Чунки Ватанимиз табиий қазилма бойликларга бой, қиёсан арзон энергетика ресурсларига эга. Бу ерда нисбатан арзон ишчи кучи қийматига эга бўлган малакали меҳнат ресурслари ва чуқур ички бозор мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг маълумотларига кўра, хорижий инвесторлар учун энг қулай ва мақбул регионлар қаторига Тошкент шаҳри, Фарғона водийси, Навоий ва Самарқанд вилоятларини кўрсатиш мумкин.

Ҳақиқатдан ҳам, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда бир неча минг хорижий инвестицияли қўшма корхоналар фаолият кўрсатаёпти. Бир неча юзлаб хорижий фирмалар ўзларининг ваколатхоналарига, филиалларига ва бўлимларига эгадирлар. Яна бир гуруҳ хорижий компаниялар ўзларининг доимий ваколатхоналарига эга бўлишмаса-да, улар ҳам Ватанимизда иш юритишмоқда.

Айниқса, қурилиш компаниялари юқори даражада фаоллик кўрсатишяпти. Ўзбекистондаги қурилиш ишлари-ни Туркия, Югославия, Италия, Германия, Россия ва бошқа мамлакатларнинг фирмалари амалга ошираёпти.

Шундай бўлишига қарамасдан, ҳозирги пайтга қадар бизнинг мамлакатимизда хорижий инвестицияларнинг қўламини (масштабини) кўнгилдагидек деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам шу ўринда «Хорижий инвестицияларни янада фаолроқ жалб этишга нималар тўсқинлик қилаёпти?», - деган саволнинг туғилиши табиийдир.

Қисқача тарзда тўсқинлик қилувчи омиллар деб қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- амалдаги солиқ тизимининг етарли даражада мукамал эмаслиги;
- божлар бўйича тартибга солишдаги муаммолар;
- молиялаштириш манбаларига йўл топишдаги муаммолар, кредит олиш бўйича қийинчиликлар;
- мамлакатнинг айрим минтақаларида малакали меҳнат ресурсларининг етарли эмаслиги;
- транспорт билан боғлиқ бўлган муаммолар;
- телекоммуникация ва алоқа бўйича муаммолар;
- ижтимоий инфраструктуранинг етарли даражада ривожланмаганлиги билан боғлиқ бўлган муаммолар;
- эркин ҳаракатланиш ҳамда консуллик хизматини кўрсатишдаги муаммолар ва бошқалар.

Кўриниб турибдики, хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги салбий омиллар орасида солиқ қонунчилигининг тақомиллашмаганлиги 1-ўринда турган бўлса, бож қонунчилигининг камчиликлари 2-ўринни эгаллаб турибди. Демак, 1 ва 2-ўринларни эгаллаб турган омиллар солиқлар, йиғимлар ва бож тўловлари билан бевосита боғлиқдир. Агар ўз мамлакатларида нисбатан анча юқори

солиқларни тўлашга аллақачон кўникиб қолган хорижий инвесторларни айнан нима қўрқитаётганлиги тўғрисида салгина ўйласак, бу нарса ҳар ҳолда солиққа тортишнинг даражаси эмаслиги эканлигига ишониш унча мураккаб эмаслиги маълум бўлади. Солиқ тизимининг нобарқарорлиги, тесқари кучга эга бўлган қонунларнинг қабул қилиниши, солиқ қонунлари айрим моддаларининг етарли даражада аниқ эмаслиги ва айримларининг қарама-қарши характерда эканлиги, солиқ қонунчилигининг салгина бузилиши натижасида жуда оғир молиявий жазоларнинг қўлланилиши хорижий инвесторларнинг жуда эҳтиёткорлик билан иш тутишларига мажбур этмоқда.

Икки марта солиққа тортиш рискининг мавжуд эканлиги ҳам солиқлар бўйича бу соҳадаги энг муҳим муаммолардан яна биридир. Бу муаммо халқаро солиққа тортиш амалиётидаги энг асосий муаммодир.

Давлатлар ўртасидаги савдо-сотик ишлари амалга оширилаётган пайтда ҳар иккала савдолашаётган томонларнинг ҳукуматлари ана шу савдодан келаётган даромаддан солиқ олишни исташади. Икки марта солиққа тортиш потенциал равишда шунинг учун ҳам вужудга келадики, бир мамлакат солиқ тўловчининг яшаш фактига асосланган ҳолда солиққа тортиш ҳуқуқини даъво қилса, иккинчи мамлакат эса даромаднинг олиниш жойини ҳисобга олган ҳолда худди шу нарсага даъво қилади. Икки марта солиққа тортиш ҳар иккала мамлакат солиқ тўловчи унинг резиденти ёки даромад айнан шу мамлакатда олинган деб эълон қилган ёки тасдиқлаган пайтда ҳам вужудга келиши мумкин.

Ана шундай шароитда, бизнинг фикримизча, бефарқ (холисона) халқаро солиққа тортиш концепцияси алоҳида аҳамият касб этади. Бу концепция уч асосий қонидани ўз ичига олади:

- капитални экспорт қилишга нисбатан бефарқлилик (холисоналик). Агар солиқ тўловчининг ўз мамлакатига ёки хорижий мамлакатта инвестициялаштиришдаги танловига солиққа тортиш масаласи ўз таъсирини кўрсатмаса солиқ тизими юқоридаги қонидага мос келади. Бундай шароитда корпорация инвестициялаштириш тўғрисидаги қа-

рорни солиқ омили асосида эмас, балки тадбиркорлик омили асосида қабул қилади. Идеал рақобат шароитида капитални экспорт қилишга нисбатан бефарқлилик (хोलисоналик) капитални самарали тақсимланишига ва ундан оқилона фойдаланишга олиб келади;

- капитални импорт қилишга нисбатан бефарқлилик (хोलисоналик). Агар бозорда фаолият кўрсатаётган барча корпорациялар ягона солиқ ставкаси асосида солиққа тортилса, бу қоида бажарилган деб ҳисоблаш мумкин;

- миллий бефарқлилик (хोलисоналик). Бу қоидага кўра солиқ туловчи ва бюджет ўртасида тақсимланадиган капиталдан олиннадиган умумий фойда капиталнинг қаерда (ўз мамлакатларида ёки хорижий мамлакатларида) инвестиция қилинганлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда бир хил бўлмоғи лозим.

Ўзбекистон икки марта солиққа тортиш ҳолларини бекор қилиш тўғрисида бир неча ҳукуматлараро битимларни имзолаган. Солиқларни ундириш бўйича ҳукуматлараро битимлар Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунларига нисбатан устувор мавқега эгадир. Ҳукуматлараро битимлар бўлмаганда хорижий фирмалар ва компаниялар Ўзбекистон Республикасининг қонунлари бўйича солиққа тортилади. Бунда хорижий юридик шахс фойдасининг Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган қисмигина солиққа тортилиши мумкин.

3-БОБ. Солиқ ва имтиёз диалектикаси

3.1. Солиқ ва имтиёз диалектикаси: биринчи йўналиш

Ҳозирги кунда солиқ тўловчиларнинг барчаси солиқлар буйича имтиёз масаласига бефарқ қарай олмаслиги ҳаммага аён. Ўз ихтиёрига қўйиб берилса, ҳар бир солиқ тўловчи барча солиқлар буйича имтиёзларга эга бўлишни хоҳлайди. Уларнинг иштаҳалари ҳатто шу даражадаки, “Агар сизни солиқ тўлашдан бағамом озод этсак, нима дейсиз?”, - деб савол берадиган бўлсак, сира ўйланилмасдан “нур устига аъло нур бўларди”, “айни муддао бўлур эди”, “кўнглимдаги гапни топиб айтдингиз” ва бошқа шу маънодаги жавобларга эга бўлишимиз, шубҳасиз. Бу, табиий нарсасек туюлади. Чунки юқоридаги тадбирнинг амалга оширилиши солиқ тўловчиларнинг манфаатларига мойдек ёкиб тушади ва улар худди шунинг учун ҳам юқоридаги тартибда жавоб берадилар.

Аслида саволга биз тўғри жавоб қайтардикмикан? Берган жавобимиз ўз асосига эгами? Жавобимизни ҳаққонийлигини ҳаёт тасдиқлармикан? Савол ва унинг жавоби ўртасида қандайдир бир диалектик боғлиқлик йўқмикан? Солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектиканинг моҳиятидан бизнинг солиқ тўловчиларимиз хабардормиканлар?

Тўғриси айти қолайлик: солиқ тўловчиларимизнинг аксарияти солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектиканинг асл моҳиятини тўғри тушунаётганлари йўқ. Бу нарс улар томонидан озгина тўғри тушунилганда эди, ҳеч бўлмаганда, “Фалончи солиқ буйича имтиёз берилганда, ишимиз юришиб кетарди”, “Ишимиз юришмаётганлигининг асосий сабаби солиқларда” каби фикрларни билдиришга ўрин қолмасди.

Солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектиканинг асл моҳиятини тўғри тушунмоқ учун, дастлаб, бир нарсага алоҳида эътибор бермоқ зарур. Гап шундаки, бизнинг шароитимизда “Ҳаётда нимадан қочиб қутулишнинг иложи йўқ?”, -

деб савол берилганда, ҳаммамиз жўр бўлиб, “Ўлимдан!”, - деб жавоб берамиз ва барчамиз ҳақиқатдан ҳам, шундай эканлигига юз фоиз ишонамиз. Саволнинг жавоби фақат худди шундан иборат эканлиги бизнинг жамиятимиз аъзоларида ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди. Бизда бу жавоб аксиома сифатида қабул қилингандир. Муносабатларимиздаги “Ўлимдан бошқа ҳаммасининг иложи бор!”, - дейилган ақида ҳам худди шу мақсадларга хизмат қилади.

Шуниси диққатга сазоворки, худди шу савол бозор муносабатлари соғлом ривожланган мамлакатларда берилганда, улардаги жамият аъзолари бу саволга, негадир, ўзгачароқ жавоб берадилар. Мана уларнинг жавоблари: “Ҳаётда ўлимдан ва солиқ туламасликдан қочиб қутулишнинг сира иложи йўқ!”. Саволнинг жавоби фақат ва фақат шундай бўлиши кераклигига улар ҳам юз фоиз ишонадилар. Бу жавоб уларда ҳам аксиома сифатида қабул қилинган.

Жамиятимиз аъзолари Ғарб мамлакатларида берилган жавобнинг биринчи қисмини тўлиқ тасдиқлаб, унга қўшилсалар-да, жавобнинг иккинчи қисми ҳам бор эканлигига сира кўника олмаётирлар. Орамизда “Керак бўлса, солиқдан қочиб қутулишнинг сизга минг битта йўлини кўрсатишим мумкин”, - дегувчилар ҳам кўплаб топилади.

Бундан бир неча аср бурун бир ғарб мутафаккиридан “Инсон не учун дунёга келади?” - деб сўралганида ул зот “Ўлиш ва солиқ тулаш учун!” - деб жавоб берган экан. Бозор муносабатлари соғлом ривожланган мамлакатларда солиқ ва имтиёз диалектиказининг негизини ана шу фалсафий фикр ташкил этади.

Юқоридаги тартибда мушоҳада қилишимиздан мақсадимиз битта: солиқ туловчилар солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектиканинг асл маъносини тўғри тушунишлари учун, дастлаб, фақатгина ўлимдан эмас, балки солиқ туламасликдан ҳам қочиб қутулишнинг иложи йўқ эканлигини қалбан ҳис этмоқлари даркор. Солиқ туловчиларимизда бундай ҳиссиёт пайдо бўлмас экан, улар солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектиканинг асл моҳиятини идрок этишга ҳамон ожизликларича қолаверадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юқоридаги ҳиссиёт жамиятнинг ҳар бир аъзосида қарор топмоғи лозим. Бу

хаммага бир хил тарзда тегишли булган нарсадир. Бу нарса оддий фукародан тортиб бутун дунёга машхур булган, шу миллатнинг фахри ҳисобланган, уни бутун дунёга танитиб, унинг обрусига обрӯ қушган ҳар бир шахсга нисбатан ҳам бир хилда дахлдордир. Агар таъбир жоиз бўлса, шу ўринда биз хаммага тушунарли бўлиши учун бу нарсани “шоҳу гадога” баб-баравар булган нарса деб таъкидлаган бўлур эдик. Бу ҳиссиётни вақтинча бўлса-да унутмаганлар, у билан ҳисоблашмаганлар жамиятда қандай мавкени эгаллаб турганларидан қатъиназар тегишли тарзда бериладиган жазога лойиқдирлар ва улар, шак-шубҳасиз, жазоланмоқликлари керак.

Фикрларимиз куруқ сўзлардан иборат бўлиб қолмаслиги учун биргина мисол келтирайлик. Штеффи Граф номли бутун жаҳонга машхур булган немис теннисчисини бизнинг халқимиз ҳам жуда яхши билади. У маълум маънода ҳозирги кунда немис халқининг миллий ифтихори, миллий қаҳрамонидир. Том маънода немис халқи обрӯ-эътибори, немис давлати учун унинг хизматлари бениҳоядир. Унинг хизматлари немис халқини дунёда янада машхур этишга ўз ҳиссасини қўшди. У топган даромадлар фақатгина унинг эҳтиёжларини қондирибгина қолмасдан, балки маълум маънода немис давлатининг молиявий жиҳатдан бақувватлашувига олиб келди. У томонидан хайр-эҳсон мақсадларига қилинган харажатларни санаб ниҳоясига ета олмайсиз. У тинимсиз меҳнати туфайли фақатгина ўзини бойитибгина қолгани йўқ, балки бошқаларни, шу жумладан, ўз давлатини ҳам бойитди.

Лекин нима бўлди-ю, айрим сабабларга кўра унинг солиқ декларациясида курсатган рақамларига немис солиқчи мутахассислари шубҳа билан қараб қолдилар ва уларнинг шубҳалари асосли эканлигини ҳисоб-китоблар тасдиқлади. Маълум бўлишича, Штеффи Графга тегишли булган даромадларнинг бир қисми солиқ декларациясида ўз ифодасини топмаган. Вужудга келган бу вазият тегишли тарзда принципиал баҳоланди: Штеффи Граф туғридан-туғри солиқ тўлашдан бош тортганликда айбланди, унга нисбатан бир неча миллион немис маркаси миқдоридикитисодий жазо чораси - жарима белгиланди ва ундириб

олинди. Жазо белгиланаётган пайтда уни немис халқининг миллий ифтихори, қаҳрамони эканлиги, немис халқи ва давлатининг олдидаги унинг хизматлари инобатга олинмади, унга нисбатан “ўзбекчилик” қилинмади, “одамгарчилик” нуқтаи назаридан қаралмади. У ўз қилмишига яраша (солиқ тулашдан қисман бош тортганлиги учун) жазосини олди. Содир бўлган бу факт биз юқорида таъкидлаган фақат ўлимдан эмас, балки солиқ туламасликдан ҳам қочиб қутулишнинг сира иложи йўқ эканлиги, бу қоида шоҳу гадо учун баб-баравар эканлигини яна бир марта тасдиқламоқда.

Солиқ ва имтиёз диалектикасининг асл моҳиятини тўғри тушунишга ёрдам беради, деган ният билан Сизнинг диққат-эътиборингизни яна бир нарсага қаратмоқчимиз. Гап шундаки, юртимизда осойишталик, тинчлик, хотиржамлик ҳукм сураётир. Буни бутун дунё тан олаётир. Қўллар бу реал воқеликларга ҳавас билан қараётир. Бу ҳолатлар ҳам солиқ ва имтиёз диалектикасининг асл моҳиятини тўғри тушунишга ҳаракат қилинаётганда назардан четда қолмаслиги керак. Нега дейсизми? Марҳамат, тасаввур қилиб кўринг. Юртимиздаги тинчлик туфайли солиқ тўловчиларимизга жуда қулай шароит яратилган. Уларнинг мол-мулкларини ёкиб юбориш хавфи йўқ. Рэкетчилар (йўлтўсарлар) ҳар қадамда уларнинг йўлларини тўсиб тургани йўқ. Уларнинг мол-мулклари зўравонлик йўли билан талон-торож қилинмаяпти. Фарзандлар ўғирланиб, ота-оналар қон қақшатилмаяпти. Тадбиркорларимиз ёки уйдабурон ишбилармонларимиз “буюртмали ўлим” нима эканлигини ҳали ўз жисмлари ёки ўз иссиқ жонлари орқали сезиб кўрганлари йўқ. Эртанги кунга ишончсизлик кайфияти қора булутдек уларнинг миясини чўлғаб олмаган.

Узоққа борманг. Мамлакатимиз саҳнида туриб, теварак-атрофга назар ташланг. Оммавий ахборот воситалари орқали сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган маълумотларни таҳлил қилинг. Қўшни мамлакатларда нималар содир бўлаяпти? Улардаги реал аҳвол қандай? Бошқа нарсаларга эътибор бермасдан масалага бевосита алоқадор бўлган фактни таъкидлайлик: бу мамлакатлардаги солиқ тўловчилар сиз билан биздан кўра кўпроқ солиқ туласалар тўлаётирларки, аммо кам тўлаётганлари йўқ. Бунинг устига улар мол-

мулкни ёқиб юбориш, рэкет, зуравонлик ва “буюртмали ўлим”лар натижасида жуда катта зарар кўраётирлар, риск даражаси юқори бўлган шароитда, таваккалчилик асосида, ҳар қадамда қутилмаган хавф-хатарга дуч келиш эҳтимоли жуда катта бўлган ҳолатларда фаолият кўрсатаётирлар. Сиз билан биздан кўпроқ солиқни давлатга тўлаб қўйган бўлсалар-да, уларнинг давлатлари осойишталик ва хотиржамликни таъминлагани йўқ, ханузгача тинчлик деган муқаддас сўз уларнинг орзуси бўлиб қолаётир. Буларни кафолатлашни уларнинг давлатлари уддалаётгани йўқ. Қолбуки, ўз фуқаролари учун тинчлик ва осойишталикни таъминлаб бериш ҳар бир давлат учун ҳам қарз, ҳам фарз саналади.

Яна бир марта мулоҳаза қилинг: теварак-атрофимиздаги бир неча мамлакатларда солиқ тўловчилар бир вақтнинг ўзида ҳам солиқ тўлаётдилар, ҳам юқорида таъкидланган нотинчлик натижасида жуда катта суммаларда зарар ҳам кўраётирлар. Айрим ҳолларда кўрилган зарарлар суммаси тўланган солиқлар суммасидан бир неча барабар ортиқдир. Бу “ўлганнинг устида тепган” эмасми? Биз бу ерда маънавий жиҳатдан кўрилган зарарларни эътиборга олаётганимиз йўқ. Баъзан ўша нотинчлик оқибатида етказилган маънавий зарарни ҳеч бир моддий маблағ билан тиклашнинг имконияти бўлмаётти. Шу боисдан юртимиздаги тинчлик туфайли солиқ тўловчиларимизга жуда қулай шароит яратилганлигини ҳолисона тан олмаслик инсофдан бўлмаса керак. Солиқ тўловчиларимиз бу нарсани яна бир марта ўйлаб кўрсалар, бизнингча, яхши бўлар эди. Нима дедингиз? Ёки биз ноҳақмизми?...

Солиқ ва имтиёз диалектикасига нисбатан муносабат билдириляётганда солиқ тўловчиларимиз масаланинг яна бир томонини инобатга олишлари зарур. Бу уринда гап солиқ тўловчиларимизнинг ўзларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш тўғрисида кетаётир. Марҳамат, фикрланг: солиқ тўловчилар томонидан тўланган солиқлар эвазига бюджетнинг даромадлар қисми шаклланади. Хўш, ҳозирги бизнинг шароитимизда бу бюджет даромадлари қаёққа сарф қилинаётир? Агар биз бюджет харажатларининг таркибий тузилишини таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг асосий қисми социал-маданий тадбирларни молиялаштиришга ёки аҳо-

лини ижтимоий ҳимоялашга сарф этилаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Объектив реаллик шундан иборат. Буни ҳеч ким инкор эта олмайди.

Бюджет харажатларининг асосий қисмини аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш мақсадларига йуналтириб, давлатимиз мураккаб бир шароитда ўзга давлатлардан фарқлироқ ўз фуқароларини ўз ҳолига ташлаб қўймади, уларнинг такдирига бефарқ қарамади, “ўз аравангни ўзинг торт” қабилда иш тутмади, “янги шароитда орамиз очик”, - демади ва имкони борича уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаётир. Бир тузумдан иккинчи бир тузумга ўтиш жамият аъзоларига ҳаддан зиёд оғирлик қилмаслиги тўғрисида йўл тутиб, аҳолининг ижтимоий гуруҳлари ўртасида кескин фарқлар бўлишига йўл қўйилмаётир. Ишончимиз комилки, давлатимизнинг бели бақувват бўлмаганида бундай оқилона, узоқни кўзлаб, эртани ўйлаб юргизилаётган сиёсатни муваффақиятли амалга ошира олмасди. Ўз навбатида, бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг белини бақувват, қўлини узун қиладиган нарса бу - солиқлардир. Худди шунинг учун ҳам юртбошимиз ўз асарларида “Бозор муносабатларига ўтиш шароитида солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил бўлиб қолади”, - деб таъкидлаётир.

Солиқ тўловчиларимизнинг ўзларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш тўғрисида фикр юритар эканмиз уларга бир савол бериб кўрайлик: “Сиз давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилинишни хоҳлайсизми?” Уларга бу савол билан мурожаат қилинганда ҳеч бир солиқ тўловчи рад жавобини бермаслиги ҳаммага аёндыр. Ҳамма ўзининг давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилинишини хоҳлайди. Ўз навбатида, давлат томонидан бу ишнинг амалга оширилиши маълум миқдордаги маблағларнинг бюджетдан сарф этилишини тақозо этади. Маблағ бюджетда бўлсагина уни харж этиш мумкин. Ўз-ўзидан маълумки, бюджетда маблағ бўлмаса, уни сарф этиш тўғрисида гапириш номантикий бўлиб, шунга мос равишда, солиқ тўловчиларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида гапириш ҳам ўз маъносига эга эмасдыр. Мантиска риоя қиляпмизми? Ҳа! Тўғри гапира-япмизми? Ҳа! У ҳолда табиий равишда, яна бир савол ту-

ғилади: Бюджет маблағни қаердан олади? Ижтимоий ҳимоя қилинишдан умидвор бўлганлар бу саволга ҳам тўғри жавоб беришлари керак. Лекин уларнинг аксарияти бизнинг ша-роитимизда бу саволга ҳолисона жавоб бераётганлари йўқ. “Ишимиз нима, топсин-да!” - дегувчилар ҳали орамизда жуда кўп. Берилган саволга шу тарзда ўйламасдан жавоб берувчилар “Ҳолва деган билан оғиз чучимас” деган халқ мақолининг асл маъносини билсалар-да, негадир “Топсин-да!”, - дейилгани билан топилмаслигига ақллари етмай турганига ҳайронмиз.

Борди-ю, давлат “топди” дейлик. Масалан, давлатга четдан (бошқа давлатлар томонидан) ёрдам кўрсатилиши мумкин. Гарчи четдан бекордан-бекорга ёрдам берилмаса-да, боз устига бундай ёрдамнинг берилиш эҳтимоли жуда-жуда кичик бўлса-да, бундай “топиш” орқали давлат шу йўл билан “Топсин-да!” дегувчиларни маълум қисқа вақт ичидагина ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаши мумкин, ҳолос. Аслида шу ўринда, “Топсин-да!” дегувчилар “Ётиб еганга тоғ ҳам чидамас” деган халқ мақоли ҳам бекорга айтилмаганини ҳисобга олсалар бўлармиди?

Четдан маблағ олишнинг ёрдам кўрсатишдан бошқа шакли ҳам мавжуд. Масалан, давлат бошқа бир хорижий давлатдан маълум бир шартлар асосида қарз олиши мумкин. Эътибор беринг-а? Биз бу ерда оддийгина қилиб «Давлат бошқа бир хорижий давлатдан қарз олиши мумкин» деяётганимиз йўқ. “Маълум бир шартлар асосида” қарз олиши мумкинлигини таъкидлаяпмиз. Ҳақиқатдан ҳам ҳаётда ёки амалиётда қарз доимо маълум бир шартлар асосида берилади. Ҳеч бўлмаганда маълум бир муддат ўтгандан сўнг қарзга олинган маблағнинг ўзини унинг эгасига қайтармоқ зарур. Аксарият ҳолларда эса, одатда, қарз ундан фойдаланганлик учун ҳақи билан биргаликда қайтарилади. Демак, қарз олишнинг давлат учун маълум бир «оғирлик» томонлари ҳам бор. Олинган қарз қўйилган тегишли шартларга қатъий риоя қилинган ҳолда ўз муддатида эгасига қайтарилмаса, иккинчи марта қарз олишдан умидвор бўлиш хомхаёлликдан ўзга нарса эмасдир.

Давлат томонидан олинган ташқи қарзнинг фақат иқтисодий хавфи бўлмасдан, балки бу тартибда иш юритиш-

нинг сиёсий хавфи ҳам бор. Бунинг қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини идрок этиш кўп ақлни талаб қилмайди.

“Бюджет маблағни қаердан олади?”, - деган саволга холисона жавоб бериб, гапнинг индаллосини айтиб қўяқолайлик: давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилинишни хоҳловчилар ўзларининг хоҳиш-истаклари амалга ошиши учун давлатга тегишли солиқларни белгиланган миқдорда ва ўз вақтида тўлаб туришлари керак. Фақат шундагина уларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқади. Акс ҳолда...

Шу ўринда яна бир реал воқеликка эътиборингизни қаратмоқчимиз. Айрим ҳолларда ривожланган мамлакатлардаги аҳволни кўриб фуқароларимизнинг ҳаваслари келиб қолади. “Зап ажойиб давлат экан-да, ўз фуқаролари тўғрисида доим қайғурар экан, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлар экан. Мана буни ҳақиқий давлат деса бўлади”, - қабилидаги фикрларга борилади. Албатта, ҳавас яхши нараса. Лекин ана шундай ўша давлатлар тўғрисида ҳавас қилинаётган пайтда ўша давлатларнинг инсонпарварлиги ниманинг ҳисобидан амалга оширилаётганлиги тўғрисида озгина ўйлаб кўрилса, гап ўзингиз хоҳламаган ҳолда яна беихтиёр солиқларга бориб тақалганлигининг гувоҳи бўласиз. Солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқларнинг сони ва уларнинг ставкаларини кўриб даҳшатга тушиб қолсангиз-да, ўша давлатларнинг инсонпарварлиги нима ҳисобидан молиялаштирилаётганлигини биласиз ва ўз ҳавасингиздан тезда воз кечасиз, лекин тез орада “негадир” бу ҳақиқий аҳволни онгли равишда яна “унутиб” қўясиз, эсдан чиқарасиз, ҳиссиётга берилиб асоссиз ҳавас қиласиз ва ўзингизни ўзингиз алдайсиз.

Яна бир ҳаётий мисол келтирайлик. Йўлларимизнинг аҳволини кўриб, яна давлатдан хафа бўламиз. Машинамизнинг ғилдираклари бир марта чуқурга тушиб чикса, беихтиёр “Давлат қачон бу йўлларни тузатаркин”, - деб норози бўламиз. “Қачон бизнинг йўлларимиз Европа мамлакатлариникидек бўларкин?” - деб орзу қиламиз. Тўғриси айтиб қўяқолайлик: бу ва шунга ўхшаган муаммоларнинг ҳал этилиши ёки орзуларнинг ушалиши ҳам солиқлар ва солиқ тўловчиларга боғлиқ. Мана исботи: Германия йул-

ларига қойил қолиб, мен Молия вазиригининг вакилига савол бердим: “Йулларингизнинг шу даражада бўлишида солиқларнинг хизмати катта бўлса керак. Шу мақсадда олинган солиқ суммаларининг ҳаммасини фақат йўлларнинг сифатини яхшилашга сарфлайсизми ёки бунинг бошқа бир йўли борми?» Масъул ходимнинг берган жавоби: “Агар солиқ тўловчилардан фақат шу мақсадда олинган солиқ суммаларининг ҳаммасини фақат йўл қурилишига сарфласак, бутун Германиянинг территориясини асфальтлаб чиққан бўлур эдик” дан иборат бўлди. Албатта, солиқ тўловчилар бутун Германия территориясини асфальтлаб чиқишга етгулик маблағларни ёлғиз бир солиқ ёрдамида бюджетга тўлаб қўйганларидан сўнг уларнинг йўллари ҳавас қилгудек даражада бўлмасдан бизники бўлсинми? Биз бу ерда масаланинг бошқа томонларини онгли равишда эътибордан четда қолдираялмиз.

Реал аҳвол шу даражада бўлганлигига қарамасдан айримларимиз яна норози бўлиб, “Бюджетга шунча солиқ тўлаялми. Бу маблағлар қаёққа кетаяпти? Ҳеч ким бизга ҳисобот бермаяпти-ку!” - деган фикрларга ҳам борамиз. Ишончингиз комил бўлсин, сиз томондан бюджетга тўланган маблағларни давлат “еб” кетаётгани йўқ. Уни ўзингизга бошқа бир шаклларда қайтариб бераётир. Бунинг учун сиз бюджетнинг харажатлар қисмига назар ташлашингиз керак. Сиздан солиқлар шаклида олиниб, тўпланган маблағларнинг қаёққа “кетаётганлиги” тийинма-тийин шу ҳужжатда кўрсатилган. Бу ҳужжат қонун кучига эга. Унга риоя қилмаганлар, албатта, тегишли тарзда жазоланадилар.

“Берилмаётган ҳисобот” тўғрисида гапирилаётганда қуйидагилар эътиборга олинса, яхши бўларди. Тўғри, бу ўринда “Эшмат! Сен бюджетга фалон миқдорда солиқ суммасини тўлаган эдинг. У мана бу мақсадларга сарфланди”, - деб ҳисобот берилаётгани йўқ! Бундай тарздаги “ҳисобот” дунёнинг ҳеч бир мамлакатаида берилмаган ва берилмайди ҳам. Чунки бу тарзда ҳисобот бериш ўз маъносига эга эмас. Шу боисдан бу маънода “Ҳеч ким бизга ҳисобот бермаяпти-ку!” - дейишга солиқ тўловчиларимизнинг ҳаққи йўқ. Чунки, ҳисобот берилаяпти. Фақат бу ҳисобот сиз уйлаганингиздек тарзда эмас, балки бошқа-

чарок шаклда берилаётгир. Ахир, ҳар йили бир марта мамлакатимизнинг Олий органи тасдиқланган бюджетнинг ижросини муҳокама этаяпти-ку! Муҳокама давомида бюджет харажатларининг қаёққа сарф қилинганлиги моддама-модда ўз аксини топаётгир-ку! Агар сиз тулаган солиқ суммаларингизни қаёққа кетаётганлигини билмоқчи бўлсангиз, рўзномада эълон қилинган ва шу мавзуга бағишланган материални зерикмасдан ўқиб чиқинг. “Бу рақамлар мени қизиқтирмайди, бошни оғритади”, - деб рўзномани четга суриб қўйманг ёки унинг тўртинчи саҳифасини ўқишга шошилманг. Ойнаи жаҳонда тегишли мутасадди шахс ўтган йилги тасдиқланган бюджет ижроси тўғрисида гапираётганда фарзандингизга “Буни нимасини кўрамиз. Бошқасини бура!”, - деб буйруқ берманг. Агар сиз тулаган солиқингизнинг қаёққа “кетганлигини” билмоқчи экансиз, солиқ инспекторининг олдингизга келиб ҳисобот беришини кутиб ўтирманг. Бу саволнинг жавобини топиш сиздан кўп ҳафсала қилишни талаб этмайди. Саволга жавоб топмоқ учун сиз учун “зерикарли” бўлган ва матбуот саҳифаларида эълон қилинган ҳамда рақамларга бой бўлган материаллар билан танишиб чиқмоғингиз керак, “қизиқарли бўлмаган” телекўрсатувни озгина сабр қилиб охиригача кўрмоғингиз лозим. Сўраётган нарсамиз сизга оғирлик қилмаётгирми? Яна айтиб қўяйлик: сиздан бу нарсани биз ҳар куни, ҳар ойда ва ҳоказоларда қилишни талаб қилаётганимиз йўқ. Бор-йўғи бир йилда бир мартагина шу нарсага эътибор беришингизни сўраяпмиз. Буни ҳам эртадан кечгача эмас. Ошиб борса, рўзноманинг бир саҳифасини ўқиб чиқишга қанча вақт сарфласангиз шунча вақт керак бўлади, холос. Телекўрсатувни охиригача кўришга ҳам, тахминан, сиздан деярли шунча вақт талаб қилинади. Қолгани - сизнинг идрок этишингизга боғлиқ.

Борди-ю, фалакнинг гардиши билан тегишли ходим сизнинг олдингизга келиб, сиздан олинган солиқ суммаларининг қаёққа сарфланганлиги тўғрисида сизга “ҳисобот” берди, дейлик. Ишонинг, ҳар бир тийин бўйича тақсимланиб чиқилганда ҳам, улар барибир, оқибат натижада, 5-6 гуруҳдан иборат бўлган ва сиз рўзнома ҳамда телевидение орқали билишингиз мумкин бўлган харажатларни молия-

лаштиришга сарфлангани маълум бўлади. Бу нарсани йилда бир марта шу мавзуга бағишланган рўзномадаги маълумот билан танишиш ёки телекўрсатувни кўриш орқали бажариш мумкин бўлиб турган пайтда ҳар бир солиқ тўловчининг олдига тегишли ходимни юбориш мақсадга мувофиқмикан? Шу шароитда “Тулаган солиқларимиз қаёққа кетаяпти? Бунга ким ҳисобот беради?” - дейишга ҳаққимиз бормикан?

Албатта, бу фикрларни билдираётиб биз солиқ тўловчиларимиз ўзларининг тўлаётган солиқлари қандай мақсадларга сарф этилаётгани билан қизикмасинлар, бу масала билан уларнинг ишлари бўлмасин, деган фикрларни билдиришдан йироқмиз. Шубҳасиз, улар бу нарсани аниқ билишлари керак. Чунки фақат лоқайд одамгина ўзи тўлаган солиқ суммаларининг тақдирига бефарқ қараши мумкин. Лекин биз жамиятимиз аъзолари шу нарсани билишга интилаётган пайтда қалта ўйламасликларини, маъзур тutasиз, ўрни келганда қалтафаҳмлик қилмасликларини жуда жуда истардик. Ўйлаб кўринг, давлатимиз юқоридаги тарзда савол берувчиларнинг талабларини инобатга олиб, тегишли тарзда “ҳар бир солиқ тўловчининг солиқ суммалари қаёққа “кетганлиги” тўғрисида уларга бошма-бош ҳисобот берилсин!” - деб кўрсатма берди, дейлик. Хўш, бунинг оқибати нима бўлади? Бунга кетган харажатларни давлат кимнинг ҳисобидан қоплайди? Яна кимга оғир бўлади? Кимнинг гарданига яна қўшимча юк тушади? Ёки масаланинг бу томонларини инобатга олмаймизми?

Бу масаланинг бошқа бир томони ҳам бор. Чунки давлат томонидан юқоридаги саволга бу тарзда жавоб берилиши давлатнинг обрўсига обрў қўшмайди, унинг бу масалани ечишда саводсиз эканини кўрсатади, давлат “масхарали” вазиятга тушиб қолади. Солиқ тўловчиларимиз ўзларининг давлатларини бундай “аҳвол”га тушиб қолишларини истамасалар керак? Ёки...?

Шу боисдан қуйидаги фикрларни чертиб-чертиб таъкидламоқчимиз: ҳанузгача давлат томонидан ўз солиқ тўловчиларига ҳисобот беришнинг ҳозирги шаклидан ўзгачароқ, янада оқилона шакли топилмаган. Бутун дунёдаги давлатлар худди биздагидек тарзда ўз солиқ тўловчиларига

хисобот берадилар. Бунинг бошқа афзалроқ йўли йўк. Инсоният тараққиёти, давлатнинг вужудга келиши ва унинг ривожланиш тарихи худди шундан далолат бераётгани ўз-ўзидан аён. Шу тарзда хисобот бериш бу масалани ҳал этишнинг энг оқилона усули эканлигини ҳаёт аллақачон синаб кўрган ва унинг тўғри эканлигини тасдиқлаётир.

Яна бир фикр: “Тўланган солиқларимиз қаёққа кетаяпти?” - деб савол беришдан олдин солиқ тўловчиларимиз ўз-ўзларига “Давлат томонидан менга қандай ёрдам кўрсатилди?” - деб савол берганмикинлар. Бир ҳисоб-китоб қилиб кўринг. Масала кимнинг фойдасига ҳал буларкин? Йил давомида давлатга қанча солиқ тўлаганингизнинг умумий суммасини дарҳол ҳисоблаб топасиз. Чунки уни сиз тўлаяпсиз-да! “Давлатдан қанча олдингиз, буни ҳам бир ҳисоблаб кўринг!” - десак, тан олинг, бу сизга ёқмайди. Тўғри, биз ҳам тан олайлик, сиз томондан бюджетга қанча тўланганини ҳисоблашдан кўра бюджетдан қанча ёрдам олганингизни ҳисоблаш анча мураккаб, айниқса, сиз кўника олмайдиган, сизнинг рози бўлишингиз қийин бўладиган, сиз ишонмайдиган ва ҳоказо мунозарали жойлари жуда кўп. Лекин буни ҳам ҳисобласа бўлади ва давлат аллақачон уни ҳисоблаб қўйган. Чунки давлат ҳам сизга ўхшаб ўз ёнидан кетадиган маблағларини ҳисоб-китоб қилмас бўлмайди, у ҳам бу масалага сиздек бефарқ бўлолмайди.

Шу жойда ҳолисона ҳисоб-китоб қилишни сизнинг ихтиёрингизга қолдирайлик-да (бир ҳаракат қилиб кўринг, жуда қизиқ вазият вужудга келади, афсус, жуда кўп солиқ тўловчиларимиз учун масала улар ўйлаганчалик бўлиб чикмайди, уларнинг фойдасига ҳал бўлмайди), ҳаммангизга маълум бўлган, қуйидаги реал ахволни таъкидлайлик: давлат солиқ тўловчиларидан олган солиқ суммаларига нисбатан кўпроқ харажат қилаяпти. Ишонмаяпсиз-а? Марҳамат, давлат бюджетининг даромадлари ва харажатларини бир-бирига таққослаб кўринг-а. Харажатларнинг умумий суммаси даромадларнинг умумий суммасидан кўпроқ эканлигининг ўзингиз гувоҳи бўласиз. Бюджет тақчиллиги ёки камомати деган нарса пайдо бўлаётир. Аслида давлат ҳам сизга ўхшаб даромадлари доирасида харажат қилиши керак эди. Чунки халқимизда “даромадга

қараб буромад” деган нақл бор. Бу - бекордан-бекорга айтилмаган. Бу - давлатга ҳам тегишли. Тўғрими? Ёки сиз бу қоидага риоя қилмайсизми? Риоя қилмай кўринг-чи, маълум муддат ўтгандан сўнг аҳволингиз не кечаркин?

Шундай бўлишига қарамасдан давлат ўзи учун қийин вазиятни вужудга келтириб, даромадларидан кўра кўпроқ харажат қилаётир. Нега? Албатта, ўз фуқароларининг манфаатини кўзлаб! Тасаввур қилиб кўринг, ҳозирги шароитда бюджет харажатларининг бироз қисқартирилиши, энг аввало, кимнинг манфаатларига салбий таъсир кўрсатаркин?

Тўғри, бюджет харажатларининг ҳаммаси ҳам тўғридан-тўғри солиқ тўловчиларнинг ихтиёрига бориб тушаётгани йўқ. Унинг бир қисми бошқа мақсадларга ҳам сарфланаётир. Масалан, мудрофаа харажатлари шулар жумласидандир. Нима, бу мақсадга бюджетдан харажат қилинмасинми? Аксарият ҳолларда эса, бюджет харажатларининг асосий қисми мамлакат фуқароларининг аҳволини яхшилаш билан бевосита ёки билвосита боғлиқдир. Буни ҳеч бир киши инкор этаолмайди. Бу нарса, айниқса, маҳаллий бюджетларнинг харажатлари структурасида янада яққол кўзга ташланади. Бу бюджетларда бюджет харажатларининг 70% дан 100% гачаси социал - маданий тадбирларни молиялаштиришга сарф этилаётир.

Шу жойда: “Мен бюджетга 100 сўм миқдорда солиқ тўлаган эдим, менга бюджетдан ҳеч бўлмаганда яна айнан 100 сўм қайтарилишини хоҳлардим. Ана ўшанда адолатли бўлади”, - дея хаёлга борувчиларни қуйидаги фикрга эътибор беришларини сўрардик: сиздан бюджет солиқ сифатида 100 сўм олиб, унинг ўрнига яна сизга бюджетдан айнан 100 сўмнинг қайтариши ўз маъносига эга эмас. Сиздан олинган суммани яна ўша миқдорда сизнинг ўзингизга қайтарадиган бўлсак, унда уни олиб нима қилдик? Шу тарзда фикр юритувчиларга бир саволимиз бор эди: агар ўнг чўнтагингиздаги 100 сўм пулни олиб чап чўнтагингизга солиб қўйсангиз нима ўзгаради? Ҳар ҳолда молиявий аҳволингиз яхшиланиб қолмаган бўлса керак? Нимага ишора қилаётганимизни тушунгандирсиз?

Бу мулоҳазаларимиздан солиқ тўловчиларимиз ўзлари-ча: “Биз бюджетга кўпроқ суммада солиқ тўлашимиз,

бюджет эса камрок суммада қайтариши керак экан-да!” - деган хулоса чиқармасликлари керак. Кимдир, маълум сабабларга кўра, бюджетга кўпроқ солиқ тўлайди, лекин ундан камрок наф кўриши мумкин. Бошқалар эса, аксинча, бюджетга нисбатан камрок солиқ тўлайди, лекин ундан кўпроқ наф кўради. Бу нарса ижтимоий адолат принципнинг бузилаётганлигидан далолат бермайди. Бунинг ўзига хос объектив сабаблари бор. Буларнинг ҳаммасини тарозининг икки палласига қўйсақ, палланинг харажатлар томони босиб кетади. Буни биз юқорида ҳам таъкидлаб ўтдик.

“Тўлаган солиқларимиз қаёққа кетаяпти?” - деган саволга яна бир марта қайтайлик-да, давлат солиқлар маълум бир қисмининг қаёққа кетганлиги туғрисида ҳисобот бермади, деб ҳисоблайлик (ҳақиқий аҳволнинг қандайлиги туғрисида биз юқорида тўхталдик). Хўш, давлатнинг шундай йўл тутишига ҳаққи борми ёки йўқми? Бизнингча, ҳаққи бор. Нима, бошқа давлатлар шу соҳадаги айрим нарсаларни бошқалардан сир тутмаяптими? Таркибида солиқ тўловчилари бор бўлган оиланинг сири йўқмикан? “Тижорий сир” деган нарса бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатувчи ҳамма субъектларга тегишлими? Давлат ҳам шу субъектларнинг бири бўлганлиги учун бу нарса унга ҳам тегишли бўлиши керакми ёки йўқми? Сир тутишнинг ўзига хос яхши томонлари ҳам бўлса керак? Ёки юқоридаги саволларнинг ҳаммасини инкор этасизми? Нима бўлса ҳам юқоридаги саволга жавоб излаётган пайтда масаланинг бу томонлари ҳам назардан четга қолмаслиги ва улар ҳам ўзларининг ҳолисона баҳоларини олмоқлари керак.

Солиқ ва имтиёз масаласи муҳокама этилаётган пайтда қуйидаги ҳолатнинг ёки вазиятнинг мавжуд эканлиги ҳам назардан четга қолмаслиги керак. Ҳозирги пайтда амалда қўлланилиб келинаётган солиқ қонунчилигига бирор-бир ўзгариш киритмасдан уларда мавжуд бўлган имтиёзлардан 100% фойдаланилса, хўжалик юритувчи субъектлардан бюджетга олинадиган солиқларнинг миқдорини (суммасини) қарийб 50% га камайтиришни имкони бор экан. Маҳсус равишда амалга оширилган ҳисоб-китобларнинг натижаси ана шуни кўрсатаяпти. Демак, кўришиб турибдики, имтиёзлар берилган, лекин солиқ тўловчилар улардан етар-

ли даражада фойдаланмасдан келаяпти. Бундай шароитда яна қўшимча равишда имтиёздан умидвор бўлиш ўзининг мантикий маъносига эга эмасдир.

Ҳақиқатдан ҳам берилган имтиёзлардан тулик фойдалансак, ундан сўнг бу имтиёзлар етарли бўлмаган тақдирда яна қўшимча имтиёз олишга ҳаракат қилсак, бу хатти-ҳаракатни тушуниш мумкин. Шунинг учун «Солиқлар бўйича бизга имтиёз берилса яхши булар эди», - деган фикрга боришдан олдин «Бизга солиқлар бўйича берилган имтиёзларнинг ҳаммасидан тулик фойдаланиб бўлдикми?» - деб фикр қилинса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Солиқ ва имтиёз диалектикаси билан боғлиқ бўлган муаммоларни шу тарзда муҳокама этиш кайфияти бизда жуда юқори бўлишига қарамасдан шу жойда, вақтинча бўлса-да, нукта қўйишга қарор қилдик. Иложи борича, баҳоли кудрат фикрларимизни оммабоп, оддий солиқ тўловчилар, ўқувчиларимиз тушунадиган яхшироқ тилда баён этишга ҳаракат қилдик. Илмий атама ва иборалардан ушбу бобда камроқ фойдаландик. Бундан иқтисодчилар, иқтисодчи-олимлар «Бу нарсалар фанда мана бунақа деб юритилар эди-ку!» - деб ташвишга тушмасинлар. Уларга ҳам шу масалада айтадиган гапларимиз бор. Ва уни биз, албатта, айтамыз.

3.2. Солиқ ва имтиёз диалектикаси: иккинчи йўналиш

Монографиямизнинг олдинги бобини “Иқтисодчилар ва иқтисодчи-олимларга ҳам шу масалада айтадиган гапларимиз бор ва уни биз, албатта, айтамыз”, - деган фикр билан якунлаган эдик. Биз бу ерда ушбу бобни фақатгина ваъдага вафо қилиш нуктаи назаридан эмас, балки ўзимизнинг бурчимиз сифатида ёзмоқчимиз.

Гап шундаки, солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектиканинг туб моҳиятини ҳозирги кунда айрим иқтисодчиларимиз ва, ҳатто, иқтисодчи-олимларимиз ҳам тўғри тушунаётганлари йўқ. Биз бу ўринда оддий фуқароларимизни, оддий солиқ тўловчиларимизни тўғри тушунишимиз ва улар солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқликни

тўғри тушунмаётган бўлсалар, буни биз уларнинг иқтисодий билимлилик даражаларининг етарли эмаслиги билан изохлашимиз ва уларни маълум маънода кечиришимиз мумкин. Лекин айрим иқтисодчи ва иқтисодчи-олимларимизни-чи?

Нега биз шу ўринда ўз устимизга жуда катта масъулият ва жавобгарликни олиб айрим иқтисодчи ва иқтисодчи-олимларимизни маълум маънода айблаётгирмиз? Асосимиз борми? Бунинг боиси нимада?

Биргина мисол келтирайлик. Иқтисодчи сифатида жуда кўп анжуман, давра суҳбатлари, учрашувларда иштирок этамиз. Буларнинг аксариятида иқтисодий муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисида баҳслар бўлади, бош қотирилади. Иқтисодий жараёнларнинг кўнгилдагидек эмаслигининг сабаби қидирилганда, “айбдор” изланганда айрим иқтисодчиларимиз ва иқтисодчи-олимларимиз, биринчи навбатда, гапни солиқлар томонига бурадилар. Маълум даражада, бу бежиз эмас, албатта. Ҳозирги шароитда иқтисодий жараёнларнинг кўнгилдагидек эмаслигида солиқ системасининг ҳам ҳиссаси бор. Буни ҳам ҳолисона тан олмоқ лозим. Лекин шуниси ажабланарлики, айрим иқтисодчи ва иқтисодчи-олимларимиз бошқа сабабларни бир четга суриб қўйиб, асосий айбни солиқларга тўнкаётирлар. Муаммо шу даражада талқин қилинадикки, уларнинг фикрларидан огоҳ бўлган киши, гўё солиқ соҳасида маълум бир ўзгаришлар киритилса, муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетармиш, деган хулосага келади. Қани энди шундай бўлса! Агар шунақа бўлганда эди, давлат ҳам бошини ортиқча оғритиб ўтирмасдан аллақачон шу ўзгаришни амалиётга жорий этган бўлур эди. Лекин “негадир” давлат вужудга келган пайтидан бошлаб ҳанузгача бу ишни амалга оширмаётир. Нега? Буни бир ўйлаб кўрдингизми? Иқтисодиёт назарияси, маркетинг, менежмент, иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари, халқаро валюта-кредит муносабатлари, ташқи иқтисодий алоқалар, бухгалтерия ҳисоби, информатика, бизнес, режалаштириш, баҳо ва ҳоказо соҳаларнинг айрим мутахассислари, айрим иқтисодчилар ва иқтисодчи-олимлар иқтисодиётдаги муаммоларни ҳал этиш учун “Солиқ соҳасида ўзгартиришлар керак”, деган “тайёр рецепт”

беришдан кўра ўз соҳаларида мавжуд муаммолар устида бош қотирсалар яхши бўлмасмиди? Ёки бу соҳалардаги мавжуд муаммолар аллақачон шараф билан адо этилдимикан? Ҳар ҳолда айбни бировга ағдариш муаммони ҳал этишнинг оқилона йўли бўлмаса керак?

Гарчи халқимизда “Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин!”, - деган мақол бўлса-да, юқоридаги фикрларни билдира туриб, иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият курсатаётган айрим иқтисодчилар ва иқтисодчи-олимлар “Солиқлар туғрисида фикр билдирмасинлар!”, - деган фикрни билдиришдан биз жуда ҳам йироқмиз. Марҳамат, улар ҳам ўз фикрларини билдирсинлар. Лекин бунинг учун улар, энг аввало, икки нарсани удаламоқликлари даркор. Биринчидан, уларнинг ўзлари муаммонинг моҳиятини туғри идрок этмоқлари лозим бўлса, иккинчидан, улар ўз соҳаларидаги муаммоларни қойилмақом қилиб ҳал этиб қўйган бўлишлари керак. Ўзларининг соҳаларида муаммолар “тиқилиб” ётган бир пайтда, ўзга соҳалардаги муаммоларни ҳал этишда “билағонлик” қилиш мақсадга мувофиқмикан? Ёки “ҳар соҳадан бир шингил” кабилида иш тутиш ҳозир модадами?

Бундан ташқари, “тайёр рецепт”ни берувчилар рецептни беришдан олдин бу рецепт қабул қилинганидан сўнг унинг оқибати нимага олиб келар экан, деб ўйлаб кўрдилармикан, ёки ҳисоб-китоб қилдилармикан? Афсуски, уларнинг “тайёр рецепт”лари сиртдан бериладиган кучсизгина мантиқий зарбага ҳам чидаш беролмаяпти.

Шу ўринда биз бир неча иқтисодчилар ва иқтисодчи-олимларнинг “тайёр рецепт”ларидан намуналар келтирсак, айни мақсадга мувофиқ бўлур эди. Лекин, барибир, ўзбеклигимизга бораётирмиз, юз-хотир қилаётирмиз. Шундай бўлишига қарамасдан, иккинчи томондан, юқорида айтган аччиқ гапларимизни етарли деб, гапларимиз ўз эгаларини, албатта, топар дея умид ҳам қилаётирмиз.

Хуллас, айрим иқтисодчилар ва иқтисодчи-олимлар томонидан бериладиган “тайёр рецепт”лар солиқ тўловчиларимизда солиқларга нисбатан ноҳолисона муносабатда бўлишдек кайфиятни туғдираётир, уларни чалғитаётир. Бу, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам алдаш билан баробар бўлиб,

маълум маънода жиноят сари ташланган қадамдир. Бу нарсага бефарқ қараб бўлмайди. Шу боисдан солиқ тўловчиларимиз, жумладан, айрим иқтисодчилар ва иқтисодчи-олимлар ҳам солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектиканинг туб моҳиятини тўғри идрок этмоқлари учун эътиборингизни қуйидаги жадвалда келтирилган маълумотларга қаратмоқчимиз (1-жадвалга қаралсин).

1-жадвал

Солиқ ва имтиёз диалектикасини кўрсатувчи вариантлар

Т/б-№	Вариантлар	I	II	III	IV
1	Фойда ёки даромад, млн. сўм	1,0	1,0	1,2	1,4
2	Солиқ ставкаси, %	30	25	25	25
3	Солиқ суммаси, млн. сўм	0,3	0,25	0,3	0,35
4	Солиқ тўловчининг ихтиёрида қолган сумма, млн. сўм	0,7	0,75	0,9	1,05
5	Солиқ тўловчи эга бўлган қўшимча маблағ суммаси, млн. сўм	-	0,05	0,2	0,35
6	Бюджет эга бўлган қўшимча маблағ суммаси, млн. сўм	-	-	-	0,05
7	Бюджетга бориб тушмаган маблағ суммаси, млн. сўм	-	0,05	-	-

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринаётирки, солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғланишнинг 4 та варианты мавжуддир.

Биринчи вариантда бу боғланиш яққол кўзга ташланмайди. Чунки, сиртдан қаралганда, бу ерда солиққа тортиладиган объектнинг (манбанинг) миқдори 1,0 млн. сўмга, солиқ ставкаси 30% га тенг бўлиб, шуларга кўра бюджетга 0,3 млн. сўмлик солиқ олинаётир ва 0,7 млн. сўм солиқ тўловчининг ихтиёрига қолаётир. Аслида эса шу ўриндаги солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқлик, бир томондан, солиққа тортиш объектининг (даромад, фойда, иш ҳақи ва бошқалар) таркибига нималар киритилганлиги-ю ва нималар киритилмаганлиги билан белгиланса, иккинчи томондан, бу нарса солиқ ставкасининг 30 % ли даражасига ҳам боғлиқдир.

Дастлабки вариантда вужудга келган нисбат солиқ тўловчини қониқтирмаётир ва у солиқ бўйича яна маълум бир имтиёзга эга бўлишни хоҳлаб қолди дейлик.

Аксарият ҳолларда бунинг икки йўли бор, холос. Биринчи йўлда солиққа тортиладиган объект суммасидан маълум бир қисми солиққа тортилмайдиган қисмга ўтказилса, иккинчи йўлда солиқ ставкаси бирмунча камайтирилади. Айрим ҳолларда бу вазифани бир вақтнинг ўзида солиққа тортиладиган объект суммасини ва ўрнатилган солиқ ставкасини камайтириш орқали ҳам бажариш мумкин.

Солиқ бўйича имтиёз берилиши кўзда тутилганда солиқ тўловчилар, биринчи навбатда, солиқ ставкасининг пасайтирилишини хоҳлайдилар. Уларнинг шу хоҳиш-истаклари инобатга олинди-ю, солиқнинг белгиланган ставкаси 5 пунктга пасайтирилди ва унинг ставкаси 30 %нинг ўрнига 25% ни ташкил этсин, дейлик. У ҳолда, ўз-ўзидан маълумки, бошқа шароитлар узгармаган тақдирда, солиқнинг суммаси 0,25 млн. сўмни ташкил этиб, 1,0 млн. сўмлик солиққа тортиладиган объектнинг 0,75 млн. сўми солиқ тўловчининг ихтиёрига қолдирилади. Бунинг натижасида солиқ тўловчи қўшимча равишда 0,05 млн. сўмлик маблағга эга бўлса, бюджет худди шу миқдордаги маблағдан маҳрум бўлаётир. Бу иккинчи вариантда вужудга келган ҳолат солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғланишнинг бузилганлигидан далолат бериб, бундай ўзгаришни амалга ошириш мумкин эмаслигини кўрсатаётир. Имтиёз олишдан умидвор бўлган солиқ тўловчилар бу диалектикадан огоҳ

бўлмоқлари лозим. Акс ҳолда, уларнинг худди шу тартибда солиқ бўйича имтиёз олишга ҳаракат қилишлари хомхаёлликдан ўзга нарса эмас. Шунинг учун ҳам уларнинг бу соҳадаги ҳаракатлари зое кетаверади, орзу-истаклари эса хомхаёллигича қолаверади. Бу амалга ошиши мумкин бўлмаган орзу-умиддир.

Борди-ю, маълум сабабларга кўра солиқ тўловчи шундай имтиёзга эга бўлиб қолса, у ўзининг маълум маънода ўзгалар ҳисобидан яшаётганлигини ҳолисона тан олмоғи лозим. Бир вақтнинг ўзида у солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқликнинг онгли равишда бузаётганлигини ҳам бўйнига олиши керак. Яна шуниси муҳимки, солиқ бўйича имтиёз олиш натижасида иккинчи вариантдаги вазиятни вужудга келтирган ҳамда солиқ ва имтиёз диалектикасини бузишга олиб келганларнинг хатти-ҳаракати натижасида, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, давлатнинг молиявий аҳволи заифлашади, бюджет тақчиллиги вужудга келади, мавжуд бўлган унинг даражаси янада катталашади, давлатнинг обрўсига путур етади, айрим масалаларни ҳал этишда ёки уларни молиялаштиришда унинг қўли калталиқ қилиб қолади. Иккинчи вариантдаги вазият ана шундай ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳам солиқ тўловчиларимиз билиб қўйишлари керак.

Шу вариантдаги вазиятнинг вужудга келиши солиқ бўйича имтиёз ўз вазифасини бажармаганидан, ўз мақсадига эришмаганидан, мақсадсиз, бефойда имтиёз берилганлигидан далолат бераётир. Бу имтиёзни бериш натижасида бундай вазиятнинг вужудга келиши билан солиқлар иқтисодий (рағбатлантирувчи) функцияни бажаради, деган фикримиз бир-бирига мос тушмаётганлигини кўрсатаётир.

Жадвалда келтирилган учинчи вариантдаги рақамларга назар ташлайлик ва уларни мулоҳаза қилайлик. Учинчи вариантда ҳам солиқ тўловчи биринчи вариантдагига нисбатан 5 пункт кам бўлган солиқ ставкасига эга ва у иккинчи вариантдаги солиқ ставкасига тенгдир. Шундай фоизли солиқ ставкасига эга бўлганидан сўнг у иккинчи вариантдаги солиқ тўловчига ўхшаб қўлини қовуштириб, жонини қойитмасдан ўтиргани йўқ. У ўз фаолиятини маълум даражада фаоллаштирди, жонлантирди. Натижада эса 1,2 млн.

сумлик даромад ёки фойдага (солиққа тортиладиган объектга) эга бўлган. Унинг 0,3 млн.сўми ($1,2 \times 0,25 = 0,3$) солиқ тариқасида бюджетга олинаётир, 0,9 млн. сўми эса ($1,2 - 0,3 = 0,9$), солиқ тўловчи ихтиёрига қолдирилмоқда.

Учинчи вариантни вужудга келтирган солиқ тўловчи фаолиятининг диққатга сазовор жойлари куйидагилардан иборатдир:

1. Биринчи ва иккинчи вариантлардагидан фарқли ўлароқ учинчи вариантни вужудга келтирган солиқ тўловчи 1,2 млн. сўмлик солиққа тортиш объектини яратган. Бу кўрсаткич олдинги ҳар икки вариантнинг ҳар бирига нисбатан 0,2 млн. сўмга кўпдир;

2. Биринчи вариантдагига нисбатан 5 пункт паст солиқ ставкасига эга бўлишига (25 %) қарамасдан 30% ли ставка бўйича қанча солиқ тўланган бўлса (0,3 млн. сўм) шунча суммани бюджетга ўтказишга мувофиқ бўлаётир. Бундай ҳолда, албатта, бюджет манфаатларига зид йўл тугилмаётганлиги аниқдир;

3. Иккинчи вариантдаги билан бир хилдаги солиқ ставкасига эга бўлса-да, шунга қарамасдан унга нисбатан 0,05 млн. сўмлик маблағни кўпроқ бюджетга ўтказиш имкониятини яратаётир;

4. Солиқ тўловчининг ўз ихтиёрида қолган сумма дастлабки ҳар икки вариантдагиларга нисбатан кўпроқдир (мос равишда 0,2млн.сўм ва 0,15 млн. сўм).

Келтирилган хулосалардан кўринаётирки, учинчи вариантни вужудга келтирган солиқ тўловчи солиқ бўйича имтиёзнинг асл моҳиятини мумкин қадар тўғри тушунишга ҳаракат қилган ва шунга мос равишда ўз фаолиятини амалга оширган. Имтиёз бу ерда ўз кучини кўрсатган, ҳужалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш натижаларидан манфаатдорлигини реал равишда юқори поғонага кўтарган. Бу ерда солиқ бўйича имтиёз бериш ўз маъносига эгадир.

Бироқ, шундай бўлишига қарамасдан, учинчи вариант натижасида вужудга келган вазият эътиборга лойиқ бўлса-да, бизнинг фикримизча, у ханузгача солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектиканинг асл моҳиятини тўла-тўқис очиб беришга етарли эмасдир. Чунки учинчи вариантда вужудга

келган вазият бир томонламалик характерга эга. Демокчимизки, қўлга киритилган натижа солиқ бўйича имтиёз олган томоннинггина манфаатларига тўлиқ мос келаёттир. Туғри, юқорида таъкидлаганимиздек, учинчи вариантнинг натижалари бюджет манфаатларига зид келаётгани йўқ. Лекин унинг биринчи вариант натижаларидан фарқ қилмаётганлиги ҳам кўриниб турибди. Ҳолбуки, солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектика бир вақтнинг ўзида ҳам имтиёз олган томоннинг, ҳам имтиёз берган томоннинг манфаатларига мос келишини тақозо этади.

Ана шу тарздаги мувозанат жадвалимиздаги тўртинчи вариантда вужудга келган бўлиб, у учинчи вариант эга бўлган ҳамма афзалликларга эгадир. Эга бўлганда ҳам афзалликлар оддийгина такрорланиб қолмасдан, балки улар янада юқорироқ поғонага кўтарилгандир. Энг эътиборга лойиқ ва бошқа вариантлардаги вазиятлардан тубдан фарқ қиладиган жойи шундаки, тўртинчи вариантда имтиёздан фақат имтиёзга эга бўлган томон қўшимча манфаат кўрмасдан, балки имтиёзни берган томон (давлат, давлат бюджети) ҳам қўшимча манфаат кўраёттир. Эътибор беринг-а? Солиқ ставкаси 5 пунктга камайтирилганлигидан максимал равишда фойдаланиш эвазига солиқ тўловчи ҳеч кўрқмасдан 1,4 млн. сўмлик солиққа тортиладиган объектни яратди. Унинг 0,35 млн. сўми бюджетга солиқ сифатида тўланди. Бунинг эвазига бюджет солиқ ставкасининг пасайтирилишига қарамасдан олдинги вариантдагиларга нисбатан энг камида 0,05 млн. сўмлик қўшимча маблағга эга бўлди.

Демак, тўртинчи вариантдаги вазият солиқ бўйича имтиёзнинг асл моҳиятини ҳам имтиёзга эга бўлувчи, ҳам имтиёзни берувчи томонлар туғри тушунган пайтларидагина вужудга келиши мумкин. Бу вариант натижалари манфаатлар муштараклигига эришилганлигидан далолат бераёттир. Солиқ ва имтиёз диалектикасининг туб моҳияти, асл мазмуни ҳам ана шундан иборатдир.

Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидламоқчимиз: аслида солиқ ва имтиёз диалектикаси халқимиз орасида азалдан қўлланилиб келаётган “сих ҳам куймасин, кабоб ҳам”, “қарс икки қўлдан чиқади”, “сиздан угина, биздан бугина” каби ақидаларга асослангандир. Бунинг

ҳеч ажабланадиган жойи йўқ. Солиқ бўйича имтиёздан умидвор бўлганлар халқимизда бу каби ақидалар бекордан-бекорга пайдо бўлмаганлигига ва уларнинг нақадар тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи ҳар қадамда тасдиқлаб турганлигига яна бир марта эътибор берсалар ва уларга риоя қилсалар айни муддао бўлур эди.

Солиқ ва имтиёз диалектикасини билмасдан туриб солиқ бўйича имтиёзни истаб қолганлар диққат-эътиборини яна бир марта жадвалга қаратишларини ва қуйидаги саволга жавоб беришларини истардик: ҳозирги бизнинг шароитимизда солиқ бўйича имтиёз берилганда жадвалдаги вариантларнинг қайси биридаги вазият вужудга келиш эҳтимоли кўпроқ? Агар ҳолисона жавоб берадиган бўлсак, вужудга келиш эҳтимоли кўп бўладиган вазият иккинчи вариантдаги вазиятдир. Чунки солиқ тўловчиларимизнинг аксарияти худди шу иккинчи вариантдагидек бўлишни хоҳлайдилар. Уларнинг назарида имтиёзнинг асл мазмуни ҳам худди шундан иборатдир. Бу тарзда фикр юритувчи солиқ тўловчиларимизга қарата: “Бизни маъзур тутасиз, сиз солиқ бўйича имтиёздан умид қилмасангиз ҳам бўлади. Сизга имтиёз бериш ўз маъносига эга эмас, бефойдадир!” - дегимиз келади.

Жадвалдаги учинчи вариантда мавжуд бўлган вазият ҳам вужудга келиш эҳтимолига эга эканлигини тан олайлик. Бу эҳтимоллик иккинчи вариантдагига нисбатан анча оз бўлса-да, солиқ тўловчиларимизнинг маълум бир қисми солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқликнинг биз баён этган мазмунини тўғри тушунаётирлар. “Имтиёзга эга бўлдик. Яхшироқ фаолият кўрсатайлик. Ҳеч бўлмаганда олдин қанча солиқ тўласак, шу миқдордаги солиқ тўлашни уддасидан чиқайлик. Ўзимиз бойийлик, давлатимиз эса зиён кўрмасин!” - деган фикрга борувчи солиқ тўловчиларимиз ҳам орамизда йўқ эмас. Уларнинг бу хатти-ҳаракатини имтиёз берган томонга ўзига хос тарзда миннатдорчилик билдириш белгиси сифатида қабул қилиш мумкин. Лекин бу миннатдорчиликнинг сидқидилдан эканлигини исботлаш, уни амалда кўрсатиш бундай мулоҳаза қилувчиларнинг маълум маънода жон қуйдиришларини, тиниб-тинчимасликларини, қуйиб-ёнишларини, уйқуни ҳаром қилиш-

ларини тақозо этади. Албатта, буларнинг ҳеч бири осонлик билан амалга ошмайди. Айрим солиқ тўловчиларимиз бунга бардош бера олмайдилар. Айримлари “Жон куйдириб нима қилдим, бюджет барибир олдинги миқдордаги солигини олаётир-ку!”, - деган хулосага ҳам келадилар. Лекин бюджетга 0,3 млн. сўмлик солиқ тўлаб, ўз ихтиёрига 0,7 млн. сўмни эмас, балки 0,9 млн. сўмни қолдирганлар, ўзларининг шунга қодир эканликларига ишонч ҳосил қиладилар, 0,9 млн. сўмлик маблағга реал эга бўлиш имкониятига эга бўлганларида 0,7 млн. сўм билан чекланиб қолмайдилар. Биз солиқ тўловчиларимизнинг ана шундай бўлишларининг тарафдоримиз. Ахир, бу ҳолда, ҳеч бўлмаганда, солиқ тўловчиларимизнинг молиявий аҳволи яхшиланаётир-ку! Шунинг учун ҳам, албатта, бундай хатти-ҳаракатни қўлаб-қувватламоқ зарур.

Аслини олганда биз тўртинчи вариантдаги вазиятнинг вужудга келишини ва унинг эҳтимоли энг юқори даражада бўлишини жуда-жуда истардик. Чунки бу вазиятнинг вужудга келиши солиқ тўловчиларимизнинг солиқ ва имтиёз диалектикаси масаласини қай тарзда тўғри идрок этганликларини кўрсатарди. Бу мураккаб масала. Лекин уни муваффақият билан ҳал этишнинг мумкин эканлигини жаҳон тажрибаси ва амалиёти узил-кесил кўрсатиб турибди.

Шундай қилиб, биз ушбу боб доирасида солиқ ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқликнинг асл моҳиятини оддийгина тарзда баён этдик. Ундаги фикрларни ҳар ким ўз ўлчови билан ўлчаса-да, очик-ойдин айтиб қўяйлик: ушбу фикрлар билан биз доноликни даъво қилаётганимиз йўқ, Американи ҳам кашф этмадик, янгидан велосипед ҳам ихтиро қилмадик. Аксинча, эътиборга олинмаётган реал бир ҳолатни эътиборга олинишини таъкидладик. Эсдан чиққан нарсани эсга туширдик. Бу нарсадан бе-хабарлардан хабардор бўлишларини сўрадик. Ушбу фикрлар билан танишгандан сўнг айрим иқтисодчилар ва иқтисодчи-олимлар томонидан иқтисодиётимиздаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган ва, афсуски, етарли даражада ўйламасдан берилаётган “тайёр рецепт”лар сони кескин камаяди, дея умид қилиб қоламиз.

4-БОБ. Президент И.А.Каримов солиқлар, солиқ тизими ва солиқ сиёсати ҳақида

Монографиямизнинг ушбу боби доирасида биз республикамиз Президенти И.А.Каримов томонидан солиқлар, солиқ тизими ва солиқ сиёсати хусусида билдирилган фикрлар тўғрисида мулоҳаза юритишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Бунинг, назаримизда, бир неча асосли сабаблари мавжуд.

Биринчидан, шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг асарлари билан танишар эканмиз, айнан ана шу асарларда солиқлар, солиқ тизими ва солиқ сиёсатининг назарий масалаларига асос солинганига (назарий асосларининг яратилганлигига) гувоҳ бўламиз.

Иккинчидан, ҳозирги пайтда биз ишлаб чиқилаётган ва ҳаётга татбиқ этилаётган солиқ сиёсатининг асл моҳиятини тўғри идрок этишни истар эканмиз, давлатимиз раҳбарининг бу хусусда билдирган фикрларига алоҳида эътибор билан қарашимиз даркор.

Учинчидан, давлат раҳбари сифатида солиқлар, солиқ тизими ва солиқ сиёсатига нисбатан Президентимиз томонидан билдирилган фикрлар барчанинг (ҳатто шу соҳада фаолият кўрсатаётган тегишли мутахассисларнинг ҳам) эътиборига етарли тарзда етиб бормаганлигини ҳолисона тан олишимиз керак.

Тўртинчидан, «Президентимиз солиқлар, солиқ тизими ва солиқ сиёсати тўғрисида қандай фикрларни билдирган?» - деган саволга фақат тегишли иқтисодчилар ва иқтисодчи-олимларнинг тор доирасигина жавоб беришга қодир бўлса, уларнинг айримлари «Нима учун айнан шундай фикрлар билдирилган?» - деган саволга малакали тарзда жавоб беришга ҳамон ожизлик қилишмоқда.

Бу ва шунга ўхшаш яна бир неча асосли сабабларни инобатга олган ҳолда юртбошимизнинг солиқлар, солиқ тизими ва солиқ сиёсатига хос бўлган фикрларини қуйида келтирайлик ва улар тўғрисида мулоҳаза юритишга ҳаракат қилайлик.

4.1. Солиқлар ҳақида

Биринчи фикр: *«Бозор муносабатларига ўтиш шароитида солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил бўлиб қолади».*

(Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., Ўзбекистон, 1998. 358-бет)

Сиртдан қаралганда оддий сўзлардан иборат бўлган бир фикр. Лекин ана шу биргина фикрнинг ўзида жуда катта ва принципиал аҳамиятга молик бўлган маъно бор. Энг аввало, мамлакат доирасида иқтисодий сиёсатни амалга оширишда солиқларнинг алоҳида ўрни бор эканлиги қайд этилаётти. Ҳақиқатдан ҳам давлат ўзи ишлаб чиққан иқтисодий сиёсатни амалга оширишда ёки уни ҳаётга татбиқ этишда турли воситалардан, дастаклардан, усуллардан ва ҳоказолардан фойдаланади. Иқтисодий сиёсатни амалга оширишда турли шакллардан фойдаланиладиганлар қаторига баҳоларни шакллантириш механизмини, божхона тизимининг ўзига хос бўлган тартиб ва қоидаларини, Марказий Банкнинг пул-кредит инструментларини, давлатнинг марказлаштирилган инвестиция дастурларини ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Юқоридагиларнинг ҳар бири ҳам давлатнинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишда маълум роль ўйнайди. Уларнинг орасида солиқларнинг «...иқтисодий сиёсатни амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил...» эканлигини Президент томонидан эътироф этилиши, албатта, бежиз эмас. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг энг маданийлашган, энг табиий ва энг соғлом йўли ҳақиқатдан ҳам солиқлардир. Буни жаҳон тажрибаси яққол кўрсатиб турибди. Бу нарсанинг худди шундай эканлиги жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида ҳам узил-кесил эътироф этилган.

Президент томонидан билдирилган бу фикрнинг мазмуни тўғрисида мулоҳаза юритар эканмиз, яна бир марта солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда бу ерда фақат «омил» сифатида қаралмаётганлигини кўрсатиб ўтишимиз керак. Бу ерда солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга

оширишда «бошқарувчи омил» сифатида ҳам қаралмаяпти. Бу ерда солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда «муҳим бошқарувчи омил» дир деган фикр ҳам билдирилмаяпти. Айнан солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда «энг муҳим бошқарувчи омил» эканлигининг маъносини шу фикрни ифодаловчи сўзларнинг бирортасини ҳам «тушириб» юбормасдан идрок этмоқ лозим. Ана шундагина биз «омил», «бошқарувчи омил», «муҳим бошқарувчи омил» ва ниҳоят, «энг муҳим бошқарувчи омил» деб номланган сўз ва иборалар ўртасида ўрни келганда «ер билан осмонча» фарқ борлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз.

Иккинчи фикр: «Солиқлар хазинани тўлдириш сиёсатининг асосий унсури бўлиб, давлат бюджетининг даромад қисми энг муҳим умумдавлат, халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган миқдорда шаклланишини таъминлаши лозим».

(Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т., Ўзбекистон, 1998. 358-бет).

Бу ерда икки асосий ғоя илгари суриляпти. Биринчисида солиқлар хазинани тўлдиришда асосий элемент эканлиги таъкидланаяпти. Бир вақтнинг ўзида хазинани тўлдиришда солиқлардан бошқа элементларнинг ҳам бор эканлиги тан олинаёпти. Улар (масалан, турли тўловлар, ажратмалар) давлат хазинасини тўлдиришда асосий рольни ўйнамасада, лекин хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат бюджети ўртасидаги муносабатларда ўзига хос вазифани бажаради.

Иккинчи ғояда, соддароқ қилиб айтсак, жуда кўпчилик жавобини билишни истайдиган «Давлат бюджетининг даромад қисми қанча бўлиши керак?» - деган ҳаётий саволнинг жавоби ўз аксини топган. Демак, келтирилган фикрдан кўриниб турибдики, давлат бюджети даромад қисмининг ҳажми энг муҳим умумдавлат, халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган миқдорда бўлиши керак. Бу фикрда, бир томондан, қўйилган саволнинг умумий

жавоби ўз аксини топган бўлса, иккинчи томондан, ўша саволнинг конкрет жавоби ҳам ифодаланган. Чунки юқоридаги саволга ўёки бу нарсани ҳисобга олган ҳолда олдиндан «Давлат бюджетининг даромад қисми мана бунча бўлиши керак», - деб бир хил тарзда жавоб бериш ўзининг маъносига эга эмасдир. Мулоҳазаларимиздан маълум бир даврда (одатда бюджет йили давомида) энг муҳим умумдават, халқ хўжалиги вазифаларини тўлиқ бажариш ёки ҳал этиш учун қанча миқдордаги маблағ талаб қилинса, давлат бюджетининг даромадлари қисмида солиқлар ёрдамида шунча миқдорда маблағ тўпланиши лозим деган умумий хулоса келиб чиқади.

Албатта, энг муҳим умумдават, халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган маблағларнинг бир қисмини давлат бошқа манбалар ҳисобидан ҳам қоплаши ёки молиялаштириши мумкин. Давлат қимматбаҳо қоғозларини муомалага чиқариш, ташқи давлатлардан қарз олиш ва ҳ.к.лар шулар жумласидандир. Энг муҳим умумдават, халқ хўжалиги вазифаларини бажариш учун молиялаштиришнинг бу шаклларида ҳам амалиётда мақсадга мувофиқ бўлган ҳолларда фойдаланиб келинмоқда. Бу нарса энг муҳим умумдават, халқ хўжалиги вазифаларини бажаришда давлат бюджетининг даромадлари етарли бўлмаган ҳолда майдонга чиқади. Солиқлар ёрдамида тўпланган даромадлар етарли бўлган тақдирда муомалага қимматбаҳо қоғозларни чиқариш (ички қарз) ва чет мамлакатлардан қарз олишга (ташқи қарз) ҳожат қолмас эди. Жаҳон амалиётида етишмаган маблағга эга бўлишнинг биз санаб ўтган ҳар икки йўли ҳам нормал ҳолат сифатида қаралса-да, уларнинг ҳар иккаласи ҳам қарзий маблағ (ички ва ташқи қарз) бўлганлиги учун ўзида каттагина рискни намоён этади. Бу рискнинг бир қисми сиёсий рискдан иборатдир. Шунинг учун ҳам «давлат бюджетининг даромад қисми энг муҳим умумдават, халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган миқдорда шаклланишини таъминлаши лозим», - деган фикрга алоҳида ҳурмат билан қарамоқ керак. Чунки бу фикр ва унинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Учинчи фикр: «Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар, бир томондан, ходимларни уз меҳнати билан ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол иштирок этишга рағбатлантириши, иккинчи томондан, иш ҳақи даражаси сарфланган меҳнат самарасига мутаносиб бўлишга ёрдам кўрсатиши, меҳнаткашларнинг даромадларидаги тафовут асоссиз равишда катта бўлишига олиб келмаслиги лозим».

(Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т., Ўзбекистон, 1998. 360-бет)

Синчковлик билан эътибор берадиган бўлсак, бу ерда жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар олдига аслида 3 мураккаб вазифанинг қўйилганлиги маълум бўлади:

- жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар ходимларни уз меҳнати билан ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол иштирок этишга рағбатлантириши керак. Бунинг маъноси шундан иборатки, жисмоний шахслардан солиқлар олинганда бу солиқлар уларни ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол иштирок этишга ундаши лозим. Бу солиқларнинг олиниши уларда асоссиз норозилик кайфиятининг туғилишига олиб келмаслиги керак. Вазифанинг бу тарзда қўйилиши принципиал аҳамиятга эга бўлиб, бу нарса жисмоний шахсларга нисбатан солиқ сиёсати ишлаб чиқарилаётган пайтда, албатта, инobatта олиниши шартдир;

- жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар иш ҳақи даражаси сарфланган меҳнат самарасига мутаносиб бўлишига ёрдам кўрсатиши лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида иш ҳақи ва унга сарфланган меҳнат ўртасидаги ўзаро муносабат энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ижтимоий адолат принципининг ҳаётга татбиқ этилиши, кўп жиҳатдан, ана шу муносабатнинг даражаси билан белгиланади. Аксарият ҳолларда иш ҳақининг даражаси сарфланган меҳнат самарасига мутаносиб бўлган тақдирда ижтимоий адолат принциpigа катъий риоя қилинаётганлиги маълум бўлади. Бу нарсага

эришиш жамият тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар олдига ана шу мутаносибликни таъминлашга ёрдам кўрсатиш вазифаси қўйилапти;

- жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар меҳнат-кашларнинг даромадларидаги тафовут асоссиз равишда катта бўлишига олиб келмаслиги лозим.

Бу вазифани, аслида, юқорида қайд этиб ўтилган иккинчи вазифадан ажратиб олиб алоҳида тарзда тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки, иш ҳақи, сарфланган меҳнат самараси, даромадлар ўртасидаги тафовут бир-бири билан узвий боғланган тушунчалардир. Лекин шундай бўлишига қарамасдан меҳнаткашларнинг даромадлари фақат иш ҳақидан таркиб топмаганлиги учун биз бу вазифани иккинчи вазифадан ажратиб олиб, алоҳида тарзда кўрсатиб ўтишга жазм этдик.

Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар олдига қўйилган бу вазифада, дастлаб, меҳнаткашларнинг даромадлари ўртасида, албатта, тафовутларнинг бўлиши қайд этилапти. Бу тафовутлар асосли бўлган ҳолларда катта бўлиши мумкинлиги ҳам таъкидланапти. Тафовутлар асоссиз равишда катта бўлган пайтда жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар бу нарсага барҳам бериши лозимлиги кўрсатиб ўтилапти. Чунки бундай қилинмаса, бу нарса аҳоли қатламлари ўртасида турли зиддиятларнинг келиб чиқишига ва уларнинг кучайишига замин яратиши мумкин.

Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар олдига қўйилган вазифаларнинг мураккаблиги шундан иборатки, уларнинг ҳаммаси параллел равишда бир вақтнинг ўзида бажарилишни тақозо этади. Бир вазифанинг бажарилиши иккинчи ёки учинчи вазифанинг бажарилишига акс таъсир қилмасдан ёки тўсқинлик қилмасдан, аксинча, навбатдаги вазифаларнинг бажарилишига ёрдам бериши керак. Бу, ўз навбатида, «бир ўқ билан икки қуённи» эмас, балки «уч қуённи уриш» билан баробардир. Ҳолбуки, бир ўқ билан икки қуённи ва айниқса, уч қуённи уриш учун (қўйилган уч вазифани бажариш учун) мерганлар (жисмоний шахслардан олинадиган солиқларга нисбатан тегишли солиқ сиёсатини ишлаб чиқувчилар ва уни ҳаётга татбиқ этувчилар) ўта даражада мохир бўлмоқлари лозим.

Тўртинчи фикр: «Корхоналар зиммасидаги солиқ юкининг енгиллаштирилиши, қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ставкасининг камайтирилиши оқибат натижада ишлаб чиқаришни жонлаштиришга олиб келиши лозимки, бу нарса иқтисодий ётти барқарорлаштириш муаммосини ҳал этишда ғоят катта аҳамиятга эга».

(Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т., Ўзбекистон, 1998. 360 бет)

Билдирилган бу фикр, бизнинг назаримизда, изоҳга муҳтож эмас, ўқувчиларга шундоқ ҳам тушунарлидир. Шундай бўлишига қарамасдан, фикрда билдирилган тадбирларнинг (солиқ юкининг енгиллаштирилиши, қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ставкасининг камайтирилиши) амалга оширилиши ўзининг маълум бир чегарасига эга эканлигини қайд этиб ўтмоқ лозим. Гап бу ерда солиқ туловчиларнинг хоҳиш-истакларига қараб солиқ юкини камайтириш ёки қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ставкасини пасайтириш тўғрисида кетаётгани йўқ. Худди шу маънода солиқ юкини камайтириш ва қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ставкасини пасайтириш тўғрисидаги бу фикр айрим манфаатдор солиқ туловчилар қўлида «байроқ» вазифасини бажаришга мўлжалланмаган. Бундан ташқари бу фикрда билдирилган тадбирларнинг бажарилиши бевосита қўйида келтирилган уч шартга боғлиқ бўлиб, улар бу тадбирларнинг бажарилиш чегарасини белгилаб беради:

- корхоналар зиммасидаги солиқ юкининг енгиллаштирилиши, қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ставкасининг пасайтирилиши шу тадбирлар амалга ошириладиган давр мобайнида бюджетдан қилинадиган харажатларни молиялаштиришга салбий таъсир кўрсатмаслиги керак. Бу, ўз навбатида, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, бюджетдан қилинадиган харажатларнинг мос равишда қисқартирилишини тақозо этади;

- солиқ юкининг енгиллаштирилиши, қўшилган қий-

матдан олинадиган солиқ ставкасининг насайтирилиши, оқибат натижада, бюджет танқислиги даражасининг ошишига олиб келмаслиги лозим;

• хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкини энгиллаштириш, қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ставкасини пасайтиришдан асосий мақсад ишлаб чиқаришни жонлантиришдир. Бу нарса содир бўлсагина юқоридаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда бу ўзгаришлар ўзининг маъносига эга бўлмай қолади. Солиқ юкининг энгиллашиши, қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ставкасининг пасайиши натижасида ишлаб чиқариш жонланса, бунинг эвазига бюджет юқоридаги ҳар иккала тадбирни амалга ошишидан кўпчилик ўйлаганидек зарар кўрмайди. Аксинча, ишлаб чиқаришнинг жонланиши оқибатида солиқ юкининг энгиллашиши, қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ставкасининг пасайиши натижасида бюджетга бориб тушмайдиган солиқлар суммаси компенсация қилиниши мумкин. Бу нарсанинг содир бўлиши иқтисодиётнинг барқарорлашганлигидан далолатдир.

4.2. Солиқ тизими тўғрисида

Биринчи фикр: «Аввало солиқ тизими ўзига хос вазифани - фискал (ҳазина тўлдириш), қайта тақсимлаш ва рағбатлантириш вазифасини тўла даражада бажариши керак».

(Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т., Ўзбекистон, 1998. 358-бет).

Кўриниб турибдики, бу ерда солиқ тизимининг олдига ўзига хос уч вазифанинг қўйилиши кераклиги кўрсатилган:

1. Фискал (ҳазина тўлдириш);
2. Қайта тақсимлаш;
3. Рағбатлантириш.

Лекин бундан солиқ тизими фақат шу уч вазифани бажариши керак экан-да, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Чунки солиқ тизими юқоридагилардан ташқари

яна бир неча вазифаларни ҳам бажаради, масалан, назорат қилиш, тақиқлаш ёки тўсқинлик қилиб туриш ва бошқалар. Шунинг учун ҳам юқоридаги фикрни ифодалашда «аввало» деган сўз бежиз ишлатилмаган. Бу - ушбу фикр бўйича мулоҳаза юритилаётган пайтда эътиборга олинishi лозим бўлган биринчи моментдир.

Иккинчидан, бу фикр талқин қилинаётган пайтда солиқ тизимининг олдига қўйилган вазифалар кетма-кетлиги назардан четда қолмаслиги керак. Бу ерда солиқ тизимининг олдига биринчи галдаги вазифа сифатида фискал (хазинани тўлдириш) вазифаси қўйилаяпти. Қайта тақсимлаш ва рағбатлантириш вазифаларининг иккинчи ва учинчи ўринларда қўйилиши, ўз навбатида, мантиқнинг тегишли қоидаларига қатъий равишда риоя қилинганлигидан далолат беради. Ҳақиқатдан ҳам солиқ тизими дастлаб фискал (хазинани тўлдириш) вазифани бажариб бўлганидан сўнг қайта тақсимлаш ва ундан кейингина рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган вазифалар кун тартибига қўйилади.

Учинчидан, бу фикр тўғрисида мулоҳаза юритилаётган вақтда вазифаларнинг бажарилишига ёки уларнинг бажарилиш даражасига ҳам (қай даражада бажарилишига ҳам) алоҳида урғу берилганлиги ҳисобга олинishi лозим. Дарҳақиқат бу ерда солиқ тизимининг, аввало, ўзига хос бўлган 3 вазифани бажариши кераклиги аниқлаштирилибгина қолмасдан, балки уларнинг «тула даражада» бажарилиши кераклиги ҳам қайд этилган.

Тўртинчидан, солиқ тизимининг олдига қўйилган вазифаларининг кетма-кетлиги ҳар доим ҳам шу тартибнинг (кетма-кетликнинг) сақланиб қолиши кераклигини тақозо этмайди. Тарихий тараққиётнинг алоҳида олинган маълум бир босқичида бу вазифалар кетма-кетлиги ўзгариши, кейинги қаторда турган вазифалар олдинги қаторга ўтиши мумкин. Бу нарса умумий тарзда қайси вазифанинг мамлакат тараққиёти учун биринчи даражали вазифага айланганлигига боғлиқ.

Иккинчи фикр: *«Солиқ тизимининг энг муҳим вазифаси - ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий хом ашё, табиий,*

молиявий ва меҳнат ресурсларидан, тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишдир».

(Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т., Ўзбекистон, 1998. 359-бет).

Аввало шуни қайд этиш лозимки, Президентимиз томонидан билдирилган фикрни ўқиб, ўқувчида «Бу фикр олдинги фикрга зид эмасмикан?», - деган тасаввур туғилмаслиги керак. Чунки бу фикрда олдинги фикрдаги асосий ғоялардан бири янада ривожлантирилаяпти, янада конкретлаштирилаяпти. Олдинги фикрда солиқ тизимининг олдига қўйилган ўзига хос уч вазифанинг учинчиси рағбатлантириш деб кўрсатилган бўлса, бу фикрда ана шу рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган вазифага анча аниқлик киритилган.

Маълум бир белгиларни инobatга оладиган бўлсак, бу ерда солиқ тизимининг олдига қўйилган рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган энг муҳим вазифаларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- ишлаб чиқаришни ривожлантиришга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиш;
- моддий хом ашё, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиш;
- тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиш.

Бу ердаги биринчи пунктда ишлаб чиқаришни рағбатлантириш тўғрисида гап кетаётгани йўқ, балки айнан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиш тўғрисида гап кетаяпти. Ана шу ердаги «ривожлантириш» сўзига алоҳида урғу бериб қаралган тақдирдагина фикрнинг асл моҳиятини тўғри идрок этиш мумкин.

Амалдаги солиқ тизими барча ресурслардан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиши лозим. Бу ерда ресурсларнинг қандай шаклда (моддий хом ашё, табиий, молиявий, меҳнат ва бошқа) бўлиши принципиал аҳамиятга эга эмас. Бозор иқтисодиёти барча ресурслардан ҳар доим самарали фойдаланишни тақозо этади. Бу уринда

фикрдаги «самарали» сўзига алоҳида эътибор берилиши унинг туб моҳиятини очиб беришга ёрдам беради.

Солиқ тизимининг олдига қўйилган рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган энг муҳим вазифаларнинг навбатдагиси тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишдир. Бу ерда ҳам тўпланган мол-мулкнинг кимга тегишли эканлиги принципиал аҳамиятга эга эмас. Ундан қатъиназар бозор иқтисодиёти тўпланган мол-мулкдан ҳар доим самарали фойдаланиш кераклигини талаб қилади. Бозор иқтисодиёти «Бу тўпланган мол-мулк меники. Унинг тақдирини ўзим ҳал қиламан. Хоҳласам фойдаланаман, хоҳламасам - йўқ», - қабилда иш тутишни ёқтирмайди. Бошқа бир томондан тўпланган мол-мулкнинг тақдирига унинг эгасигина (бозор иқтисодиётининг тегишли қонун қоидаларини билмайдиганлар) бефарқ қараши мумкин. Давлат эса бундай қила олмайди. Солиқ тизими орқали, аксинча тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишга ҳаракат қилаверади. Давлатнинг бу соҳадаги ҳатти-ҳаракатини табиий равишда қабул қилмоқ лозим.

Учинчи фикр: *«Солиқ тизимини ўзгартиришда асос қилиб олинган бош тамойил - корхоналар зиммасидаги солиқ юкини кескин камайтиришдир».*

(Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т., Ўзбекистон, 1998. 359-бет)

Иқтисодчи-олимлар ва амалиётчи мутахассислар, молиячилар, солиқ хизмати ходимлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари орасида жуда кўп мунозараларга сабаб бўлаётган масалалардан бири «солиқ юки» ёки «солиқ оғирлиги» масаласидир. Бу муаммога нисбатан билдирилган фикрларни (уларни билдирганларнинг қайси тоифага кирганлигини ҳисобга олмаган ҳолда) бир неча гуруҳларга бўлиш ва унга муносабатни энг умумий тарзда қисқача қилиб қуйидаги кўринишларда ифода этиш мумкин:

- солиқ юки оғир;
- солиқ юки ҳаддан зиёд оғир;

- солиқ юки шу кеча-кундузнинг талаблари даражасида белгиланган;
- айрим ривожланган мамлакатлар билан қиёслаганда солиқ юки оғир эмас;
- солиқ юкини ҳозирги даражасидан пасайтириш мумкин эмас ва ҳ.к.

Масалага муносабат бундай хилма-хил ёки ранг-баранг бўлиб турган бир пайтда юртбошимиз томонидан юқоридаги фикрнинг билдирилиши муаммонинг жавобига анча ойдинлик, аниқлик киритади.

Билдирилган бу фикр тўғрисида мулоҳаза юритиш жараёнида, дастлаб амалдаги солиқ тизимини ўзгартириш зарурлигини қайд этиб ўтмоқ лозим. Бу нарса шубҳасиздир. Солиқ тизимини ўзгартириш зарур экан, бу жараён маълум бир тамойилларга асосланган бўлиши керак. Ана шу тамойиллар орасидаги бош тамойил корхоналар зиммасидаги солиқ юкини кескин камайтиришдир.

Бу ерда ҳозирги пайтда корхоналар зиммасидаги солиқ юкининг анча оғир эканлиги тан олинаёпти. Шунинг учун ҳам солиқ юкини камайтириш эмас, балки кескин камайтириш зарурлиги таъкидланаёпти.

Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида қайд этиб ўтмоқ лозим. Гап шундаки, давлатимиз раҳбари томонидан корхоналар зиммасидаги солиқ юкига нисбатан бу тарздаги фикрни хаспушламасдан очик-ойдин айтилиши куйи доираларда «Солиқ юкига нисбатан аниқ вазиятни «юқоридагилар» билишмайди», - тарзида айтиладиган фикрларнинг асоссиз эканлигини кўрсатиб беради.

Туртинчи фикр: *«Ислохотнинг иккинчи босқичида иқтисодий барқарорликни ва таркибий ўзгаришларни таъминлаш биринчи навбатдаги вазифага айланган чоғда солиқ тизими биринчи галда рағбатлантирувчилик вазифасини бажариши керак».*

(Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т., Ўзбекистон, 1998. 359-бет).

Юқорида биз биринчи фикрга изох бераётган пайтимизда солиқ тизимининг олдига қўйилган вазифалар кетмакетлиги жамият тараққиётининг талабларидан, унинг олдига маълум бир даврда қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда бирмунча ўзгариши мумкин, деган фикрни билдирган эдик. Келтирилган юқоридаги фикр бунинг худди ана шундай эканлигини тасдиқлаяпти.

Мустақил мамлакатимиз иқтисодий ислохотларни изчиллик билан амалга ошириб борар экан, бу ислохотларнинг иккинчи босқичида иқтисодий барқарорликни ва таркибий ўзгаришларни таъминлаш биринчи навбатдаги вазифа сифатида кун тартибига қўйилган. Бундай шароитда солиқ тизими, энг аввало, фискал (хазинани тулдириш), қайта тақсимлаш вазифаларини эмас, балки биринчи галда рағбатлантирувчилик вазифасини бажариши керак. Кўриниб турибдики, бу ерда мамлакатимиз доирасида иқтисодий барқарорликни ва таркибий ўзгаришларни таъминлашнинг аҳволи бевосита солиқ тизимининг биринчи навбатда рағбатлантирувчилик вазифасини бажариши билан узвий боғлиқ қилиб қўйилмоқда. Бошқача айтганда, иқтисодий барқарорликни ва таркибий ўзгаришларни таъминлаш борасида эришган ютуқларимиз кўп жихатдан солиқ тизимининг биринчи галда рағбатлантирувчилик вазифасини қай даражада бажарганлиги билан ҳам белгиланади. Янада оддийроқ қилиб айтадиган бўлсак, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, солиқ тизими биринчи навбатда рағбатлантирувчилик вазифасини тулиқ бажарса, мамлакат миқёсида иқтисодий барқарорлик таъминланади ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишга эришилади.

Бешинчи фикр: *«Солиқ тизими ҳам бозор инфраструктурасининг таркибий қисми ҳисобланади. Уни ҳали чинакамига ташкил этишга тўғри келади».*

(Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т., Ўзбекистон, 1998. 49-бет).

Келтирилган фикрдан кўриниб турибдики, бозор инфраструктурасини солиқ тизимисиз тасаввур этиб бўлмай-

ди. Уни солиқ тизимисиз тўла тарзда таркиб топган, кам-қўстсиз бозор инфраструктураси дейиш мумкин эмас. Бозор инфраструктурасининг тўлақонли фаолият кўрсатиши ҳам, кўп жиҳатдан, солиқ тизимини ўша инфраструктура таркибида борлигига боғлиқ.

Фикрнинг иккинчи қисмига эътибор берилса, бу соҳада ҳам жуда катта иш қилиш зарур эканлиги маълум бўлади. Гап бу ерда бозор инфраструктурасининг таркибий қисми сифатида солиқ тизимимизнинг тан олинishi учун қилиниши лозим бўлган ишлар тўғрисида кетаяпти. Солиқ тизими бозор инфраструктурасини тўлақонли таркибий қисми сифатида тан олинishi учун ҳақиқатдан ҳам чинакамига ташкил этиш керак. Бу ердаги фикрнинг асл моҳиятини тўғри идрок этмоқ учун «чинакамига» дейилган сўзга алоҳида эътибор бермоқ лозим.

Тўғри, ҳақиқатдан ҳам мустақиллик йилларида мустақил давлатимизнинг солиқ тизимини ташкил этиш бўйича жуда катта ишлар қилинди. Дастлаб, айтишимиз мумкинки, Ўзбекистоннинг мустақил солиқ тизими асос солинди, солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари яратилди, МДХ давлатлари орасида биринчилар қаторида «Солиқ кодекси» қабул қилинди, солиқ хизмати ходимларининг таркибий тузилиши бўйича жиддий ўзгаришлар амалга оширилди, солиқ тизимига тегишли бўлган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари умумлаштирилди, солиқ идораларининг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди ва ҳ.к.

Албатта, солиқ тизимини ташкил этиш бўйича мамлакатимизда қилинган ишлар рўйхатини ана шу тарзда яна анча давом эттириш мумкин. Лекин уларнинг ҳаммасини тўплаб, фақат «Солиқ тизимимиз ташкил қилинди», - дейишимиз мумкин. Бу фикрни билдириш ёки шундай хулоса чиқариш учун асосларимиз етарлидир. Бироқ бу соҳада амалга оширилган ишлар «Солиқ тизимимиз чинакамига ташкил қилинди», - дейишга етарли эмаслигини ҳаётнинг ўзи ҳар қадамда кўрсатиб турибди. Солиқ тизимини тартибга солиб турувчи меъёрий ҳужжатлардаги ноаниқликлар, «Солиқ кодекси»нинг мунозарали жойлари, солиқ хизмати ходимларининг айримларини хизмат вазифасига нисбатан номуносиблиги, солиқ хизмати кўрсатиш сифа-

тининг нисбатан пастлиги, солиқ тизимига нисбатан асосли эътирозларнинг мавжудлиги, айрим даврларда солиқ қонунчилигининг нобарқарорлиги, солиқ маданиятини етарли даражада эмаслиги ва ҳ.к. лар ана шулар жумласидандир. Шунинг учун ҳам «Уни (солиқ тизимини - қайд бизники Т.М.) ҳали чинакамига ташкил этишга тўғри келади».

Олтинчи фикр: *«Солиқ хизмати фақат солиқ тўплаш идорасигина бўлиб қолмасдан, балки тадбиркорларга уларнинг молиявий фаолиятини ташкил этишда ҳамда молия интизомига риоя қилинишида кўмаклашиши керак».*

(Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т., Ўзбекистон, 1998. 49-бет)

Бизнинг назаримизда, бу билдирилган фикр, энг аввало, ҳар бир солиқ хизмати ходимининг кўз олдида туриши ва доимо қулоғи остида жаранглаб турмоғи лозим. Минг афсуски, солиқ хизматини ҳозирги пайтда фақат солиқ тўловчиларгина эмас, балки солиқ хизмати ходимларининг кўпчилиги ҳам солиқ тўплаш идораси сифатида талқин қиладилар. Улар томонидан турли шаклларда амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар ҳам шунга мосдир. Ҳолбуки, масаланинг қолган томонлари, аксарият ҳолларда, солиқ хизмати ходимларининг диққат-эътиборидан четда қолмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, солиқ хизмати томонидан «солиқ тўплаш» вазифасининг бажарилиши ёки қай даражада бажарилиши фақат шу билан боғлиқ бўлган ишлар билан белгиланмайди. Бу вазифанинг бажарилиши солиқ хизмати ходимлари томонидан тадбиркорларга уларнинг молиявий фаолиятини ташкил этишда ҳамда молия интизомига риоя қилинишдаги кўмаклашувига ҳам бевосита боғлиқдир.

Ҳолисона тан олайлик, ҳозирги пайтда молиявий фаолиятни ташкил этишда тадбиркорларга кўмаклашувга жонбозлик кўрсатаётган солиқ хизмати ходимларини ҳар доим ҳам учратавермаймиз.

Тўғри, бу соҳада ҳам маълум ишлар қилинаяпти. Масалан, турли маслаҳатлар беришлар уюштирилаяпти, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар амалга оширилаяпти. Лекин бу билан биз: «Солиқ хизмати ходимлари тадбиркорларнинг молиявий фаолиятини ташкил этишда кўмаклашаяпти», - дейиш учун етарли асосга эга эмасмиз.

Тадбиркорларнинг молия интизомига риоя қилишларида кўмаклашув масаласига нисбатан ҳам худди шундай фикрни билдириш мумкин. Бунинг устига айрим ҳолларда солиқ хизматининг айрим ходимлари бу масалага нисбатан «кутувчанлик позицияси»ни эгаллаётганлари ҳам ҳаммага аён.

Хуллас, ҳар икки ҳолда ҳам бу масалаларга нисбатан солиқ хизмати ходимларининг қизиқувчанлиги ёки манфаатдорлигининг ниҳоятда паст даражада эканлиги маълум бўлади.

Бу ерда молиявий фаолиятни тўғри ташкил этиш ва молиявий интизомга қатъий риоя қилиш, энг аввало, ҳар бир тадбиркорнинг ўзига тегишли масала эканлигини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Лекин шундай бўлишига қарамасдан бу масалаларга нисбатан солиқ хизмати ходимлари пассив «томошабин» позициясини эгалламакликлари керак. Чунки тадбиркорларнинг молиявий фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг молиявий интизомга риоя қилиш натижаларидан солиқ хизматининг ходимлари ҳам манфаатдордирлар. Манфаатдор бўлганда ҳам ўша тадбиркорлардан кам булмаган даражада манфаатдор эканликларини улар билишлари керак.

Бир тасаввур қилиб кўрайлик, тадбиркорлар билан солиқ хизмати ходимлари бир ёқадан бош чиқариб, ўз фаолиятларини ташкил қилдилар-у, бунинг натижасида тадбиркорларнинг молиявий фаолияти жуда яхши ташкил қилинди ва улар ҳисобот йили давомида молиявий интизомга қатъий равишда риоя қилишган бўлсин. Хуш, бунинг оқибатида нима бўлади? Шубҳасизки, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, бунинг натижасида тадбиркорлар молиявий жиҳатдан бақувватлашадилар, ўзларининг ҳамкорлари олдида уларнинг обрўси ортади, уларга нисбатан ишонч янада мустаҳкамланади, жамоанинг кайфияти яхшиланади, фаолиятнинг келажакига (истикболига) ишонч

ортади, уларнинг давлат (бюджет) олдидаги мажбуриятлари ўз вақтида адо этилади, фақатгина тадбиркорнинг эмас, балки давлатнинг (бюджетнинг) ҳам молиявий аҳволи мустаҳкамланади, ортиқча текширув ёки назорат ишларини амалга оширишга эҳтиёж қолмайди, катта миқдордаги маблағлар иқтисод қилинади, улардан янада оқилона фойдаланишнинг имконияти вужудга келади ва ҳ.к. Шундай экан, «Солиқ хизмати фақат солиқ тўплаш идорасигина бўлиб қолмасдан, балки тадбиркорларга уларнинг молиявий фаолиятини ташкил этишда ҳамда молия интизомига риоя қилишда кўмаклашиши керак»лиги шубҳасиздир.

Еттинчи фикр: «Муайян бюджетларни шакллантириш манбалари бўлган республика солиқлари билан маҳаллий солиқлар ўртасида аниқ чегара ўтказиш солиқ тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишидир».

(Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т., Ўзбекистон, 1998. 361-бет)

Бу ўринда ҳозирги пайтда солиқ тизимини такомиллаштиришнинг йўналишларидан бирига эътибор қаратилаёпти ва унинг энг муҳим йўналиш эканлиги қайд этилаёпти. Бошқа бир томондан, республика солиқлари билан маҳаллий солиқлар ўртасида маълум бир чегара бўлса-да, унинг етарли даражада аниқ эмаслиги таъкидланаёпти.

Юзаки қараганда ёки бир томонлама ёндашилганда, алоҳида олинган солиқ турининг республика ёки маҳаллий солиқлар(и) таркибига киритилиши принципиал аҳамиятга эга эмасдек кўринади. Бу нарса, айниқса, солиқ тўловчи нуктаи-назаридан қаралганда яққол сезилади. Ҳақиқатдан ҳам солиқни тўлаш натижасида солиқ тўловчига тегишли бўлган маблағларнинг бир қисми унинг ихтиёридан мажбурий равишда (қонунга биноан) олиб қўйилгани учун бу маблағнинг кейинги тақдири уни қизиқтирмаслиги, табиийдек. «Маблағ менинг ихтиёримдан кетганидан кейин унинг республика бюджети ёки маҳаллий бюджетларга бориши мен учун унчалик аҳамиятга эга эмас», мазмунини

даги фикрлар ҳам билдирилади. Ҳолбуки, солиқларнинг маҳаллий ва республика (давлат) солиқларига бўлиниши ҳамда уларнинг шунга мос равишда маҳаллий ва республика бюджетига бориб тушиши оддий солиқ тўловчилар ўйлаганидек унчалик аҳамиятга эга бўлмаган масала эмас. Аксинча, ўзининг таркибий тузилишига кўра бир неча маъмурий-худудий бўлинмалардан ташкил топган бизнинг мамлакатимиз учун бу масала энг муҳим масалалардан биридир. Чунки ана шу алоҳида-алоҳида олинган маъмурий-худудий бўлинмаларнинг бир-бирига мос равишда ривожланиш суръатлари, улар ўртасидаги мавжуд номутаносибликларнинг барҳам этилиши, ўзаро ривожланишлардаги узилишларга барҳам берилиши, маъмурий-худудий бўлинмалар ўртасидаги мавжуд тафовутларнинг маълум даражада қисқариши, мамлакат доирасида ягона молиявий сиёсатнинг юргизилиши, худудлар доирасида иқтисодий ривожланишдан манфаатдорликнинг сўнмаслиги ва шу қабилар республика солиқлари билан маҳаллий солиқлар ўртасида аниқ ва оқилона чегаранинг ўтказилишига бево-сита боғлиқдир.

4.3. Солиқ сиёсати хусусида

Биринчи фикр: *«Солиқ сиёсатининг вазифаси - бир томондан, бюджет даромадини-нинг барқарор сафарбарлигини таъминлашдан, иккинчи томондан - корхоналарни республика учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантиришдан иборат».*

(Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т., Ўзбекистон, 1998. 52-бет).

Юқорида билдирилган фикрда солиқ сиёсати вазифасининг иккиёқламалик характери яққол кўриниб турибди.

Бир томондан солиқ сиёсатининг вазифаси давлат бюджетини даромадлар билан таъминлаш эканлиги кўзда тутилмаяпти, аммо бу вазифа бюджетни даромадлар билан

оддийгина таъминлашдан иборат эмас. Бу ерда вазифанинг бюджет даромадининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдан иборатлигига эътибор қаратилаяпти. Таъкидланган фикрнинг ўзагини «... барқарор сафарбарлигини таъминлаш ...»дан иборат бўлган иборалар ташкил этади.

Солиқ сиёсатининг амалга оширилиши натижасида бюджет даромадининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдек вазифанинг бажарилиши принципиал аҳамиятга эгадир. Бу вазифанинг бажарилиши давлат молиявий аҳволининг мустақамлигидан далолат беради, давлат зиммасига юкланган мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишига молиявий замин яратади, бюджет соҳасини узлуксиз молиялаштиришда муаммолар пайдо бўлмайди, давлат ўзининг функцияларини тулиқ ва ўз вақтида бажариш имконига эга бўлади ва ҳ.к. Аксинча, солиқ сиёсатини амалга ошириш натижасида бюджет даромадларининг барқарор сафарбарлигини таъминлаш вазифасининг бажарилмаслиги жуда ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлиги шундоқ ҳам аёндыр.

Иккинчи томондан, солиқ сиёсати корхоналарни республикамиз учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантириши ҳам керак. Бу ерда гап солиқ сиёсатини амалга ошириш натижасида, энг аввало, республикамиз ички бозорининг эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ҳақида кетаяпти. Ҳақиқатдан ҳам солиқ сиёсати ана шу эҳтиёжни тўлароқ қондиришга хизмат қилиши керак. Ундан ташқари, солиқ сиёсати умумий тарзда корхоналарни маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантирмасдан, балки уларни республикамиз учун зарур бўлган ёки республикамиздаги талабга жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантириши керак.

Бу ердаги солиқ сиёсатининг олдига қўйилган ҳар икки вазифадан бирининг бажарилиш даражасини иккинчисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу ерда вазифалардан бирини биринчи даражали, иккинчисини эса иккинчи даражали аҳамиятга эга деб тасаввур қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Ҳар иккала вазифага баб-баравар, бир кўз билан қарамоқ лозим. Булар параллел йўналишга ва тенг кучга эга бўлган вазифалардир.

Иккинчи фикр: «Мустақил молиявий сиёсатни республиканинг бюджет тизимини мустаҳкамлаш, бюджет даромадларини тўлдиришни таъминлайдиган ва амалий фаолликни рағбатлантирадиган изчил солиқ сиёсатини ўтказиш ... йўли билан шакллантириш мўлжалланмоқда».

(Каримов И.А. - Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура - Т., Ўзбекистон 1996. 349-бет).

Бу фикрдан келиб чиқадиган дастлабки хулоса, солиқ сиёсати молиявий сиёсатнинг таркибий қисми эканлигидир. Молиявий сиёсатнинг ҳаётга татбиқ этилиши кўп жиҳатдан, солиқ сиёсатининг муваффақиятига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бу ерда ҳақли равишда мамлакатимизда мустақил молиявий сиёсатни «солиқ сиёсатини ўтказиш ... йўли билан шакллантириш мўлжалланмоқда», - деган фикр билдирилмоқда. Бир вақтнинг ўзида мустақил молиявий сиёсатни амалга оширишда солиқ сиёсатининг олдига қўйилиши лозим бўлган вазифалар ҳам шу жойнинг ўзида ўз аксини топган. Бу вазифалар қуйидагилардан иборатдир:

- республиканинг бюджет тизимини мустаҳкамлаш;
- бюджет даромадларини тўлдиришни таъминлаш;
- амалий фаолликни рағбатлантириш.

Агар юргизилаётган солиқ сиёсати ана шу уч вазифани бажариш имконини берса, уни сира иккиланмасдан изчил солиқ сиёсати деб ҳисоблаш ва у мустақил молиявий сиёсатни шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб қайд этиш мумкин.

Учинчи фикр: «Бюджетнинг даромад қисмини кенгайтиришнинг асосини иқтисодий вазиятни умумий равишда соғломлаштириш ташкил этиши лозим».

(Каримов И.А. - Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура - Т., Ўзбекистон 1996. 349-бет).

Ушбу фикр, республикамиз солиқ сиёсатининг мазмунини белгилаб беришда алоҳида ўрин эгаллайди. Дастлаб, бу ерда бюджетнинг даромад қисмини кенгайтириш керак эканлигини англаб олиш унча мураккаб эмас. Бюджетнинг даромад қисмини кенгайтиришнинг бир неча йўллари мавжуд. Улардан бири солиқ ставкаларини юқорига кўтаришдир. Лекин бу йўл бизнинг шароитимизда мақбул эмаслигини юқоридаги фикрлар яққол кўрсатиб турибди. Аксинча, бюджетнинг даромад қисмини кенгайтиришнинг асосини иқтисодий вазиятни соғломлаштириш ташкил этиши кераклиги таъкидланаяпти. Албатта, иқтисодий вазиятни соғломлаштириш осон иш эмас. Лекин бизнинг олдимизда бюджетнинг даромад қисмини кенгайтиришнинг ўзга мақбул варианты йўқ. Буни ҳар бир солиқ тўловчи тўғри англаб олмоғи лозим.

Иқтисодий вазиятнинг умумий равишда соғломлашганлиги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг фаоллашганлигидан, ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланилаётганлигидан, манфаатлар муштараклигига эришилганлигидан, кам харажат қилиниб кўп самара олинаётганлигидан ва ҳ.к.лардан далолат беради. Буларнинг барчаси оқибат натижада солиққа тортиладиган объект ҳажмининг кўпайишига (ортишига) олиб келади. Солиққа тортиладиган объект ҳажмининг кўпайиши эса, ўз навбатида, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, бюджетнинг даромад қисмини кенгайтганлигидан далолатдир.

Тўртинчи фикр: «Янги солиқ сиёсати доирасида солиқ тушумлари таркибини тубдан ўзгартириш, ресурслар, мол-мулк солигининг ролини ошириш, жисмоний шахслардан солиқ ундиришнинг прогрессив тизимини жорий этиш вазифаси қўйилади».

(Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т., Ўзбекистон, 1998. 361-бет)

Билдирилган бу фикрни таҳлил қилиш янги солиқ сиёсати доирасида 3 муҳим вазифанинг кун тартибига қўйилаётганлигидан далолат беради.

1. Солиқ тушумлари таркибини тубдан ўзгартириш.

Янги солиқ сиёсати доирасида дастлабки вазифанинг бу тарзда қўйилиши амалдаги солиқ тушумларининг таркиби ҳозирги даврнинг талабларига етарли даражада тўлиқ жавоб бераолмаётганлигини кўрсатапти. Солиқ тушумлари таркибини тубдан ўзгартириш, бир томондан, уларнинг айримларидан бутунлай воз кечишни ва янгиларини жорий этишни тақозо этса, иккинчи томондан, сақланиб қолиши мўлжалланилаётган солиқ тушумларининг ўзаро нисбатини, ўзаро пропорциясини анча ўзгартиришни ҳам талаб қилади.

2. Ресурслар, мол-мулк солиғининг ролини ошириш.

Қўйилган бу вазифа биринчи вазифанинг мантикий давоми ҳисобланади. Чунки ресурслар ва мол-мулк солиғининг ролини ошириш сари юз тутиш, ўз навбатида, солиқ тушумлари таркибининг ўзгаришига олиб келади. Бошқа бир томондан ресурслар ва мол-мулк солиғининг ролини ошириш тўғрисида аниқ вазифа белгиланган экан, бу нарса бизнинг шароитимизда ҳамон ресурслар ва мол-мулкдан етарли даражада самарали ва оқилона фойдаланиб келинмаётганлигини билдиради. Бу ерда ресурслар ва мол-мулк солиғининг ролини оширишдан кўзланган мақсад ана шу солиқлар ёрдамида улардан самарали ва оқилона фойдаланишга ижобий таъсир кўрсатишдир.

3 Жисмоний шахслардан солиқ ундиришнинг прогрессив тизимини жорий этиш.

Янги солиқ сиёсати доирасида бу вазифанинг қўйилиши жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар механизмида бир неча жузый камчиликларнинг борлиги, амалдаги солиққа тортиш механизми жисмоний шахсларнинг фаоллик даражасини оширишга етарли даражада таъсир кўрсатмаётганлиги, бу механизмни давр талабидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришнинг зарурлиги билан белгиланади. Гап бу ерда жисмоний шахслар даромадларининг ортиб бориши билан туланадиган солиқ суммаларининг ҳам ортиб бориши тўғрисида эмас, балки улардан солиқ ундиришнинг илғор тизимини жорий этиш тўғрисида кетаяпти. Бу илғор

тизимнинг жорий этилиши жисмоний шахслар ва бюджетнинг манфаатларига баравар мос келиши, жисмоний шахсларнинг меҳнат фаолиятини фаоллаштириш ва ўз меҳнатларининг натижаларидан манфаатдорлигини оширишга олиб келмоғи лозим.

Бешинчи фикр: «Молиявий аҳвол қанчалик мураккаб бўлмасин, таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун зарур маблағ қидириб топилши шарт».

(Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. - Т., Ўзбекистон, 1996. 143-бет)

Келтирилган бу фикрда «солиқ сиёсати» деб номланган ибора ишлатилмаган бўлишига қарамасдан у бевосита солиқ сиёсати билан боғлиқдир, ундан солиқ сиёсатига тегишли бўлган «хид» келиб турибди. Чунки бу ерда гап зарур маблағни қидириб топиш тўғрисида кетаяпти. Зарур маблағни алоҳида олинган давлат доирасида қидириб топишни эса фаол ва самарали солиқ сиёсатини юргизмасдан туриб топишнинг иложи йўқ. Зарур бўлган маблағнинг миқдори бу ерда таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият соҳасини қўллаб-қувватлашгагина етарли бўлиб қолмасдан, балки бу маблағлар уларни ривожлантириш имконини ҳам бериши керак.

Юқоридаги соҳаларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун зарур бўлган маблағларнинг қидириб топилшини молиявий аҳволнинг оғирлигига ёки унинг мураккаблигига боғлиқ бўлмаган масалалар сифатида қаралаяпти. Молиявий аҳволнинг мураккаблиги тўғрисидаги фикр бу ерда фақат давлатнинг молиявий аҳволига тегишли бўлмасдан, балки барча солиқ тўловчиларга ҳам тегишлидир. Вазифанинг юқоридаги тарзда қўйилиши солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкининг оғирлашувига олиб келади. Солиқ тўловчилар солиқ юки оғирлашувининг сабабларидан бири молиявий аҳвол қанчалик мураккаб бўлишига қарамасдан маблағлар бир қисмининг таълим, соғлиқни

сақлаш, фан ва маданият соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун сарфланаётганлигини ва бу нарса ҳаётга татбиқ этилаётган солиқ сиёсатида ўз ифодасини топаётганлигини тўғри идрок этмоқлари лозим.

Олтинчи фикр: «Ўзбекистоннинг бу борадаги сиёсати бошқача, яъни бизларда жуда катта бойлар ҳам бўлмайди ва мутлақо қашшоқлар ҳам бўлмайди. Ма-на шу сиёсатни биз ушлаб турамиз. Яъни солиқ сиёсати ҳисобидан ижтимоий ночор аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлашга эътиборни би-рор дақиқа ҳам сусайтирмаяпмиз».

(Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. - Т., Ўзбекистон, 1999. 9-бет)

Билдирилган бу фикрнинг қуйидаги жиҳатларига алоҳида эътибор бермоқ лозим:

- давлатимизнинг ўз фуқаролари тақдирига бефарқ қарамаслиги яна бир марта очик-ойдин айтилаяпти. Лекин бу ерда гап бойларнинг ва қашшоқларнинг умуман бўлмаслиги тўғрисида кетаётгани йўқ. Бу соҳадаги сиёсатнинг юргизилиши бойларнинг ва катта бойларнинг бўлишига ҳамда жуда катта бойларнинг бўлмаслигига, қашшоқларнинг бўлишига ҳамда мутлақо қашшоқларнинг бўлмаслигига имкон бериши керак. Акс ҳолда «Бойлар ҳам, қашшоқлар ҳам бўлмас экан» кабилида ҳулосага келинса, бу нарса тадбиркорлик фаолиятини сўндиришга, боқимандалик кайфиятининг мустаҳкам ўрнашиб олишига олиб келиши мумкинки, буларнинг барчаси бозор иқтисодиётининг тегишли тамойилларига мутлақо зиддир;

- кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини солиқ сиёсатисиз амалга оширишнинг иложи йўқлиги қайд этилаяпти. Ана шундай ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганларнинг барчаси («Ижтимоий ҳимояга муҳтож эмасман», - дегувчилар камдан-кам топилади) солиқ юкининг бироз оғирлигига бардош беришлари керак. Ундан ташқари, юқоридаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда солиқ сиёсатининг юргизилиши

ижтимоий ночор булмаган аҳоли қатламларида солиқ юкиннинг «анчагина» оғир бўлишини тақозо этаётганлигини улар ҳам билишлари лозим;

- ижтимоий ночор аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлашни кўзда тутиб юргизилаётган солиқ сиёсати жамият аъзоларининг кескин табақалашувига, аҳоли даромадларининг асоссиз ўсишига олиб келмаслиги лозим. Бу нарса биз томонимиздан шундай сиёсатни доимо ушлаб туришни ва унга нисбатан эътиборни бирор дақиқа ҳам сусайтирмасликни тақозо этади.

5-БОБ. Солиқ тизимининг замонавий концепциялари

Ҳозирги пайтда ҳар бир тадбиркор ва, айниқса, хорижлик тадбиркор учун Ўзбекистоннинг солиқ қонунчилиги ва солиқ тизимининг ривожланиш истиқболларини билиш жуда муҳимдир. Амалда ҳар бир корхона томонидан стратегик линиянинг танланиши ана шу нарсага боғлиқдир.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида биринчилар қатори қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси жуда кўп масалаларга аниқлик киритди. Энг аввало, бу ҳужжат молиявий йил давомида солиқлар тизимини барқарорлаштиришга хизмат қилаётти. Яқин келажакда бу интервал (оралиқ) янада ортиши лозим. Тескари таъсирга эга бўлган солиқлар тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш амалиётига чек қўйиш керак. Солиқларга тегишли бўлган барча ўзгаришлар келгуси йил бюджетининг шаклланиши билан бир вақтда содир бўлиши ва солиқ тўловчиларга олдиндан маълум бўлмоғи лозим. Бундан ташқари, тайёрланаётган ўзгаришлар кўпгина ривожланган мамлакатларда амалга оширилаётганидек, мутахассисларни ва солиқ тўловчиларнинг ўзларини ҳам жалб қилган ҳолда кенг муҳокама қилинса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Солиқ кодекси мамлакатда солиқларнинг ягона комплекс тизимини яратишга, солиқ сиёсатини амалга оширишда ҳокимият органлари барча даражаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ваколат ва функцияларини аниқ белгилаб олишга, улардаги мавжуд зиддиятларга барҳам беришга хизмат қилиши керак. Тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) солиқлар, даромадлар ва капиталларга солинган солиқлар, юридик ва жисмоний шахслардан олинadиган солиқлар ўртасидаги оқилона (оптимал) нисбатни топмоқ лозим. Молиявий жазоларни солиқ ҳуқуқларининг бузилиш харақтерига қараб табақалаштириш, уларнинг аниқ туркумланишига (классификацияланишига) эришиш ва молиявий жазоларнинг белгиларини аниқлаш мақсадга мувофиқ.

Шундай бўлишига қарамасдан, энг аввало, «Солиқ тизимининг асосига айнан нима қабул қилинади?», - деган саволга жавоб беришимиз керак. Турли шаклларда билдири- лаётган таклиф, мулоҳаза ва фикрларни ўрганиб, уларни белгиланган тартибда таҳлил қилар эканмиз, бир гуруҳ иқтисодчилар ва бошқа соҳанинг мутахассислари юқори- даги саволга жавоб изланаётган пайтда, Ўзбекистондаги солиқ тизими бошиданок тўғри асосга қурилмаганлиги ва шунинг учун уни тубдан, қайтадан кўриб чиқиш керак- лиги, солиқ тизими учун асос сифатида олинган тамойил- ларнинг ўзини ҳам ўзгартириш зарурлиги тўғрисида турли фикрларни билдирмоқдалар. Масалан, фойда ёки даромад- дан олинadиган солиқни кескин камайтириш ёки уларни умуман бекор қилиш, бу солиқларни мол-мулкдан, ердан ва ресурслардан олинadиган солиқлар ва тўловлар билан алмаштириш тўғрисида таклифлар берилмоқда.

Бошқа вариантга кура корхона ва ташкилотларга нис- батан қилинаётган солиқ «зулми»ни пасайтириш ва уни жисмоний шахсларнинг гарданига юклаш мақсадга муво- фиқ деб топилмоқда.

Учинчи вариант қўшилган қиймат солиғини кескин камайтириш, фойда солиғини пасайтириш ва уларни та- бий ресурслардан фойдаланганлик учун олинadиган рента тўловлари билан алмаштириш, саноатнинг қазиб чиқарувчи тармоқларини юқори даражада солиққа тортишни кўзда тутмоқда.

Фойда солиғини корхоналарнинг даромадидан олина- диган солиқ билан алмаштириш тарафдорлари ҳам бор.

Юқоридаги вариантларнинг аралашмасидан иборат бўл- ган аралаш тизимлар, дунёнинг ҳеч бир мамлакатада синаб кўрилмаган солиқлар тизимининг «антиқа» вариантлари ҳам таклиф қилинаёпти. Ва, ниҳоят, бюджетнинг харажат- лар қисми билан боғланмаган ҳолда солиқларни тўғридан- тўғри камайтириш тўғрисидаги мулоҳазалар ҳам мавжуд.

Ўзбекистоннинг солиқ тизими айнан қайси йўналишда ривожланиши лозимлиги тўғрисида фикр юритиш мақса- дида энди юқорида келтирилган таклифларнинг бир нечта- сини бирма-бир кўриб чиқайлик. Бунинг учун, бизнинг фикримизча, бу таклифларни маълум бир мезонлардан

келиб чиққан ҳолда бир неча гуруҳларга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи гуруҳдаги таклифларнинг асосий моҳияти қуйидагилардан иборат: Ўзбекистонда 1990 йилларнинг бошларидаги вазият 1929-1932 йилларда Ғарб мамлакатларида содир бўлган Буюк депрессиядаги вазият билан қиёсланади. Таназзулдан чиқиш учун ҳисоб ставкасининг даражасини бошқаришга асосланган макроиқтисодий жараёнларни тартибга солишнинг машҳур механизмга ўхшаш солиқ механизмидан фойдаланиш таклиф қилинади. Истеъмол солиғи орқали бошқариш натижасида эҳтимол, бозордан товарлар массасининг ортикча қисмини оператив равишда (ўз вақтида) олиб қўйиш ва, аксинча, уларнинг етмаган қисмини жалб қилиш мумкин деб ҳисобланапти. Бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарувчи иқтисодий хулқатворининг мотивларига ҳар бир солиқ таъсирини баҳолаш таклиф қилинапти.

Амалий жиҳатдан олиб қаралганда бу концепциянинг муаллифлари фойда солиғи ва жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини бекор қилишни, қўшилган қиймат солиғининг ставкасини бирмунча пасайтириб, унинг максимал даражасини 13%га, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун эса - 7%га, мулк солиғининг ставкасини анча ошириш, бир неча янги солиқларнинг жорий этилиши тарафдоридирлар. Таклиф қилинаётган солиқ тизимида солиқлар иерархияси қуйидаги кўринишни олади:

- табиий ресурслардан фойдаланганлик учун рента тўлови ҳисобланган фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳуқуқи учун солиқ;

- истеъмолга фойдаланилган маблағлар учун солиқ. Бу солиқ биринчи гуруҳ муаллифларининг фикрича, бирданга амалдаги икки солиқни - фойда солиғи ва даромад солиғини алмаштириши лозим. Солиққа тортиладиган база сифатида жисмоний шахсларга натурал ва пул шаклида берилadиган барча тўланмаларни (ссудалар, жисмоний шахсларга мулк сифатида берилadиган мол-мулкларни ҳам қўшиб ҳисобланганда) қабул қилиш таклиф қилинмоқда. Бир вақтнинг ўзида инвестицияларни солиққа тортишдан озод қилиш керакки, бу нарса, муаллифларнинг фикрича,

инвестицион жараёнларни фаоллаштиришга ва шунга мос равишда ишлаб чиқаришнинг пасайишини тўхтатиши мумкин;

- пасайтирилган қўшилган қиймат солиғи;
- фақат ставкаси оширилган эмас, балки ҳар чоракда инфляция индексига нисбатан ўзгартириладиган корхоналар мол-мулк солиғи. Муаллифлар фикрига кўра, мол-мулк солиғи ставкасининг амалдаги даражасидан анча юқорига кўтарилиши шу мол-мулкдан янада самаралироқ фойдаланишга олиб келиши керак. Фойдаланилмаётган мол-мулк сотилиши ёки малакалироқ фойдаланувчилар ихтиёрига берилиши лозимки, бу нарса ҳам шу жараёнда таркибий ўзгаришларнинг содир бўлишига олиб келиши мумкин;

- экология солиғи;
- ердан фойдаланганлик учун солиқ;
- акциз йиғимлари;
- капитални мамлакатдан олиб чиққанлик учун солиқ.

Бу солиқ бир томондан, жуда фойдали бўлиши мумкин. Иккинчи томондан эса, Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий муносабатларини анча мураккаблаштириб қўйиши ҳам мумкин;

- меҳнат ресурслари ва иш жойи сонини қисқартирганлик учун тўловлар.

Таклиф қилинаётган концепциянинг асосида унинг муаллифлари фикрича, «Ким кўп нарсага эга бўлса ва кўп истеъмол қилса, ўша кўп солиқ тўлайди», - деган тамойил қўйилган.

Бу концепцияда мол-мулк солиғи иқтисодий таркибий қайта қуришда энг муҳим регулятор эканлиги қайта-қайта таъкидланади. Унинг ставкаси юқори бўлган пайтда у корхоналарни ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишни ёки улардан воз кечишни рағбатлантиради.

Қисқача тарзда акс эттирадиган бўлсак, бу концепцияга кўра таклиф қилинаётган солиқ тизимининг моҳияти фойда солиғи ва қисман қўшилган қиймат солиғини истеъмол солиғи билан алмаштириш ҳамда мол-мулк солиғининг ролини оширишдан иборатдир. Истеъмол солиғи қўшимча равишда асослаб беришни тақозо қилади. Чунки бу ерда унинг фойда солиғи билан даромад солиғининг оддий

йиғиндисига айланиш ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишда таъсир этмаслик хавфи мавжуддир. Қўйилган иқтисодий мақсадларга эришиш учун турли солиқлар билан манипуляция қилиш аспектилари туғрисидаги биринчи гуруҳ муаллифларининг таклифлари эса анча қизиқарли бўлиб, улар амалдаги солиқ тизимида қўлланилиши мумкин.

Иккинчи гуруҳдаги таклифлар солиққа тортишдаги оғирлик марказини юридик шахслардан жисмоний шахсларга ўтказиш тарафдорларига тегишли бўлиб, улар солиқ тизими замонавий концепцияларининг иккинчи йўналишини ташкил этади. Агар сўнгги йиллардаги даромад солиғига тегишли бўлган меъёрий ҳужжатларни таҳлил қиладиган бўлсак, бу масала аста-секинлик билан назариядан амалиётга ўтиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Айниқса, юқори даромадга эга бўлган жисмоний шахсларга нисбатан даромад солиғи анча оғирлаштирилди.

Юқори даромадга эга бўлган жисмоний шахсларнинг даромадини прогрессив шкала бўйича солиққа тортиш сиёсатини қўллаб-қувватласак-да, бироқ солиқ оғирлигининг марказини жисмоний шахслар зиммасига ўтказиш сиёсатини қўллаб-қувватлашни мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблаймиз. Бу нарсанинг мақсадга мувофиқ эмаслиги, ўртача даромадлар ҳисобга олинганда яққол кўринади. Бундай шароитда Ўзбекистон аҳолисининг 85-95% ига нисбатан солиқ юкини ошириш мумкин эмас.

Солиқ тизимининг замонавий концепцияларини ифодаловчи учинчи гуруҳнинг таклифлари биринчи гуруҳнинг таклифларига кўп позициялар бўйича зид келади. Масалан, биринчи гуруҳдагилар корхона ва ташкилотлардан олинadиган фойда солиғини зудлик билан бекор қилишни таклиф қилишса, учинчи гуруҳдагилар, аксинча, солиқ ислохотларини амалга оширишнинг биринчи босқичида бу солиқнинг ролини ошириш керак деб ҳисоблашади. Бу гуруҳ тарафдорларининг фикрича, солиқ тизимини яратишда корхоналарнинг янги шароитга мослашишини инobatга олиш ва ўтиш жараёни бир неча босқичлардан иборат бўлмоғи лозим. Биринчи босқичда фойда солиғи асосий ролни ўйнаши, унинг ставкаси 45-55% гача кўтарилиши, қўшилган қиймат солиғи ва иш ҳақидан олинadиган даромад

солиғи бекор қилиниши керак. Кейинги босқичларда эса, фойдани солиққа тортишнинг самаралироқ шаклларини қўллаш лозим. Масалан, қатъийлаштирилган, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажмига боғлиқ бўлмаган бюджетга фойдадан ажратмаларни жорий қилиш.

Бу концепция муаллифларининг фикрига қараганда, тўловларнинг юқоридаги тартиби ишлаб чиқарувчиларнинг фойдани қўпайтиришдан манфаатдорлигини сусайтирмайди ва бир вақтнинг ўзида солиқ оғирлигини ишлаб чиқарувчиларнинг реал имкониятларига мувофиқ тақсимланишини таъминлайди. Бу, айниқса, саноатнинг табиатни эксплуатация қилувчи тармоқлари учун муҳимдирки, чунки уларнинг иш шароитлари алоҳида-алоҳидадир. Қатъийлаштирилган тўловлар тизимидан фойдаланиш солиққа тортишнинг рента шаклига ўтишига асос ярагади. Бу ҳолда бюджетнинг эҳтиёжлари асосан табиий ресурсларнинг рентаси ҳисобидан қондирилади ва у иқтисодиёт фойдасининг асосий қисмини ташкил қилади.

Шундай қилиб, бу концепцияга қўра солиқ тизимини трансформациялаш қисқача қуйидаги тарзда амалга оширилади: қўшилган қиймат солиғини бекор қилган ҳолда фойдани солиққа тортишни кучайтириш, сўнг фойда солиғидан фойдадан олинadиган қатъий тўловларга ўтиш ва ниҳоят солиқлар оғирлигининг марказини рента тўловларига ўтказиш. Бу нарсалар, оқибат натижада, солиқларнинг кескин камайишига ва саноатнинг қайта ишловчи айрим устувор тармоқларида эса уларнинг бекор қилинишига олиб келар эди. Буларнинг натижасида эса саноат маҳсулотларининг баҳоси пасаяди, рақобатбардошлик ортади, таъминот бозорлари кенгаяди.

Шуни таъкидлаш жоизки, солиқ тизимининг бу замонавий концепцияси ҳам, шубҳасиз, ўзига нисбатан катта қизиқиш уйғотади. Якуний натижалар бўйича чиқарилган хулосалар ҳам ўзига хосдир. Бироқ табиий ресурслардан рента ва бошқа тўловлар кўринишида олинadиган солиқлар барибир маҳсулот баҳосининг таркибига киришини, шу жумладан, саноатнинг қайта ишловчи тармоқлари учун ҳам, чунки бу тармоқ хом ашёни қазиб чиқарувчи тармоқлардан - асосий солиқ тўловчилардан олишни эсдан чи-

қармаслик керак. Саноатнинг қайта ишловчи тармоғи барча табиий ресурслар (ер, сув, ўрмон, нефть, газ ва бошқалар)дан фойдаланади. Солиқ оғирлиги марказининг ўзгариши натижасида уларнинг қимматлашуви содир бўлади ва бу нарса маҳсулот таннархининг таркибига киради ҳамда қўшилган қиймат солиғининг бекор қилинганлигини компенсация қилади. Шунинг учун ҳам ҳар ҳолда масалага юқоридаги тартибда ёндашиш ҳар томонлама ҳисоб-китоб қилишни ва содир бўлиши мумкин бўлган барча оқибатларни олдиндан таҳлил қилишни тақозо этади.

Шу ўринда солиқ тизимида содир этилиши лозим бўлган янгиликларнинг оқибатларини олдиндан айтиб беришнинг жуда мушкул эканлигини таъкидлаб ўтишимиз керак. Худди шунингдек, уларнинг иктисодиётга таъсири ҳам кутилмаган ҳолда бўлади. Бунинг худди шундай эканлигини қадим-қадим замонлардан то ҳозирги кунгача бўлган тарихнинг ўзи узил-кесил тасдиқлаб турибди.

Шундай қилиб солиқ тизимининг замонавий концепциялари олдида бир неча мураккаб вазифалар турган бўлишига қарамасдан уларнинг энг асосийси солиқ тизимининг қайси йўлдан ривожланишини аниқлаш эканлигини таъкидлаб ўтмоғимиз лозим. Мустақиллик йилларида бу соҳада яратилган барча нарсалардан бутунлай воз кечиб, бошқа кўринишдаги ва бошқа мамлакатларда амал қилиб келаётган солиқлардан тубдан фарқ қиладиган янги солиқ тизимига асос солиш керакми ёки амалдаги солиқ тизими-ни такомиллаштириш, уларни Ўзбекистон иктисодиётининг ўзига хос бўлган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жаҳон амалиётига яқинлаштириш керакми? Бунда шу нарсани эсда тутиш лозимки, тараққиётнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари фақатгина Ўзбекистонга тегишли бўлиб қолмасдан, балки барча давлатларга ҳам хосдир. Шундай бўлишига қарамасдан умумжаҳон ҳужалик тенденциялари ўз кучини сақлаб қолади ва бутунлай алоҳида йўл билан ривожланишга ҳаракат қилиш муваффақият қозонишга олиб келмайди. Буни сира эсдан чиқармаслик керак.

Хулоса

Солиқлар, солиқ тизими, солиқ сиёсати ва солиққа тортишга тегишли бўлган масалалар иқтисодий (молиявий) муаммоларнинг энг нозигидир. Шунинг учун ҳам бу масалаларга нисбатан муносабат билдирилаётган пайтда жуда эҳтиёткорлик билан ёндашмоқ лозим. Бунинг устига уларга нисбатан муносабатнинг билдирилиши муносабат билдирувчининг махсус жиҳатдан алоҳида тайёргарлик кўрган бўлишини тақозо этади. Солиқлар ва солиққа тортиш масалаларига нисбатан муносабат билдириш жуда кўпчилик ўйлаганидек, осон нарса эмас. Француз ёзувчиси ва философи Ш.Монтескье (1689-1755 йиллар) бундан 250-300 йил бурун «тўловчилардан (солиқ тўловчилардан-таъкид бизники Т.М.) қанча қисмини олиш ва уларнинг ихтиёрига қанчасини қолдиришни аниқлашдек ҳеч бир нарса бунчалик донолик ва ақлни талаб қилмайди», - деб бекорга айтган эмас.

Солиқларга нисбатан оқилона ва одилона муносабатда бўлмаслик ўз-ўзини алдаш билан баробардир. Уларга нисбатан оқилона ва одилона муносабатда бўлиш ҳар бир шахс томонидан, энг аввало, солиқларнинг иқтисодий моҳиятини тўғри ва объектив равишда идрок этилишини, солиқ тизими ва солиққа тортишнинг ўзига хос бўлган ва неча-неча асрлар давомида инсоният тараққиётининг ўзи тўғрилигини тасдиқлаган ҳамда кўпчилик ҳолларда аксиома сифатида қабул қилган тамойилларни, ўрни келганда, шак-шубҳасиз худди шундай қабул қилишни тақозо этади. Бу тамойиллар мулоҳаза-ю мунозараларга муҳтож эмас. Уларнинг тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Бир вақтнинг ўзида солиқларга нисбатан муносабат билдирилаётган пайтда бугун дунёга маълум ва машҳур бўлган инсонларнинг қуйидаги фикрлари назардан четда қолмаса, айтиш мумкин бўлар эди.

1. Ф. Аквинский (1225/1226-1274 йиллар)
“...Солиқларни ўрнатишнинг мезони ҳукмдорнинг умумий фаровонликка йўналтирилган соғлом ақлидир...”

“...Солиқлар талон-торож қилишнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган шаклидир”.

2. Ф.Бэкон (инглиз философи, 1561-1626 йиллар)

“...Солиқларни тўлаш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир...”

“...Халқнинг розилиги билан ёки унинг розилигисиз олинadиган солиқлар унинг ҳамёни учун бир хил бўлиши мумкин, лекин халқ руҳиятига унинг таъсири турличадир”.

3. А.Смит (шотланд философи ва иқтисодчиси, 1723-1790 йиллар)

“...Солиқлар уларни тўлаганлар (тўловчилар) учун қуллик эмас, балки озодлик белгисидир”.

4. Б.Франклин (АҚШ Президенти, АҚШ мустақиллик Декларациясининг муаллифларидан бири, 1706-1790 йиллар)

“...Ҳаётда ўлим ва солиқлардан қочиб қутулишнинг иложи йўқ”.

5. Л.Эрхард (немис профессори ва давлат арбоби):

“...Солиқ юкини енгиллаштиришга қаратилган барча фуқаролар ва хўжалик доираларининг истакларини жуда адолатли деб тан олмоқ лозим...”

“...Харажатларни талаб қилинган даражада барқарорлаштиришга эришилса ва унумдорликнинг ривожланиши шунга мос суръатларда ўсса, солиқларни қанчага пасайтириш имкони борлигини ҳисоблаб чиқиш ва уни осон тасаввур қилиш мумкин. Фақат шу йўл билангина бизнинг ҳаммамизни эзиб келаётган солиқ муаммосини ҳақиқий ва реалистик ечимига эришиш мумкин”.

Эътибор беринг. Бу фикрларнинг айримлари бир неча аср (бир неча аср!) бурун, айримлари эса ўз асримизда айтилган бўлишига қарамасдан ҳамон ўзининг долзарблигини йўқотмаган. Бу фикрларнинг ҳар бири ҳамон ҳар бир онгли фуқарони ўйлашга мажбур этади. Агар бу фикрларнинг барчаси оддий бир фуқаролар томонидан эмас, балки бутун инсоният тараққиётида жуда муҳим роль ўйнаганлиги, бутун-бутун халқларнинг тақдирини ва келажагини белгилаб беришда алоҳида хизмат кўрсатган шахслар томонидан айтилгани инобатга олинса, уларнинг (фикрларнинг) куч-қудрати янада яққолроқ намоён буларди. Балки ...

Солиқ атамалари ва ибораларининг изоҳли луғати

А

АКЦИЗЛАР - кенг истеъмол товарлари ва хизматларидан олинадиган эгри солиқларнинг тури. Тегишли товарларнинг баҳоси, хизматнинг ҳақи ёки тарифнинг таркибига киритилади. Одатда юқори рентабелли товарларни ишлаб чиқарувчиларнинг юқори фойдасини бюджетга олиш учун сотилаётган товарларнинг сотиш баҳосига давлат томонидан ўрнатилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган акциз туланидиган товарларга акциз солиғи солинади. Акциз туланидиган товарлар ишлаб чиқараётган ёки бундай товарларни импорт қилаётган юридик ва жисмоний шахслар бюджетга акциз солиғини тўлайди. Акциз туланидиган товарлар рўйхати ва акциз солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Бундай товарлар жумласига ичимлик спирти, арок, ликёр-арок маҳсулотлари, узум виноси, коньяк, шампан виноси, пиво, икра, тамаки маҳсулотлари, енгил ва юк автомобиллари, зеби-зийнат буюмлари, нефть, нефть маҳсулотлари ва шу кабилар қиради.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган акциз туланидиган товарлар учун уларнинг қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолдаги (акциз солиғи суммасини ўз ичига олган) қиймати ёки товарнинг табиий ҳажми солиқ солиш объекти ҳисобланади. Акциз солиғи бюджетга ойнинг акциз туланидиган товар реализация қилинган ўн кунлиги тугаганидан кейин (агар қонун ҳужжатларида бошқача тартибда назарда тутилмаган бўлса) уч кундан кечиктирмай ўтказилиши лозим.

АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ФЙДАЛАНУВЧИЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ - корхона ва тадбиркорларнинг маҳсулот (иш, хизмат)ни сотишдан олган тушумлари ҳисобидан туланади. Солиққа торти-

ладиган база (асос) дан қўшилган қиймат солиғи, акцизлар ва бошқа солиқларнинг суммаси чегирилади. Умумий фойдаланишга мўлжалланган, йўлларни сақлашга хизмат қиладиган ихтисослаштирилган йўл корхоналари бу туловни тўлашдан озод қилинади. Ҳисобланган солиқ суммасининг 75% ига тенг келувчи миқдорда йўлларни сақлаш ишларини бажарган ҳар бир корхона ҳам бу солиқни тўлашдан озод қилиниши мумкин. Солиқнинг суммаси маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш харажатларининг таркибига киритилади.

АВТОМОБИЛЬ ВОСИТАЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ СОЛИҒИ - уларни сотиб олувчи, алмаштирувчи, лизингга олувчи ва устав фондига бадал сифатида киритувчи юридик шахслар ва алоҳида тадбиркорлар томонидан тўланади. Солиқни ҳисоблаш сотиш баҳоси (қўшилган қиймат солиғи ва акцизлар чегирилган) асосида амалга оширилади. Енгил автомобилларни шахсий фойдаланиш мақсадида сотиб олувчи фуқаролар бу солиқни тўлашдан озод қилинади.

АКЦИОНЕР - акционерлик жамиятининг акцияларига эгалик қилувчи жисмоний ёки юридик шахс. Акциялар турли шаклларда бўлиши мумкин.

АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ - фуқаролик ва савдо ҳуқуқидаги компаниянинг тури, корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлиб, юридик шахс ҳисобланади. Унинг икки тури бўлиши мумкин: 1) ёпиқ типдаги акционерлик жамияти - акциялар акционерлар (таъсисчилар) ўртасида тақсимланади, лекин очик (эркин) сотувга чиқарилмайди; 2) очик типдаги акционерлик жамияти - акциялари фонд биржасида, шунингдек ундан ташқарида эркин сотилади ва сотиб олинади. Акционерлик жамиятининг устав капитали номинал қийматга тенг бўлган акцияларнинг маълум бир сонига бўлинади. Акционерлар уларга тегишли бўлган акцияларнинг қиймати доирасида жамиятнинг мажбуриятлари буйича зарарларни қоплашлари мумкин.

АКЦИЯ - акционерлик жамиятининг капиталига ҳисса қўшилганлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи қимматбаҳо қоғоз. Акция ўзининг эгасига дивиденд шаклида фойдани бир қисмини олиш (ўзлаштириш) ҳуқуқини беради.

АМОРТИЗАЦИЯ - келгусида асосий фондларни тўлиқ қайта тиклаш учун пул маблағларини жамғариш ва уларнинг қийматини тиклаш мақсадида ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки хизматга асосий ишлаб чиқариш фондларининг қийматини уларнинг эскиришига қараб ўзлуксиз ўтказиш жараёни. Ишлаб чиқариш жараёни ва ташқи муҳитнинг таъсири натижасида асосий фондлар аста-секинлик билан эскиради, уларнинг моддий ва маънавий эскириши содир бўлади. Бунда меҳнат воситаларининг қиймати ўзлуксиз қисмларга бўлиниб, амортизация ҳисоблаш йўли билан норматив хизмат қилиш муддати давомида тайёр маҳсулотга ўтказилади.

АУДИТОРЛИК ФИРМАСИ - юридик шахсларнинг молиявий-ҳужалик фаолияти, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузиши устидан ҳолис назоратни шартномага биноан ҳақ асосида амалга оширувчи ташкилот. Аудиторлик фирмаси корхоналарнинг молиявий фаолиятини таҳлил қилиши, унга баҳо бериши, маслаҳат хизматларини кўрсатиши, текшириш ёки назорат қилиш асосида корхона молиявий ҳисоботининг ҳаққонийлиги ва ундаги ҳисоб ишларининг аҳволи тўғрисида расмий ҳулоса бериши мумкин.

АУДИТОРЛИК НАЗОРАТИ - солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ҳамда тўлашнинг тўғриллигини аниқлаш мақсадида махсус рухсатнома (лицензия)га эга бўлган аудиторлик фирмаси томонидан амалга ошириладиган назорат.

АСОСИЙ ФОНДЛАР АМОРТИЗАЦИЯСИ - асосий ишлаб чиқариш фондларини тўлиқ тиклашга мўлжалланган амортизация ажратмаларининг суммаларини ўзида акс эттиради. Амортизация ажратмалари асосий фонд-

ларнинг баланс қийматига (дастлабки ёки бошланғич, тиклаш) нисбатан ўрнатилган нормалар бўйича ҳар ойда ҳисобланади (ажратилади). Ишлаб чиқаришнинг алоҳида турлари, ўзига хос хусусиятлари, машина ва асбоб-ускуналарни эксплуатация қилиш режими, табиий шароит ва агрессив муҳитнинг таъсири асосий фондларнинг юқори ёки паст даражада эскиришига олиб келади ва бу нарса амортизация нормасига тузатувчи коэффициентларни қўллаш орқали ҳисобга олинади. Амортизация асосий фондларнинг норматив хизмат қилиш муддати давомида ҳисобланади.

АСОСИЙ ФОНДЛАРНИНГ АВАНСЛАШТИРИЛГАН ҚИЙМАТИ - доимий оборотда (айланишда) бўлган корхонанинг асосий маблағлари. Пул шаклида аванслаштирилган қиймат ўзининг ҳаракати давомида амортизация (ажратмалари) шаклида (кўринишида) маҳсулот сотилгандан сўнг қисм-қисм бўлиб корхона ихтиёрига қайтади.

АДВАЛОР СОЛИҚ - товар қийматига нисбатан қатъий фоиз ставкасида ўрнатилган тўлов. Инфляция шароитида ўзининг функцияларини автоматик равишда сақлаб қолади. Бу солиқнинг таркибига савдо солиқлари, импортга нисбатан кўпгина пошлиналар ва бошқалар киритилиши мумкин. Товарларни (жумладан, импорт товарларни ҳам), жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкларини солиққа тортишда қўлланилади.

АКЦИЗОСТИ ТОВАРЛАР - акцизлар ўрнатилган (белгиланган) товарлар. (*Қаранг: Акцизлар*).

АСОСИЙ ФОНДЛАРНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШДАН ОЛИНГАН ФОЙДА - ҳукумат томонидан белгиланган тартибда ҳисобланган, инфляция индексига оширилган (кўпайтирилган) асосий фондларнинг сотиш баҳоси ва уларнинг дастлабки ёки қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ.

Б

БАЛАНС ҚИЙМАТИ - бухгалтерия балансида асосий фондлар ва айланма маблағларнинг пулда ифодаланган баҳоси.

БАЛАНС ФОЙДА - маҳсулот таннархига киритилган барча харажатлар ва чиқимлар ҳамда мажбурий тўловлар чегирилганидан сўнгги корхона ялпи даромадининг қисми. Баланс фойда солиққа тортилгунга қадар бўлган ялпи фойдадир.

БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ФОНДЛАР - а) ижтимоий: ижтимоий суғурта фонди; пенсия фонди; бандлик фонди; мажбурий тиббиёт суғуртаси фонди; б) ноижтимоий: йўл фонди; экология ва бошқа мақсадли фондлардан иборат бўлиб, уларнинг барчаси бюджет тизимида консолидацияланади.

БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ - қуйидаги таркибий тузилишга эга: бюджет даромадлари; харажатларнинг функционал таркибий тузилиши; харажатларнинг тармоқ таркибий тузилиши; харажатларнинг иқтисодий таркибий тузилиши; бюджетдан молиялаштириш; давлат қарзи. Солиқлар бюджетнинг даромад қисмини шакллантиради. Солиқ ёки бошқа бир мажбурий тўловнинг ҳар бири тури бюджетнинг олдиндан белгиланган (аниқланган) қисми, боби, банди ва моддасига ёзилади.

БЮДЖЕТ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ - Давлат бюджети лойиҳаси ишлаб чиқирилишини ташкил этиш ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этиш, Давлат бюджетининг ижросини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва давлат бошқаруви бошқа органларининг Давлат бюджетини ижро этиш борасидаги ишларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, давлат мақсадли жамғармалари маблағларини шакллантириш ва

улардан фойдаланиш тартибини белгилаш, Давлат бюджети ижроси туғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиғига киритиш, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлардан иборат.

БЮДЖЕТ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ СОҲАСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ - давлат бюджети лойиҳасини шакллантириш, Давлат бюджети ва унинг тузилмасига кирувчи бюджет маблағлари тушуми ва сарфининг тартибини белгилаш ҳамда назоратини амалга ошириш, республика бюджети харажатларини амалга ошириш, бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ва шғат жадвалларини рўйхатдан ўтказиш, бюджет маблағлари олувчиларнинг Давлат бюджети маблағларидан фойдаланишини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, ўз ваколатлари доирасида умум-мажбурий тусдаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ўз ичига олади.

БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИ - Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш, унинг ижросини назорат қилиш, ижро ҳақидаги ҳисоботларни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек, Давлат бюджети таркибига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган жараёни.

БЮДЖЕТНОМА - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда қуйидагиларни ўз ичига олган бюджетнома лойиҳасини ишлаб чиқади ва ҳар йилнинг биринчи октябрига қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади: 1) мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўтган йилги асосий яқунлари ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий йилги яқунларининг прогноз баҳоси; 2) ўтган йилги Давлат бюджети ижроси туғрисидаги ҳисобот ва жорий йилги Давлат бюджетининг кутилаёт-

ган ижроси баҳоси; 3) келгуси йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тузишда асос бўлган келгуси йил учун асосий макроиктисодий кўрсаткичлар; 4) мамлакат бюджет ва солиқ сиёсатининг келгуси йилги асосий йўналишлари лойиҳаси; 5) мамлакат бюджет ва солиқ сиёсатининг келгуси йилги асосий йўналишларига шарҳлар; 6) давлат ташқи ва ички қарзлари ҳамда улар бўйича харажатлар ҳолати туғрисидаги маълумотлар; 7) келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси. Бюджетнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан жорий йилнинг биринчи ноябрдан кечиктирилмасдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилади.

БЮДЖЕТ ДОТАЦИЯСИ - ўз даромадлари ва бюджет томонидан тартибга солинадиган бошқа маблағлар етишмаган ҳолда қуйи бюджетнинг харажатлари билан даромадлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан қуйи бюджетга текинга (ҳақ олмай) ажратиладиган пул маблағлари.

БЮДЖЕТ ПРОФИЦИТИ - муайян даврда бюджет даромадларининг бюджет харажатларидан ортиқ бўлган суммаси.

БЮДЖЕТ ССУДАСИ - юқори бюджетдан қуйи бюджетга ёки республика бюджетидан резидент-юримдик шахсга ёки хориж давлатига қайтариш шарти билан ажратиладиган маблағ.

БЮДЖЕТ ТИЗИМИ - турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, уларни ташкил этишни ва тузиш принципларини, шунингдек, бюджет жараёнида пайдо бўладиган улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди.

БЮДЖЕТ ТИЗИМИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ - бюджет таснифи тизими, ҳисобга олиш-бюджет ҳужжатлари ва бюджет жараёни тузилишининг ягоналиги, бюджет тузилишининг маъмурий ҳудудий тузи-

лишга мувофиқлиги, турли даражадаги бюджетларнинг узаро боғлиқлиги, Давлат бюджетининг баланслилиги, давлат даромадларини аниқ манбалар бўйича ва харажатларини йўналишлар (моддалар) бўйича режалаштириш, Давлат бюджети харажатларини тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағ доирасида сарфлаш, барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллигидан иборатдир.

БЮДЖЕТ СУБВЕНЦИЯСИ - қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда маълум мақсадларга сарфлаш шарти билан юқори бюджетдан қуйи бюджетга текинга (ҳақ олмай) ажратиладиган пул маблағлари.

БЮДЖЕТ СЎРОВИ - бюджет таснифи бўйича тушумларни шакллантириш ва бюджет маблағларини ажратиш тўғрисидаги сўров. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддатларда келгуси молия йилига 1) тегишли ҳудудлар ва давлат мақсадли фондлари бюджетлари лойиҳаларини тайёрлаш учун - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига, давлат мақсадли фондларини тақсимловчи органларга; 2) бюджетдан ажратиладиган маблағларни олишга буюртмалар тузиш учун - республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчиларга бюджет сўрови юборади.

БЮДЖЕТ ТАСНИФИ - Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини, шунингдек, Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ҳамда ижро этиш мақсадида бюджет маълумотларини тизимга солиш учун фойдаланиладиган тақчилликни молиялаштириш манбаларини гуруҳлашдан иборат бўлиб, у бюджет маълумотлари халқаро тасниф тизимларининг айнан шундай маълумотлари билан қиёсланишини таъминлайди. Бюджет таснифи бюджет даромадлари таснифини, бюджет харажатларининг вазифа жиҳатидан, ташкилий ва иқтисодий таснифини, Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифини ўз ичига олади.

Бюджет даромадлари таснифи қонун ҳужжатларига мувофиқ даромадларни турлар ва манбалар бўйича гуруҳларга бўлишдан иборатдир. Бюджет харажатларининг вазифа жиҳатидан таснифи давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек бошқа бюджет ташкилотлари томонидан ижро этиладиган асосий вазифалар бўйича харажатларни гуруҳларга бўлишдан иборат бўлади. Бюджет харажатларининг ташкилий таснифи эса бюджетдан ажратиладиган маблағлар уларни бевосита олувчилар ўртасида тақсимланишини ақс эттирувчи ҳужалик юритувчи субъектлар ва тадбирлар турлари бўйича харажатларни гуруҳларга бўлишдан иборатдир. Бюджет харажатларининг иқтисодий таснифи туловларнинг иқтисодий вазифаси ва турлари бўйича харажатларни гуруҳлашни ўз ичига олади. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифи тақчилликни молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбалари бўйича гуруҳларга бўлишдан иборат бўлади. Бюджет таснифи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ - Давлат бюджетида унга зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбаи бўлган бюджетдан маблағ ажратиш назарда тутилган вазирлик, давлат қўмитаси, идора, давлат ташкилоти.

БЮДЖЕТ ТАҚЧИЛЛИГИ (дефицити, камомади) - муайян даврда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ортиқ бўлган суммаси.

БЮДЖЕТ ТРАНСФЕРТИ - бюджетдан юридик ёки жисмоний шахсга бевосита ёки ваколатли орган орқали ҳақ олмай (текинга) ажратиладиган пул маблағлари.

БЮДЖЕТЛАРГА (Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларга) **ЧЕКЛОВЛАР** - 1) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар тақчиллигига йўл қўйилмайди;

2) Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни тасдиқлаш ва ижро этишда: а) қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган манбалар ҳисобига фондлар ташкил этишга; б) маблағ жалб қилишни амалга оширишга (юқори бюджетлардан бюджет ссудалари олиш бундан мустасно); в) ўз бюджетлари харажатларига тасдиқланган бюджетдан ажратиладиганидан ортиқча маблағ сарфлашга (қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно); г) бюджет маблағлари ҳисобидан бошқа шахслар фойдасига молиявий кафолатлар ва кафиликлар беришга; д) юридик ва жисмоний шахсларга бюджет ссудалари беришга йўл қўйилмайди.

БИРЖА СОЛИҒИ - биржа оборотидан олинадиган солиқ пропорционал ставкалар бўйича олиниб, унинг даражаси битимлар суммасига нисбатан 1% дан 2,5 % гача тебранади. Бу солиққа тортиш объекти бўлиб, фонд биржасидаги қимматбаҳо қоғозлар обороти ҳисобланади. Солиққа тортишда асос сифатида қимматбаҳо қоғозлар бўйича битимларнинг имзоланиши майдонга чиқади. Солиқнинг икки хил қўриниши бўлиши мумкин:

- биржа оборотидан олинадиган республика солиғи. Унинг солиққа тортиш объекти - фонд биржасидаги қимматбаҳо қоғозлар оборотининг ҳажми. Солиқ республика бюджетига бориб тушади;

- биржа маҳаллий солиғи. Биржада содир бўладиган қимматбаҳо қоғозлар битими бўйича йиғим.

БИРИКТИРИЛГАН ДАРОМАДЛАР - ўзларининг тегишли бюджетга бириктирилганлигига қараб тўлиқ ёки қатъий белгиланган ҳиссада (фоизда) доимий равишда ёки узоқ муддат давомида у ёки бу бюджетга тушувчи даромадлар (солиқлар).

БИРЛАМЧИ НАЗОРАТ - корхонанинг бухгалтерия хизмати ходимлари томонидан солиқларни ҳисоблаш ва тўлашнинг тўғрилигини текшириш учун амалга оширилади. Бунда ишлаб чиқарилган ва реализация қилинган маҳсулотлар ҳажми, таннарх, фойда, мол-мулк ва солиққа тор-

тиладиган объектларнинг қиймати ҳамда бюджетга туланган солиқлар ва бошқа мажбурий туловлар, бухгалтерия хисоботлари ва солиқ хисоб-китобларининг тўғрилиги ва аниқлиги назорат қилинади.

БОҚИМОНДА - белгиланган муддатда ўтказилмаган ва сўзсиз ундирилиши лозим бўлган солиқ ёки бошқа мажбурий туловнинг суммаси.

БОЖ ПОШЛИНАЛАРИ - истеъмол солиқларнинг таркибига киради. Уларнинг мақсади даромад олиш бўлмасдан, балки ички бозорни, миллий саноатни ва қишлоқ хўжалигини ҳимоя қилишдир. Давлат иқтисодий сиёсатининг инструменти сифатида майдонга чиқади. Импорт қилинадиган товарларнинг баҳоси билан ички бозордаги худди шунга ўхшаш товарларнинг баҳосини тенглаштириши лозим. Одатда, товарлар баҳосидан олинади. Бунинг учун айрим ҳолларда махсус мезонлар (оғирлик, майдон) ҳам қўлланилиши мумкин.

БОЖ ПОШЛИНАЛАРИНИНГ СТАВКАЛАРИ - ҳукумат томонидан ўрнатилиб, ягона ҳисобланади ва чегарадан товарларни олиб ўтувчи шахсларга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгармасдир. Ташқи иқтисодий фаолиятни оператив равишда тартибга солишнинг инструменти бўлиб хизмат қилади. Уларнинг қуйидаги турлари бўлиши мумкин:

- а) адвалор ставкалар (бож ундириладиган товарларнинг бож қийматига нисбатан фоизда ўрнатилади);
- б) махсус ставкалар (бож ундириладиган товарнинг бирлигига нисбатан аниқланади);
- в) комбинациялаштирилган ставкалар (бож ундиришнинг дастлабки икки варианты қўлланилади).

БОЖ ДЕКЛАРАЦИЯСИ - миллий қонунчиликнинг талабларига мувофиқ расмийлаштирилган, ўзида чегарадан ўтаётган юклар (экспорт ёки импорт қилинаётган товарлар, пассажир юки, унинг қўлидаги юки, бойликлар ва валюталар) тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган ҳужжат. Бу ҳужжат юкни давлат чегараси орқали ўтказиб юришда

асос бўлиб ҳисобланади. Декларация божхонага қонунда белгиланган муддатларда (бир кундан икки ҳафтагача товар божхонага етиб келган кунни ҳам ҳисобга олган ҳолда) тақдим этилиши лозим. Декларацияда божхонага қабул қилинган товарнинг юк ҳужжати номери (бандаргоҳдаги божхоналарда кеманинг номери), товарнинг тариф номи ёки бож тарифининг тегишли моддасига асосланиш (суяниш), товар партиясининг қиймати ва баҳоси ҳамда уларга илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати кабилар ўзининг аксини топиши шарт. Бож декларациясининг шакли товарнинг пошлинага тортилиш ёки тортилмаслигига боғлиқдир.

Г

ГРАНТ - инновацион характердаги ишларни мақсадли-имтиёзли молиялаштириш. Солиққа тортиш мақсадлари учун «грант» атамаси ишлатилганда хорижий хайрия ташкилот (фонд)лари томонидан корхона ва ташкилотларга пул ёки натурал шаклда илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини, ўқитиш, даволаш ва бошқа шунга ўхшаган мақсадларни амалга ошириш учун уларни фойдаланганлиги тўғрисида ҳисобот бериш шарти билан бериладиган маблағлар тушунилади.

ГЕРБ СОЛИҒИ - турли хилдаги тадбиркорлик битимлари, компанияларни қайд этиш ёки унинг акционерлик капиталини ошириш, ижара тўғрисидаги шартнома ва бошқаларни расмийлаштирувчи ҳужжатлар учун солиқ.

Д

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТУЗИЛМАСИ - республика бюджетини, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади. Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли фондлари жамланади. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетини ҳамда туманлар ва республикага (Қорақалпоғистон) бўйсунувчи шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олса, вилоят бюджетини эса вилоят

бюджетини, туманлар ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади. Ўз навбатида, туманларга бўлинадиган шаҳарнинг бюджети шаҳар бюджетини ва шаҳар таркибига кирувчи туманлар бюджетларидан иборатдир. Туманга бўйсунадиган шаҳарлари бўлган туманнинг бюджети туман бюджетини ва туман бўйсунувидаги шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ - ўз таркибига қуйидагиларни олади: 1) қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар, йиғимлар, божлар, шунингдек мажбурий тўловлар ҳамда солиқ бўлмаган бошқа тушумлар; 2) давлатнинг молиявий активлари ва бошқа активларининг жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотишга берилишидан олинган даромадлар; 3) қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари; 4) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек хорижий давлатлардан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари; 5) резидент-юридик шахсларга ва хорижий давлатларга берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига берилган тўловлар; 6) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИ - 1) бюджет маблағлари олувчиларнинг жорий харажатлари; 2) жорий бюджет трансфертлари; 3) капитал харажатлар (асосий фондлар ва воситаларни давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқариш, хорижий мамлакатларда давлат эҳтиёжлари учун ер ва бошқа мол-мулк олиш, давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олиш, давлат захираларини вужудга келтириш ва бошқалар); 4) капитал харажатларни коплаш учун юридик шахсларга бериладиган бюджет трансфертлари; 5) резидент юридик шахсларга ва хорижий давлатларга бериладиган бюджет ссудалари; 6) давлат мақсадли фондларига бериладиган бюджет ссудалари ва дотациялари; 7) давлат қарзини қайтариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар; 8) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлардан иборатдир.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТАҚЧИЛЛИГИНИ (КАМОМАДИНИ, ДЕФИЦИТИНИ) МОЛИЯЛАШТИРИШ - давлат томонидан хориждан ва ички маблағни жалб қилиш, республика бюджети маблағларининг молия йили бошланишидаги қолдиқлари ва қонунга мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ МАБЛАҒЛАРИНИ БЮДЖЕТЛАР ҲУСАИДА ҚАЙТА ТАҚСИМЛАШ -

1) қуйи бюджетларга юқори бюджетлардан бюджет субвенциялари ва дотациялари бериш; 2) бюджет ижроси жараёнида пайдо бўлган ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағларни юқори бюджетдан қуйи бюджетга, шунингдек, қуйи бюджетдан юқори бюджетга йўналтириш; 3) бюджет ссудалари ажратиш йўллари билан қайта тақсимланади. Республика бюджетидан бюджет субвенциялари ва дотациялари Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига тасдиқланган Давлат бюджети доирасида ажратилади. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларидан бюджет субвенциялари ва дотациялари туманлар ҳамда шаҳарлар бюджетларига тегишли тасдиқланган бюджетлар доирасида ажратилиши мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетларда пайдо бўладиган даромадлар ва харажатлар ҳуСАИДАГИ вақтинчалик хазинавий узилиш нақд пул айланиши, юқори бюджетларга бериладиган бюджет ссудалари, фойдаланилмаган бюджет маблағлари қолдиқлари ҳисобига қопланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларида назарда тутилган айрим харажатларни мақсадли молиялаштириш учун қуйи бюджетлар ҳисобига киритиладиган даромадларни республика бюджетига ўтказиши мумкин.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИХАСИНИ ТАЙЁРЛАШ - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилиб, келгуси молия йилига мўлжал-

ланган Давлат бюджети лойиҳаси: 1) бюджет таснифига мувофиқ акс эттириладиган Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини; 2) умумдават солиқларидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига ажратмалар нормативлари, шунингдек, мазкур бюджетларнинг даромадлари, шу жумладан, бюджет субвенциялари ва дотациялари ҳамда харажатлари миқдорларини; 3) Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг нақд пул айланиши миқдорларини; 4) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира фондининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари захира фондларининг назарда тутилмаган харажатларини қоплашга тегишли бюджет маблағлари йўналтирилиши мумкин бўлган доирадаги миқдорларини; 5) Давлат бюджети тақчиллигининг энг юқори миқдори ва уни молиялаштириш манбаларини; 6) давлат ички ва ташқи қарзининг, давлат томонидан бериладиган кредитлар, кафолатли фонднинг энг юқори миқдорларини ўз ичига олади.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ КАССА ИЖРОСИ - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда амалга оширилади. Давлат бюджетининг касса ижроси операцияларини банклар Марказий банкнинг топшириғига биноан бажаради.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари томонидан амалга оширилиб, улар бу жараёни амалга ошириш даврида: 1) турли даражадаги бюджетлар ижроси яқунларини қўриб чиқади; 2) турли даражадаги бюджетларга маблағлар тушуми тўғрисида солиқ ва божхона органларидан, давлат мақсадли фондларини тақсимловчи органлардан ахборотлар олади; 3) бюджет маблағлари олувчилардан бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг тушуми ва сарфи тўғрисида маълумотлар талаб қилиб олади; 4) қонун ҳужжатларига мувофиқ банклардан бюджет маблағлари ҳаракати тўғрисида маълумотлар олади.

моғлар олади; 5) бюджет маблағлари олувчиларнинг молия-хужалик фаолиятини ўз ваколатлари доирасида тафтиш қилади ва текширувдан ўтказди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йилнинг ҳар чорагида Давлат бюджети ижросининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тақдим этадиган яқунларини кўриб чиқади.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ - давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли фондлари маблағларининг) марказлаштирилган фонди бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили давомида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

ДАВЛАТ ИЧКИ ҚАРЗЛАРИ - давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш натижасида пайдо бўлган ҳукумат мажбуриятларининг йиғиндиси.

ДАВЛАТ СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ - 1) солиқ тўловчиларнинг (хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш; 2) солиқ тўловчилар томонидан бухгалтерия ҳисоботи ва балансларини, солиқ ҳисоб-китобларини, ҳисоботларни, декларациялар ва тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этилишини назорат қилиш, шунингдек фойда, даромад, солиққа тортишнинг бошқа объектларини тўғри аниқланганлиги ва ҳисобланганлиги бўйича бу ҳужжатларнинг тўғрилигини текшириш; 3) бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаганларга нисбатан молиявий санкциялар (жазолар) қўлланилишининг тўғрилигини таъминлаш; 4) корхона, ташкилот ва муассасалардан фойда (даромад)нинг ёки солиққа тортишнинг бошқа объектлари пасайтирилганлигидан (камайтирилганлигини) далолат берувчи ҳужжатларни кўриш, уларнинг мазмунини қайд этиш ва олиб қўйишни амалга ошириш (тегишли ҳужжатларни олиб қўйиш учун асос бўлиб солиқ инспекцияси мансабдор шахсининг асосланган қарори хизмат

қилади); 5) мусодара қилинган ва эгасиз мулкларни, шунингдек, мерос қилиш ҳуқуқи бўйича давлат ихтиёрига ўтказилган мулкларни ҳамда топилмаларни ҳисобга олиш, баҳолаш ва реализация қилиш ишларини амалга ошириш; 6) бюджетга тушиши лозим бўлган ва ҳақиқатда тушган солиқлар ва бошқа тўловларнинг оператив-бухгалтерия ҳисоби юргизиладиган ҳужжатларни банклар, молия органлари, корхона, ташкилот ва муассасалардан олиш; 7) давлат солиқ инспекцияларига ва уларнинг мансабдор шахсларига бухгалтерия ҳисоботлари, баланслар, ҳисоб-китоблар, декларациялар ва бюджетга солиқлар ҳамда мажбурий тўловларни ҳисоблаш, шунингдек, тулаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатлар тақдим этилмаганда ёки уларни тақдим этишдан бўйин товланган ҳолларда корхона, ташкилот, муассасалар ва фуқароларнинг банк ҳамда бошқа молия-кредит ташкилотларидаги ҳисоб-китоб ва бошқа счётлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш; 8) ортиқча тўланган ёки ундирилган солиқ ва йиғимларни қайтаришни амалга ошириш; 9) юқори солиқ органларига белгиланган ҳисоботни, туман ва шаҳар молия органларига бюджетга ҳақиқатда келиб тушган солиқ ва бошқа тўловларнинг суммаси ҳақидаги маълумотни тузиш, таҳлил қилиш ва тақдим этиш; 10) хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нақд пул муомаласи ва назорат-касса машиналарининг қўлланилишига нисбатан қонунчилик талабларининг бажарилишини назорат қилишдан иборат.

ДАВЛАТ ТАШҚИ ҚАРЗИ - давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш натижасида пайдо бўлган ҳукумат мажбуриятларининг йиғиндиси.

ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ИЧКИ МАБЛАҒНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ - активларни ҳукуматнинг ички манбаларидан (резидентлар - юридик ва жисмоний шахслардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида ҳукуматнинг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (заёмларини) тулашга кафил сифатидаги мажбуриятларининг юзага келиши. Давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш қўйидаги мақсадларда амалга оши-

рилиши мумкин: 1) иктисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, шу жумладан, давлат инвестиция дастурларини молиялаштиришга; 2) давлат бюджети даромадлари билан харажатлари уртасида тушумлар вақтга кўра мувофиқ эмаслиги туфайли келиб чиққан йиллик ички узилишларни тўғрилашга; 3) мавжуд қарзни қайта молиялаштиришга; 4) бюджет тақчиллигини молиялаштиришга; 5) табиий офат ёки бошқа фавқулодда вазиятлар туфайли маблағларга бўлган эҳтиёжларни қоплашга ва ҳ.к.

ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ХОРИЖДАН МАБЛАҒ ЖАЛБ ҚИЛИШ - активларни хориж манбаларидан (хориж давлатларидан, норезидент-юримдик шахслардан ёки ташкилотлардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида ҳукуматнинг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (заёмларини) тулашига кафил сифатидаги мажбуриятларининг юзага келиши. Давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилишда қарз мажбуриятларининг қуйидаги турларидан фойдаланиш мумкин: 1) қисқа муддатли (бир йилгача бўлган даврга чиқариладиган), ўрта муддатли (бир йилдан беш йилгача бўлган даврга чиқариладиган) ва узоқ муддатли (беш йилдан ортиқ даврга чиқариладиган) давлат қимматли қоғозлари; 2) кредитлар (қисқа, ўрта ва узоқ муддатли); 3) Ўзбекистон Республикасининг кафолатлари; 4) бюджет даромадлари билан харажатлари ўртасидаги вақтинчалик касса узилишини қоплаш учун қисқа муддатли ссудалар; 5) қонун ҳужжатларида қўзда тутилган бошқа турлар.

ДАВЛАТ ҚАРЗИ - давлат томонидан ички маблағни ва хориждан маблағ жалб қилиш натижасида пайдо бўлган ҳукумат мажбуриятларининг йиғиндиси.

ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ФОНДЛАРИ - Давлат бюджети таркибида жамлантириладиган фондлар, уларнинг ҳар бири учун қонун ҳужжатлари билан белгиланган маблағлар манбалари, ҳар бир манбадан маблағ тушиши нормалари ва шартлари, шунингдек, шу маблағлардан фойдаланиши мумкин бўлган мақсадларни англатади. Бу фондлар

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия фонди, Республика йўл фонди, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат комитетининг махсус фонди (ҳисоб варағи), Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат фондидан иборатдир. Уларнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги вақтинчалик узилишни (етишмовчиликни) қоплаш учун давлат мақсадли фондларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан республика бюджетидан бюджет дотациялари ва ссудалари ажратилиши мумкин. Давлат мақсадли фондларига тушган даромадлар харажатлардан ошган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тақдимомасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ортиқча сумма йилнинг ҳар бир чораги якунлари бўйича республика бюджетига тўлиқ ёки қисман олиб қўйилиши мумкин.

ДАВЛАТ ПОШЛИНАСИ - юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этганлиги ёки ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан тегишли ҳужжатларнинг берилганлиги учун олинадиган мажбурий тўлов. Турли инстанциялардаги судларга берилган ариза ва шикоятлар, нотариал ҳаракатларнинг содир этилганлиги, фуқаролик ҳолати актининг давлат қайдидан ўтказилганлиги ва тегишли органлар томонидан ҳужжатларнинг берилганлиги учун давлат пошлинаси олинади. Пошлинанинг миқдори юридик ҳаракат ва бериладиган ҳужжатларнинг характерига боғлиқдир.

ДАРОМАДЛАР ТЎҒРИСИДА ДЕКЛАРАЦИЯ - ўтган давр мобайнида олинган даромадлар, мулклар ва уларга тегишли бўлган солиқ чегирмалари ҳамда имтиёзлари тўғрисида солиқ тўловчининг расмий аризаси. Жисмоний шахсларни солиққа тортишда асосий молиявий ҳужжат бўлиб, улардан олинадиган даромад солиғининг ҳажмини аниқлаш учун фуқароларнинг даромадлари унда қайд этилади.

ДИВИДЕНДЛАР - тақсимлашга мўлжалланган акционерларнинг соф фойдаси (даромади); акционерлик жа-

мияти ёки корхона соф фойдасидан ҳар бир акция учун акционерларга маълум даврдан сўнг (ҳар йили, айрим ҳолларда - ҳар чорақда) туланидиган даромад.

ДОТАЦИЯ - давлат бюджетидан қайтарилмайдиган тартибда бериладиган пул маблағлари, зарар (зиён)ларни қоплаш учун корхона ва ташкилотларга бериладиган давлат нафақалари. Зарар (зиён)лар корхонага боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра вужудга келган пайтда истисно тариқасида дотация берилиши мумкин.

ДАРОМАДИЙ (ДАРОМАДЛИ) СОЛИҚҚА ТОРТИШ - даромадларнинг олиниш вақтида ундирила-диган даромад солиқлари тизими.

ДАРОМАД СОЛИҒИНИНГ ШЕДУЛЯР ШАКЛИ - Буюк Британия солиқ тизимида қабул қилинган. Даромаднинг манбаини инобатга олган ҳолда унинг қисмларга (шедулярга) бўлинишини тақозо этади. Ҳар бир шедул ўзига хос тарзда солиққа тортилади. Бундай тартиб даромадни ўзининг манбаи олдида «тутиш»ни мақсад қилиб кўяди. Мамлакатда бу соҳада олти шедул амал қилиб, уларнинг айримлари яна ички тақсимланишга ҳам эгадир. Масалан, «А» шедул ўз таркибига мулкдан олинди-ган даромадларни (ерга мулкчиликдан, бино ва иншоотларга эгаликдан, уй ёки хонани ижарага беришдан олинди-ган даромадларларни), «В» шедул тижорий мақсадлар учун фойдаланиладиган ўрмон массивларидан олинди-ган даромадларни, «С» шедул давлат қимматбаҳо қоғозларидан олинди-ган даромадларни, «Д» шедул тижорий ишлаб чиқариш фаолиятдан олинди-ган даромадларни (бу шедул-нинг таркибига даромадларнинг жуда кўп турлари кирган-лиги учун унинг ўзи яна олти қисмга бўлинган), «Е» ше-дул иш ҳақи, пенсия, нафақа ва бошқа меҳнат даромадла-рини ва ниҳоят, «Ф» шедул Буюк Британия компаниялари томонидан туланидиган дивидендлар ва бошқа туловларни ўз ичига олади.

ДАРОМАД СОЛИҒИ БЎЙИЧА ЖАРИМАЛАР - ушбу солиқ туланмаганда, нотўлиқ туланганда ёки ту-

лаш тартиби бузилганда (риоя қилинмаганда), пулни ундириш, моддий таъсир кўрсатишдан иборат. Ўз вақтида ушлаб қолинмаган, нотўлиқ ушланган ёки тегишли бюджетга ўтказилмаган солиқ суммалари жисмоний шахсларга даромад тўлайдиган корхона, ташкилот ва муассасалардан ундиришга мўлжалланган сумманинг 10% ҳажмидаги жаримани биргаликда қўшиб, солиқ органлари томонидан сўзсиз ундириб олинади. Корхона, ташкилот, муассасалар ва тадбиркор сифатида қайддан ўтган жисмоний шахслардан солиқ ўз вақтида тегишли бюджетга ўтказилмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун тўлов муддатидан кейинги кундан бошлаб тўланган кунгача (бу кун ҳам қўшилади) 0,5 % миқдорида пеня ундирилади. Пенянинг ундирилиши уларни жавобгарликнинг бошқа турларидан озод этмайди.

ДЕМПИНГГА ҚАРШИ БОЖ ПОШЛИНАЛАРИ - маҳсулотни чиқараётган мамлакатдаги товарларнинг қийматидан шу товарлар олиб кирилаётган мамлакатда шу товарларнинг баҳоси паст бўлса, бу нарса мамлакат ўз ишлаб чиқарувчиларига моддий зарар етказиш хавфини туғдирса ёки шунга ўхшаш товарларни мамлакат доирасида ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйиш мумкин бўлса жорий этилади.

ДАВЛАТ ВАЛЮТА МОНОПОЛИЯСИ - валюта бойликлари (валютавий бойликлар) билан операцияларни амалга ошириш ёки операцияларни амалга оширишни маълум органлар, корхоналар, фирмалар зиммасига ўтказишга рухсат бериш, валютавий маблағлардан фойдаланиш тартибини белгилаш бўйича давлатнинг танҳо ҳуқуқи. Валюта операцияларини регламентация (тартибга солиб туриш) қилишни, валютавий маблағлардан фойдаланиш устидан назоратни амалга оширишни ва уларнинг қўлланилиш самарадорлигини ошириш бўйича чоралар кўришни тақозо этади.

ДАРОМАДЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ - фойда солиғидан ташқари акциялар, облигациялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар бўйича (давлат облигациялари ва давлатнинг бошқа қимматбаҳо қоғозлари бўйича олинган даромадлардан ташқари) олинган дивидендлар ва фоизлар-

дан, казинолар, видеосалонларнинг даромадларидан, уйин автоматларининг даромадларидан, оммавий концерт-томоша тадбирларини ўтказишдан олинган даромадлардан корхона ва ташкилотлар томонидан туланади.

Е

ЕР УЧУН ТЎЛОВЛАРНИНГ ШАКЛЛАРИ - ер солиғи, ижара ҳақи ва ернинг норматив баҳосидан иборатдир. Ернинг эгалари, ернинг мулкдорлари ва ердан фойдаланувчилар йиллик ер солиғига тортилади. Ижарага берилган ер учун ижара ҳақи олинади. Қонунда кўзда тутилган ҳолларда сотиб олиш ва банкдан кредит олиш учун гаров сифатида ердан фойдаланилганда ернинг норматив баҳоси белгиланади (ўрнатилади).

ЕР СОЛИҒИ - ер эгалари, ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчилар тўлайдиган солиқ. Ер солиғининг миқдори ер эгалари, ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчилар ҳужалик фаолиятининг натижаларига боғлиқ бўлмасдан, балки бир йил учун ер бирлигига нисбатан барқарор тўловлар кўринишида ўрнатилади. Ўз мулкида, эгалигида ёки фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар ер солиғининг тўловчиларидир. Солиқнинг ставкаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Ер солиғи юридик шахслар томонидан ҳар йили 1 январгача бўлган ҳолатга қараб мустақил ҳисоблаб чиқарилади ва солиқ бўйича ҳисоб-китоблар ер участкаси жойлашган ҳудуддаги солиқ органига жорий йилнинг 1 февралгача такдим этилади. Юридик шахслар томонидан (қишлоқ ҳужалиги корхоналаридан ташқари) солиқ йилнинг ҳар чорагида, тенг улушларда чорақдаги иккинчи ойнинг 15-кунигача тўланса, қишлоқ ҳужалиги корхоналари бу солиқни бир йилда бир марта - ҳисобот йилининг 15-декабригача тўлайдилар. Бу муддат жисмоний шахслар учун жорий йилнинг 1 ноябригача белгиланган.

ЕР ОСТИДАН ФЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СО-ЛИК - бу солиқни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдали қазилмалар қазиб олишни, шунингдек, фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар тўлайдилар. Бу солиқнинг объекти бўлиб, фойдали қазилмалар қазиб олиш ҳажми, техноген ҳосилаларни ҳажми, фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари ҳажми, рангли тошлар хом ашёси, палеонтология қолдиқлари ва бошқа геологик коллекция материаллари намуналарини тушлаш учун бериб қўйилган ер қабри участкаси майдони ҳисобланади. Солиқнинг ставкаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

ЕРНИНГ НОРМАТИВ БАҲОСИ - ҳисобли қоплаш муддати давомида олиними лозим бўлган потенциал даромаддан келиб чиққан ҳолда маълум сифатдаги ва жойдаги ер участкасининг қийматини ифодалайдиган кўрсаткич. Ерни мулк сифатида бериш учун, унга нисбатан жамоа-ҳиссали мулкни ўрнатиш учун, мерос сифатида бериш, тақдим этиш, банк кредитини олиш учун ер участкасидан гаров сифатида фойдаланилганда ер муносабатларини иқтисодий тартибга солишни таъминлаш учун жорий этилган. Одатда ернинг норматив баҳоси ер майдони бирлигига тўғри келувчи ер солиғининг 50 марталик ҳажми миқдорида ўрнатилади. Бу баҳо ҳисобланаётган пайтда ер солиғи бўйича берилган имтиёзлар инобатта олинмайди.

ЕР УЧУН ИЖАРА ҲАҚИ - унинг ҳажми (ўлчами), шартлари ва ўтказиш муддатлари шартномага мувофиқ ўрнатилади. Қишлоқ ҳўжалиги мақсадларига мўлжалланган ерлар ижарага олинганда унинг миқдори ижараланган участкалардан олинандиган ер солиғининг суммасидан ошмаслиги керак. Ер учун ижара ҳақи алоҳида ёки бутун ижарага олинган мулкнинг ижара ҳақи таркибида ҳам олиними мумкин. Лекин бу ҳолда ҳам ер учун ижара ҳақи, албатта, маҳаллий бюджетнинг даромадига ўтказилиши керак.

Ж

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР - даромад солиғи, фуқароларнинг мулкидан олинадиган солиқлар (транспорт воситалари солиғи, мол-мулк солиғи, уй-жой солиғи, мерос тариқасида ўтадиган мулкдан олинадиган солиқ), тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан олинадиган қайд этиш йиғими, бошқа солиқ, йиғим ва тўловлардан иборат.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ДАРОМАДИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚ - умумдавлат солиқларининг таркибига кириб, бюджет даромадларининг муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. Молия йилида солиқ олинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар бу солиқнинг тўловчилари ҳисобланади. Солиқ прогрессив характерга эга. У қуйидаги шаклларда тўланиши мумкин: даромад манбайдан, яъни асосий иш жойидан ва бошқа иш берувчилардан; агар даромад бир неча манба ҳисобидан олинса ва қонуний тарзда белгиланган даромаднинг йиллик суммасидан ошса, даромадлар тўғрисидаги декларация кўринишида; тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган даромадни солиққа тортиш шаклида. Жами йиллик даромад билан қонунда белгиланган чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланган солиқ олинадиган даромад солиққа тортиш объектидир. Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадига солиқ тўловчи олиши лозим бўлган (олган) ёки текинга олган пул ёки бошқа маблағлар, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадлар, жисмоний шахсларнинг мулкий даромади ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятдан келадиган ялпи даромад киради.

ЖОН СОЛИҒИ - ҳар бир солиқ тўловчидан тенг суммаларда олинадиган солиқ.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН МАҲАЛЛИЙ СОЛИҚЛАР - ер учун тўловлар (ер солиғи, ер учун ижара ҳақи), реклама солиғи, маҳаллий йиғим-

лар (биржада амалга оширилган битимлар бўйича йиғим, маҳаллий аукцион ва лотерея ўйинларини ўтказиш ҳуқуқи учун лицензия йиғими, савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим ва бошқа мақсадли йиғимлар)дан иборат.

3

ЗАРАРЛАР - фуқаролик ҳуқуқида қонунга хилоф ҳаракатлар туфайли бир шахс (юридик ёки жисмоний) томонидан иккинчи шахсга (юридик ёки жисмоний) етказилган зиённи пулда ифодаланган шакли. Зарарлар маҳсулот, иш, хизматларни сотишдан, табиий офатлар, дебиторлик қарзларни талаб қилиб олмасдан воз кечишдан, тўлиқ амортизация қилинмаган асосий фондларга барҳам беришдан ва бошқалардан вужудга келиши мумкин. Маҳсулот, иш ва хизматларнинг баҳоси уларнинг тўлиқ таннархидан паст бўлганда ҳам зарарлар пайдо бўлади.

И

ИККИ МАРТА СОЛИҚҚА ТОРТИШ - 1. Турли солиқларни даромад (капитал)нинг ягона манбаидан олиниши; 2. Қўшма корхона хорижий иштирокчисининг фойдасини хорижга ўтказилаётган пайтда солиққа тортиш ва худди шу фойдани хорижий иштирокчи мамлакатда солиққа тортилиши; 3. Соф фойда (даромад) (корпорациялар фойдаси) ва ундан тўланадиган дивидендларни улар шахсий даромадга айланаётган пайтда солиққа тортиш. Бошқа мамлакатда тўланган солиқларни бу мамлакатда ҳисобга олиш ёки бир мамлакатдаги солиққа тортиш манбаини иккинчи мамлакатда солиққа тортишдан озод қилиш йўли билан икки марта солиққа тортишдан кутилиш мумкин. 1979 йилда БМТ томонидан манфаатдор давлатлар ўртасидаги муносабатларда икки марта солиққа тортишга барҳам бериш учун махсус конвенция ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосида икки томонлама битимлар имзоланади. Улар томонидан ўрнатилган солиққа тортиш тартибига кўра қўшма корхона хорижий иштирокчиси ўз фойдасини хорижга ўтказиётган пайтда қўшимча солиқдан озод қилинади.

ИНВЕСТИЦИЯЛАР - юридик жиҳатдан мустақил бўлган корхонага узоқ муддат (бир йилдан кам бўлмаган) давомида қўшимча фойда олиш, таъсир этиш доирасини сотиб олиш мақсадларида ёки шу соҳада ўз фаолиятини ташкил қилгандан кура уни шундай қўйиш (сарф этиш) афзалроқ бўлганлиги учун капитални жойлаштиришни англатади. Фойда (даромад) олиш ва ижобий ижтимоий самарага эришиш мақсадида пул маблағлари, мақсадли банк омонатлари, акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар, технологиялар, машиналар, асбоб-ускуналар, лицензиялар, кредитлар, бошқа ҳар хил мулклар ёки мулквий ҳуқуқлар ҳамда интеллектуал бойликларни тадбиркорлик ва фаолиятнинг бошқа турлари объектларига қўйилишининг барчаси инвестициялар ҳисобланади. Инвестицияларнинг молиявий, реал, ялпи, соф, хусусий ва давлат каби турлари бўлиши мумкин.

ИНВЕСТИЦИОН СОЛИҚ КРЕДИТИ - Солиқ тўловчи томонидан маълум бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича жуда муҳим буюртмани бажарганлиги ёки шу ҳудуд аҳолисига жуда муҳим хизматни тақдим этганлиги учун унга маҳаллий ҳокимият органлари томонидан солиқ суммаси доирасида бериладиган энгиллик, имтиёз (солиқ тўловини кечиктирилиши). Бу кредит солиқ тўловчи ва маҳаллий маъмурият ўртасида тузиладиган солиқ битими билан расмийлаштирилади. Инвестицион солиқ кредитини тақдим этиш (бериш), расмийлаштириш ва қайтариш тартиби «Инвестицион солиқ кредити тўғрисида»ги қонунга мувофиқ белгиланади.

ИНВЕСТОР - 1. Ўз, қарзий ва жалб қилинган маблағларни инвестициялар шаклида жойлаштиришни амалга оширувчи ва уларнинг мақсадли фойдаланишини таъминловчи инвестицион фаолият субъекти. 2. Қимматбаҳо қоғозларни сотиб олувчи жисмоний ёки юридик шахс.

ИМТИЁЗ - маълум бир мажбуриятларни бажаришдан қисман (ёки тўлиқ) озод этиш, маълум бир афзалликларга (қулайликларга) эга бўлиш, масалан, солиқ имтиёзига.

ИШ ФАОЛЛИГИ СОЛИҒИ - бир неча хорижий мамлакатларнинг (масалан, АКШда) солиққа тортиш амалиётида қўлланилиб, ўз таркибига икки элементни олади: 1) корхонанинг умумий йиллик оборотини солиққа тортиш (одатда 1,0 % дан 2,5 % гача); 2) иш ҳақи фондини солиққа тортиш.

ИШ ҲАҚИ СОЛИҒИ - юридик шахслардан иш ҳақи харажатларига нисбатан ва ходимларнинг иш ҳақидан маълум фоизда олинади.

ИМПОРТ-ЭКСПОРТ СОЛИҒИ - солиққа тортишнинг қуринишларидан бири; ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш воситаси (чораси). Солиққа тортиш объекти бўлиб белгиланган курс бўйича миллий валютада ҳисобланган товарларнинг бож қиймати ёки оғирлик ва миқдор бирликларида ифодаланган товарларнинг сони ҳисобланади.

ИСТЕЪМОЛ СОЛИҒИ - бир неча мамлакатлардаги солиқлар гуруҳи, даромад сарф қилинаётган пайтда олинади. Қўшилган қиймат солиғи ва акцизлар ана шундай солиқ таркибига киради. Бож пошлиналарини ҳам истеъмол солиқлари қаторига киритиш мумкин. Бу солиқларнинг айримлари давлат фойдасига олинса, бошқа бир қисми маҳаллий бюджетларга бориб тушади.

ИЖТИМОЙ СОЛИҚЛАР - иш ҳақи ва ишчи кучига нисбатан қўлланиладиган солиқлар ва ҳўжалик юри-тувчи субъектларнинг ижтимоий таъминотга бадалларидан (ажратмаларидан) иборат.

ИМТИЁЗЛИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ - жисмоний ёки юридик шахсларни солиқлардан тўлиқ ёки қисман озод этиш.

ИЖАРА - шартнома, мулкий ёлланишдан иборат бўлиб, унга мувофиқ ижарага берувчи (ижарадор) маълум ҳақ (мукофот, тақдирланиш) - ижара ҳақи асосида мулкни ижарага олувчига (ижарачига) вақтинчалик фойдаланиш учун беради.

ИЖАРА ҲАҚИ - ижара шароитида (шарти билан) тақдим этилган мулк учун туловнинг тури. Асосий фондларнинг алоҳида объектлари ижарага олинганда улар ижара шартномасининг бутун амал қилиш давомида тенг ҳиссаларда (қисмларда) маҳсулот таннархига киритилади.

Й

ЙИҒИМЛАР - қонун актларига мувофиқ белгиланган тартибда ва шартларда туловчилар томонидан тегишли даражадаги бюджетларга ёки бюджетдан ташқари фондларга ўтказиладиган мажбурий бадаллар. Уларнинг таркибига савдо-сотик қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан, айрим турдаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари, юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим, автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим, ободончилик ишлари учун йиғим ва бошқалар қиради.

ЙЎЛ ФОНДИНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ СОЛИҚЛАР - ёқилғи-мойловчи материалларни сотишдан олинадиган солиқ, автомобиль йўлларида фойдаланувчилардан олинадиган солиқ, транспорт воситаларининг эгаларидан олинадиган солиқ ва транспорт воситаларини сотиб олганлик учун туланадиган солиқдан иборат.

К

КАФОЛАТЛИ (КАФОЛАТЛОВЧИ) ФОНД - давлат қарзи бўйича туловларни ўз вақтида амалга оширишга ҳамда давлат томонидан ички ва хориждан маблағ жалб қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларидан келиб чиқувчи туловларни амалга ошириш учун маблағларни жамлашга шарт-шароит яратиш мақсадида республика бюджети таркибида тузиладиган фонд. Бу фондни ташкил қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

КОРХОНАЛАРНИНГ ДАВЛАТ РЕЕСТРИ - солиқ тўловчиларни солиқ инспекциясида ҳисобга олиш учун қўлланилади ва ҳужалик юритувчи субъектларни идентификациялаштиришни таъминлайди.

КЎЧМАС МУЛК - ер билан мустаҳкам боғлиқ бўлган ер участкалари, алоҳидалаштирилган сув объектлари, ўрмонлар, қўп йиллик ўсимликлар, бинолар, иншоотлардан иборат. Уларнинг кўчирилиши шу нарсаларнинг мўлжалланганлигига маълум даражада зарар етказиши мумкин. Кўчмас мулкнинг таркибига давлат қайдидан ўтган ҳаво ва денгиз кемалари, космик объектлар ҳам қиради. Кўчмас мулкнинг асосий белгиси сифатида ер ҳисобга олинади. Қонун буйича кўчмас мулкнинг таркибига бошқа мулклар, масалан, корхона ёки хонадонлар ҳам киритилиши мумкин.

КОРХОНА МУЛКИ - асосий фондлар, номоддий активлар ва ишлаб чиқариш захираларининг йиғиндисидан иборат. Унинг таркибига: материаллар; тайёр маҳсулот; келгуси давр харажатлари; ҳисобот даврида (қунида) маҳсулот таннархи таркибига киритилмаган, лекин амалга оширилган ишлаб чиқариш харажатлари; қолдиқ товарларнинг муомала харажатлари ва ортиб жўнатилган товарлар; бажарилган ишлар; кўрсатилган хизматлар ва бошқалар қиради. Солиққа тортиш базаси (асоси) ҳисобланаётган пайтда асосий воситалар, номоддий активлар, кам баҳоли ва тез эскирадиган предметларнинг қийматидан ҳисобланган эскириш суммаси чиқариб ташланади.

КВОТА - 1. Тегишли битим доирасида миллий ёки халқаро бирлашма иштирокчиларининг ишлаб чиқариш ёки сотишда иштирок этиш ҳиссаси. 2. Халқаро иқтисодий ёки молия-валютавий ташкилотнинг устав фонди ёки капиталида мамлакатнинг бадали. 3. Солиққа тортиш бирлигидан олинандиган солиқнинг ставкаси (абсолют ифодада ёки ҳисса кўринишида). 4. Ниманингдир қисми, ҳиссаси, нормаси, миқдорий чекланишлар.

КОРПОРАЦИЯЛАРНИНГ ДАРОМАДИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ - даромад солиғи ва фойда солиғининг (айрим мамлакатларда) ўрнига барча компанияларнинг фойдасидан олинадиган қатъий фоиз. Барча корпоратив орган ва нокорпоратив ассоциацияларга нисбатан қўлланилади. Тақсимланадиган дивидендлар суммаларидан ҳам солиқ олишни тақозо этади.

КАСБ СОЛИҒИ (КАСБИЙ СОЛИҚ) - маҳаллий ҳокимият органлари томонидан тадбиркорлик фаолиятининг барча турларидан ҳар йили олинадиган тўғри (бевосита) солиқлардан бири. Масалан, Францияда касб солиғи (касбий солиқ)нинг ставкасини ҳисоблашда база сифатида кўчмас мулк ижарасининг қиймати, ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган барча асбоб-ускуналарнинг қиймати (субъектнинг ўз мулкими ёки ижарага олганми бундан қатъи назар), иш ҳақи фондининг қиймати ва бошқалар хизмат қилади. Касб солиғи (касбий солиқ)нинг суммаси асос рақамлари ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан белгиланадиган коэффицент асосида ҳисобланади. Бунда унинг суммаси корхонада янгидан яратилган маҳсулотнинг маълум бир фоизидан (масалан, 5%) ошмаслиги лозим.

КВОТАТИВ СОЛИҚЛАР - даромад ёки мулк қийматининг пулдаги ифодасига нисбатан ставкаси фоизларда ўрнатиладиган солиқлар.

КОНТИНГЕНТЛАШТИРИЛГАН СОЛИҚЛАР - умумий суммаси олдиндан ўрнатиладиган ва сўнг маъмурий бирликлардан тортиб то алоҳида солиқ тўловчилар ўртасида тақсимланадиган солиқлар.

Л

ЛИЗИНГ - молия-кредит муносабатларининг шаклларида бири бўлиб, корхоналар томонидан машина, асбоб-ускуна ва шунга ўхшашларни узоқ муддатли ижарага олинишини англатади. Лизингда унинг объектлари одатда (лекин мажбурий тартибда эмас) ижарага берувчи корхона-

нинг балансидан ижарага олувчи корхонанинг балансига пировардида ўтказилади. Бу тартибдаги битимлар ижарачи корхона учун фойдали ҳисобланиб, улар молиявий зарар кўрмайдилар ва, одатда, солиқ ва амортизация имтиёзларига эга бўладилар.

ЛИЦЕНЗИЯ - у ёки бу маҳсулотни тайёрлаш, ҳужалик, ишлаб чиқариш ва илмий фаолиятнинг турини амалга ошириш, товарларнинг маълум бир тури ва миқдорини экспорт ёки импорт қилиш, олиб кириш, олиб чиқиш ёки ўтказиб кетишга давлат ёки маҳаллий бошқарув органларининг расмий рухсати (розилиги). Савдо қилиш ҳуқуқи ёки лотерея ва маҳаллий аукционларни ўтказиш учун лицензия уч нусхада расмийлаштирилади. Биринчи нусха ижарачига (ўтказувчига, шуғулланувчига) берилади, иккинчиси туман солиқ инспекциясига йўлланади, учинчи нусха эса тегишли қарор, хат ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан биргаликда туман ёки шаҳар маъмуриятининг иш жилдида сақланади. Лицензия олиш учун мурожаат этаётган жисмоний шахслар тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эканликлари тўғрисида гувоҳномага эга бўлишлари шарт.

М

МОДДИЙ ХАРАЖАТЛАР - хом ашё ва асосий материаллар, ёрдамчи материаллар, ёқилғи, энергия ва бошқа харажатлардан иборат. Моддий ресурсларнинг қиймати уларни сотиб олиш баҳоси (кўшилган қиймат солиғисиз), таъминот ва ташқи иқтисодий ташкилотларга тўланадиган устамалар, комиссиян мукофотлар, бож тўловлари, товарлар биржасининг хизмат қийматлари, ташиш, сақлаш ва етказиб бериш ҳақларининг йиғиндисидан ташкил топади.

МЕХНАТ ҲАҚИ ХАРАЖАТЛАРИ - асосий ишлаб чиқариш персоналининг иш ҳақи мукофотлари, рағбатлантирувчи ва тикловчи (қопловчи) тўланмалар, натурал ҳақ сифатида бериладиган маҳсулотларнинг қиймати, тузилган шартномалар бўйича ходимларга бериладиган меҳнат ҳақи ва бошқа тўланмаларни ўз ичига олади.

МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ ТАРКИБИГА КИРИТИЛАДИГАН МАҲСУЛОТНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА СОТИШ ХАРАЖАТЛАРИ - махсус Низом асосида белгиланган бўлиб, унинг таркибига маҳсулот (иш, хизмат) ни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлар, табиий хом ашё, ер, ўрмон, сув ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган харажатлар, ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ўзлаштириш харажатлари, технологик жараёнларни такомиллаштириш ва маҳсулот сифатини ошириш билан боғлиқ бўлган нокапитал характердаги харажатлар, тажриба-экспериментал ва ихтиро харажатлари, ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш харажатлари кабилар киради.

МУОМАЛА ХАРАЖАТЛАРИ - товарлар муомаласи жараёнига хизмат қилувчи харажатлардан иборат. Бу харажатлар икки кўринишда бўлиши мумкин; 1) олди-сотди жараёни билан боғлиқ бўлган харажатлар (соф муомала харажатлари); 2) ишлаб чиқариш жараёнининг муомала соҳасида ҳам давом этиши билан боғлиқ бўлган харажатлар (товарларни сақлаш, ортиб жўнатиш, қадоклаш ва бошқалар). Муомала харажатлари абсолют суммаларда ва товар-оборотга нисбатан фоизда ижтимоий зарурий харажатлар чегарасида (доирасида) режалаштирилади.

МАҲАЛЛИЙ СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАР - маҳаллий бюджетга олинадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг мажбурий туловлари. Уларнинг таркибига қуйидагилар киради: мол-мулк солиғи, ер солиғи, реклама солиғи, автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқ, савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан, айрим турдаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари, юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим, автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим, ободончилик ишлари учун йиғим ва бошқалар.

МЕРОС - қонун ёки васиятга мувофиқ меросхўрлик асосида қабул қилинадиган мулк.

МЕРОСХЎРЛАР - қонунга мувофиқ икки тоифага бўлинади: 1) биринчи даражали (навбатдаги) меросхўрлар - вафот этган шахснинг болалари, хотини (эри), ота-онаси, вафот этгандан сўнг туғилган фарзанд; 2) иккинчи даражали (навбатдаги) меросхўрлар - вафот этган шахснинг ака-укалари, опа-сингиллари, ота ёки она томонидан бобоси ва момоси. Иккинчи даражали (навбатдаги) меросхўрлар қонун бўйича биринчи даражали (навбатдаги) меросхўрлар бўлмаганда, улар томонидан мерос қабул қилинмаганда ёки васиятчи томонидан улар мерос қабул қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилганда меросни қабул қилишга чақириладилар.

МУЛКИЙ СОЛИҚҚА ТОРТИШ - солиқ тўловчининг мулкидан, кўп ҳолларда унинг капиталидан олинган солиқлар тизими. Одатда прогрессив характерга эга - мулкнинг ўлчами (ҳажми, миқдори) ошишига қараб солиқнинг ставкаси ҳам ортади.

МАХСУС БОЖ ПОШЛИНАЛАРИ - бож пошлиналарининг кўринишларидан бири бўлиб, агар мамлакатга олиб кириладиган товарлар шунга ўхшаш товарларни ишлаб чиқарувчи мамлакатнинг ўзидагиларга зарар етказадиган бўлса, ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилади. Бошқа мамлакатларнинг дискриминацион ҳаракатларига нисбатан жавоб тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

МАҚСАДЛИ СОЛИҚ ИМТИЁЗИ - ҳужалик юритувчи субъект томонидан давлатнинг мақсадли ижтимоий, иқтисодий, инвестицион ва бошқа дастурларининг бажарилганлиги учун солиққа тортиш ҳажмининг пасайтирилиши. Инвестицион солиқ кредитидан фарқли равишда ўзаро манфаатдорлик (ўзаро фойдалилик) асосида минтакавий бюджетта бориб тушувчи солиқ суммалари доирасида ижроия ҳокимияти органлари томонидан ҳар қандай корхонага берилиши мумкин.

МАҚСАДЛИ АЖРАТМАЛАР - давлат бюджетидан ташқари фондларнинг даромадлар қисмини шакллантиради. Бу ажратмаларнинг манбаи ишлаб чиқарилган (яратилган)

ялпи ички маҳсулот бўлиб, унинг ҳисобидан бирламчи даромадларни шакллантириш жараёнида ижтимоий мақсадлар учун бюджетдан ташқаридаги фондларга, меҳнат ҳақи фондига боғланган ва маҳсулот таннархининг таркибига киритиладиган тўловларнинг тегишли қисми таркиб топади: пенсия фондига, ижтимоий суғурта фондига, аҳоли бандлиги фондига, мажбурий тиббиёт суғуртаси фондига ва ҳ.к.

МАҚСАДЛИ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ФОНДЛАР - қаранг: *Бюджетдан ташқари фондлар*.

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ - Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари фондини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромад манбалари ва уларнинг тушумлари миқдори, шунингдек, молия йили давомида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

МОЛИЯ ЙИЛИ - календарь йил (биринчи январдан ўттиз биринчи декабрь куни охиригача бўлган вақтни ўз ичига оловчи давр).

МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК - маъмурий ҳуқуқ-бузарликни содир этганлиги учун фуқаролар ва мансабдор шахслар юридик жавобгарлигининг шаклларида бири.

МУЛК СОЛИҒИ (МУЛКИЙ СОЛИҚ) - ўз таркибига кўчмас мулк (ер, бинолар) солиғини ва шахсий мулк (асбоб-ускуналар, захиралар) солиғини олади. Маҳаллий ҳокимият органлари фойдасига ҳисобланиб, қўпгина мамлакатларда улар даромадларининг асосий манбаи ҳисобланади. Бизнинг мамлакатимизда бу солиқ юридик шахсларнинг мол-мулкига ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқларга бўлинган.

ОБОРОТ СОЛИҒИ - ишлаб чиқаришнинг якуний босқичида халқ истеъмоли учун ишлаб чиқарилган товарларнинг қийматидан олинадиган солиқ тури. Асосан, уч хил услуб (метод) бўйича аниқланади: 1) чакана баҳо (савдо ва таъминот устамалари чегирилган) ва корхона улгуржи баҳоси ўртасидаги фарқ, 2) чакана баҳолардаги (савдо устамалари чегирилган) товар оборотга нисбатан фоизда; 3) товар бирлигига нисбатан абсолют пул суммаларида. Барча товарлардан олинмасдан, балки технологик занжирнинг охиридаги товардан олинади (масалан, чўян, рудадан эмас, балки музлатгич, автомобилдан олинади). Ҳозирги пайтда Буюк Британия, Франция, Германия, Россия, Ўзбекистон каби мамлакатларда бу солиқдан қўшилган қиймат солиғига ўтилган бўлса, АҚШда унинг ўрнига сотувдан олинадиган солиқ жорий этилган.

ОРТИҚЧА ТЎЛОВЛАР - тўловнинг бюджетга тушган ортиқча суммаси. Одатда солиқ тўловчининг бошқа тўловлар бўйича мавжуд бўлган боқимондаларини узиш учун ҳисобга олинади ва бу тўғрида унга маълум қилинади ёки молия органининг қарори нусхаси ва банкнинг тегишли кўчирмаси асосида солиқ тўловчига қайтарилади. Фуқаролардан олинадиган солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича ортиқча тушган тўловлар суммаси тўлаш муддати ўтиб кетган бошқа тўловларни ёки тўлаш муддати етиб келмаган тўловлар учун ҳисобга олинган ортиқча тўлов суммаси унга қайтарилиши мумкин. Бошқа тўловлар бўйича боқимондалар бўлмаган ҳолда корxonанинг ортиқча тўловлари суммаси унинг ёзма аризасига кўра тўлов муддати етиб келмаган тўловларнинг тўлашга йўналтирилиши ёки унинг ўзига қайтарилиши мумкин. Ортиқча тўловларнинг қайтарилиши молия органлари томонидан бюджет ҳисобидан амалга оширилади.

П

ПУЛЛИ КАПИТАЛ ДАРОМАДЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ - дивидендлар, акция ва облигацияларнинг фоизлари, банкдаги омонатлар бўйича фоизлар, заёмлар бўйича ютуқлар ва бошқа шунга ўхшаш бир неча даромадлардан олинади. Австрия, Канада, Испания, Франция каби мамлакатларда амал қилади. Пулли капиталнинг эгасига даромад берилаётган пайтда солиқ ушлаб қолинади. Солиқнинг ставкаси 20% дан 40% гача тебранади.

ПРОГРЕССИВ СОЛИҚ - солиққа тортиш базасининг ошиши билан солиқ ставкасининг кўтарилиши характерлидир. Прогрессив солиқларнинг орасида энг кўп учрайдигани даромад солиғидир.

ПРОПОРЦИОНАЛ СОЛИҚ - солиқ шаклида олинishi мумкин бўлган сумма солиққа тортиш базасининг ўлчамига (микдорига, ҳажмига) пропорционалдир. Бу солиқ ягона ставкали солиқлар жумласига киради.

ПРОПОРЦИОНАЛ СОЛИҚҚА ТОРТИШ - солиқнинг ставкаси солиқ тўловчи даромадининг ҳажмига боғлиқ бўлмаган ҳолда унинг даромадига нисбатан фойзда ўрнатилади.

ПРОГРЕССИВ СОЛИҚҚА ТОРТИШ - солиққа тортиладиган сумманинг ўсишига мос равишда солиқ ставкаси ҳам ортадиган солиққа тортиш тизими. Улар қуйидаги шаклларда мавжуд бўлади: 1) оддий прогрессия - даромаднинг барча суммаси учун солиқнинг ставкаси даромаднинг ўсишига мувофиқ ўсади (ортади); 2) мураккаб прогрессия - даромад қисмларга бўлинади ва уларнинг ҳар бири ўз ставкаси бўйича солиққа тортилади. Даромаднинг ҳар бир кейинги қисми учун солиқнинг ставкаси олдингисига нисбатан юқорирок бўлади.

ПАТЕНТ - маълум бир ҳуқуқ ёки имтиёз берувчи ҳужжат. Масалан, савдо ёки хунармандчилик билан шуғул-

ланиш ҳуқуқи. Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ доимий савдо нуқталарида (жойларида) савдони амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар савдо қилиш ҳуқуқига эга бўлиш учун вақтинчалик патентни сотиб оладилар. Патентда унинг берилиш муддати (патент амал қиладиган давр), савдо амалга ошириладиган товарлар гуруҳи ва савдо қилиш жойи ўз аксини топган бўлиши лозим.

ПЕНЯ - фуқаролик ҳуқуқида жазо чораларининг (жариманинг) кўринишларидан бири, қонун ёки шартномага мувофиқ тўловлар муддатини бузганлик учун ундириладиган молиявий жазонинг шакли. Унинг миқдори қонунга кўра тўловнинг ҳар бир кечиктирилган куни учун тўланиши лозим бўлган суммага нисбатан фоизда белгиланади. Корхона томонидан тўланган пеня суммаси ноишлаб чиқариш харажатларининг таркибига киритилади.

ПОШЛИНА - қонун актларида белгиланган тартибда ва шартларда тўловчи томонидан тегишли даражадаги бюджетга ёки бюджетдан ташқаридаги фондга ўтказиладиган мажбурий бадал.

ПРЕФЕРЕНЦИЯ - инвестицион ва инновацион харажатларни молиялаштириш учун инвестицион солиқ кредити ва мақсадли солиқ имтиёзи кўринишида белгиланган (ўрнатилган) имтиёз, афзаллик.

Р

РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТИНИНГ ДАРОМАДЛАРИ - 1) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги ва нормативлар асосидаги умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари, шунингдек, мажбурий тўловлар ҳамда солиқ бўлмаган бошқа тушумлар; 2) қонун ҳужжатларида белгиланган нормативлар бўйича давлат молиявий активлари ва бошқа активларни жойлаштириш, фойдаланишга бериш ва сотишдан олинган даромадлар; 3) қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари; 4) юридик ва жис-

моний шахслардан, шунингдек, хорижий давлатлардан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари; 5) резидент юридик шахсларга ва хорижий давлатларга берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига берилган тўловлар; 6) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлардан иборатдир.

РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТИНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ - ўз таркибига: 1) республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағи олувчиларнинг жорий харажатлари; 2) жорий бюджет трансфертлари; 3) капитал харажатлар (асосий фондлар ва воситаларни давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқариш, хорижда давлат эҳтиёжлари учун ер ва бошқа мол-мулк олиш, давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олиш, давлат захираларини вужудга келтириш ва бошқалар); 4) капитал харажатларни қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган бюджет трансфертлари; 5) резидент-юридик шахсларга ва хорижий давлатга бериладиган бюджет ссудалари; 6) давлат мақсадли фондларига бериладиган бюджет ссудалари ва дотациялари; 7) давлат қарзини қайтариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар; 8) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатларни олади.

РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТИ ТАҚЧИЛЛИГИНИ (КАМОМАДИНИ, ДЕФИЦИТИНИ) МОЛИЯЛАШТИРИШ - давлат томонидан хориждан ва ички маблағни жалб қилиш, республика бюджети маблағларининг молия йили бошланишидаги қолдиқлари ва қонуналарга мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

РЕГРЕССИВ СОЛИҚ - солиққа тортиладиган даромаднинг ошиши билан солиқ ставкасининг пасайиши характерлидир. Бундай солиқлар тоифасига, хусусан, эгри (билвосита) солиқларни киритиш мумкин. Регрессив солиқларнинг юки (оғирлиги) бойларга нисбатан камбағал қатламлар учун оғирроқ деб саналади. Масалан, қўшилган қиймат солигини тўлаш учун камбағаллар бойларга нисбат

ўз даромадларининг кўпроқ қисмини (ҳиссасини) сарфлайдилар. Пропорционал солиқ ҳам регрессив бўлиши мумкин.

РЕГРЕССИВ СОЛИҚҚА ТОРТИШ - солиқ асоси (базаси)нинг ўсиб бориши билан солиқ ставкасининг пасайишини тақозо этади. Солиқ ундириш оғирлиги даромадга тескари пропорционалдир: даромад қанча кам бўлса, солиқ тўловчи учун солиқнинг оғирлиги шунча оғирдир. Ҳозирги пайтда қўшилган қиймат солиғининг жорий этилиши билан эгри (билвосита) солиқларнинг регрессивлиги кучайиб бормокда.

РЕАЛ СОЛИҚ - солиқ тўловчининг айрим мулкларини солиққа тортадиган тўғри солиқлардан иборатдир.

РЕЗИДЕНТЛАР - календарь йилида мамлакатда 183 кундан кам бўлмаган муддатда яшаган, Ўзбекистонда доимий яшаш жойига эга бўлган ва бўлмаган солиқ тўловчилардан иборат. Шу мамлакат резидентларининг даромадлари (шу мамлакат ҳудудида ва ундан ташқарида олинганлари ҳам) шу мамлакатда солиққа тортилиши шарт.

РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТИ - Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланадиган қисми бўлиб, унда даромад манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

С

СОЛИҚЛАР - қонунда белгиланган тартибдаги ставка бўйича ҳужалик юритувчи субъектлардан ва фуқаролар (юридик ва жисмоний шахслар)дан давлат томонидан давлат ёки маҳаллий бюджетга олинadиган мажбурий тўловлар. Солиқ, йиғим, пошлина ва бошқа тўловлар дейилганда қонуний актлар асосида белгиланган тартибда ва шартларда тўловчилар томонидан тегишли даражадаги бюджетларга ёки бюджетдан ташқаридаги фондларга мажбурий бадал-

ларнинг туланиши тушунилади. Белгиланган тартибда олинган солиқлар, йиғимлар, поштиналар ва бошқа туловларнинг йиғиндиси солиқ тизимини ташкил этади.

СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ - солиқ қонунчилигига риоя қилиш, мамлакатнинг қонунларига мувофиқ белгиланган (ўрнатилган) солиқлар ва бошқа мажбурий туловларнинг тўғри ҳисобланиши, уларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бюджетга ўтказилиши устидан назоратни таъминловчи ягона мустақил марказлаштирилган тизим. Давлат солиқ қўмитасининг ягона тизимига кирувчи солиқ органлари давлат бошқарувининг марказий органи (Давлат солиқ қўмитаси), вилоят, туман ва шаҳар солиқ инспекцияларидан иборатдир. Солиқ органлари юридик шахс ҳисобланиб, ўз номига, ўзларининг мустақил харажатлар сметасига, банклардаги жорий счётига ва ўз муҳрига эгадир.

СОЛИҚ ОРГАНЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ - солиқ органлари ва уларнинг ходимлари мамлакат Конституциясига, корхона, ташкилот, муассаса ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган унинг бошқа қонунларига катъий риоя қилишлари, тижорий сирни ва бошқа сирли маълумотларни сақлашлари лозим. Солиқ органлари ва уларнинг ходимлари томонидан уларнинг зиммасига юклатилган мажбуриятлар белгиланган тартибда бажарилмасе, ёки тўлиқ бажарилмасе ва бунинг оқибатида солиқ туловчиларга зарар етказилса, булар ўрнатилган тартибда тикланиши (ундирилиши) лозим. Солиқ органлари ва уларнинг ходимлари мамлакатнинг қонунларида кўзда тутилган бошқа жавобгарликларга ҳам тортилиши мумкин. Солиқ органлари ҳар ойда молия органларига бюджетга келиб тушган солиқлар ва бошқа туловлар тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этадилар. Улар молия органлари билан биргаликда бюджет даромадлар қисмининг бажарилиши устидан назоратни амалга оширадилар.

СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯЛАРИ - Давлат солиқ қўмитасининг ягона тизими таркибига кирувчи тузилмавий бирлик. Уларнинг таркибий тузилиши функционал белгига

қўра аниқланади. Бунинг асоси сифатида турли белгилар: мулкчилик шакли, хўжалик фаолиятининг тури, тўловлар ҳажми, солиқларнинг турлари ва х.к.лар олинishi мумкин. Фуқароларнинг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун солиқ инспекцияси назорати остида бўлган ҳудуд участкаларга бўлинади.

Ишчи

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ (ҚАЙДДАН ЎТКАЗИШ) - солиқ тўловчилар мажбурий равишда (тартибда) Давлат солиқ қўмитасининг органларида ҳисобдан (қайддан) ўтиши шарт. Бунда банк ва бошқа кредит ташкилотлари солиқ тўловчилар томонидан уларнинг солиқ органларида ҳисобдан (қайддан) ўтганлигини тасдиқловчи маълумотномани тақдим этганларидан сўнггина уларга ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб варақларини очиши ҳамда беш кунлик муддат ичида уларга (солиқ тўловчиларга) хабар бериши керак. Кўрсатишган талаблар бажарилмаган ҳолда банк ва бошқа кредит ташкилотларининг раҳбарлари белгиланган тартибда маъмурий жазога тортиладилар. Солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш (қайддан ўтказиш) уларни хўжалик юритувчи субъектнинг идентификациялашувини таъминлайдиган солиқ тўловчининг Давлат реестрига киритиш орқали амалга оширилади.

СОЛИҚЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ - солиқларнинг ундирилиш услуби, қўлланиладиган ставкаларнинг характери, солиқ имтиёзлари, солиққа тортиш манбаи ва объекти каби белгилар бўйича гуруҳларга ажрагилиши (бўлиниши). Белгиланиш услубига қўра солиқлар тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) солиқларга бўлинади. Даромад солиғи, фойда солиғи, ресурс тўловлари ва мулк солиғи кабилар тўғри (бевосита) солиқлардир. Эгри (билвосита) солиқлар хўжалик актлари ва оборотлари, молиявий операцияларни амалга оширишдан вужудга келади. Қўшилган қиймат солиғи, бож тўловлари, акцизлар, қимматбаҳо қоғозлар бўйича операциялардан олинандиган солиқ ва бошқалар ана шулар жумласидандир. Солиққа тортиш манбалари бўйича ҳам солиқлар гуруҳланади: ишлаб чиқариш харажатлари (таннарх) нинг таркибига кирувчи, фойда (даро-

мад)дан олинувчи ва бошқа солиқлар. Солиққа тортиш объектлари бўйича солиқлар классификация қилинганда улар куйидаги гуруҳларга бўлинади: мулк солиқлари, рессурс солиқлари (ер солиғи ҳам шу гуруҳга киради), даромад ёки фойда солиғи, ҳаракат солиқлари (хўжалик актлари, молиявий операциялар, реализация бўйича оборотлар), баъзи бир қолган солиқлар ва бир марталик йиғимлардан иборат бўлган солиқлар.

СОТИБ ОЛИШ СОЛИҒИ - давлат даромадларини кўпайтириш ёки айрим товарларни ишлаб чиқаришни чеклаб қўйиш мақсадида мамлакатда ишлаб чиқарилаётган айрим товарлардан олинадиган солиқ. Одатда экспортга мўлжалланган товарлардан олинмайди.

СОТИШ СОЛИҒИ - товарларнинг сотиш қийматига нисбатан фоизларда белгиланади ва ишлаб чиқарувчи томонидан туланади. Акцизларнинг қуринишларидан бири.

СОТИШДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ - айрим хорижий мамлакатларда (масалан, АҚШнинг айрим штатларида) қўлланилади ва истеъмолдан олинадиган эгри (билвосита) солиқни ўзида гавдалантиради, одатда бу солиққа истеъмол товарлари (ресторанлар бундан мустасно) тортилмайди.

СОЛИҚ АСОСИ (БАЗАСИ) - умумий ҳолда белгиланган солиққа тортиш даври мобайнида маълум ҳудуддаги солиқ тўловчилар ва солиққа тортиш объектларининг йиғиндиси.

СОЛИҚ ОҒИРЛИГИ (ЮКИ, «ЗУЛМИ») - давлат ва жамият ҳаётида солиқларнинг ролини характерлаб (кўрсатиб) берадиган энг умумлашган кўрсаткич. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ва даромадларда солиқ ажратмаларининг салмоғини (ҳиссасини) кўрсатувчи, бозор иқтисодиётининг амалга оширилаётган моделидан келиб чиқадиган ўлчам. Солиқ йиғимларининг жами миллий маҳсулотга нисбати билан аниқланади.

СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ягона тизимига кирувчи таркибий тузилма бирлиги. Инспекцияларнинг таркибий тузилиши функционал белгиларга қараб белгиланади: мулкчилик шакли; ҳужалик фаолиятининг тури; тўловлар ҳажми; солиқларнинг турлари ва бошқалар.

СОЛИҚ ИМТИЁЗИ - солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятлари ҳажмининг тўлиқ ёки қисман қисқариши, тўлов муддатининг кечиктирилиши ёки орқага сурилиши. Солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияси солиқ имтиёзлари тизими орқали амалга оширилади. Солиқ имтиёзи солиққа тортиш объектининг ўзгаришида, солиққа тортиш базасининг камайишида (қисқаришида), солиқ ставкаларининг пасайтирилишида ва бошқаларда ўз ифодасини топади. Солиққа тортилмайдиган объект минимуми, алоҳида шахслар ва солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларини солиқ тўлашдан озод қилиш, солиққа тортиш объектидан айрим элементларни чиқариш, солиқ ставкаларини пасайтириш, мақсадли солиқ имтиёзлари, солиқ кредитлари (солиқларнинг ундирилишини кечиктириш) ва бошқалар солиқ имтиёзларининг қўринишларидир (турларидир). Масалан, корхоналар фойдасидан олинадиган солиқ бўйича имтиёзлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва уй-жой қурилишини ривожлантириш харажатларини молиялаштиришни, тадбиркорликнинг кичик шаклларини, ногиронлар ва пенсионерларнинг бандлигини таъминлашни, ижтимоий-маданий ва табиатни муҳофаза қилиш соҳаларини рағбатлантиришга қаратилгандир. Индивидуал характерга эга бўлган имтиёзларни бериш, одатда, тақиқланади.

СОЛИҚ ПОЛИЦИЯСИ - ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган. Унинг вазифаларига қуйидагилар киради: солиқ жиноятлари ва ҳуқуқбузарликларининг келиб чиқилишини олдини олиш, огоҳлантириш ва аниқлаш (бир вақтнинг ўзида солиқ полицияси органлари аниқланган бошқа иқтисодий жиноятлар тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тегишли органларга маълумот беришлари шарт); давлат солиқ қўмитаси фаолиятининг хавфсизлигини таъминлаш,

унинг ходимларини хизмат бурчларини бажаришдаги ҳуқуққа қарши ҳаракатлардан ҳимоя қилиш; солиқ органларидаги коррупцияни олдини олиш, огоҳлантириш ва аниқлаш. Солиқ полициясининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат: 1) қонунга мувофиқ равишда солиқ жиноятларининг олдини олиш ва аниқлаш мақсадида шошилинич-қидирув тадбирларини амалга ошириш, солиқ жиноятларини содир этган ёки уларни содир этишда қатнашганлиги шубҳа остида бўлганларни қидириб топиш, давлатга етказилган зарарни тиклаш (қоплаш) чораларини кўриш; 2) солиқ жиноятлари ва хатоликлари тўғрисидаги ишлар бўйича ўз ваколати доирасида тегишли ишларни амалга ошириш (юрғизиш); 3) солиқ жиноятлари ва хатоликлари тўғрисидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни (информацияларни) қабул қилиш ва қайд этиш ҳамда қонунда кўзда тутилган тартиб бўйича уларни текширишни амалга ошириш; 4) давлат солиқ инспекциялари фаолиятининг хавфсизлигини таъминлаш, ходимларнинг хизмат бурчларини бажаришдаги хавфсизлигини ҳимоя қилиш, ўз хавфсизлигини таъминлаш; 5) ўз ваколати доирасида суд ажрими, судьялар қарори, прокурор ва терговчиларнинг қидирув ишлари ва қонунда кўзда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисидаги ёзма равишда берилган топшириқларини бажариш, уларга айрим процессуал ҳаракатларни амалга оширишда ёрдам бериш; 6) солиқ қонунчилиги соҳасидаги жиноятлар ва хатоликларни олдини олиш, огоҳлантириш ва аниқлаш бўйича солиқ ва прокуратура органлари, дастлабки қидирув, давлат хавфсизлиги, ички ишлар ва бошқа давлат органларига кўмаклашиш; 7) солиқ органлари ва қуйи солиқ полицияси органларида коррупция ҳолатларини вужудга келишини олдини олиш ва аниқлаш; 8) солиқ қонунчилигининг ижроси, жисмоний ва юридик шахсларни солиққа тортишдаги негатив жараёнларнинг ривожланиш тенденциясининг истиқболини белгилашга тегишли бўлган маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, мамлакатнинг олий бошқарув органларига солиққа тортишдаги даромадларни яшириш билан боғлиқ бўлган жамиятдаги характерли жараёнлар тўғрисида ахборот бериб туриш ва бошқалар. Солиқ полициясининг ходимлари ўзларининг хизмат

вазифаларини бажараётган пайтида олган давлат, хизмат, тижорий, омонат сирларига тегишли бўлган маълумотларни сир сақлашга мажбурдирлар.

СОЛИҚ СТАВКАСИ - солиққа тортиш бирлигига тўғри келувчи солиқнинг ҳажми (миқдори, даражаси). Қатъий солиқ ставкалари даромадларга боғлиқ бўлмаган ҳолда солиққа тортиш бирлигига нисбатан абсолют суммаларида ўрнатилади. Пропорционал ставкалар даромаднинг ҳажмига (миқдорига) боғлиқ бўлмаган ҳолда унга нисбатан бир хил фоизларда белгиланади. Прогрессив солиқ ставкалари солиққа тортиладиган даромад ҳажмининг ортиши билан ошиб боради. Регрессив солиқ ставкалари эса, аксинча, даромаднинг ортиб бориши билан пасаяди.

СОЛИҚ ТИЗИМИ - мамлакат доирасида (худудида) тўловлардан (юридик ва жисмоний шахслардан) белгиланган тартибда олинадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар ҳамда улар таркибий тузилишининг шакл ва услублари йиғиндиси.

СОЛИҚ ЮРИСДИКЦИЯСИ - давлат солиқ органларининг ҳуқуқий масалаларни ва солиқ ҳуқуқбузарлиги тўғрисидаги ишларни ҳал қилиш бўйича қонунга биноан (ёки бошқа меъёрий ҳужжатга кўра) белгиланган ваколатлари йиғиндиси. Бу ваколатлар икки мезон бўйича аниқланади: 1) резидентлик; 2) ҳудудийлик. Булар, ўз навбатида, солиққа тортиладиган даромадларнинг таркибини аниқлаб беради. Барча мамлакатларда бу мезонларни қўллашда ягоналик бўлмаганлиги учун икки марта солиққа тортиш муаммоси вужудга келади. Мезонларни танлаш ҳар бир мамлакатнинг миллий манфаатлари билан боғлиқдир. Айрим мамлакатлар амалиётида бу мезонларни турли вариантларда комбинация қилиб қўллаш кенг тарқалган. Масалан, АҚШ ва Буюк Британияда асос сифатида резидентлик мезони олинса-да, у мамлакатларнинг аниқ манфаатларига боғлиқ равишда ҳудудийлик мезони билан тўлдиради. Лотин Америкаси мамлакатларида эса солиқ юрисдикцияси афзаллик билан ҳудудийлик мезонини қўллаш орқали амал-

га оширилади. Бу тартиб Франция, Швейцария ва бошқа мамлакатларнинг солиқ амалиётида ҳам муҳим аҳамият касб этгандир.

СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ - давлатда солиқларнинг тури, уларни ундириш механизми ва солиқ мажбуриятларининг вужудга келиши, ўзгариши ва тўхтатишини тартибга солиб турувчи юридик меъёрлар йиғиндиси; молиявий ҳуқуқ институти. Солиқ ҳуқуқи давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши (қурилиши), унинг вазифа ва функциялари билан белгиланади.

СОЛИҚ БАДАЛЛАРИ (ТЎЛОВЛАРИ) - солиқ қонунчилиги бўйича белгиланган тартибда ва муддатда солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган, ҳисобланган ёки қатъийлаштирилган суммалардир. Уларни ҳисоблаш тартиби ҳар бир солиқ тури бўйича қонунга биноан аниқланади.

СОЛИҚ ТУШУМЛАРИ - Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган бюджет даромадлари ва харажатлари классификациясининг даромадлар қисмидаги ҳар бир солиқ ва бошқа мажбурий тўловларга мўлжалланган қисм, банд, код ва моддага мувофиқ ваколатли банкларнинг ҳисоб-китоб счётига ёзиладиган, ҳисобланган ва ҳақиқатда келиб тушган солиқ бадаллари (тўловлари) ва молиявий санкциялар.

СОЛИҚ ҲИСОБ-КИТОБЛАРИ - юридик шахслар томонидан қонунда кўзда тутилган муддатларда бухгалтерия ҳисоботи билан биргаликда солиқ органларига тақдим этилиб, ўзида маълум ҳисобот даври мобайнида тўланиши лозим бўлган ҳисобланган тўловлар суммасини акс эттиради. Солиқ суммаларини ҳисоблаш тартиби солиқ қонунчилигига кўра ҳар бир солиқ тури бўйича алоҳида-алоҳида белгиланган.

СОЛИҚ БИТИМЛАРИ - бир мамлакат юридик ёки жисмоний шахсларининг иккинчи мамлакатда олган даромадлари айрим турларини ва бошқа мамлакатнинг ҳу-

дудид а жойлашган шу шахсларнинг мол-мулкини солиққа тортиш ҳуқуқини ҳар бир мамлакатга бириктиришга мулжалланган мамлакатлар ўртасидаги ўзаро солиқ муносабатларини тартибга солишга йўналтирилган. Амалиётда солиқ битимларининг икки тури учрайди: 1) махсус (чекланган) солиқ битимлари, улар чекланган характердаги масалаларни (ҳалқаро юк ташиш, божхона тўловлари, имтиёзли солиқ режими ва шу кабилар) тартибга солади; 2) умумий, энг кўп тарқалган. Солиқ битимлари имзоланганда (тузилганда) давлат қўйидаги асосий вазифаларни ечишга ҳаракат қилади: икки марта солиққа тортишда барҳам бериш схемасини аниқлаш - ўзаро келишаётган давлатлар учун фақат у ёки бу даромаддан солиқ ундириш ҳуқуқи бириктирилади; ҳар иккала давлатда солиққа тортиш ҳуқуқи сақланиб қолганда ҳам икки марта солиққа тортиш механизмига барҳам бериш; солиқ тўловчини бошқа мамлакатларда дискриминацион тарзда солиққа тортилишидан ҳимоя қилиш; солиққа тортишдан бўйин товлашни аниқлаш ва конвенцияни бажариш мақсадида ўзаро информация алмашиш. Бунда қўйидаги тўрт гуруҳ масалалар кўриб чиқилади: конвенциянинг қўлланиш доираси; солиқларни давлатлар ўртасида тақсимлаш; икки марта солиққа тортишга барҳам бериш; ҳаракат қилиш қоидалари. Шу битим бўйича тартибга солиб туриладиган солиқларнинг турлари ва шахсларнинг (юридик ва жисмоний) рўйхати ҳам аниқланади.

СОЛИҚ НАЗОРАТИ - юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш устидан назорат. Назорат текширув ишларини амалга ошириш давомида бевосита корхонанинг ўзида (ҳужжатли текширув) ёки корхоналар томонидан белгиланган муддатларда тақдим этиладиган ва солиқ органи ихтиёрига келиб тушадиган банк ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоботлари ва ҳисобкитоблари асосида (камерал текширув) амалга оширилиши мумкин. Корхоналар устидан доимий назоратга солиқ органларида ҳар бир солиқ тури ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва келиб тушиш устидан оператив бухгалтерия ҳисобини жорий этиш орқали эришилади.

СОЛИҚ КРЕДИТИ - минтақавий солиқ органи томонидан корхонага бериладиган ва тегишли шартнома билан расмийлаштириладиган кредит. Одатда инвестициялар ва инновацион харажатларни амалга ошириш учун қайтарувчанлик ва ҳақлилик асосида берилади. *Қаранг: Инвестицион солиқ кредити.*

СОЛИҚ ТҶҲТАТУВЧАНЛИГИ (ТҶСҚИНЧИЛИГИ) - солиқ прогрессиясининг непропорционаллиги билан характерланадиган солиққа тортиш тизими. Маълум даражадан юкоридаги даромадларга янада юкорирок (кўпрок) солиқ ўрнатилади. Бунинг натижасида юкори даромадга эга бўлиш фойдасиз бўлганлиги учун тижорий фаолилик сусаяди (пасаяди).

СОЛИҚҚА ТОРТИШ БАЗАСИ (АСОСИ) ВА УНИ ТАРКИБ ТОПТИРУВЧИ ЭЛЕМЕНТЛАР - (саноат ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари маҳсулоти ҳажмининг динамикаси, баҳолар индекси, ялпи фойда, меҳнат ҳақи даражаси, корхона таркибини миқдорий ҳамда сифат ўзгариши ва бошқалар) - солиқ тушумларини таҳлил қилиш ва уларнинг истиқболини белгилаш предмети. Ҳар бир солиқ тури ўзининг солиққа тортиш базаси (асоси) га эга бўлиб, уларнинг ҳар бирига амалдаги қонунчиликка кўра ўзига хос бўлган хусусиятлар тегишлидир. Маълум бир солиқ, солиққа тортиш базаси (асоси) нинг таркибий қисмлари бир вақтнинг ўзида бошқа бир солиқларнинг солиққа тортиш базаси (асоси) нинг таркибига кириши мумкин. Масалан, меҳнат ҳақи фонди даромад солиғининг солиққа тортиш базаси (асоси) ҳисобланса-да, қисман қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғининг (иш ҳақидан олган харажатлар) ҳам солиққа тортиш базаси (асоси)нинг таркибига қиради.

СОЛИҚҚА ТОРТИШ - қонуний равишда ўрнатиш солиқ ундириш (олиш) тартиби. *Қаранг: солиққа тортиш объекти.* Иқтисодиётни тартибга солиш солиққа тортишнинг асосий функциясидир. Солиқ (фискал) сиёсатининг ричаглари ёрдамида давлат ҳужалик конъюнктура-

сининг ҳолатига таъсир кўрсатади ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. Солиққа тортишнинг бошқа бир функцияси пул маблағларини қайта тақсимлашдир. Солиққа тортишнинг бир-биридан фарқ қилувчи дигрессив, прогрессив, пропорционал ва регрессив турлари мавжуд.

СОЛИҚ ТҮЛОВЧИЛАР - қонун ҳужжатларига кўра солиқ тулаш мажбурияти юкланган жисмоний ва юридик шахслар ҳамда туловчиларнинг бошқа тоифалари.

СОЛИҚҚА ТОРТИЛМАЙДИГАН ОБОРОТ - қонунга мувофиқ қўшилган қиймат солиғига тортилмайдиган оборот.

СОЛИҚҚА ТОРТИШ НОРМАСИ - солиққа тортиладиган қийматнинг ҳақиқий қийматга нисбати.

СОЛИҚҚА ТОРТИШ ОБЪЕКТЛАРИ - қонунга мувофиқ фойда (даромад), маълум бир товарлар қиймати, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки, мол-мулкни бериш, (мерос, тақдим этиш), қимматбаҳо қоғозлар бўйича операциялар, фаолиятнинг айрим турлари ва бошқалардан иборат. Солиққа тортишнинг бир объекти бир турдаги солиқ билан белгиланган муддатда (ой, чорак, ярим йил, йил) бир марта солиққа тортилиши мумкин.

СОЛИҚ ОРГАНЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ - солиқ органлари ва уларнинг ходимлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, бошқа меъёрий ҳужжатлари, ҳужалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва қонун томонидан ҳимоя қилинаётган манфаатларига қатъий риоя қилишлари керак; тижорий сир, жисмоний шахсларнинг омонатлари тўғрисидаги сирли маълумотларни сақлашлари ва тегишли қонунда кўзда тутилган мажбуриятларни бажаришлари лозим; солиқ органлари ва уларнинг ходимлари томонидан ўзларига юклатилган мажбуриятларни тегишли тарзда бажармаганлиги натижасида солиқ туловчиларга етказилган зарар белгиланган тартибда тикланиши зарур. Юқоридагилар қонунда кўзда ту-

тилган бошқа жавобгарликларга ҳам тортилиши мумкин. Солиқ органлари ҳар ойда бюджетга ҳақиқатда тушган солиқлар ва бошқа тўловларнинг суммалари ҳақида маълумотларни молия органларига тақдим этадилар. Улар молия органлари билан ҳамкорликда бюджет даромадлар қисмининг ижроси устидан назоратни амалга оширадилар.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлаш; бухгалтерия ҳисобини юргизиш, молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида ҳисоботни тузиш ва унинг беш йил давомида сақланишини таъминлаш; солиқ органларига солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этиш; солиқ органларининг текшируви натижасида аниқланган, яширилган ёки камайтирилган даромад (фойда)га тенг бўлган сумма миқдорида бухгалтерия ҳисоботида ўзгартириш (тузатиш) киритиш; солиқ органи томонидан амалга оширилган текширув натижасида тузилган актда акс эттирилган фактларга эътирози бўлган пайтда актни имзолашдан бош тортишнинг сабаблари тўғрисида ёзма аризани тақдим этиш; солиқлар тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилганлигини ифодаловчи аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳақидаги солиқ органларининг талабларини бажариш; мулк эгаси ёки суднинг қарорига асосан юридик шахс тугатилганда (ёки қайта ташкил қилинганда) ўн кунлик муддат ичида тугатиш (қайта ташкил қилиш) тўғрисида қарор қабул қилинганлигини солиқ органларига билдириш; бошқа мажбуриятлар. Солиқни тўлаш бўйича жисмоний шахснинг мажбуриятлари солиқ тўланганда, солиқ бекор қилинганда ёки солиқ тўловчининг вафоти муносабати билан солиқни тўлашда унинг шахсан иштирок этиш имконияти бўлмаганда тўхтатилади. Юридик шахснинг солиқни тўлаш бўйича мажбуриятлари эса солиқ тўланганда ёки солиқ бекор қилинганда тугайди. Солиқни тўлаш имкониятининг йўқлиги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахснинг қонунда кўрсатилган тартибда банкрот (қасодга учради) деб эълон қилишга асос бўлади. Суд тартибида ёки мулкдорнинг қарорига кўра юридик шахс тугатилганда (ликвидация

қилинганда) солиқларнинг тўланмаган қисмини тўлаш мажбурияти тугатиш (ликвидация) комиссиясининг зим-масига юкланади.

СОЛИҚ ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ - давлат солиқ инспекциялари барча солиқ тўловчиларни, барча мулкчилик шаклларига асосланган корхона, ташкилот ва муассасаларни тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олиш, уларда икки йилда камида бир марта солиқларни тўғри ҳисоблаш, уларни тўлиқ ва ўз вақтида бюджетга тушиб туриши устидан ҳужжатли текширувларни амалга ошириш бўйича масъулдир. Давлат солиқ инспекцияларининг мансабдор шахслари ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки етарли даражада бажармаганликлари учун амалдаги қонунларга мувофиқ интизомий, моддий ва жисмоний жавобгарликка тортилади.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ - солиқ қонунчилигини бузганлиги учун солиқ тўловчи қонунга мувофиқ қуйидаги жавобгарликларга эгадир: 1) солиққа тортишдан яширилган ёки камайтирилган (пасайтирилган) даромад (фойда)нинг барча суммасини тўлиқ ундириб олиниши, қайта такрорланганда эса тегишли суммани ва шу суммага нисбатан икки баробар жариманинг ундирилиши; б) қуйидаги ҳатоликларнинг ҳар бири учун жарима: солиққа тортиш объектини ҳисобга олишнинг йўқлиги ва бу ҳисобнинг ўрнатилган тартибни бузиб юритилиши натижасида текширилган даврда даромаднинг яширилишига ёки камайтилишига олиб келгани учун - ўтказилмаган солиқ суммасининг 10% миқдориди; солиқ органига солиқларни ҳисоблаш ва тўлашга оид бўлган ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этмагани учун - 10% жарима (навбатдаги муддатда ўтказилиши лозим бўлган солиқ суммасига нисбатан); солиқ тўловчи томонидан солиқларнинг ўтказилиш муддати кечиктирилганда - ҳар бир кечиктирилган кун учун ўтказилмаган солиқ суммасига нисбатан 0,3% да жарима ва бошқалар. Солиқ қонунчилигини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар ва фуқаролар белгиланган тартибда маъмурий, жиноий ва интизомий жавобгарликка тортиладилар.

СОЛИҚ ДАВРИ - солиқ базаси (асоси)нинг шаклланиш жараёни тугайдиган муддат, бу муддатда солиқ мажбуриятининг якуний ҳажми (миқдори) аниқланади. Қонун томонидан белгиланган солиққа тортиш даври давомида бир объект солиқнинг бир тури бўйича бир марта солиққа тортилиши мумкин.

СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ ВА УЛАРДАГИ МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ - белгиланган тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни тақиқлаб қўйиш тўғрисида талабнома тайёрлаши; суд ёки ҳужалик судига: қонунда белгиланган тартибда корхоналарни тугатиш тўғрисида; битимни ҳаққоний эмас деб топиш ва шу битим бўйича олинган барча даромадни давлат даромадига ундириш ҳақида; битим бўйича асоссиз эмас, балки ноқонуний ҳаракат натижасида сотиб олинганлик тўғрисида; корхонани тузиш (яратиш)нинг белгиланган тартиби бузилган ёки таъсис ҳужжатларининг қонунчилик талабларига мувофиқ келмаган ҳолларда корхонанинг қайд этилганлигини ҳақиқий эмас деб топиш ва бу корхоналар томонидан олинган даромадларни ундириш тўғрисида; қонунда қўзда тутилган бошқа ҳуқуқлар тўғрисида даъво тақдим этиши мумкин. Солиқ органларидаги мансабдор шахслар қонунда белгиланган тартибда: а) солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатларни текшириш, текширув жараёнида вужудга келган муаммолар (масалалар) бўйича маълумотлар ва маълумотномалар, зарур тушунтиришлар олиш; б) солиқ тўловчиларнинг ишлаб чиқариш, оմборхона, савдо ва бошқа жойлари қаерда жойлашганлигидан қатъиназар уларнинг солиққа тортиш объектига тегишли бўлганларини ёки даромад (фойда) келтириш билан боғлиқ бўлганларини текшириб чиқиш (ўрганиб чиқиш). Жисмоний шахслар солиқ органларининг мансабдор шахсларига юқоридаги жойларни кўрсатишидан бош тортсалар, ёки солиқларни ҳисоблаш бўйича тегишли ҳужжатларни кўрсатмасалар (тақдим этмасалар), солиққа тортиладиган даромад тадбиркорлик фаолиятининг шунга ўхшаш кўринишлари асосида аниқланади; в) солиқларни ҳисоблаш ва тўлашга тегишли бўлган ҳужжатлар солиқ

органларига тақдим этилмаганда солиқ тўловчиларнинг банк ва кредит ташкилотларидаги счётлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш; г) солиқ органларининг кўрсатмалари бажарилмаган ҳолатларда банк, кредит ташкилотлари ва молия органларининг раҳбарларига маъмурий жазолар белгилаш; д) даромадларни яшириш ёки камайтиришга ёки солиққа тортишнинг бошқа объектларини яширишга тегишли бўлган ҳужжатларни солиқ тўловчилардан олиб қўйиш, бир вақтнинг ўзида шу ҳужжатларни кўриб чиқиш ва уларнинг мазмунини қайд этиш; е) тўловчиларнинг солиқ тўловларини ҳисоблаш учун зарур бўлган барча маълумотларни юридик шахслардан тўловни амалга оширмасдан (тўловсиз, ҳақсиз) олиш; ё) қонунларда кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга эгадир.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ - қонунда белгилаб қўйилган тартибда ва асосда солиқларни тўлаш бўйича имтиёзлардан фойдаланиш; солиқлар бўйича имтиёз олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни солиқ органларига тақдим этиш; солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш ҳамда амалга оширилган текширувларнинг акти бўйича солиқ органларига тушунтиришлар бериш; қонунда белгиланган тартибда солиқ органларининг қарорлари ва улардаги мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ва тегишли қонунларда кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга эгадир.

СОЛИҚҚА ТОРТИШ ПРИНЦИПЛАРИ - солиқ сиёсатини амалга оширишни белгилаб берадиган ва солиқлар бўйича бюджет топшириқларини тузиш орқали реализация қилинадиган мустаҳкам ўрнашиб қолган қоидалар йиғиндиси. Энг умумий принциплар қаторига қуйидагилар киради: 1) адолатлилик принципи. Бу принцип фуқаролар ўртасида уларнинг даромадларига мос равишда солиқларнинг бир текис тақсимланишини ва солиққа тортишнинг ҳаммага (энг умумийлигини) тегишли эканлигини тақозо этади; 2) аниқлилик принципи. Бу принцип солиқнинг суммаси, уни ҳисоблаш тартиби (услуги) ва тўлов вақти солиқ тўловчига олдиндан аниқ маълум бўлиши керакли-

гини талаб қилади; 3) қулайлилик принципи. Бу принцип солиқ тўловчилар учун солиқнинг олинishi услуби ва вақти энг қулай бўлиши кераклигини аниқлатади; 4) иқтисод қилиш, тежаб-тергаш принципи. Бу принципнинг мазмуни солиққа тортиш тизимини оқилоналаштириш ва солиқларни ундириш харажатларини камайтиришдан иборатдир. Вақт ўтиши билан солиққа тортишнинг бу принциплари қаторига солиқларнинг ҳаракатчанлиги ва етарлилигини таъминлаш (давлатнинг объектив эҳтиёжлари ва имкониятларига мувофиқ солиқ оширилиши ёки қисқартирилиши (камайтирилиши мумкин), солиққа тортишнинг зарурий манбаси ва объектини танлаш, солиққа тортишнинг бир марталилиги каби принциплар қўшилди.

СОЛИҚ ТУШУМЛАРИНИНГ ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАШ (ПРОГНОЗЛАШТИРИШ) - аниқ ва миқдорий жиҳатдан аниқланган шаклда солиқ тушумларининг ҳажмига таъсир кўрсатувчи объектив ва субъектив омилларни олдиндан кўриш ва билиш инструменти. Солиқлар тушишининг истиқболни белгилаш (прогнозлаштириш) перспектив характердаги тадқиқот ҳисобланиб, уни ишлаб чиқишда (яратишда) реал иқтисодий шартлар ва жараёнлар ҳисобга олинishiга қарамасдан у эҳтимоллик, дастлабкилик характерига эгадир. Мамлакат ёки аниқ бир минтақа иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг комплекс дастури истиқболни белгилашнинг (прогнозлаштиришнинг) асосидир. Шу билан биргаликда бунда содир бўлиши мумкин бўлган чекланишлар (четланишлар, оғишлар), ҳукмрон тенденциялар (оқимлар) ва уларни фарқ қилиш соҳаларини аниқлашга ҳам эътибор бермоқ лозим. Истиқболни белгилашлар (прогнозлар) шошилиш (оператив) (бир ойгача), қисқа муддатли (бир йилгача), ўрта муддатли (беш йилгача) ва узоқ муддатли (беш йилдан ортик) каби турларга бўлиниши мумкин. Хилма-хил даврий горизонтларга (уфқларга) эга бўлган истиқболни белгилаш (прогнозлаш)нинг мазмуни истиқболи белгиланаётган жараёнларнинг табиати билан белгиланади: қанчалик барқарорлик бўлса, истиқболни белгилаш (прогнозлаштириш) горизонти (уфқи) шунчалик кенг бўлади. Истиқболни

белгилаш (прогнозлаш) ҳисоб-китоб қилинаётганда ўтган даврларда солиқларнинг тушиб турганлигини характерлайдиган ҳақиқатдаги динамик қаторлар ҳам ҳисобга олиниши керак.

СУБВЕНЦИЯ - қатъий равишда келишилган мўлжал бўйича бюджетдан бериладиган пулли ёрдам. Ҳозирги пайтда субвенция йирик корхоналар, корпорациялар ва банкларнинг маблағлари ҳисобидан ҳам берилиши мумкин. Субвенциялар доирасида берилган пул маблағлари мақсадли характерга эга ва бу шарт бузилган пайтда улар орқага қайтарилиши лозим. Олинмаган даромадларнинг ўрнини тўлдириш (қоплаш), хўжалик фаолиятининг даражаларини тенглаштириш билан боғлиқ бўлган тадбирларни молиялаштириш ва ногўловларга барҳам бериш мақсадлари учун берилади.

СОЛИҚҚА ТОРТИШ НАЗАРИЯЛАРИ - солиққа тортиш амалиётини назарий жиҳатдан асослашга уриниш.

СОЛИҚ ГАВАНИ (СОЛИҚ ЯШИРИНИ) - хориждан ссуда капиталларини солиқ ва бошқа имтиёзларни тақдим этиш орқали жалб қилиш сиёсатини амалга оширувчи давлат ёки худуд. Айрим ҳолларда имтиёзли (камайтирилган) солиққа тортиш маълум типдаги тижорат ташкилотларининг баъзи бир даромадларига нисбатан қўлланилади. Имтиёзлар фақатгина хорижий эмас, балки маҳаллий компанияларга ҳам тегишлидир.

СОЛИҚЛАРНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ - шу иктисодий категориянинг даромадларни қиймат жиҳатидан тақсимлаш ва қайта тақсимлаш инструменти сифатида ижтимоий мўлжалланганлигининг қай даражада амалга оширилаётганлигини кўрсатади. Солиқлар куйидаги функцияларни бажаради: тақсимлаш, назорат, тартибга солиш.

СОЛИҚЛАРНИНГ НАЗОРАТ ФУНКЦИЯСИ - солиқ механизмнинг самарадорлигини баҳолаш имконини беради, молиявий ресурсларнинг ҳаракати устидан назорат

ратни таъминлайди, солиқ тизими ва бюджет сиёсатига ўзгартириш киритиш зарурлигини аниқлайди. Бу функцияни амалга ошириш, унинг тўлиқлиги ва чуқурлиги кўп жиҳатдан солиқ интизомига боғлиқдир.

СОЛИҚЛАРНИНГ ТАҚСИМЛАШ ФУНКЦИЯСИ - солиқларнинг энг асосий ижтимоий мўлжалланганлигини ўзида акс эттиради, давлатнинг молиявий натижаларини шакллантиради, давлатнинг ўз функцияларини (мудофаа, ижтимоий, табиатни муҳофаза қилиш ва бошқалар) бажариш учун зарур бўлган ресурсларни бюджет тизими ва бюджетдан ташқаридаги фондларда тўплаш имконини беради.

СОЛИҚЛАРНИНГ ТАРТИБГА СОЛИШ ФУНКЦИЯСИ - молиявий механизм орқали давлатнинг мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлайди. Бу функциянинг икки шакли бўлиши мумкин: а) рағбатлантириш; б) такрор ишлаб чиқариш. Рағбатлантирувчи кичик функция имтиёзлар, чеклашлар, чегирмалар, афзал кўриш тизимлари орқали амалга оширилади ва улар солиққа тортиш объектининг имтиёзларни шакллантириш белгилари билан узвий равишда боғлиқ бўлади, солиққа тортиш объектининг ўзгаришида, солиққа тортиладиган база (асос)нинг камайишида, солиқ ставкасининг пасайтирилишида ва шу қабиларда намоён бўлади. Такрор ишлаб чиқариш кичик функцияси табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловларда, йўл фондлари учун олинadиган солиқларда, минерал хом ашё базаларини такрор ишлаб чиқаришга мўлжалланган солиқларда намоён бўлади. Бу солиқлар тармоқларга тегишлилик характериға эгадир.

СОЛИҚ ЭЛЕМЕНТЛАРИ - давлатнинг қонун актлари асосида аниқланган солиқларнинг тузилиши (қурилиши) принциплари ва уларни ундиришни ташкил қилиш, солиқларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини ўзида акс эттиради. Солиқларнинг элементлари таркибига қуйидагилар киради: 1) солиқ субъекти (солиқ тўловчи); 2) солиқни ўзида ташувчи (намоён этувчи); 3) солиқ объекти; 4) со-

лиқ манбаси; 5) солиққа тортиш бирлиги; 6) солиқ ставкаси (солиққа тортиш нормаси, меъёри); 7) солиқ имтиёзлари; 8) солиқ оклади. Солиқ қонунчилиги нуқтаи назаридан юқорида санаб ўтилганлардан ташқари солиқнинг муҳим элементлари қаторига яна қуйидагиларни киритиш мумкин: 1) солиқ масштаби; 2) солиққа тортиш базаси (асоси)ни ҳисобга олиш усули; 3) солиқ даври; 4) солиқни ҳисоблаш тартиби; 5) ҳисобот даври; 6) солиқни тулаш муддатлари; 7) солиқни тулаш усули ва тартиби.

СОЛИҚҚА ТОРТИЛАДИГАН БАЗА (АСОС) НИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИ - солиқларнинг келиб тушини таҳлил қилиш ва уларнинг истиқболини белгилаш (прогнозлаштириш) мақсадида саноат ва халқ ҳўжалигининг динамикаси, баҳолар индекси, ялпи фойда, меҳнат ҳақи даражаси, корхоналар сифат ва миқдорий таркибининг ўзгариши солиққа тортиладиган база (асос)нинг элементларидир. *Қаранг: солиқ тушумларининг истиқболини белгилаш (прогнозлаштириш); солиққа тортиш базаси (асоси) ва уни таркиб топтирувчи элементлар; солиқ тушумларининг таҳлили.*

СОЛИҚ ТУШУМЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ - маълум давр (ой, чорак, ярим йил, йил) учун бюджетга тўловларнинг тушиб туришини баҳолаш. Шу билан бир қаторда Молиявий органларнинг энг муҳим вазифаларидан бири. Солиққа тортиладиган база (асос) ва унинг таркибий элементлари: махсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг динамикаси; баҳолар индекси, ялпи фойда, меҳнат ҳақи даражаси, корхона таркибининг миқдорий ва сифат ўзгариши ва солиққа тортиш базаси (асоси)га таъсир қилувчи бошқа омиллар таҳлилнинг предметиدير.

СОЛИҚЛАРНИНГ ТУРЛАРИ - Ўзбекистон ҳудудида олинадиган умумдавлат солиқлари, маҳаллий солиқлар ва йиғимлардан иборат. Умумдавлат солиқларининг таркибига 1) юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи, 2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, 3) қўшилган қиймат солиғи, 4) акциз солиғи, 5) ер

ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, б) экология солиғи, 7) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ кабилар киради. Умумдават солиқлари ҳар йили қонуний тартибда белгиланган нормативлар бўйича тегишли бюджетлар ўртасида тақсимланади. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар: 1) мол-мулк солиғи, 2) ер солиғи, 3) реклама солиғи, 4) автотранспорт воситаларини сотганлик учун солиқ, 5) савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан, айрим турдаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари, 6) юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим, 7) автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим, 8) ободончилик ишлари учун йиғимлардан иборатдир. Маҳаллий солиқ ва йиғимлар маҳаллий бюджетга ўтказилади.

СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАНБАИ - солиқни тўлаш учун фойдаланиладиган резерв, одатда, солиқ тўловчининг даромади ва капитали. Энг умумий шаклда солиққа тортиш ажратмалар, йиғимлар ва бошқа тўловларнинг манбаи бўлиб солиққа тортиш объектдан қатъиназар ижтимоий такрор ишлаб чиқариш асосий қатнашчиларининг ва давлатнинг бирламчи пул даромадларини шакллантирувчи ялпи ижтимоий маҳсулот ҳисобланади.

СОЛИҚ КВОТАСИ - солиққа тортишнинг маълум бирлигидан олинадиган солиқнинг миқдори, ҳажми, ўлчами.

СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИНГ ТЎҒРИ ҲИСОБЛАНИШИ ҲАМДА ТЎЛАНИШИ УСТИДАН СЎНГГИ (НАВБАТДАГИ, КЕЙИНГИ) НАЗОРАТ - давлат томонидан солиқ органлари ёрдамида икки босқичда амалга оширилади: а) корхоналардан бухгалтерия ҳисоботлари ва солиқ ҳисоб-китоблари қабул қилинаётганда; б) бевосита корхонанинг ўзида бошланғич бухгалтерия ҳужжатларини текшириш йўли билан.

СОЛИҚ ИНСПЕКТОРИ ЮКЛАМАСИ - назорат ишларини амалга ошириш бўйича солиқ инспекцияси фаолиятини баҳолаш курсаткичи. Солиқ инспекциясида ҳисобда турган ва бир солиқ инспекторига тўғри келувчи корхоналар сони билан аниқланади.

Т

ТАҚСИМЛАНМАГАН ФОЙДА СОЛИҒИ - алоҳида солиқ тўловчи сифатида тан олинган акционерлик компаниялари, банклар ва бошқа институтлар фойдасининг дивидендларга тақсимланмаган қисмидан олинади.

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЭГАЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ - транспорт воситаларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан туланади. Солиқнинг ставкаси от кучида ифодаланган двигателнинг қувватига боғлиқдир. Унинг суммаси махсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш харажатларининг таркибига киритилади.

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ СОЛИҒИ - фуқаролар (жисмоний шахслар) мулкидан олинадиган солиқлар таркибига кириб, моторнинг қувватига боғлиқ ҳолда ҳар йилда олинади.

ТЎҒРИ (БЕВОСИТА) СОЛИҚЛАР - даромад солиғи, фойда солиғи, ресурс тўловлари, мол-мулк солиғи ва бошқалардан иборат бўлиб, уларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш солиққа тортиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

ТЎҒРИ (БЕВОСИТА) СОЛИҚҚА ТОРТИШ - шахсан ёки иш берувчи орқали солиқларни солиқ хизматларига тўғридан-тўғри тўлаш орқали амалга ошириладиган жамият аъзоларини бевосита солиққа тортишдан иборатдир. Конкрет шахснинг аҳволига боғлиқ бўлмасдан, балки унинг қандай товарларни сотиб олишига боғлиқ бўлган эгри (билвосита) солиққа тортишдан фарқ қилади.

ТАРТИБГА СОЛУВЧИ (ТАРТИБЛОВЧИ) ДАРОМАДЛАР - тегишли бюджетда кўзда тутилган барча харажатларни тўлиқ қоплаш мақсадида умумдавлат солиқларидан қуйи бюджетдаги бириктирилган даромадларнинг устига юкоридаги бюджетдан бериладиган маблағлар. Бундай даромадларнинг таркибига қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, корхоналардан олинадиган фойда (даромад) солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи кабилар киради. Бу солиқлар бўйича даромадлар қуйи бюджетлардаги тушумларни тартибга солиш учун молиявий ҳисобот даврида (одатда, бир йилда) белгиланган тартибда тасдиқланган ставкалар бўйича солиқлардан фоиз ажратмалари кўринишида фойдаланилади. Тартибга солувчи даромадлар бўйича ажратмалар бевосита қуйи бюджетларга бориб тушади, ажратмалар ставкаси (нормативи) эса давлат бюджети тасдиқланаётган пайтда аниқланади.

ТОВАРНИНГ БОЖ ҚИЙМАТИ - товар чегарадан ўтаётган пайтда унинг эгаси томонидан эълон қилинади. Унинг туғрилигини аниқлаш устидан назорат товарларни расмийлаштирувчи божхона органлари томонидан амалга оширилади. Товарларнинг бож қийматини аниқлашда турли методлардан фойдаланилади: а) киритилаётган товарларнинг битим баҳоси бўйича (энг кўп қўлланиладиган метод); б) турдош (бир турдаги, бир хилдаги) товарлар битим баҳосига кўра; в) қийматни ҳисоблаш методи бўйича; г) қийматларни қўшиш йўли билан; д) резерв методи бўйича.

ТОВАР - предмет, буюм, маҳсулот, жумладан, ишлаб чиқариш, техникавий мақсадларга мўлжалланган маҳсулотлар, кўчмас мулк (бинолар, иншоотлар ҳам), электр ва иссиқлик энергияси, газ ва шу кабилар солиққа тортиш мақсадлари учун товар саналади.

ТЎЛОВ ТОПШИРИҚНОМАСИ - корхоналарнинг тўлов маълумотномаларида ва солиқ ҳисоб-китобларида акс эттирилган суммаларни тўлаш учун банкка топшириладиган ҳужжат бўлиб, унда бюджет, солиқ ёки тўловнинг тури, бюджет классификациясининг қисми ва параграфи

хамда солиқ инспекциясининг номи кўрсатилади. Солиқларнинг ҳар бир тури бўйича (бир неча товарлар гуруҳидаги акцизлар бундан мустасно) биттадан тўлов топшириқномаси расмийлаштирилади. Фойда (даромад) солиғи ва бир неча гуруҳдаги товарлар бўйича акцизлар учун иккитадан тўлов топшириқномаси расмийлаштирилиб, уларнинг ҳар бирида солиқнинг суммаси, уларнинг республика ва маҳаллий бюджетга туланадиган ҳиссаси кўрсатилади. Банк солиқ тўловчиларнинг ҳисоб варағида кўрсатилган суммаларни олиб, уларни тегишли бюджетларнинг ҳисоб варақларида акс эттиради. Тўлов топшириқномаси ва солиқларни тўлашнинг кўрсатилган тартиби ўзгартирилиши мумкин.

**ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУ-
ФУЛЛАНУВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ ҲИ-
СОБГА ОЛИШ ВА ҚАЙДДАН ЎТКАЗИШ** - уларнинг доимий яшаш жойларидаги маҳаллий маъмурият томонидан ариза берилган кундан 15 кун кечикмасдан амалга оширилади. Жисмоний шахсга у томонидан тегишли йиғим туланганидан сўнг унинг аризасига кўрсатилган муддатда гувоҳнома берилади. Ариза ва гувоҳноманинг шакли Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади. Қайддан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома уч нусхада расмийлаштирилади. Бир нусха тадбиркорга берилади, иккинчиси маҳаллий маъмуриятнинг ихтиёрига қолади ва учинчиси тадбиркор қайддан ўтган жойнинг солиқ органига йўналтирилади.

ТЕЗЛАШТИРИЛГАН АМОРТИЗАЦИЯ - асосий фондларнинг норматив хизмат қилиш муддатларига нисбатан тезроқ равишда уларнинг қийматини (баланс қийматини) ишлаб чиқариш ва муомала харажатларига ўтказишнинг мақсадли услуги. Самарали машиналар ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва юқори технологияли тармоқларни ривожлантириш учун тегишли шароитни яратиш мақсадида корхоналарга асосий ишлаб чиқариш фондларининг актив қисмига нисбатан тезлаштирилган амортизацияни қўллаш ҳуқуқи берилган. Тезлаштирилган амортизацияда уни ҳисоблашнинг бир текис (чизиқли) услуги қўлланилиб, унда амортизация ажратмаларининг

тасдиқланган йиллик нормаси икки (2) дан ошмайдиган тезлаштириш коэффициентига оширилади.

ТРЕСТГА (МОНОПОЛИЯГА) ҚАРШИ ҚОНУНЧИЛИК - иқтисодий, ташкилий ва бошқа чекланмалар ҳамда стимуляр (солиқ ставкалари тизими, кредит бериш бўйича устувор йўналишларни қонуний тарзда белгилаш, монополист корхоналарда баҳоларни шакллантириш (ўрнатиш) жараёнини тартибга солиш, кичик ва ўрта корхоналарни яратиш бўйича қулай ҳуқуқий шароитларни шакллантириш, фирмаларнинг тил бириктируви, ишончсиз (ноаник) реклама ва бошқалар учун юридик жазолар тизими ва ҳ.к.) ни ўрнатиш асосида ишлаб чиқарувчиларнинг монополиясидан истеъмолчиларни ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий нормалар ва институтлар тизими.

У

УСТАВ КАПИТАЛИ - корхонанинг уставига мувофиқ аниқланган (белгиланган) капиталнинг (асосий, акционерлик, номинал) дастлабки суммаси. Акционерлик жамиятининг аъзолигини сотиб олганлигининг муқофоти сифатида ўтказилиши лозим бўлган номинал пул суммаси. Шу жамият томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширилишининг моддий асосини ташкил этади. Акционерлик жамияти ўзининг мажбуриятлари бўйича жавобгарлигини кафолатлайдиган ўлчам сифатида талқин қилинади. Компания ташкил этилаётган пайтда унинг устав капитали устав фонди бўлиб ҳисобланади ва унинг фаолиятини молиялаштиришнинг ягона манбаи бўлиб хизмат қилади. Унинг фаолияти жараёнида эса устав капитали ўзгаради ва у ўзининг дастлабки ўлчами билан мос тушмаслиги мумкин.

УСТАВ ФОНДИ - уставда ва қўшимча эмиссия проспекларида қайд этилган маблағларни ҳам қўшиб ҳисоблангандаги корхона моддий ва пул маблағларининг йиғиндиси. Корхона ўз маблағларининг асосий манбаи. Асосий ва айланма маблағларни шакллантириш учун мўлжалланган. Ус-

тав фондини шаклантириш тартиби қонун ва таъсис ҳуж-
жатлари билан тартибга солинади.

УЙ-ЖОЙ СОЛИҒИ - кўчмас мулк солиғининг кў-
ринишларидан бири бўлиб, бу солиққа уй-жойга эга бўл-
ганлар тортилади. Масалан, Францияда қўлланиб келмоқда.

Ф

Фойда солиғи - ҳужалик юритувчи субъектлар-
нинг фойдасидан олиниб, бюджетнинг асосий даромадла-
ридан бири ҳисобланади. Бу тўғри (бевосита) солиқдир.
Унинг суммаси солиқ тўловчи корхонанинг якуний мо-
лиявий натижасига боғлиқ бўлади. Молия йилида солиқ
солинадиган фойдага эга бўлган юридик шахслар фойда
солиғини тўловчилар ҳисобланади. Ялпи фойда билан маъ-
лум чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланган
фойда солиққа тортиш объектидир. Фойда солиғи барча
солиқлар тўлангандан сўнг корхона ихтиёрига қолган фой-
да ҳисобидан тўланади.

Фойда солиғи бўйича имтиёзлар - со-
лиққа тортиладиган фойда суммасининг камайишини ан-
глатади. Юридик шахслар қуйидаги ҳолларда фойда солиғини
тўлашдан озод қилинади: ходимлар умумий сонининг ка-
мида 75%ини ўрта мактаблар ва ҳунар-техника билим юрт-
лари ўқувчилари ташкил этадиган юридик шахслар; протез-
ортопедия буюмлари ва инвентари ишлаб чиқаришга, шу-
нингдек, ногиронларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган
юридик шахслар - асосий фаолият тури бўйича; даволаш
муассасалари қошидаги даволаш-ишлаб чиқариш устахона-
лари; жазони ижро этиш муассасалари; тижорат билан шу-
ғулланмайдиган юридик шахслар; чет эл инвестициялари
иштирокидаги янги ташкил этилган, экспортга йўналти-
рилган ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар иш-
лаб чиқарадиган корхоналар ва ҳоказо. Бир вақтнинг ўзида
юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси қуйи-
даги суммаларга камайтирилади: экология, саломатлик ва
хайрия фондлари, маданият, халқ таълими, соғлиқни сак-

лаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига бадаллар суммасига (солиқ солинадиган фойданинг бир фоизидан кўп бўлмаган миқдорда); инвестицияларга (ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш ва реконструкция қилишга), шунингдек, инвестициялар учун олинган кредитларни узишга йўналтириладиган харажатлар суммасига (ҳисобланган эскиришдан тўлиқ фойдаланиш шарти билан, бироқ солиқ солинадиган фойданинг эллик фоизидан кўп бўлмаган миқдорда); табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказишга кетган харажатларнинг ўттиз фоизи суммасига; футболни ривожлантиришга кўмаклашиш, футбол клублари ва мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланадиган маблағлар суммасига (солиқ солинадиган фойданинг беш фоизигача миқдорда) ва ҳ.к.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЙИЛЛИК ЖАМИ ДАРОМАДИ - уларнинг корхонада олган пул ва натурал кўринишдаги барча тўланмаларидан иборат. Хорижий валютадан олинган фуқароларнинг даромади солиққа тортиш мақсадлари учун даромад олинган кундаги Марказий Банкнинг курси бўйича миллий валютада аниқланади. Фуқароларнинг йиллик жами даромади таркибига (солиққа тортиш мақсадлари учун) қуйидагилар киритилмайди: пенсиялар; давлат ижтимоий нафақалари (вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганлиги учун нафақалардан ташқари); компенсацион тўланмалар; моддий ёрдам кўрсатиш суммалари (табиий офат муносабати билан); давлат заёми облигациялари ва лотереялар бўйича ютуқлар; банклар ва бошқа кредит ташкилотларидаги омонатлар бўйича фоизлар ва бошқалар.

Х

ХАРАЖАТЛАРНИ РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТИДАН МОЛИЯЛАШТИРИШ - тартибига кўра қуйидагилар республика бюджетидан молиялаштирилади: 1) республика бўйсунувидаги бюджет ташкилотлари бўйича фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт; 2) ижтимоий таъминот; 3) мудофаа, миллий

хавфсизлик ва жамоат тартибини сақлаш; 4) судлар ва прокуратура органлари фаолиятини таъминлаш; 5) давлат захираси ва сафарбарлик захирасини вужудга келтириш ҳамда уларга сарфланадиган харажатлар; 6) давлат марказлаштирилган инвестицияларини амалга ошириш; 7) давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари ҳамда миссиялари фаолиятини таъминлаш; 8) иқтисодиёт турли тармоқларининг республика бўйсунувидаги бюджет ташкилотларига сарфланадиган харажатлар; 9) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг давлат тармоқ дастурлари ва тадбирларини амалга ошириш; 10) ер тузиш, мелиоратив, табиатни муҳофаза қилиш ва эпизоотияга қарши кураш чора-тадбирларини амалга ошириш; 11) қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши кураш; 12) гидрометеорология, дўла қарши кураш чора-тадбирлари; 13) қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа мақсадлар.

ХАРАЖАТЛАРНИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЮДЖЕТИДАН ВА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРДАН МОЛИЯЛАШТИРИШ - қондасига кура қуйидагилар юқорида таъкидланган бюджетлардан молиялаштирилади: 1) фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт (Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича); 2) ижтимоий таъминот; 3) аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш; 4) Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини таъминлаш; 5) иқтисодиёт турли тармоқларининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджет ташкилотларига сарфланадиган харажатлар; 6) қонун ҳужжатларига мувофиқ иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг тармоқ дастурлари ва тадбирларини амалга ошириш; 7) қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа мақсадлар.

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОР - 1) хорижий юридик шахслар, жумладан, ўзи жойлашган мамлакатнинг қонун-

ларига мувофиқ инвестицияларни амалга ошириш ҳуқуқи-га эга бўлган ҳар қандай компания, фирма, корхона, ташкилот ёки ассоциация; 2) фуқаролик мамлакатида ёки доимий яшаш жойида ҳўжалик фаолиятини амалга ошириш учун қайддан ўтган хорижий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, хорижда доимий яшаш жойига эга бўлган Ўзбекистон фуқаролари; 3) хорижий давлатлар; 4) халқаро ташкилотлар. Хорижий инвесторлар қуйидаги йўллар билан Ўзбекистон ҳудудида инвестицияларни амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар: юридик шахслар ва Ўзбекистон фуқаролари билан биргаликда ташкил қилинаётган корхоналарда ҳиссали иштирок этиш; хорижий инвесторларга тўлиқ тегишли бўлган корхоналарга асос солиш ва хорижий юридик шахсларнинг филиалларини яратиш; Ўзбекистон қонунларига мувофиқ хорижий инвесторларга тегишли бўлиши мумкин бўлган корхоналар, мулкый комплекслар, бинолар, иншоотлар, корхоналарда қатнашиш ҳиссаси, акциялар, облигациялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар ҳамда бошқа мулкларни сотиб олиш; ердан ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини сотиб олиш; бошқа мулкый ҳуқуқларни сотиб олиш ва ҳ.к.

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР - хорижий тадбиркорларга бошқа мамлакат ҳудудида тўлиқ ҳўжалик юритиш ҳуқуқи асосида корхоналар яратиш имконини беради. Ўзга мамлакатда янги корхона қуриш ва уни асосий капитал билан қуроллантириш ёки хорижий фирманинг назорат пакетини сотиб олишга йўналтирилгандир.

ХОРИЖИЙ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР - Ўзбекистонда доимий яшаш жойига эга бўлган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар. Ўзбекистон ҳудудида бир йилда 183 кундан кўпроқ яшаётган жисмоний шахслар Ўзбекистон фуқароси, фуқаролиги бўлмаган ва хорижий фуқаролигидан қатъиназар Ўзбекистонда доимий яшаш жойига эга бўлган ҳисобланадилар.

ХОРИЖИЙ ЮРИДИК ШАХСЛАР - хорижий мамлакатларнинг қонунларига мувофиқ ташкил қилинган компаниялар, фирмалар ва бошқа ҳар хил ташкилотлар.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ - ривожланган ва айрим ривожланаётган мамлакатларда кенг тарқалган солиқ тури. Хорижий валюта билан бўладиган ҳар қандай операциядан олинади. Солиқнинг ставкаси битим қийматининг 1% дан 25% гачасини ташкил этиши мумкин. Масалан, Кенияда - 1%, Бразилияда - 25%.

Ш

ШАХСИЙ СОЛИҚЛАР - тақдим этилган имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда даромаднинг ўлчамига (миқдорига, ҳажмига) мувофиқ олинадиган тўғри солиқлардир.

Э

ЭГРИ (БИЛВОСИТА) СОЛИҚЛАР - хўжалик актлари ва оборотлари ҳамда молиявий операциялардан келиб чиқади. Бу солиқларнинг таркибига қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, бож пошлиналари, қимматбаҳо қоғозлар бўйича операциялардан олинадиган солиқ ва бошқалар кирди. Эгри (билвосита) солиққа тортишда шу солиқни тўлаши керак бўлган ва шу солиққа тортилиши лозим бўлган юридик ва жисмоний шахслар турлича шахслардир.

ЭГРИ (БИЛВОСИТА) СОЛИҚҚА ТОРТИШ - даромадлар сарф қилинаётган пайтда тўланадиган солиқлар тизимини ўз ичига олиб, даромадлар билан эмас, балки харажатлар билан боғлиқдир. Масалан, сотувдан олинадиган солиқ (сотув солиғи), акцизлар, қўшилган қиймат солиғи ва ҳ.к. Бу солиқлар баҳо ёки тарифга устама (қўшимча) тарзида (қуринишида) ўрнатилиб, солиқ тўловчиларнинг даромадлари билан белгиланадиган (аниқланадиган) тўғри (бевосита) солиқлардан фарқ қилади. Эгри (билвосита) солиққа тортишда товарни ишлаб чиқарувчи ёки хизматни

кўрсатувчи уларни таркибида устама (қўшимча) бўлган баҳода (тарифда) сотади ва тушумдан маълум бир солиқ суммасини давлат ихтиёрига ўтказади. Шундай қилиб амалда у солиқлар йиғувчи, сотиб олувчи эса эгри (билвосита) солиқни тўловчи бўлиб ҳисобланади. Эгри (билвосита) солиқлар акцизлар (жумладан, универсал акциз ёки оборот солиғи), фискал (давлат) пошлиналари ва бож пошлиналари, сотувдан олинadиган солиқ (сотув солиғи) ва қўшилган қиймат солиғи шаклларида амал қилади.

Ю

ЮРИДИК ШАХС - ҳужалик юритишда, мулкчиликда ва оператив бошқаришда алоҳида мулкка эга бўлган, бу мулк бўйича ўз мажбуриятларига жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни сотиб оладиган ва амалга оширадиган, мажбуриятларга эга бўлган, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин бўлган ташкилот. Юридик шахслар ўзларининг мустақил баланс-ларига ёки сметаларига эга бўлмоқлари лозим. Улар ўз номларидан фуқаролик ҳуқуқи ва мажбуриятларининг мустақил субъекти сифатида майдонга чиқиши мумкин. Юридик шахслар ўзларининг бажарилмаган мажбуриятлари юзасидан моддий жавобгардирлар.

ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР - қўшилган қиймат солиғи, корхона ва ташкилотларнинг даромади (фойдаси)дан олинadиган солиқ, акцизлар, йўл фондларини шакллантириш учун манба сифатида фойдаланиладиган солиқлар, корхона мол-мулки солиғи, ер учун тўловлар, реклама солиғи, биржада амалга оширилган битимлардан олинadиган йиғим, маҳаллий аукцион ва лотереяларни ўтказиш ҳуқуқи учун лицензия йиғими, бошқа солиқ, йиғим ва мажбурий тўловлардан иборат.

Я

ЯШИРИН СОЛИҚ - истеъмолчи томонидан бевосита тўланмайдиган, лекин унга мўлжалланган товарнинг

баҳоси таркибига уни огоҳлангирмасдан, унга хабар бермасдан, унга билдирмасдан киритилган солиқ. Масалан, бож поштинаси.

Қ

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ - сотилган (реализация қилинган) товарлар, ишлар ва хизматлар қиймати билан ишлаб чиқариш ва муомала харажатларининг таркибига киритилган моддий харажатларнинг қиймати ўртасидаги фарқ.

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ - ишлаб чиқариш ва муомала жараёнларининг барча босқичларида яратилган қўшилган қиймат бир қисмининг бюджетга олиш шакли. Товарлар ва хизматлардан олинадиган эгри (билвосита) солиқларнинг таркибига киради. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация ва импорт қилиш обороти қўшилган қиймат солиғи солинадиган объект ҳисобланади. Реализация бўйича солиқ солинадиган оборот реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати асосида, қўлланиладиган нархлар ва тарифларни инобатга олган ҳолда, акциз солиғини ҳисобга олиб уларга қўшилган қиймат солиғини киритмасдан белгиланади. Қўшилган қиймат солиғи истеъмолга солинадиган эгри (билвосита) солиқ ҳисобланади. Бу солиқни туловчилар қаторига мулкчилик шакли ва қимга тегишли эканлигидан қатъийназар ишлаб чиқариш ва тижорий фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар (хорижий инвестицияли корхоналар ҳам) киради.

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР - амалдаги қонунчиликка асосан белгиланган бўлиб, унга қўра бу солиққа тортилмайдиган оборотлар рўйхати ва солиққа тортишдан озод қилинган маҳсулотлар (товарлар), ишлар ва хизматлар рўйхати аниқланган. Масалан, қуйидагилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади: суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш операциялари; ссуда бериш ва ўтказиш; пул омонатлари, жорий ҳисоб варақлари, туловлар, ўтказмалар, чеклар ва бошқа қимматбаҳо қоғозларга алоқадор операциялар; қийматли қоғозлар

муомаласига дахлдор операциялар (уларни тайёрлаш ва сақлаш операциялари бунга кирмайди); болаларни мактаб-гача тарбия муассасаларида тарбиялашга, беморлар ва қарияларни парвариш қилишга доир хизматлар; ўзи етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини реализация қилиш; почта маркалари (коллекция қилинадиганларидан ташқари), маркали открыткалар ва конвертлар сотиш; алоқа ташкилотларининг пенсия ва нафақалар тўлаш бўйича хизматлари; шаҳар йўловчилар транспортининг хизматлари (такси, шу жумладан, йўналишли таксидан ташқари), шунингдек, умумий фойдаланишдаги темир йўл ва автомобиль транспортда шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташиш хизматлари; аҳолига кўрсатиладиган уй-жой, коммунал ва уй-жойдан фойдаланиш хизматлари; хусусийлаштирилаётган давлат мулкнинг қиймати; давлат тилини ва давлат тилида иш юритишни ўргатиш хизматлари ва бошқалар.

КИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР - уларни (акциялар, облигациялар, векселлар ва ҳ.к.) тақдим этиш асосида амалга ошириш мумкин бўлган мулк хуқуқини тасдиқловчи ҳужжат. Одатда, қимматбаҳо қоғозларни сотиш ва сотиб олиш фонд биржасида содир бўлади (юз беради).

Х

ҲУЖЖАТНИ ТЕКШИРИШ - солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш билан боғлиқ бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг пул ҳужжатлари, бухгалтерия китоблари, ҳисоботлари, режалари, сметалари, декларациялари ва бошқа ҳужжатларини давлат солиқ органлари томонидан текшириш ҳуқуқи; қонунда белгиланган тартибда текширув жараёнида вужудга келган саволлар бўйича маълумотлар (тижорат сирлари бўлмаган), маълумотномалар ва тушунтиришлар олиш.

ҲИСОБЛАНИЛМАГАН СОЛИҚЛАР СУММАСИ - назоратни амалга оширишда объектив ва субъектив характердаги қуп омилларга боғлиқдир: а) солиқ инспек-

цияси ходимларининг малакасига; б) солиқ қонунчилигини солиқ тўловчиларга тушунтириш ишларининг олиб борилиш даражасига; в) корхоналарнинг қонунга итоаткорлигига ва ҳ.к. Бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда энг муҳим омил бўлиб, солиққа тортиш базаси (ас

оси)нинг ўлчами ёки бюджетга бориб тушган солиқларнинг ҳажми ҳисобланади. Солиққа тортиш базаси (асоси) қанча катта бўлса, назоратни амалга ошириш жараёнида солиқларни қўшимча ҳисоблаш ва солиқ тўловчиларга молиявий жазо-ларни бериш имконияти шунча кўп бўлади.

ХУДУДИЙЛИК - давлатнинг солиқ юрисдикциясини аниқловчи мезонлардан бири. Даромад манбаининг миллийлигига асосланган ҳолда шу мамлакатда солиққа тортиш унинг ҳудудида олинган даромадларнинг барчасига тегишли эканлигини белгилаб беради. Хорижда олинган ҳар қандай даромадлар бу мамлакатдаги барча солиқлардан озоддир.

ХУЖЖАТЛИ ТЕКШИРУВ АКТИ - солиқлар ва бошқа бюджетга тўловлар тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишини хужжатли текширув натижасида аниқланган камчиликлар, давлат солиқ инспекциялари мансабдор шахслари талабларининг бажарилмаганлиги фактлари ва аниқланган хатоликларга (камчиликларга) барҳам бериш тўғрисидаги кўрсатмалар ҳам тегишли сумманинг бюджетга ўтказиш тўғрисидаги топшириқ акс этадиган расмий хужжат.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000 йил. - 8 том, 528-бет.
2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т., «Ўзбекистон», 1999 йил. 7 том, 410-бет.
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1998 йил. 6 том, 429-бет.
4. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т., «Ўзбекистон», 1997 йил. 5 том, 384-бет.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1996 йил. 4 том, 349-бет.
6. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., «Ўзбекистон», 1996 йил. 3 том, 366-бет.
7. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т., «Ўзбекистон», 1996 йил. - 2 том, 380-бет.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1996 йил. 1 том, 364-бет.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998 йил. - 380-бет.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997 йил. 326-бет.
11. Абдуллаев Ё.А., Яхёев Қ.А. Солик: 100 савол ва жавоб. Т., «Меҳнат», 1997.
12. Банковская система Узбекистана в годы независимости. /Под ред. председателя Центрального банка РУз. Ф.М.Мулладжанова./ Т., «Ўзбекистон», 1996.
13. Волков А.М. Швеция: социально-экономическая модель. - М., Мысль, 1991.
14. Ван Хорн Дж. К. Основы управления финансами. М., Финансы и статистика, 1996.
15. Все налоги России. М., Экономика и финансы, 1996.
16. Все налоги, сборы и платежи Москвы. М., Экономика и финансы, 1996.
17. Все сборы, налоги и платежи на таможне. М., Экономика и финансы, 1996.
18. Ван Хорн Дж. К. Основы управления финансами. Пер. с

- англ. / Гл. ред. серии Я.В.Соколов./ М. « Финансы и статистика», 1997.
19. Грейсон Д. младший, О.Делл К. Американский менеджмент на пороге XXI века. М., Экономика, 1991.
 20. Гончаренко Л. И. Ценные бумаги: Учет и налогообложение. Издание 2-е. М., АО «ДИС», 1994.
 21. Гайдар Е.Т. Дни поражений и побед. М., Вагриус, 1996.
 22. Галанина Е.Н. Бухгалтеру о налогах. М., Финансы и статистика, 1996.
 23. Гатаулин Ш.К. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. Т., Государственный налоговый комитет, 1996.
 24. Гадов Э.Ф., Мурадов А.М., Югай Л.П. Налоги в Республике Узбекистан в 1997 г. Методическое пособие. 2-е изд., доп. и перераб. Т., Мир экономики и права, 1997.
 25. Джордж Сорос: Алхимия финансов. М., Инфра - М, 1997.
 26. Дадашев А.З., Черник Д.Г. Финансовая система России. - М., Инфра-М, 1997.
 27. Дернберг Р.Л. Международное налогообложение. - Москва: ЮНИТИ, Budapest: COLPI 1997.
 28. Дернберг Р.Л.Международное налогообложение: Краткий курс. Перевод с англ. М., «ЮНИТИ» 1997.
 29. Джай К. Шим, Джойл Г. Сигел. Основы коммерческого бюджетирования. Пер. с англ. . СПб. Пергамент, 1998.
 30. Земельный налог: Сборник законодательных и нормативных актов, официальных разъяснений по их применению. Кн.2. Т., Мир экономики и права, 1998.
 31. Иностраннные инвестиции в Российскую экономику. Проблемы, перспективы /Под общ.ред. Веселовского С.Я./ М., Международный центр финансово-экономического развития, 1996.
 32. Ирвин Дэвид. Финансовый контроль. Пер. с англ./Под ред. И.И.Елисеевой./ М., Финансы и статистика, 1998.
 33. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. М., Прогресс, 1978.
 34. Корнай Я. Дефицит. М., Наука, 1990.
 35. Какой быть реформе в России? /Под.ред. В.Н.Фролова/ Екатеринбург. Ассоциация «Налоги России», 1993.
 36. Князев В.Г. Налоги в странах-членах ЕЭС Финансы,1993. №5.
 37. Козырин А.Н. Правовое регулирование налогообложения в зарубежных странах Финансы. 1994. №5.

38. Коровкин В.В., Кузнецова Г.В. Налоговая проверка предприятия. М., «Приор», 1995.
39. Коровкин В.В., Кузнецова Г.В. Подготовка к налоговой проверке. М., «Приор», 1995.
40. Количина Н.В. Финансы предприятий. М., Финансы, ЮНИТИ, 1998.
41. Мещерякова О. Налоговые системы развитых стран мира. Справочник. М., Фонд «Правовая культура», 1995.
42. Макарьева В.И. Малые предприятия. Налоги, учет и отчетность. М., Международный центр финансово-экономического развития, 1996.
43. Маликов Т.С. Солиқ ва имтиёз диалектикаси. (1-мақола). «Иқтисод ва ҳисобот» №7, 1997 й.
44. Маликов Т.С. Солиқ ва имтиёз диалектикаси. (2-мақола). «Иқтисод ва ҳисобот» №12, 1997 й.
45. Маликов Т.С. Йўқ! Айб солиқларда эмас.«Халқ сўзи». 24 декабрь 1995 й.
46. Маликов Т.С. Сих ҳам куймасин, кабоб ҳам. «Мулкдор». 25 апрель.
47. Маликов Т.С. Солиқ тизимининг талабларини тўғри идрок этаяпмизми? «Бозор, пул ва кредит» №3, 1997 й.
48. Маликов Т.С. Солиқ ва имтиёз: диалектик боғлиқлик нимадан иборат? «Жамият ва бошқарув» №1-2, 1997 й.
49. Маликов Т.С. Солиқ тизими: вазиятга бир назар. «Жамият ва бошқарув» №2, 2000 й.
50. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х. Солиқларнинг тури кўпми? «Жамият ва бошқарув» №1, 2001 й.
51. Медведев А.Н. Как планировать налоговые платежи. Практическое руководство для предпринимателей. М., Инфра - М, 1996.
52. Мартинез-Вагез Хорхе, Макнаб Роберт. Налоговые системы стран, осуществляющих переход от плановой экономики к рынку. Атланта. Университет штата Джорджия, март 1997.
53. Мордухович А.Г., Неверкевич В.В. Практика экономного налогообложения : 200 вопросов и ответов. М., Книжный мир. 1998.
54. Налоги в механизме хозяйствования. М., Наука, 1991.
55. Налоги России 1992-1993. М., Дело и право, 1992.
56. Налоговая система во Франции. 2-е изд. Российско-французская серия «Информационные и учебные материалы». 1993. №2.

57. Налоговый портфель. М., Сомитэк, 1993.
58. Новые налоги России. М., Уч.-информ. центр при Гос. налоговой инспекции по г. Москве, 1993.
59. Налоговая система во Франции. М., Посольство Франции в Москве, 1993.
60. Налоговый портфель: Основы налоговой системы. Налогообложение юридических лиц. Налогообложение финансовой и инвестиционной деятельности. Налогообложение физических лиц. М., Соминтэк, 1993.
61. Налоги в России. Федеральные налоги. Косвенные налоги. Платежи за пользование природными ресурсами. Налоги и отчисления во внебюджетные фонды. Сборник нормативных документов. М., Юрид. лит., 1994.
62. Налоги в России. Федеральные налоги. Подоходный налог с физических лиц. Государственная пошлина. Налог с имущества, переходящего в порядке наследования или дарения. Сборник нормативных документов. М., Юридическая литература, 1994.
63. Налоги в России. Федеральные налоги. Налог на прибыль предприятий и организаций. Сборник нормативных документов. М., Юридическая литература, 1994.
64. Налоги в России. Федеральные налоги. Таможенная пошлина и другие налоги по внешнеэкономической деятельности. Часть 1. Общие вопросы таможенного режима, таможенного оформления и перемещения отдельных видов товаров через таможенную границу Российской Федерации. Сборник нормативных документов. М., Юридическая литература, 1995.
65. Настольная книга финансиста /Под ред. В.Г.Панскова/ М., Международный центр финансово-экономического развития, 1995.
66. Научные труды Международного союза экономистов и Вольного экономического общества России. Т.2. М. Спб., 1995.
67. Налоги в России. Региональные и местные налоги и сборы: Сборник нормативных документов. М., Юридическая литература., 1995.
68. Научные труды международного союза экономического общества России. т.3, 1996.
69. Новое о малых предприятиях России. М., Экономика и финансы, 1996.
70. Налоговый кодекс Российской Федерации. Общая часть

- Проект. Комментарий С.Д.Шаталова М., Международный центр финансово-экономического развития, 1996.
71. Налоговый кодекс Российской Федерации. Ч. II-IV. Проект. М., Министерство финансов РФ, 1996.
 72. Налоги. /Под ред. Д.Г.Черника/ 3-е изд. М., Финансы и статистика, 1997.
 73. Налоговые системы зарубежных стран. 2-е изд. М., Закон и право, ЮНИТИ, 1997.
 74. Напшева М.М. Исчисление НДС в 1998 году. Ответы на вопросы налогоплательщиков. М., Главбух, 1998.
 75. Налоги и налогообложение в вопросах и ответах: Часть 1. - Т., Республиканский информационно-консультативный центр Государственного налогового комитета Республики Узбекистан., 1998.
 76. Налоги и налоговое право: Учебное пособие / Под ред. А.В.Брызгалина/. М., «Аналитика-Пресс», 1999.
 77. Озеров И. Основы финансовой науки. Типография Т-ва И.Д. Сытина. М., 1908.
 78. Осадчая И.М. Современное кейнсианство. М., Мысль, 1971.
 79. Основы налогового права /Под ред. С.Г. Пепеляева/ М., Инвест фонд, 1995.
 80. Огородов Д. Г. Налоговые ошибки. Практическое пособие для руководителей, бухгалтеров, юристов предприятий и организаций. Ярославль, « Кондор - пресс» , 1995.
 81. Павлова Л.П. Местные бюджеты капиталистических государств. М., Финансы, 1972.
 82. Петти В., Смит А., Рикардо Д. Антология экономической классики. М., Эконом-ключ, 1993.
 83. Петти В. Трактат о налогах. М., Эконом-ключ, 1995.
 84. Первозванский. Финансовый рынок. Расчет и риск. Москва, Инфра - М, 1994.
 85. Пепеляев С.Г. Законы о налогах: элементы структуры. М., СВЕА, 1995.
 86. Попонова Н.А. Финансово-экономический анализ отчетности предприятий в развитых странах. Финансы. 1995. № 6.
 87. Пушкарева В. М. История финансовой мысли и политики налогов. М., Инфра-М, 1996.
 88. Поукок М.А., Тейлор А.Х. Финансовое планирование и контроль. Пер. с англ / Под ред. М.А.Поукока и А.Х.Тейлора/ М., Инфра - М, 1996.

89. Петрова Г.В. Применение права в налоговых спорах М., Фирма «Алкиной Лимитед», 1996.
90. Починок А. Реформы в России: Налоги которые мы выбираем. Год планеты. Политика. Экономика. Бизнес. Банки. Образование. М., Республика, 1997. С.63-69.
91. Поляк Г.Б. Финансовое обеспечение социальной сферы. - М., Финансы и статистика, 1998.
92. Полонский Ю.Д. Единый налог на временный доход. Порядок расчета налога. 2-е изд., перераб и доп. М., «Ось-89», 1999.
93. Рябова Р.И. Налогообложение банков и банковской деятельности. (пособие для специалистов банков, аудиторов, и налоговых инспекторов). М., АО Бизнес-школа «Интел-Синтез», 1995.
94. Родионова В.М. Финансовая устойчивость предприятия в условиях инфляции. М., 1995.
95. Реформы глазами американских и российских ученых /Под общ. ред. академика О.Т.Богомолова/ М., «Российский экономический журнал», фонд «За экономическую грамотность». 1996.
96. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. М., Соцэкгиз, 1935.
97. Самуэльсон П. Экономика. М., МГН «Алгон» ВНИИСИ, 1996.
98. Самсонов Н.Ф., Баранников Н.П., Строкова И.И. Финансы на макроуровне : Учебное пособие для вузов. М., Высшая школа, 1998.
99. Сутырин С.Ф., Погорлекций А.И. Налоги и налоговое планирование в мировой экономике /Под ред. Сутырина С.Ф./ СПб: Полиус, 1998.
100. Сборник инструкций по налоговому кодексу Республики Узбекистан.: Часть II. Т., Республиканский информационно-консультативный центр Государственного налогового комитета Республики Узбекистан, 1998.
101. Соколова О.В. Финансы, деньги, кредит: Учебник. М., Юристь, 2000.
102. Тургенев Н. Опыт налогов. Санкт-Петербург, 1818.
103. Тимофеева О.Ф. Налоговая система России: настоящее и будущее. Налоговый кодекс. М., 1996.
104. Тулаходжаева М.М. Система финансового контроля в Республике Узбекистан. Т., Мир экономики и права, 1998.

105. Упрощенная система налогообложения малого предпринимательства. М., Уч.-инф. центр при Гос. налоговой инспекции по г. Москве, 1996.
105. Федоров Б.Г. Современные валютно-кредитные рынки. - М., Финансы и статистика, 1989.
106. Финансы. /Под ред. В.М.Родионовой./ М., Финансы и статистика, 1992.
107. Финансовые ресурсы местных органов власти во Франции. М., посольство Франции в Москве, 1993.
108. Финансовые аспекты рыночной экономики. М., Финансы и статистика, 1994.
109. Финансы. /Под ред В.М.Родионовой./ М., «Финансы и статистика», 1995.
110. Финансовое управление компаний. Под общей редакцией Е.В. Кузнецовой. Москва, « Правовая культура», 1995.
111. Финансы. /Под ред. А.М.Ковалевой./ М., Финансы и статистика, 1996.
112. Фридмен Н. Количественная теория денег. М., Эльф пресс, 1996.
113. Финансы. Под ред. А.М.Ковалевой. М., «Финансы и статистика», 1997.
114. Финансовая политика, налоги и налогообложение. Справочное пособие/ Ред. совет: Беганов В.С., Куралов М.Я., Шаулов Д.И., Кан У.Т./ Т., Мир экономики и права, 1998.
115. Харрис Л. Денежная теория. - М.: Прогресс, 1990.
116. Хаузер Х.Г. Система финансового выравнивания между федерацией и землями в Германии. Финансы. 1995. № 5.
117. Хиви Джером. Финансы местных органов власти в США. Финансы. 1995. №10.
118. Ценообразование на финансовом рынке: Учебное пособие / Под ред. засл. деят. науки РФ, д-ра экон. наук, проф. В.Е. Есипова/ СПб, Изд-во СПбГУЭФ, 1998.
119. Черник Д.Г. Крупный город: территориальный хозрасчет. М., Знание, 1990.
120. Черник Д.Г. Бюджеты городов развитых зарубежных стран. М., Знание, 1991.
121. Черник Д.Г., Дадашев А.З. Финансы крупного города в условиях перехода к рыночным отношениям. М., ГАУ им. С.Орджоникидзе, 1993.
122. Черник Д., Черник И. Самоуправление и финансы города:

- исторический аспект. М., Мосгорархив, 1993.
123. Черник Д.Г. Магический четырехугольник (свобода цен и налоги). Бизнес и учет в России. 1994. №1.
 124. Что и как проверяет налоговая инспекция: 3-е изд. доп. М., Инфра-М, 1995.
 124. Черник Д.Г. Налоги в рыночной экономике. М., Финансы, ЮНИТИ, 1997.
 126. Штрафы, пени, недоимки. Справочник. М., Инфра-М, 1995.
 127. Шохин С.О., Воронина Л.И. Бюджетно-финансовый контроль и аудит. Теория и практика применения в России. Научно-методическое пособие. М., Финансы и статистика, 1997.
 128. Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С. Финансы предприятий. М., Инфра-М, 1998.
 129. Эрхард Л. Благополучие для всех. М., Начала-Пресс, 1991.
 130. Эриашвили Н.Д. Налоговые системы зарубежных стран: Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Г.Князева, проф. Д.Г.Черника. 2-е изд., перераб. и доп./ М., Закон и право, ЮНИТИ, 1997.
 131. Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Т., Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.
 132. Яхёев Қ.А. Ўзбекистонда солиқ тизими. Т., «Меҳнат», 1988.
 133. Яхёев Қ.А. Ўзбекистон солиқлари. Т., 1993.
 134. Яхёев Қ.А. Ўзбекистоннинг солиқли ва солиқсиз туловлари. Т.: 1994.
 135. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Т., «Ўзбекистон», 1998.
 136. Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ хизмати тўғрисидаги қонуни. «Халқ сўзи» газетаси. 1997 йил 29 август сони.
 137. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида» ги қонуни. «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил, декабр.
 138. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида» ги қарори. «Солиқ тўловчилар журнали», 2000 йил, 6-сон.

М у н д а р и ж а

Муқаддима.....	4
1-боб. Солиқлар, солиқ тизими ва солиқ сиёсати: вазиятга бир назар.....	8
2-боб. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб наза- рий ҳамда амалий масалалари.....	43
2.1. Солиққа тортиш назариясининг энг долзарб муаммоси.....	43
2.2. Солиқ тизимининг асосий тамойиллари.....	47
2.3. Солиқлар - иқтисодиётни тартибга солиш инструменти сифатида.....	53
2.4. Солиқлар ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалалари.....	62
3-боб. Солиқ ва имтиёз диалектикаси.....	66
3.1. Солиқ ва имтиёз диалектикаси: биринчи йўналиш.....	66
3.2. Солиқ ва имтиёз диалектикаси: иккинчи йўналиш.....	80
4-боб. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов солиқлар, солиқ тизими ва солиқ сиёса- ти ҳақида.....	90
4.1. Солиқлар ҳақида	91
4.2. Солиқ тизими туғрисида	97
4.3. Солиқ сиёсати хусусида	107
5-боб. Солиқ тизимининг замонавий концепциялари.....	115
Хулоса.....	122
Солиқ атама ва ибораларининг изоҳди луғати.....	124
Адабиётлар.....	195

Тоҳир Маликов

Солиқлар ва солиққа
тортишнинг долзарб
масалалари

“Академия” нашриёти
Тошкент - 2002

Мухаррир Т.Соатова

Рассом Р.Султонов

Техник мухаррир Л.Фахрутдинова,

Мусахҳиҳ Г.Абдуллаева

Компьютерчилар Л.Фахрутдинова, Д.Усмонова,

Д.Эгамбердиева

Нашр учун масъуллар Б.Шарипов, Д.Қобулова

Теришга берилди 10.08.2001 й. Босишга рухсат этилди
5.09.2001 й. Бичими 84x108 1/32. Офсет босма. Шартли босма
табоғи 13.0 Нашриёт ҳисоб табоғи 10,2 Адади 3000. Баҳоси
шартнома асосида. Буюртма №2763

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик
компаниясининг босмаҳонаси.
700083, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

*“Академия” нашриёти қуйидаги
китобларни чоп этди.*

1. Жамоа. Раҳбар ва ходим. Тўпلامда раҳбар ва ходим ўртасидаги муносабатлар, раҳбар ва ходимнинг жамоадаги ўрни ва масъулияти хусусида фикр юритилган.

2. Жамоа. Огоҳ бўлайлик. Тўпلامда диний экстремизм ва фундаментализм, ақидапарастлик, ваҳхобийлик ҳақида маълумотлар берилган.

3. И.Эргашев. Тараққиёт фалсафаси. Унда мустақиллик, фалсафа ва жамият мафкураси, демократия ва эркинлик, баркамол шахс ғоялари, мустақилликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва маънавият, Ўзбекистон ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган.

4. Умидим ёшлар. Ушбу мўъжаз китобчадан мамлакат Президенти Ислам Каримовнинг келажак авлод ҳақида фикрлари жой олган.

5. Аҳмад Алиев. Маънавият, қадрият ва бадиият. Таниқли адабиётшунос олим А.Алиевнинг ушбу китобида истиқлол ва эрк куйчилари-курашчилари - Қодирий, Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Элбек, Ғози Юнус, Боту каби тараққийпарвар сиймолар ижодий фаолияти таҳлил этилган.

6. Р.Жумаев, У.Убайдуллаев, Б.Хўжанов. Конфликтология асослари. Рисола ҳозирги кунда долзарб аҳамиятга моликмасалага бағишланган. Унда конфликтология масалалари тадқиқ этилган.

7. А.Сагдуллаев, Б.Аминов, Ү.Мавлонов, Н.Норкулов. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. 1-жилд. Ўзбек халқининг давлатчилик тарихи, жамият тараққиёти масалалари таҳлил этилган бу китоб дарслик-қўлланма вазифасини утайди.

8. И.Гольдцигер. Ислом ҳақида маърузалар. Жаҳон динларидан бўлган ислом пайдо бўлганидан буён жаҳон миқёсида катта қизиқиш уйғотиб келмоқда. Фақат мусулмон оламидагина эмас, балки дунёнинг бошқа ўлкаларида ҳам ислом тўғрисида кўпгина тадқиқотлар яратилган. Будапешт университетининг профессори И.Гольдцигернинг 1912 йили чоп этилган ушбу китобида ислом динининг ўзига хос жиҳатлари, турли мазҳаблар тўғрисида фикр юритилган.

9. Н.Ҳайдаров. Молия. Ушбу қўлланмада молиянинг назарий масалалари, уни ривожлантиришнинг бош йўналишлари, молия тизимининг соҳалари, бўғинлари ва уларнинг кенгайтирилган ишлаб чиқаришдаги роли, молиявий сиёсат, молияни бошқариш, молиявий назорат, молия бозори каби назарий масалалар тадқиқ этилган.

10. Н.Абдуазизова. Туркистон матбуоти тарихи. Мазкур китобда миллий матбуотнинг пайдо бўлиши, газета ва журналларни чоп этишдаги ўзига хос қийинчиликлар, муаммолар хусусида фикр-мулоҳазалар баён этилган. Китобга манбалар, илмий изланишлар ҳам илова қилинган.

11. Муҳаммад Юсуф. Нурли келажак авлоди. Ушбу китоб ёш авлодга Ўзбекистон Конституциясини моддалари, жумладан давлат рамзларини авлодга шеърӣ сабоқлар ёрдамида ўргатишга хизмат қилади.

12. А.Орипов. Бир қарасам. Шеърлар тўплами. Элимизнинг ардоқли ва истеъдодли шоирининг энг кейинги даврда ёзган янги шеърлари ушбу тўпламдан жой олган.

13. Президент Ислом Каримов асарлари библиографияси. И.А.Каримов асарлари ўзбек миллий фанни барча соҳаларини ривожлантиришда энг муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади.

14. А.Азизхўжаев. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. Тўпламдан жой олган мақолалар китобхонларни мустақилликнинг қувончу ташвишлари, қийинчиликлари билан яна бир бор хабардор этади, уларни мустақилликни мустаҳкамлаш учун айрим ғаразли унсурлардан доимо огоҳ бўлишга, фикран уйғоқ, эл-юрт, мамлакат истиқболи учун фидойи бўлишга даъват этади.

15. Жамоа. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи (фанига схемали ўқув-методик қўлланма. Ушбу схемали ўқув-методик қўлланмани Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишга қаратилган муҳим во-сита деб ҳисоблаш мумкин.

16. А.Азизхўжаев, О.Хусанов, Х.Азизов. Конституциявий ҳуқуқ (изоҳли луғат). Ушбу изоҳли луғатда Конституция, конституциявий ҳуқуқ ва конституциявий ҳуқуқ фанида учрайдиган атамаларга изоҳ берилган. Мазкур изоҳли луғат Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишида кўйилган вазифа - Конституциянинг мазмун-моҳияти, ахамиятини чуқур ўрганишга ёрдам беради.

17. Тўплам. Тарих, мустақиллик, миллий ғоя. (Республика илмий-назарий анжумани материаллари) Мазкур тўпламга тадқиқотчи олимларнинг янги илмий-назарий таълимотлар асосида ёритилган маъруза матнлари киритилди. Улар мустақил Ўзбекистон тарихи, миллий истиқлол ғояси, Ўзбек давлатчилиги тарихи, Ўзбек халқи этногенези масалалари, Ўзбекистон тарихини даврлаштириш, манбашунослик ва тарихшунослик, шунингдек, умумтаълим ва олий таълим ўқув юрғларида Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва янги дарсликлар яратишнинг ўқув-услубий муаммоларини ўрганишга қаратилган.

